

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

**БУРГУТ ТОҒДА
УЛГАЯДИ**

Саргузашт-детектив роман

Олтинчи китоб

ТОШКЕНТ — 2020

Исмоилов, Нуридин.

Бургут тогда улгаяди: Саргузашт-детектив роман: / Нуридин Исмоилов. — Т.: 2020.

6-китоб. — 288 б.

ISBN ...

© Н.Исмоилов. «Бургут тогда улгаяди». 2020.

Фирдавснинг кўз олди бир зумга қоронгилашди. У қарахтланди ва оҳиста стулга ўтириди.

— Нега? — деди сўнгра жуда паст овозда.

— Билмаймиз! Масжиддан чиқаётганида пичоқлашибди. Кўпчиликнинг кўз ўнгида. Пичоқлабди-ю, қочибди. Бирор ушлаб қололмабди. Нарироқда машина ҳам кутиб турган экан. Рақамсиз машина...

Фирдавс унинг сўзларини охиригача эшитмади. Кўчага қараб югорди.

Унинг худди шу тахлитда чиқишини олдиндан билган Абдували «Жигули»нинг моторини ўт олдириб, кетишга шай қилиб қўйган эди. Фирдавс келиб ўтириши билан газни босди...

«Ўзларинг мажбур қилдинглар. Мен сира истамагандим. Аммо ҳамма томондан йўлбарсадай ташланишимни, ҳаммангни тилка-пора қилиб ташлашимни хоҳладинглар, мен худди айтганларингдай қиласман!.. Ҳатто чумчукдай овоз чиқаролмай қоласизлар, шу замонга бевакът келиб қолганларингдан афсусланасизлар!» дея кўнглидан ўтказди Фирдавс. Шунда машинада рация борлиги маълум бўлиб қолди. Уни Абдували ёқди. Кулогига тутди. Рациядан тара-лаётган овоз баланд эди. Шу боис Фирдавс ҳам эшитди.

— Келманглар! Милиция ва яна саккизта фуқаро кийимидағи одам кутиб турибди. Махсус жойнинг одамлари. Келишларинг билан Фирдавсни босиб олиб кетишади. До-стондан хавотир олманглар, шифокорлар... — деди Абдулатиф. Шундан сўнг алоқа асбоби ўчиб қолди.

Абдували машинани бир четга тўхтатди-да, ўтирилиб орқа ўриндиқда ўтирган Фирдавсга савол назари билан юзланди.

— Олдин вокзалга, кейин Олой бозорига, ундан сўнг «Намуна» чойхонасига, — деди Фирдавас.

— Фақат иккаламиз борамизми? Болаларга ҳам хабар берайлик?!

— Сиз фақат ҳайдовчилик қиласиз. Умуман ҳеч нарсага аралашмайсиз. Машинадан тушмайсиз. Тушсангиз, хафа бўламан. Келишдикми?

— Лекин...

— Лекин-пекинга ўрин йўқ! Ҳеч нарсага қўшилмайсиз! Агар мени чўзиб ташласа ҳам ўтирган жойингиздан қимирламайсиз! Тамом!..

— Хўп, — деди Абдулатиф.

Анча вақтдан бери вокзалда Арслоннинг одамлари «сайру саёҳат» қилишарди. Ва гарчи Арслон узоқ муддат инидан чиқмаган, бирорга бирор нима буюрмаган эса-да, унинг одамлари эски «касб»ларини давом эттиришмоқда эди. Улар, асосан, Андижон — Тошкент, Китоб — Тошкент поездларини кутишарди. Ана шу поездларда содда қишлоқ одамлари келишарди. Табиийки, ҳаммасининг чўнтағида пули бор. Йўқ деганда юз сўм. У ҳам студентларда. Бошқаларда уч юз-тўрт юз сўм бўлади. Ҳар поезд келиб тўхтаганида уч-тўртта бечоранинг шўрини қуритишади... Йўлтўсарлар жа номард эмас, бир-икки сўм қолдиришади. Токи содда, гўл бирорта танишиникигами ёки яшаш жойигачами етиб олсин.

Бир марта касал одамнинг пулинин тортиб олишди. Йўлланма билан келаётган экан бечора. Кардиология шифохонасида. Юрагини операция қилдириши керак экан. Бор-будини сотган экан. Пулларини рўмолчага ўраб белига боғлаб олган экан. Вагондан тушиши билан Баханинг йигитларидан бири уни кўриб қолди. Эгнида эски костюм-шим, бошида униқсан дўппи, белида белбоғ. Ёнида ўзига ўхшаган яна бир одам бор. Ёнидаги уни авайлаб, суяб юрибди... Шу вақтда унга Баханинг йигити туртиниб ўтди. Ана шунда касал бир ингради. Сал энгашди. Йўлтўсар изига қайтди:

— Кўз борми?! — деди башарасини буриштириб.

— Ке... кечирасан, ука, — деди лаблари қуришган бемор.

— Кечиримингни пишириб е! Адам сани танимайди-ю, ука дейишингга бало борми?! Ит!..

Бемор бир нима деб гапириш учун оғзини жуфтлади. Аммо йўлтўсар, ҳе йўқ-бе йўқ унинг башарасига мушт тушириб юборди. Кейин унинг суюнчигини ҳам уриб ағдарди.

Беморнинг белидаги рўмолча ечиб олинди. Бемор зўрга келаётганди. «Амаллаб қасалхонага етиб олсан бўлди, у ёғига дўхтирлар тузатиб юборишади», деб ўйлаганди... Аммо қасалхонага етиб боролмади. Шу вокзал ҳовлиси-нинг ўзида, қариндошининг қўлида жон берди... Бечора йўловчининг ўлими йўлтўсарнинг бир тукини ҳам қимирлатмади. Унинг учун энг муҳими рўмолчадаги пул эди...

Поезд келишига ҳали вакт бор экан. Бирор ярим соатча. Фирдавс вокзални айланаб юрди. Ҳар битта одамни кузатди. Йўлтўсарларни топишга ҳаракат қилди ва топди ҳам. Вокзалнинг шимол томонидаги емакхонадан. Улар ўндан зиёд эди. Столнинг атрофини айлана қилиб ўтириб олишганди. Чекишарди, ичишарди. Мақтанишарди. Ким кимнинг пулини қандай олиб қўйгани, ақчасидан айрилган шўринг қурғур кейин нима аҳволга тушганини завқ билан бири гапирав, сўзловчини бошқалари мароқ билан эшитишарди. Ҳаваслари келарди. «Қани энди мен ҳам эгасига билдирамай чўнтағидагини тинчитиб қўйсам» деб ўйларди. Худди шу маҳал емакхонага Фирдавс кириб келди.

— Эй-й, сизларни қидиравериб тинка-мадорим қуриб кетди. Қанақа кazzоб, муттаҳам, ўгри, зўравон, маразсизларки, бу ерда лақиллаб ўтирибсизлар?! Нариги ёқда қанчадан-қанча одам у ёқдан-бу ёққа ўтиб-қайтиб юрибди. Бунақа маразча ўтиришларингда уларнинг кистасини ким тозалайди?! — деди у нафрат билан.

Ўтирганларнинг ҳаммаси ҳанг манг бўлиб қолишиди. Бир-иккитаси амаллаб тупугини ютди. Кўрқди. Ахир ўзига ишонмаган, орқасида бир тўда шайкаси бўлмаган одам ўзидан-ўзи келиб, буларни ҳақорат қилмайди-да.

— Эй-й, пасткаш, ювиндихўр, ўгри, нима қилиб ўтирибсан яна?! — деб Фирдавс ўзига энг яқин бўлган йўлтўсарнинг башарасига мушт тушириб юборди. Бечора кутилмагандан тушган зарбадан йиқилди-ю, шу заҳоти ҳушидан кетди. Қолганлар дарҳол чўнтакларидан занжир,

пичноқ чиқариб. Фирдавсга ҳамлага ўтишди. Фирдавснинг бутун вужуди қаҳр-газаб билан лиммо-лим, алами бўзгида эди. Ўзини зўрга тутиб турганди. Барча «тўсиқ»ларни очиб юборди. Ва худди чиябўрилардай қўплашиб оддий одамларнинг шўрини қуритиб келганларни уриб ағдариб ташларди. Биттасига битта зарба. Иккинчи марта урмасди. Шунинг билан бирга пичноқ ва занжирга чап бериб кетарди. Унинг тезлиги ва зарбасининг кучини кўрган одам ҳайратдан ёқа ушлайди. «Одам зоти ҳам шунаقا бўладими, одам зотида ҳам шунчалик куч-кувват бўладими?» деб ўйлайди. Кўзларига ишонмайди. Киприк қоқмасдан кузатади... Беш дақиқадан сал мўлроқ вақт ўтди. Йўлтўсарлардан бирортаси ҳам оёғида қолмади. Улар инграшар ва синган, эзилган жойларини маҳкам ушлаб олишганди.

— Агар сен ит эмганлардан бирортангни яна шу яқин атрофда кўрсам, тириклиайн гўрга тиқаман! — деди Фирдавс ва бир бошдан чўнтақларини кавлашга тушди. Беш мингдан зиёд пул йигди. Яна бу зўравонлардан баъзилалининг бўйнида тилла занжирлари бор эди. Ҳаммасини юлиб олди. Ҳатто олифталиқ учун тақсан тилла узукларини ҳам. Кейин кетмоқчи эди. Бироқ берган жазосидан негадир қониқмади. Яна нимадир қилиши керак эди ва ўша қилиши керак бўлган нарсани дарров топди.

— Сенлар қанчадан-қанча одамни шарманда қилгансан, чорасиз қолдиргансан. Қани ўзларинг ҳам бир шу кўйга тушиб кўринглар-чи, — деб қўлига пичноқни олдида, ётганларнинг шимини, калта иштонини ечиб олди. Сўнг ҳаммасини бир пакетга солди-да, емакхонадан чиқиб кетди.

Фирдавснинг қилган ишини ҳеч ким кўрмади деб ўйлайсизми? Йўқ, кўрди. Ўша кўрганлардан тўрттасининг эгнида мундир бор эди. Тинчликни, хавфсизликни таъминлаб беришни билдирувчи мундир. Аммо улар одатига кўра аралашмади. Чунки аралашишса балога қолишади. Ичларида «Боплади», дейишди. «Қандингни ур», дейишди. «Биз тегинишга қўрқар эдик. Булардан эмас, катталаридан. Катталари бизнинг оёқ-қўлимизни, тўғрироғи, катталаримизнинг оёқ-қўлларини, тилларини боғлаб ташлашган. Кимки озгина ортиқча ҳаракат қиласа, шу заҳоти қанот боғлаб

учади. Сенга бирор бир нима демайди. Ҳаммасидан ҳам, ялангоч қилиб ташлаганинг зўр бўлди», дея кўнгилларидан ўтказишиди.

Фирдавс йиритиқ шимларни машинанинг юхонасига ташлаганидан сўнг ундирилган пулларни Абдулатиф ўтирган ўриндиқнинг ёнига кўйди.

— Нима қилдинг? — сўради Абдулатиф ҳайрон бўлиб.

— Ҳеч нима. Ўзлари қилган ишни қилдим, холос, пулларни умумий жамгармага қўшиб кўясиз. Ҳозир эса бозорга ҳайданг. Тезроқ ҳайданг. Юрагимдаги ўт босилмасидан ҳайданг, — деди ва кўйлагининг юқори тугмаларидан иккитасини ечиб кўйди.

Бозорда Арслоннинг йигитларидан бор-йўғи учтасини топди. Уларни-да хуморидан чиққунча калтаклади. Уларни-да кийимларини ечиб олди. Фарқи шундаки, кўйлагини ҳам қолдирмади. Кейин яна йўлда давом этилди. «Намуна» чойхонасида ҳеч ким йўқ экан. Чойхоначидан бошқа.

Фирдавс чой сўради. Чойхоначи қўлини кўксига қўйиб, «Хўп бўлади», деди ва дарров йигитнинг айтганини келтирди. Бир ликопча қанд ва иккита иссиқ нон ҳам қўшиб олиб келди.

— Қанд анқонинг уруғи бўлиб кетгану, сиз бўлсангиз, сўрамасам ҳам олиб келдингиз, — деди Фирдавс ўзини гўлликка солиб.

— Бизга мижоз керак. Қандни энди бир нарса қиласизми. Ҳар қалай, тўрт-бештасини тишимизнинг кавагида сақлаймиз, биродар, — дея жавоб берди чойхоначи юмшоқлик билан.

— Ҳаммага ҳам шундай олиб келасизми?

— Одам ажратадиган одатимиз йўқ. Хизматимизни қиласиз, холос.

Фирдавс бир пиёла чой ичди. «Фалати чой экан, — дея кўнглидан ўтказди, — қандайдир одамни ўзига тортадиган чой. Ичтинг келади. Битта ичсанг, орқасидан яна ичсан. Кейин учинчи пиёла, тўртинчи, бешинчи пиёлани ҳам ичганингни сезмай қоласан. Ва яна иштаҳанг очилади. Қорнинг ўзидан-ўзи очиб кетаверади». Фирдавс ўзи сезмаган ҳолда хаёлга берилиб битта нонни еб кўйди. Чой-

накдаги чой ҳам тугади. Яна ичгиси келди. Бироқ ўзини тийди. Чойхоначи эса келиб чой таклиф қилди. Бу таклифдан Фирдавс шубҳаланди. «Кейинги сафар», деб юзиға фотиҳа тортди-ю, ўрнидан турди. Кейин кетди. Машинага ўтирганидан сўнг яна ўша чойни қумсайверди. Бир хаёл «Абдулатиф ака ортга буринг, яна чойхонага борайлик, бир чойхўрлик қиласайлик», дегиси келди-ю, аммо шаштидан қайтди. Бу пайтда улар озиқ-овқат дўкони ёнидан ўтишаётган эди. Машинани тўхтаттирди. Дўконга югуриб кирди. Бирдан бир яшик минерал сув сотиб олди. Унинг икки шишиасини дўкондан чиқмай ичиб тутатди. Қолганини эса машинада ичишни бошлади.

— Нега бунча ҳаяжондасан? — сўради Абдулатиф ҳайрон бўлиб.

— Қармоққа илиниб қолганга ўхшайман. Чойхоначининг чойига нимадир қўшилган. Одамни чанқатадиган экан.

Абдулатиф мийигида кулди. Илло, у билар эди. Чойнакнинг ичидаги тугунчадаги нарса нима эканлигини фаҳмлаганди. Чунки ўзи бунаقا нарсаларга илгари жуда кўп дуч келган. Баъзан чойхоначиларга ўзи буюртма қиларди...

Фирдавс офисга бориб Миразизни учратди. У дўстининг касалхонага тушиб қолганидан хабардор экан. Ҳатто бориб кўриб келибди. «Аҳволи яхши. Ҳушидан кетганди, ўзига келди. «Фирдавсга айтинглар, ортиқча бир нималар қилиб юрмасин тагин» деди», дея Достоннинг гапларини етказди.

— Мен ортиқча нарсанинг керагидан ортигини бажариб келяпман, — деб Фирдавс стулга ўтирди.

Миразиз бирдан Абдулатифга қаради. У елка қисиб қўлларини икки ёнига ёзди.

— Қанақа ортиқча иш?.. Нима қилдинглар?! Одамни диққат қилмасдан ҳаммасини бир бошидан гапириб беринглар, — деди Миразиз ва қўли қалтираганча чўнтагидан «асаб бости»сини олиб, столнинг устига ташлади. Сўнг ундан бир донасини олди.

Фирдавс дарров гапирмади. Пешонасини силади. Ўрнидан турди. Кейин яна ўтирди. Лабини тишлади. Тоқатсиз-

ланди. Ўзини-ўзи ёмон кўриб кетаверди. У калтаклаганлар, адабини берганларнинг бари шунга лойиқ эди. Илло, улар юқорида айтилганидай қанчадан-қанча инсонларни чорасиз аҳволга солишган, қанчадан-қанчани умидсизлик ботқогига ботирган ва ўлимига ҳам сабабчи бўлишганди. Ҳатто уларни бундан-да баттар аҳволга соганида ҳам Фирдавсни айблаб бўлмасди. Аммо у айблаётганди. Қаҳр билан айблаётганди. Унинг учун ҳаёт баттар зулматлашиб кетгандай эди. Ана шулар унинг гапиришига тўскенилик қилаётганди. Аксига олиб, манави ёши катталар, амакилар бирор нима дейишмайди. Унинг қўнглини кўтаришга уринишмайди.

Охири у гапирди. Қизариб, бўзариб, кўзлари чарақлаб вокзалу бозордаги ишларини, ундан сўнг худди шу нарсани учинчи бор такрорламоқчи бўлганида ҳеч кимни то-полмагани, бунинг ўрнига чойхоначининг галати чойидан ичганини гапирди. Тўхтамай гапирди. Гёёки тўхтаса, нималардир ичидা қолиб кетаётгандай туйилди унга.

— Лидерлик мана шундай бўлади, — деди Фирдавс сўзларини охирига етказганида Ёдгор, — бошқача бўлиши мумкин эмас! Сен индамай юрганингга ҳаммаси ўзларидан кетишаётганди. Босар-тусарини билмай қолишганди. Энди қадамларини ўйлаб босишиди.

— Мен сенинг гапингга тўлиқ қўшиламан. Аммо энди янги пайдо бўлаётган ҳамкорларимизни асранимиз керак. Уларнинг ёнига бирорта бегона одамнинг яқинлашишига йўл қўймаслик лозим. Акс ҳолда, улар шартнома қилишмайди. Ўзларига бошқа шерик қидиришади. Ва ёки, умуман, республикадан чиқиб кетишиади. Эшитишинга қаранганд, қозогистонликлар «Ҳамма шароитларни қилиб берамиз», деб чақиришаётганмиш, — деди Миразиз.

Бир қарашда у хотиржамдай эди. Аммо у даҳшатта тушганди. Бир йўла бирдан ўн киши билан олишиш ва душманларининг ҳаммасини ер тишлатиш унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди. Бунинг учун одам пухта тайёргарликда бўлиши керак. Жисмоний тайёргарлик ва ўша жисмоний тайёргарлик ҳам етмайди агар Худодан берилган иқтидор бўлмаса.

— Кўлдан чиқиб кетмайди, — деди Фирдавс кескин,

йўл қўймаймиз! Соли амаки, ҳозироқ йигитларингизни олинг-да, меҳмонларнинг ёнига боринг. Миразиз амаким айтганидай бирорни ёнларига яқинлаштирунг. Бу биринчи. Иккинчиси, Абдували амаки, сиз қўриқлашни бошланг. Ўзимизга тегишли ҳамма жойни қўриқланг. Учинчи масала, Миразиз амаки, сизга тегишли. Мен қилган ишларнинг ҳуқуқий томонлари билан шуғулланинг. Менга дадамнинг ёнига боролмаганим алам қиляпти. Агар борганимда, агар кўрганимда, ҳолидан хабар олганимда, балки кўчадаги ишларнинг бирортасини ҳам қилмаган бўлардим. Боролмаганимга ким сабабчи? Ўшалар! Мени жондан ортиқ «яҳши» кўрганларидан темир панжара ортига тиқиб қўймоқчи бўлганлар.

— Сен кўнглингни хотиржам қил. Озгина дамингни ол. Қолгани билан ўзимиз шуғулланамиз. Демак, уч соатдан кейин ҳамма шу ерда йигилади, — деб Миразиз ўрнидан турди.

Улар кетишли. Фирдавснинг ўзи қолди. Ёлғиз ўзи қолиб қийналди. «Ҳаддан ошириб юбордим, шекилли, ҳеч бўлмаганда, ечинтирмаслигим керак эди», деб ўйлади-ю, шу заҳоти бу ўйидан қайтди. «Қаттиққўллик зарур. Лекин бекордан бекорга эмас», деб дераза ёнига борди. Кўзи уни қўриқлаш учун Миразиз томонидан қолдирилган иккита йигитга тушди ва деразани тақиллатди. Ҳовлидаги йигитлар бирдан у томонга қарашибди. Фирдавс қўли билан имлаб уларни чақирди ва ўзи бориб бояги жойига ўтиреди. Йигитлар олдинма-кейин хонага кириб келишибди.

— Сизларнинг нима мақсадда турганликларингни биламан. Аммо шарт эмас. Вокзалга бориб кузатинглар. Областлардан келаётганларнинг йўлини бирор тўсяптими, йўқми, шуни аниқлаштиринглар. Кейин келарсизлар, — деди Фирдавс жилмайиб.

— Лекин...

— Илтимос, айтганимни қилинглар. Келишибдик, тўғрими?

Йигитлар ноилож Фирдавснинг айтганини бажариш учун йўлга тушишибди. Аммо уларнинг ичларидан зил кетди. «Ҳар нима бўлганда ҳам, Фирдавснинг ўзи айтса ҳам, ҳеч қаерга қимирламайсизлар. Агар бирортанг сал узоқлаш-

санг, шу заҳоти қаллангни оламан», деган гаплар қулоқлари остида жаранглаб турарди. Аммо катта хўжайин **Фирдавс**. Унинг айтгани-айтган, дегани-деган. Унинг қаҳри Миразизнидан бир неча марта ёмонроқ бўлиши мумкин.

Фирдавс ярим соатча ёлғиз ўтириди. Ўзини дунёга келишига сабабчи бўлган отасини хотирасига тиклашга уриниб кўрди. Эплолмади. Чунки у чақалоқ эди. Чақалоқнинг хотирасида падарининг юз кўриниши қолмаганди. Тўғри, онасининг кийимлари орасида бир-икки марта суратини кўрган. Аввалига жаҳли чиққан. Онаси билан жанжаллашмоқчи бўлганида расм йўқолиб қолган. Умуман олганда, жанжаллашишга ҳадди ҳам сифмаган. Ўзи ич-этини кемириб юраверган. Отаси Достон эмас, бошқа эканлигини билганидан кейин эса онасига ичи ачиған...

— Мумкинми?..

Фирдавснинг хаёли бузилди. Эшик томонга қаради у ва кўзи патнис кўтарган Музаффар ошпазга тушди.

— Нима кўтариб олдингиз? — деди юзига табассум югуриб.

— Ҳозир айтаман, ҳозир, — деда Музаффар ошпаз ичкарига кириб қўлидаги патнисни столнинг устига қўйди.

— Бошқалар йўқмиди?

— Бор эди. Мен ўзим бир боплайн ҳаммасини дедим. Олдин бозорга тушдим. Яхши, далада юриб қора гўштга тўлган ширбозни сотиб олдим. Эгаси кафолат берди. «Фақат қир-адирларда ўтлаб юрган ширбоз», деди. «Бозорга олиб келаётганимдагина бўйнига арқон солдим» деди. Кейин мен уни сотиб олдим. Олиб келиб сўйдим. Айтгани тўппа-тўғри экан. Бу ёгини десанг, молнинг биқин гўшти ширин бўлади. Кўйнинг эса қовургаси. Шу қовургасини майдалаб, сихга тиздим. Чўқقا қўйганимда шунақанги ҳиди чиқдики, оғзимнинг суви қочди. Бунақанги кабоб билан нима зўр кетади? Тўппа-тўғри, аччиқ, қайноқ кўк чой. Ва яна иссиқ нон. Кўриб турибсан, ҳаммасини жамлаб патниснинг устига қўйдим-да, олиб келдим. Энди, қани бошла. Иккаламиз бир маза қилиб кабобхўрлик қиласайлик. Ўтирма ялпайиб. Кабоб совиб қолмасин. Совиса мазаси қочади.

Фирдавс жилмайди. У биринчи бўлакни оғзига солга-

нидан кейин кўзини юмди. Дарҳақиқат, кабоб ўта мазали ва юмшоқ эди...

Ўн сих икки одамга камлик қилди. Сихлар катта эди. Ҳар бирида саккизтадан гўшт бўлаги, иккитадан думба бор эди. Етмади. Иккиси ҳам лабини ялади. Бир-бирига қаради.

— Яна қўяйми бирор ўн сих? — деди Музаффар ошпаз кулиб.

— Йўқ, бўкиб қоламан. Чунки ўзимни тўхтатолмайман, деб қўрқаман. Балки, эртага яна кўрармиз, — дея жавоб берди Фирдавс.

Бир муддат иккиси у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириши. Сўнг Музаффар ошпаз патнисини қўтариб чиқиб кетди. Орадан ўн дақиқа ҳам ўтмасдан Абрам кириб келди унинг хонасига. Безбетларча кириб келди. Ҳатто эшикни тақиллатмади ҳам.

— Ассалому алайкум, — деди ва кираверди.

Фирдавс уни жуда ёмон кўриб кетди. Бир хаёл олдига солиб ҳайдаб юбормоқчи ҳам бўлди. Аммо...

Абрам Фирдавс билан қўшқўллаб кўриши. Ва бўш стулга таклифсиз ўтириб олди-да, қўлини фотиҳага очди. Узоқ дуо қилди, кейин қўлларини юзига суртди.

— Мен сизнинг келишингижни кутмагандим, — деди Фирдавс.

— Атайин шундай қилдим. Огоҳлантирмасдан тўғри келавердим. Кейин негадир йўлимни тўсадиганлар ҳам бўлмади. Буниям Худонинг кароматига йўйдим. Яхши ният қилгандим. Шундай ажойиб, бир сўзли, ўзбекнинг мард ўғлони билан учрашайин, дегандим... Гарчи сизни осон учратган эсам-да, йўлда қийналдим. Фирдавсжон, бу кофирларнинг дастидан дод! Кимдир уларнинг шохини қайириб қўядими, йўқми? — деди юзини аянчли тусга келтирган Абрам.

— Нима гап, тинчликми? — дея сўради Фирдавс ҳайрон бўлиб.

— Масжидлар очиқ. Хоҳлаган одам кириб намоз ўқийверсин, умуман, тўсиқ йўқ дейишганди. Бугун ҳайдаб солишди. Ёшлар-ку, майли. Мендайин етмишдан ошганлар ҳам уйига қайтиб кетди. Қон-қон йиглаб, қайтиб кетди.

— Қаерда?..

- Водийда, иним, водийда.
- Сиз водийга борганмидингиз?
- Йўқ. Биродарлар қўнгироқ қилиб айтишди. Бунинг устига, бозорда иккита муслиманинг рўмолини ечиб олишибди. Мажбуrlаб ечишибди. Рўмолга қўшиб, соchlарини ҳам юлишибди, Фирдавсжон!
- Мен нима қилайн? Қўлимдан бир иш келмаса. Худди сиздай одамман.
- Йўқ! Мен сизни биламан. Ёшсиз. Чаққонсиз. Садоқатли йигитларингиз бор. Бундан ҳам аълоси, ўтакеттан ватанпарварсиз. Миллатпарварсиз, динпарварсиз. Сиздай йигит қўлини қовуштириб турса, бошқалардан не умид?
- Мен қараб турмайман, албатта, лекин нима иш қиламан? — деди Фирдавс ҳайрон бўлиб.
- Гап бундай. Мен теварак-атрофимиздаги биродарларимиз билан гаплашдим. Улар ёрдам беражакларини айтишди. Катта сув ортидаги диндошларимиз...
- Катта сув? Қайси катта сув? — баттар ажабланди Фирдавс.
- Вақти-соати билан ҳаммасини билиб оласиз. Ҳозир улар анча-мунча «кўмакчи асбоблар»ни жўнатишли. Мен бир қисмини тог ортидаги биродарларга тарқатдим. Улар эрта-индин ҳаракатни бошлашмоқчи. Агар сиз бу ердан туриб, дин учун қўзғалсангиз, ютуғимиз улкан бўлади. Охиратингиз обод бўлади. Сиз бугунги кун билан яшамайсиз-ку, тўгрими? Сиз гуноҳи кабиралардан қўрқасиз, тўгрими?..
- Шошманг, — деб Абрамни сўзлашдан тўхтатди Фирдавс, — бир-биридан сирли гапларингиз билан калламни қотириб ташладингиз... Ватанпарварлигим рост. Гуноҳдан қўрқишим ҳам рост. Аммо ҳали намоз ўқишни билмаслигим ҳам рост. Дин ҳақида тасаввурим озлиги ҳам рост. Бир нимани билмай, тушунмай қандай қилиб мен қўзгаламан? Кейин «кўмакчи асбоб» деганингиз нимаси?
- Эҳ, биродарим. Ўтган етмиш беш йил халқимизни ўта саводсиз қилиб қўйди. Саводи борлар эса ўзларини ҳар томонга олиб қочишяпти. Гапларида маза-матра йўқ. Ўтакеттан қўрқоқ. Худо уларни ҳеч қачон кечирмайди. Албатта, мен сизнинг ёнингизга Туркиядан келган ажойиб

аллома, олим бир кишини олиб келаман. У дин нима, унинг вазифалари нималардан иборат, қандай итоаткор бўлишимиз керак, деган саволларга батафсил жавоб беради. Бундан ташқари, намоз ўқиш қонун-қоидалари ҳақида ҳам билиб оласиз. Худо хоҳласа, эртагаёқ, намоз ўқишни бошлаб юборасиз... Дарвоҷе, сиз, албатта, шаҳидлик мақомини билмайсиз. Билганингизда эди... Шаҳидлар сўроқ қилинмайди, нариги дунёга ўтишлари билан уларга жаннат эшиклари ланг очилади. Эшик ёнида сизни жуфтингиз бўлмиш ҳур кутиб олади. Ундай гўзални бу дунёдан ҳеч қаҷон тополмайсиз...

Худди шу маҳал эшик тақиллади-ю, Абрамнинг гапи бўлинниб қолди.

— Киринг, — деди Фирдавс эшик томонга.

Эшик очилди, Музaffer ошпаз кўринди.

— Ия, сиз қаердан келиб қолдингиз? — дея сўради у ҳайрон бўлиб Абрамдан.

— Эшик очиқ экан. Кириб келавердим. Албатта, ҳозир эшикни тақиллатиб тўғри қилдингиз. Мен эса ўша амални бажармадим. Аслида, бажаришим керак эди. Рухсатсиз бироннинг ёнига киришга фақат Азоилга рухсат берилган. Лекин мени Фирдавс иним, биродарим тўғри тушунади, деб ўйлайман. Ахир мен ҳам хом сут эмган бандаман. Иккинчи томондан эса, ўта ҳаяжондаман, — деди Абрам ва Фирдавста юзланди. — Куни кеча телевизорда кўрсатишиди. Бизнинг катта мулламиз Москвага борибди. Қашқали кал билан учрашибди. Кейин оғзидан бол томиб мақтанди. Қашқали кал диёrimизда масжидларнинг очилишига рухсат берган эмиш.

— Қашқали кал ким? — дея сўради Музaffer ошпаз соддалик билан.

— Ким бўларди, Горбачда?! У ёқда у рухсат олган эмиш. Лекин бу ёқда борларидан одамларни ҳайдашяпти-ку, буни қандай тушуниш керак?!

— Лекин ҳайдашганини кўрмадим, — деди Музaffer ошпаз.

— Чунки сиз ва Фирдавсон мана шу жойдан ҳеч қаерга чиқмагансиз. Шунинг учун ҳам билмайсизлар... Биринчидан, агар ароқхўрларни йўқотмас эканмиз, хотин-қиз-

ларимизнинг юриш-туришини тартибга солмас эканмиз, Аллоҳ жуда катта оғатини юборади. Бундан биринчи бўлиб, юртнинг сизга ўхшаш кўзга кўринган обрўли, эъти-борли одамлари жабр кўради... Шундай экан...

— Хўш, — деди Фирдавс, — шундай экан нима қилиш керак?

— Кўлга қурол олиб, кофирларни қириб ташлаш шарт!
— дея кўзларини олайтириди одам қиёфасидаги шайтон.

* * *

Арслон уйига борганидан сўнг ўзини диванга ташлади. Кейин Абрамнинг гапларини эслаб газаби қўзида ва яна сапчиб ўрнидан туриб стулни ўхшатиб тепган эди, стул деворга бориб тегди. Арслоннинг ҳам кўзидан ўт чиқиб кетаёзди. Чунки у мўлжалдан бироз адашган ва туфлиси-нинг тепаси стулнинг ёчига теккан эди.

— Вой,вой!..

У сўкинди ва диванга ўтириди-да, дарров шишиб чиқ-қан жойини энгашганча уқалай бошлади. Кўзидан бироз ёш чиққанди, шоша-пиша артди. Негаки кўзидағи ёшни бирорвга кўрсатиш обрўсига тўғри келмайди. Энди у ким-сан — ўғрибоши. Аслида, Чўлоқни ўлдирганидан кейин бундай мартабага эришганди. Бироқ у пайтда бўшанг эди. Маишат турганида ҳамма нарсани унугарди. Ҳозир эса ўзгарди у. Ҳар қалай ўзи шундай деб ўйлайди. Лекин, ба-рибир, у ҳар қандай даражага чиққан тақдирда ҳам кўнгли ўрганиб қолганларидан кутулиши амри маҳол экан.

Арслоннинг овозини онаси эшитди. Ўзининг хонасида эди у. Тошойна қаршисида ўтирас ва юзига упа-элик суртиш билан овора эди. Боягина юзида яна тўртта ажинни кўрдию, юраги орқага тортиб кетди. «Наҳотки қариётган бўлсам, бундай бўлмаслиги керак эди-ку?! Мен ҳали яна бирор ўн йилча ёш қизлардай юришим керак эди-ку?! Жозибамни ийқотиб қўйсам нима қиласман?» деб қайғуга ботди ва астойдил ажинлари устида ишлай бошлади. Ана шу пайт ўғлиниң оғриқли овозини эшитди-ю, юраги ўйнаб ташқарига югурди.

— Ҳа, нима бўлди?! — дея сўради ҳаяжон билан.

— Бало бўлди! Гўр бўлди! Ҳаммасига ўзи сиз сабабчи-сиз! Қайси гўрдан мени анави падарингга лаънати туллак

билан таништирдингиз?! — деб бақирди Арслон онасига.

— Вой, болам, кимни айтяпсан? — деди Хонзода ўзини гүлликка солиб.

— Сиз билмайсиз, тўғрими?.. Ҳеч қачон билмагансиз. Бундан кейин ҳам билмай ўтиб кетасиз! — деда бақирди Арслон.

— Очиқроқ гапир, Арслонжон, нега ўзингдан-ўзинг менга бақиряпсан?! Худди мен сенинг қизингдай?!

Хонзода кўзига ёш олди. Атайнин эмас, бирдан ўткаси тўлиб кетди. Илло, боласи унга бунчалик нафрат билан қарамаган ва бақирмаганди.

— Абрамни айтяпман, Абрамни! Нега у ўзидан-ўзи менга хўжайинлик қилаверади?!

Хонзода кўзидаги ёшни артди. Кейин бурнини тортиб қўйиб, сўзлади:

— У сени ўлимдан олиб қолган. Бир пайтлар адангнинг ўртоги бўлган. Шунинг учун сени ўзига яқин ҳисоблайди. Сени адашиб қолмасин, чалкашмасин, қузгуналарга ем бўлиб кетмасин, дейди. Шунинг учун ҳам йўл-йўриқ кўрсатади. Хўш, бунинг нимаси ёмон экан?..

— Шахсий ҳаётимга аралашишга ҳақи йўқ! У бугун менга ашаддий душманимнинг синглисига уйланасан, деди.

— Йўғ-э?!

— Ҳа. Қиз ёмон эмас. Аммо уни кўрдим, дегунча асабим қўзийди. Чунки акасини кўргандай бўламан. Акаси ифлос! Менинг биринчи рақамли душманим!

— Чиройлими қиз?!

— Чиройли бўлса нима?..

— Абрам амакинг бекордан-бекорга шу қизга уйланасан, демаган. Тагида гап бор. Биринчисини ўзинг айтиб турибсан. Душманинг экан. Демак, душман сенинг қўл ос-тингга ўтади, сенга хизмат қила бошлайди. Иккинчидан, мабодо келишолмасанг, қизнинг жавобини бериб юбора-сан-да, бошқасига уйланиб оласан. Олам гулистон! Сен бўлсанг, шу арзимаган нарсадан ҳам фожиа ясаб ўтирибсан.

— Барибир! Барибир, бўлмайди!..

— Ҳеч курса, ўчингни ол!

— Ойи, сиз ҳам худди анави яхудийга ўхшаб фикрлай-

сиз. Аммо гапингизда жон борга ўхшайды. Яна битта гапни айтиб қўяйин. Мен ҳеч қачон синглингни бер, деб бормайман. Умуман, бу ишга аралашмайман. Ўзларинг ҳаммасини ҳал қилинглар, — деб Арслон ҳовлига чиқиб кетди. Бекорга кетмади. Лоп этиб хаёлига Мавзунага тегинмоқчи бўлгани келди. Албатта, улар холи қолишмади ва у ҳеч нарсага улгурмади. Лекин нияти астойдил эди. Ундан кейин қиз Арслонга хотин бўларди ва ёки ўзини-ўзи ўлдирарди.

Ички ҳаяжон, жавобсиз саволлар Арслонни қийнаб юборди ва у ҳовлида турган йигитидан тутатқи олди. Анча вактдан бери тийилиб юрганди. Шу боисдан бирдан йўталиб қолди. Кўзидан ёш чиқди.

— Қайтган эканман. Ёмон қилди, — деди қўриқчига кулиб.

— Ўрганиб қоласиз, хўжайин, — дея иржайди қўриқчи ҳам.

— Буни ташлаб нима ютдим-у, қайта ўрганганимда нима ютқазаман! — деб яна ўша заҳру заққумни ютмоқчи бўлиб турганди Баха кириб келди. Унинг юзи оқарганди. Кўзи қонталаш эди. Фазабдан лаблари титрарди.

— Орқангдан ит қувдими? — дея сўради ундан Арслон.

— Ит қувганида майли эди. Лекин анави мараз йигитларимизни шарманда қилиб ташлабди! — деб жавоб қилди Баха овозини баландлатиб.

— Ҳовлиқмасдан гапир! — дея бурнини тортиб қўйди Арслон.

— Амрингизга биноан биз Фирдавснинг отасини чалажон ҳолига келтирган эдик. Эвазига у ит вокзалга бориб ҳамма йигитимизни элақдан ўтказибди. Буниси ҳам камлик қилгандай қип-яланғоч қилибди.

— Неча киши экан, Фирдавслар?

— Битта ўзи!

— Нима? Битта ўзи?! Битта ўзи шунча одамни уриб, абжагини чиқарибдими?

— Ҳа. Билмайман, қандай қилган. Лекин бир ўзи ҳаммасини «тахлаган». Бозорда ҳам шу ишини давом этказган. Кейин чойхонага борибди. Яхшики, йигитлар бўлмаган. Йўқса...

— Ҳе сени! Оғзингдан чиқаётган гапни биляпсанми? Сен ифлос агар у ерда ҳам йигитларимиз бўлганида расвосини чиқаарди, демоқчи бўлдингми?! Кўрқяпсанми? Бир ўзидан-а?! Агар иккита бўлиб келганида, ҳаммаёғинг шилта бўлиб кетаркан-да!

— Бир-икки марта... Ўзингиз...

— Тиз чўк! Чўк!!! — деда бўкирди Арслон.

Баха беихтиёр унинг қаршисига тиззалаб ўтириди. Арслон эса шу заҳоти учи қизариб турган тутатқини Баҳанинг юзига босди. Секин босди. Терисининг жазиллагани эшитилди. Терининг куйган ҳиди чиқди. Баха бақирмади. Тишини тишига маҳкам босиб чидади. Ичида Арслонни уруғ-аймоғига қўшиб роса сўкканча чидади. Биринчи имконият пайдо бўлиши билан калласини олишни айтиб, чидади. Қилт этмади.

— Зўрсан, — деди ишини охирлатганидан кейин Арслон.

Ана шу маҳал унинг хаёлига Абрамнинг гаплари келди. «Йўқот, дўстлиги йўқ уни», деган эди у. «Сенинг дўстлигинг борми? Йў-ў-ў-қ, биринчи имконият туғилиши билан мендан воз кечиб юборасан. Албатта, сенинг оғир аҳволга тушиб қолишинг даргумон. Бунисини яхши биламан. Лекин сен мендан фойдаланиб, ана ундан кейин йўқ қилиб юборасан», деда қўнглидан ўтказди Арслон ҳам.

— Айбинг денгиздан томчи, лекин ана шунисининг ҳам жазоси қанақа бўлишини қўрдинг. Агар яна бир марта, ҳеч курса, шунга яқинроқ қовун туширсанг, тирик қолишингга кафолат бермайман, — деда бармоқлари орасидагини улоқтириб юборди Арслон.

— Хўжайин, мени эрмак учун ҳам қийнашингизга розиман. Лекин Фирдавсга қарши бирор нима қилмасак бўлмайди. У билан яккама-якка олишиш шартми? Қўлимизда қурол бор, пешонасидан шартта отиб ташлайлик,

— деди кўзлари ўт бўлиб ёнаётган Баха.

— Буни сенсиз ҳам яхши биламан. Аммо у ҳозирча керак. Сенларнинг бечораликларингни билиб қўйиш учун ҳам.

— Тан оламан. Куруқ қўл билан чиқсак, керак бўлса, йигирматамизнинг ҳам пачагимизни чиқаради у. Бироқ

хўжайин, ҳозир замон бошқача. Ўзингиз яхши биласиз...

— Мен аввал унинг синглисига уйланишим керак. Севиб қолганман! — деди Арслон бирдан Баханинг гапини бўлиб.

— Битта нарсани аниқ биламан, Фирдавсни ўлдирмас экансиз синглисини икки дунёда ҳам қўлга киритолмайсиз! — дея қатъий гапирди Баха.

— Айнан акасининг тирик қолиши керак менга. Нима, унинг синглисидан чиройли қизлар йўқми?! Тиқилиб ётибди! Лекин уларнинг кучли акалари йўқ. Тушундингми?!

— Йўқ! Унинг кучлиligининг сизга нима кераги бор, хўжайин?! Агар у янайам қучайиб кетадиган бўлса, бўйимиз етмай қолади! Рухсат беринг, пешонасидан дарча очиб кўяй. Ҳамма шароитим бор...

— Ўйлаб кўрамиз...

— Қачон келай ёнингизга?

— Онанг яна бир марта ўғил туққанидан кейин!

Баха қизарди. Унинг вужуди зириллади. Бирдан шашти қайтди. «Сен ҳам одаммисан, ифлос! Калланг ошқовоқдан ҳам баттар. Агар анави яхдий бўлмаганида аллақачон тупроққа қоришиб ётган бўлардинг», дея ўйлади у.

— Яқинда «Калашников» сотиб олдик. Мингтага етади. Бутун бошли арсенал. Менга Фирдавс тириклайн керак. Мен унинг кўз олдида синглисини чимилдиқقا олиб кираман. У эса деразанинг тагида ўтиради. Синглисининг чинқиришларини эшитади! Сен бўлсанг уни осонгина ўлдириб юбормоқчисан. Йўқ, бўлмайди! Менинг қасдим бор унда. Қасдни шундай олайки, бир умр эзилсин! Йўқол! Йигитларингга айт, «йигим-терим»ни қучайтиурсин.

Баха ноилож ўрнидан турди ва ортига бурилиб кетди. Дарвозахонага етганидан сўнг ярасининг устига секингина бармогини кўйди. Алами келди. «Ҳеч нима қилолмадим-а?! Бир пайтлар бунинг ичини эзгандим. Эссиз, Нормат чўлоқнинг ўрни билиняпти. Янайам афсусли томони, ўшанда, молхонада бу итваччанинг калласини олиб ташлашим керак экан», дея кўнглидан ўтказди.

Бу пайтда Арслон Абрам билан телефонда гаплашаётганди. Арслон «Хўжайин, ёнингизга борсам», деди. Абрам «Яна икки соатдан кейин, бироз ишларим бор. Шуларни

ҳал қилишим билан сенга, албатта, қўнғироқ қиласман», деди ва гўшакни қўйди.

«Лиданинг кетгани чатоқ бўлди. Худди мана шунаقا пайтлар учун у керак эди. Ҳеч курса, шунчаки гаплашиб ўтирадим... Тўхта?! Мен яхудий қизга уйланишим керак. Шунда у мени ҳар хил чигалликлардан олиб чиқади. Керак бўлса, Абрамнинг чангалидан ҳам», дея хаёлидан ўтказган Арслоннинг юзига бирдан табассум югурди. Ва ўрнидан туриб, бақирди:

— Ўлмас! Отинг ўчгур Ўлмас, қайси гўрда қолдинг, Башара?!

Шу ондаёқ болохонанинг деразаси очилиб, Ўлмас калласини чиқарди:

— Ҳозир етиб бораман, хўжайин!

— Учиб кел, учиб!..

Шундай деб Арслон жойига ўтирди ва кафтларини бирбирига уриб ишқалади-да, яна бақирди:

— Жавлон! Хамир!

Жавлон дарвозахонада эди. У Баханинг жаҳл билан, алам билан чиқиб кетганини кўрди. Ва яна унинг юзига чўғ босилганини ҳам кўрди. «Ишқилиб, Арслон мени чақириб қолмасин. Ҳозир унинг кайфияти йўқ. Бунақа пайтда унинг кўзига кўриниб бўлмайди», дея кўнглидан ўтказди. Аксига олиб, мана, чақириб турибди. У турган жойида бир сакраб тушди ва қизариб-бўзарганча Арслоннинг ёнига югурди. Ўлмасдан олдин етиб бориб:

— Лаббай, хўжайин, — деди.

— Столни туз! Анави падарингга миллион марта ларьнатидан ҳам келтир. Эскиси бўлсин. Яқинда аэропортдан келтирганинг бўлсин. Французларники деганимидинг, ўшандан олиб кел. Менга қара, чанқаб турибман. Агар етмай қолса, каллангни оламан. Тушундингми?!

— Хўп бўлади!

Жавлоннинг ичи ёришди. Арслон сўраганидан икки яшик бор. Битта унга эмас, керак бўлса ўн, йигирма одамга етиб ортади.

— Оғайни, — деди Арслон Ўлмасга, — ўлиб қолгудай зериқдим. Портлаб кетаман ҳозир. Иккаламиз бир отамлашайлик. Ёшлиқ даврларни эслаб. Тўхта, ёшлиқ даврлар

деяпманми? Нима қарыб қолдикми? Ҳалиям ёшмиз-ку!
Эй-й, хуллас-да.

— Хўжайнин...

— Хўжайнин, дема мени. Ўртоқ, де! Қадрдоним, де!
Ўшанда одамга ўхшаб бемалол гаплашасан мен билан.

— Бўлди, гап йўқ! Зерикишни йўқ қиласиз. Ўзи табиат
қўйнига чиқишимиз керак эди. Бормаганимизга ҳам анча
бўлди. Битта қўйни жувонмарг қиласиз-да, ўт-ўлан усти-
да думала-а-а-б...

Ўлмаснинг қолган гаплари ичидаги қолди. Стол устидаги
телефон жиринглади ва Арслон гўшакни кўтариб, қуло-
ғига тутди.

— Тезкорликни қара. Мен ишимни дарров битирдим.
Зудлик билан етиб кел. Айтганча, эшиздим, юурдакла-
ринг французларнидан олиб келганмиш. Одамни хафа
қилдинг, болам. Менинг севган ичимлигим-ку. Дарров кел-
тир. Кутяпман, сени, — деди Абрам ва гўшакни қўйди.

Арслон эса бурнини гўшак билан ишқалади-да:

— Бу одамнинг ҳаммаёқда кўзи, қулоги бор. Мен анави
Хамирга айтган гапларимга ҳали икки дақиқа ҳам бўлма-
ди. Лекин хўжайнин ҳаммасини эшишибди, кўрибди. Мана,
энди чақиряпти. Ҳаммасини машинага ортинглар. Юр,
огайни, мен билан бирга борасан. У билан ўтирамиз.

Арслон Абрамнинг уйига жуда тез етиб борди. Борса,
Абрам биттасини тиззасига ўтқазганча оғзига узум солиб
ўтирибди. Арслоннинг энсаси қотди. «Падарингта лаънат,
битта оёғинг гўрнинг лабида турган бўлса, худди ёш бо-
ладай тиззангга ўтқазиб олганингга бало борми», деб ўйла-
ди ва ўзини мажбурлаб илжайди. Абрам эса тиззасида ўтира-
нинг елкасига секингина туртди. Оҳистагина, эҳтиёт-
корона.

— Бора қол, — деди кейин юмшоқ овозда ва ўрнидан
туриб қучоини очди-да, — кел, бир бағримга босай, —
деха илжайди Арслонга.

Арслон Абрам хоҳлаганидек ачомлашди. Сўнг Абрам-
нинг рўпарасидаги бўш стулга ўтирди.

— Айтганимни олиб келдингми? — деди Абрам майин-
лик билан.

— Ҳа.

— Яшиги билан столнинг устига қўйишин. Кўриб кўзим қувнасин, дейман-да. Кўриб бир маза қиласай. Мен сенга айтсан, айрим нарсаларга тегиниш ва ёки истеъмол қилишдан қўра, кўриш мароқлироқ...

— Олиб кел! — деди Арслон Абрамнинг гапи охирламай туриб.

Яшик қўйилди. Ҳа, худди шундай, столнинг устидаги дастурхон йиғишириб олинмади. Ҳатто ликобчалар, улардаги газаклар, чойнак-пиёла ҳам олинмади. Тўғридан-тўғри яшик қўйилди. Чунки Абрам шуни хоҳлади. «Кўриб қўйинглар, менинг қудратимни» демоқчи бўлди у. Аслида эса ичидан зил кетди. Ахир у ҳар битта тийиннинг ҳисобини оладиган одам. Ана иккита ликобча синди. Улар неча пул туради. Қолаверса, Абрамнинг уйида оддий ликобчалар бўлмайди. Ҳаммаси бир пайтлар Италиядан келтирилган. Албатта, Абрам сотиб олмаган. Текинга тушган унга. Ҳукуматдагилар учун ҳукумат бир пайтлар сотиб олган. Омборхонага келтирилган ва шу ерда чанг босиб ётган. Бирорвга берилмаган. Кейин Абрамнинг кўзи тушган. «Мен бечорага беринглар шуни», деган ва беришган. Чунки Абрамнинг илтимоси буйруқдай гап.

У шишалардан бирини юқорига кўтарди.

— Оҳ, бунинг товланишини бир қара. Ёқут дейсан. Ёқут Сен билан мен биринчи марта кўриб турибмиз, аммо бундай суюқликлар Ротшильдлар хонадонида кранда оқади. Рокфеллернинг, Фордларнинг уйидаги ҳавзаси мана шу суюқлик билан тўлдирилган. Улар стаканга қуиб ўзларини қийнашмайди. Ҳавзага қалла ташлаб сузишади ва шунинг баробарида ичишади! — дея Абрам хохолаб кулди. Сўнг идишни жойига қўйди. — Яшикни олинглар, бекордан- бекорга менинг ликобчаларимни синдиридинглар, яна иккита пиёланинг ҳам умрига зомин бўлдинглар, ҳали ҳаммасини тўлайсизлар.

Кейин қўли билан ишора қилиб, ён-атрофида турганларнинг ҳаммасини ҳайдади. Шишани очди. Иккита қадаҳни тўлдирди, биттасини Арслонга берди ва ўзи зўр иштаҳа билан суюқликдан бир хўплаб:

— Мен сенинг ақлингга шубҳа қилмайман. Айниқса, охирги пайтлари роса пишиб етилдинг. Аммо ҳалигача

оёғингнинг тагинигина кўраркансан. Узоқни кўришинг учун қанча вақт кераклигини билолмай ҳалакман, — деди.

Арслон гапиришдан олдин ичимлиқдан кўпроқ ҳўпла-ди. Оғзида бир муддат сақлаб турди-да, кейин ютди. Шун-дан сўнгтина:

- Ҳаракат қиляпман, — деди.
- Бу масала ҳаракат билан битмайди.
- Қайси бири?!
- Сенинг уйланишинг.
- Мен яхудий қизга уйланмоқчиман.

Абрамнинг юзи бирдан ёришид:

— Оҳ, менинг ақёллигинам, қачон сендан шу гап чи-қаркан, деб кўп ўйлаган эдим. Кел, пешонангдан битта ўпай.

У Арслонни чўлпиллатиб ўпиб, яна қайтиб жойига ўтири-ди-да:

— Фақат кейингиси шундай бўлади. Ҳозир эса тезлик билан Фирдавснинг синглисига уйланасан. Менга ҳамкорларим... Айтмоқчи, улар роса бой. Бойлигининг уни қўйруғи йўқ. Керак бўлса, улар дунёни кафтларида тутиб туришади. Ва ақллари ҳам ўлчовсиз. Хуллас, улар жуда катта ишни бўйнимизга юклашган. Уларда иккита гап бўлмайди. Бир нарсани айтишдими, тамом, натижа қилиб берасан. Акс ҳолда итдай ўлиб кетасан. Фирдавс қўлига қурол олиши керак. Уни ҳар томондан қисиб борамиз ва шунга мажбур этамиз. Ҳозир унинг одамлари чет эллик бизнесменлар билан алоқа боғлашган, — деб қулди ва ичкиликдан бир ҳўплади-да, гапида давом этди, — аслида-чи, ўша чет элликларни мен жўнатганман унинг одамлари ёнига... Фирдавсни ўлдириб юбориш хамирдан қил суғур-гандай осон. Аммо унинг тириги керак. У бўлмаса, у қилиши керак бўлган ишни сен қиласан. Аммо ундан кейин ё отиласан ва ёки қаергадир қочасан. Шунда ҳам омон қолмайсан. Ўзимизникилар сени тинчтиб юборишади. Албатта, учинчи вариант ҳам бор. Бунинг учун узо-оқ муддат тог-тошларда тентираబ юришинг керак. Кўлчангдаги «ўйинчогинг» билан. Бу ерда тўполон доимий бўлиши ке-рак. Натижада бизни қўллаб-қувватлаб турганлар қуролларини сотиши керак. Кўрдингми, кераклар қанчалик кўп керак.

— Бу даҳшатнинг ўзгинаси-ку?!

— Албатта. Лекин мен сенинг қурбон бўлишингни истамайман. Курбонликка Фирдавсни танлаганман. Одатда, шунаقا катта ишлар учун ақдилларни қурбонликка олишади... Фирдавснинг маҳалласидаги обрўли одамлар билан гаплашиб кўйганман. Улар совчиликка боришади. Эртага. Албатта, сенинг номингни айтишмайди. Чунки Фирдавс икки дунёда ҳам синглисини сенга бермайди. Шунинг учун бошқа бир йигитдан боришади совчилар. Ҳаммаси рисоладагидай куёв тайин, ота-онаси ҳам. Улар обрўли одамлар. Тўй ҳам зўр ўтади. Келин боланинг ёнида ўша йигит ўтиради. Аммо... Чимилдиқча сен кирасан ва бунинг хабари, албатта, Фирдавсга етказилади, — деб Абрам идишини бўшатди ва Арслонга тикилди. — Рангинг ўзгариб кетдими?

— Нега энди?

— Кўринишинг шунаقا. Хуллас, у пайтда фишт қолибдан кўчган бўлади ва Фирдавс ҳар қанча шайтонламасин қўлидан ҳеч нарса келмайди. Энди ишимизнинг ривожи учун, — деб Абрам қадаҳини тўлдирди, худди шундай Арслонникининг ҳам устига қўйди.

* * *

— Тўхтанг, бу нарсаларни айтиш асон. Аммо қон тўкилиши, бегуноҳ одамларнинг жувонмарг бўлиши ҳеч бир қолипга сифмайди. Бунинг устига ҳали менинг ҳеч нимадан хабарим йўқ. Шу бутун қўлимга намоз китобини олдим. Бирор нима ёдламадим. Аввал ёдлай, у-бу нарсани ўрганай. Ундан кейин...

— Биродарим, агар бугунги кунни бой берсак, эртага бунаقا имконият бўлмаслиги мумкин. Гуноҳсиз одамнинг қони тўкилиши у ёқда турсин, бир туки қилт этмайди. Бу ёғидан сира хавотир олманг. Албатта, ҳеч бир банда айбдан, хатодан холи эмас. Қолаверса, шу кунга қадар пешонангизнинг саждага тегмаганлиги сизнинг айбингиз эмас. Айборлар бошқа. Айборлар ҳозир жазавага тушган. Агар биз қўлимизни қовуштириб ўтираверсак, у кофирлар осонлик билан «тўнлари»ни ўзгартиришиб, бошқалар кўзига оппоқ кўриниб олишади. Ҳайҳот, бунга йўл кўйиб бўлмайди! Етмиш беш йил пашшадай қонимизни ичишди. Энди

тамом. Бундан бу ёғига тўхтатишимиз шарт. Агар шундай қилмасак, Худо бизни кечирмайди. Яна бир гап, иним. Сиз мен кетгач айтган гапларимга қўл силташингиз мумкин. Лекин бир нарсани унутманг, биродар, гуноҳкор бўлиб қоласиз. Билмаганингизда бошқа гап эди. Аммо мана, мен келдим, сизга ҳамма нарсани тушунтиридим ва биродарим сифатида кофирлар билан олишишга чорладим. Билиб туриб, четда туриш гуноҳларнинг улуғи, кечириб бўлмайдиганидир.

— Ваъда бермайман! Чунки тушунмайдиган нарсамга аралашмайман.

— Начора, — дея қўлларини икки ёнига ёзди Абрам, — сизнинг бу жавобингизни водийдаги мингдан ошиқ сафдошимиз бўлган ҳақиқий мусулмонларга, албатта, етказаман. Аниқроқ қилиб айтганда, вазифамни адо этаман. Энди рухсатингиз билан мен борай. Дарвоҷе, албатта, сиздан умидимиз жудаям бисёр. Тўғри фикрга келишингизга ишончимиз комил, — деб Абрам ўрнидан турди ва шаҳдам қадам ташлаб, хонани тарқ этди.

Фирдавс билан Музаффар ошпаз ҳангун манг бўлиб қолишганди. Улар бир-бирига сўzsиз тикилишиди.

— Нима деб каллани қотириб кетди? — деди орадан бироз ўтиб Музаффар ошпаз.

— Ҳайронман? Йўқ жойдан гуноҳкорсан, деди. Қилмасанг, тамом, деди. Водийдаги биродарларига айтармиш. Менимча, улар танка миниб келишса керак.

— Лекин нимагадир жуда таниш кўринди. Мен уни илгари қаердадир кўрганман.

— Бундан чиқди, Музаффар ака, аниқлаштирасиз, биласиз. Ўзи бу одам ким, илгари нима иш қилган? Мени қандай топган? Ким маслаҳат берган? Умуман ҳамма икирчикир, майда-чўйдаларни аниқлаштиринг. Олдиндан айтиб қўяй, ака, муштдай бошим билан сизга бирон нимани буюриш осон бўлмаяпти, — деди Фирдавс.

— Ука, жоним укам, бунақа гапларни айтма. Биз бир тану бир жонмиз. Агар биргаликда ҳаракат қилмасак, булар бизни еб-ютиб юборишади. Шундай экан, сен фалончига фалон нарсани буюриб қўйдим, деб ўзингни ўзинг қийнама... Таниш, таниш бу одам. Анави Пўлат оғайним-

дан сўрайман, униям танимайдиган одами йўқ, — деб Музаффар aka ҳам хонадан чиқиб кетди.

Фирдавснинг боши хумдай эди. Бугунги куннинг воқеалари ўта чарчатганди уни. Шу боисдан диванга чўзилди ва сал ўтмасдан уйқуга кетди... Унинг «одамлар»и

(бошқача аташ сал
бошқача чиқаркан)

келишди. Кўришди. Уйғотишмади.«Ухлашсин», дейишиди. «Ичмайди, чекмайди, ҳамма дарди ичида қолади, толикади. Ухласа, ҳарна чарчоги чиқади», дейишди.

Эртаси куни Фирдавс ҳисобот сўради. Жуда ноқулай бўлди. Муштдай боши билан соchlари оқарган одамларга «Фалон нима бўлди, фистон нима бўлди?» дейиш уни қийнади. У қизариб-бўзарди, аммо бошқа иложи ҳам йўқ эдида.

— Мен яна биттаси билан учрашиб қолдим, — деди Ёдгор савол-жавоблар тугаганидан сўнг, — қурол таклиф қиляпти. Ҳарбий қисмлардан ўмарилган қуроллар. «Барibir, шу матоҳ сизларга керак бўлади», дейди. «Хабарим бор, душманларинг жудаям кўп. Улар аллақачон қуролланиб бўлишди. Эрта-индин сизларга хужум бошлашса, биттантанг ҳам тирик қолмайсан», дейди. Мен уни илгаридан танимайман. Охирги пайтлар умуман кўринмай кетганди. Бирдан қаердандир пайдо бўлди. Нима қиласми?..

— Йўқ! — деди кескин Фирдавс ва ўрнидан туриб кетди. — Нима, биз қандайдир жиноий тўдамизми?! Бўлмайди, амаки, бўлмайди. Ундан кўра мени олиб чиқингларда, отиб ташланглар, ана ундан кейин билганларингни қилинглар. Мени ўзларингга бош қилиб олганмисизлар, демак, биз ҳеч қачон қўлимизга қурол олмаймиз!..

— Лекин душманларга қарши қандай турамиз? — дея сўради шу заҳоти Абдували.

— Билмайман?! Аммо бекордан-бекорга одамларнинг қонини тўкмайман.

— Бекордан-бекорга эмас, ўзимизни ҳимоя қилиш учун, — дея Ёдгор Фирдавсга тикилди.

— Амаллармиз, амаки. Бирон йўл-йўриги чиқиб қолар. Ҳар қалай, ракиб қархисига «Мана, мени отиб ташла», деб чиқмаймиз-ку?!

— Асраганин Худо ҳам асрайди, деган гап бор. Озгина тайёргарлик қўриб қўйисак ёмон бўлмас...

Миразиз худди шундай деган пайти Абдулатиф ҳовлиқ-қанча кириб келди. Унинг ранги оқарган, киприклари пир-пирар эди. Яна лабининг ҳам қони қочганди.

— Нима бўлди?! — дея ҳамма бараварига сўради.

— Водийда тўполон бошланибди. Ҳозиргина шу ёқдан келган бир одамдан эшийтдим. Иккитаси кўкрак кериб чиқибди. «Сенда нега соқол йўқ, нега сен лозим киймагансан? Нега эрингнинг рухсатисиз кўчага чиқдинг? Сен кечада улфатчилик қилганмишсан», деб билган кўйига солаётганмиш. «Биз давлатни қўлга оламиз. Биз давлатни бошқарамиз!» дейишаётганмиш. Қанчадан-қанча одамни бекатларнинг темирига боглашиб, кўйлакларини ечиб, обдан қамчилашибди...

Абдулатиф сўзларди-ю, Фирдавснинг кўз ўнгидан Иброҳимнинг башараси ўтар, қулогининг остида айтган гаплари жарангларди. «Ҳаммаси ўшанинг, катта сув ортида гиларнинг, демакки, океан ортидагиларнинг иши... Нимани исташяпти улар? Океан ортидаги қайси давлатнинг, қайси одамларнинг иши бу?.. Шошма, Афғонистонни ким расво қилди? Америка! Халқи эмас. Тўрт-бешта бой одами. Уларнинг қўл остида хусусий армияси бор, деб эшифтган эдим. Ёлланма аскарлар. Пул умидида Америкага боргандар... СССР Афғонистонни тўлиқ босиб оларди. Шундай бўлди ҳам. Аммо у ерда уруш тўхтамади. Сабаби, Америка жангариларни ҳамиша қурол-яроб билан таъминлаб турди. Албатта, текинга эмас. Уларнинг мушуги текинга офтобга чиқмайди. «Оқ-қора дори»лардан келган пулга қурол сотишиди. Бу ёқда эса СССРнинг йиққан-терган олтинлари совурилди... Ким ютди? Афғонларми? Қаёқда, уларнинг куллари кўкка совурилди. СССРми? Камбағал, бечора бўлди СССР. Кейин бўлининб-бўлининб кетди. Мана, ҳозир қанча жойда жангарилик қилишяпти. Қанчадан-қанча одамнинг қони тўкиляпти. Демак, ютган океан ортидагилар бўлди. Энди улар нафақат Афғонистонга, балки СССРдаги босар-тусарини билмайдиганларга ҳам қурол сотишияпти. Қизиқ томони, ўзларидан олиб ўзларига сотишияпти. Мана, бизга ҳам етиб келишди. Ҳатто менинг

ўзимга ҳам таклиф қилишди» дея ўйларди. Шу маҳал куттимаганда Музаффар ошпазга қилган илтимоси ёдига тушди.

— Музаффар ака кўринмайди, — деди у гўё Абдулатифнинг гапларини эшиитмагандай.

— Ошхонада, — жавоб берди Соли.

— Бир нарсани айтгандим. Жавоби нима бўлганини биломдадим, — дея ўрнидан турди Фирдавс.

Ёдгор шу заҳоти эшиқдан чиқиб кетди ва ҳаял ўтмай Музаффар ошпаз билан бирга қайтиб келди.

Ошпаздан Фирдавс бирон нима сўрамасидан, унинг ўзи гапира кетди:

— Шубҳам тўгри бўлиб чиқди. У Юнусобод бозорининг ташқарисидаги пойабзал тузатиш буткасида ўтиради. Қўли қўлига тегмасди. Битта оёқ кийимга мих қоқиши бир сўм эди. Тикиш эса икки сўм. Шундай қилиб у кун бўйи камида эллик сўм ишлаб топарди. Унинг бирор марта бирорта ошхонага кириб овқатланганини кўрмаганман. Овқатини ўйдан олиб келарди. Буткасида овқатланарди... Устидаги костюмининг ямоги бор эди. Лекин у ойига бир яrim минг сўм ишлаб топарди. Тасаввур қиляпсизми, бир яrim минг сўм! Одамлар 150-200 сўмга ишлашарди. Ана борингки, заводлардаги энг зарарли цехдагилар беш юз сўм олар. Аммо у кичкинагина буткачасида бир яrim минг топиб ўтирибди. Бирорва бир тийин бермайди. Бирор ундан шубҳаланмайди ҳам. Солиқ, бошқа нарсалар тўгрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу мих, ипни ҳам сотиб олишига шубҳам бор. Исли Абрам эди, Иброҳим эмас. Лекин бундай ўйлаб қараганда, Абрамнинг ўзбекчаси Иброҳим бўлиб чиқади... Оғайним — Пўлатдан сўрадим. У Иброҳимни кўргани йўқ. Лекин буткада пойабзал таъмирловчи одамнинг исми Абрамлигини айтди... Бундан келиб чиқадики, Абрам — яхудий!

— Яхудий! Яхудий бизнинг ишга нима қилиб аралашиб юрибди? — дея сўради ҳайрон бўлган Фирдавс.

— Шайтон. Одамзодга дўстлиги бўлмайди унинг. Нима қилиб бўлса ҳам, йўлдан оздириши керак. Нима қилиб бўлса ҳам, ботқоқча ботириши керак. Унинг каромати билан инсон деган зот жаннатдан қувилган...

— Музаффар ака, сизга минг марта раҳмат! Сал бўлмаса ҳаммамизни йўлдан оздиради у туллак, — деди Миразиз.

— Барибир, бирор нима нима қилишимиз керак.

Фирдавс шундай дейиши баробарида ҳамма унга қаради.

— Оғир масала, мен суриштиридим, улар худди заарли ўсмадай ҳаммаёққа тарқаб кетган, «давоси» топилмайдими деб кўрқаман. Балки, қўл силтаб топишгани заҳоти шундай муаммоларга гирифтор қилишадики, биз унинг билан андармон бўлиб, ҳатто вақтнинг қандай ўтаётганини эсимиздан чиқариб қўямиз, — деди Соли бармоғини қисирлатди.

— Лекин, амаки, у ёқда одамлар қирилиб кетяпти. Индамай ўтираверамизми?

— Қирилмайди, сира хавотир олма. Шугуулланадиган одамлар бор. Аллақачон тараддисини кўришаётгандир. Тўгри, улар ҳам ҳозир жуда кучли эмас. Иммунитети бўшроқ. Оддий қасаллик ҳам қийнаб қўяди. Лекин вақти-соати келиб, шунақсанги бақувватлашиб кетадики, унчамунча нарсани писанд қилмай қўяди. Бизнинг энг тўгри ишимиз аралашмаслик. Йўқса, йўқ жойдан шапалоқ еб қоламиз.

— Амаки, — деди Фирдавс Миразиз гапини тугатиши билан, — виждон-чи? Қўлимиздан у-бу иш келишини билиб ҳам четда турамизми?

— Қорага айланмай десанг, шундай қиласан. Ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр. Аралашсанг, сен ким бўлибсан, дейишади? Ва секингина қора рўйхатга тиркаб қўйишади. Вақти-соати қелганидан кейин эса секингина тегинишни бошлашади. Тегинишнинг йўли кўп. Хуллас, агар гапимга кирадиган бўлсанглар, аралашмаймиз.

— Яхши, у ёққа аралашмасмиз. Абрам-чи? — деб Фирдавс яна Миразизга тикилди. — У бизни гижгижлашдан тўхтамайдиганга ўхшайди.

— Ўзинг устоз деб тан олган одамнинг ёнига бориб, ундан илм ўрган. Ана шунда унинг гапига муносиб жавоб бероласан. Ҳа, овора бўлма, барибир, у ундей одамнинг ёнига бормайди. Чунки шарманда бўлади.

— Келишдик, фақат сақланамиз, томошабин бўлиб ўтирамиз. Менга бирор тегмаса, мен бирорвга тегинмайман. Ҳатто унча-мунча тегиниб ўтганларгаям иржайиб-тиржай-иб қарайман...

— Фирдавс, — деди Миразиз унинг гапини бўлиб, — биз тушуммайдиган нарсага қандай қилиб аралашамиз?

— Амаки, хуфёна. Кимнинг нотўғри иш қилаётганини кўриб турибмиз. Абрам йўлдан урган содда, гўл одамлар. Керак бўлса, тўпори улар. Йўлини топайлик, тўсқинлик қилайлик. Яна бошқа нарсалар ҳам ўйлаб топиб қўямиз...

Фирдавс шундай деб жим бўлди. Йиғилганларнинг ҳаммаси унинг гапнинг давомини кутаётганди. Бироқ унда айтадиган гапнинг ўзи йўқ. Бор. Ҳаммаси умумий гаплар. Ундоқ эди, бундоқ эди. Аммо буларнинг бирортаси билан ишни битириб бўлмайди. Иш эса жудаям катта ва оғир. Ахир бутун бошли Абрам армиясига қарши туриш учун униқидан кам бўлмаган қўшинга эга бўлиш керак ва яна таниш-билишлар ҳам шунга яраша.

— Эртага қолдираильик, — деди у, — ҳозир қандайдир ланжман.

У шундай дейишга деб қўйди-ю, бироқ шу заҳоти бундай қалтис вазиятда эртароқ бирон якуний қарорга келиши кераклиги ҳақида ўйлаб қолди.

Фирдавсни телефонга чақиришди. Хабар берган қиз дадаси эканини айтди. У дарров ўрнидан турди ва хонани тарк этди.

Гўшакни кўтараётганида эса «Ишқилиб, яхшиликка бўлсин, ишқилиб, бирорта муаммони деб қўнфироқ қилаётган бўлмасин», деб ўйлади.

— Совчилар келишди, — деди Достон андак хурсандчилик билан, — сенсиз бирор нима деёлмадим. Шу, келсанг бир гаплашиб олсак. Йигит политехникада ўқиркан. Учинчи курс экан. Зўр архитектор бўлади, дейишди. Домлалари шунаقا, деб мақташаётган эмиш.

— Моҳинанинг ўзидан сўрадингизми?

— Болам, қандай қилиб сўрайман? Сен ўзинг Мавзуна орқали гаплашиб кўр. Эндинана мактабни битирди-ю, лекин қиз болани эртароқ эгасига топширган маъқул-да. Шунга бир маслаҳатлашсак, дегандим.

Фирдавснинг кўз ўнгидаги Мавзунанинг чехраси намоён бўлди. Охирги учрашувида кўпдан-кўп ишкаллар бўлиб ораларига озгина совуқлик тушганди. Шундан бери Мавзуна ҳали бирор марта ҳам қўнгироқ қилгани йўқ. Илгари кўп қиласади. «Нима қиляпсиз? Қаерда юргандингиз? Официант қизларингиз бир-биридан чиройли бўлса керак, а?! Ҳар қалай, улар кимга осилишни яхши билишади», дейа бошини қотираради. Қиқирлаб куларди. «Ўзим бориб танлаб берайми? Лекин мен қизларнинг қандайлигини бир гаплашганданоқ билиб оламан. Қайси бирининг сизга мослигини ва ёки қайси бирига сиз тўгри келишингизни дарров ажратаман», дерди. Бир марта Фирдавс қизнинг шу гапларидан сўнг «Ўзим ҳам шундай деб ўйлаб тургандим. Тўғриси, тўрттасини кўз остимга олиб қўйибман. Бир-биридан чиройли, бир-биридан ақлли, шунинг учун сира танлаёлмаяпман. Ўзинг келиб танлаб бер», деган эди. Мавзуна «Баттар бўлинг», деди-ю, гўшакни қўйиб қўйди. Кейин минг марта қўнгироқ қилса ҳам гўшакни қўтартмади. Мавзунанинг эркалигини у тушунди. Мийигида кулди. «Ўзи бошлайди-ю, яна чидамайди», деб қўйди. Аммо Мавзунанинг охирги аразлашиши бошқача эди. Шу боисдан ҳам Фирдавс қизга қўнгироқ қилишга ботинмади.

— Майли, дада. Мен унда Мавзунага айтай-чи...

Бироқ қандай қилиб айтади? Нима дейди? Ана шуниси Фирдавсни қийнай бошлади. Лекин қўнгироқ қилиши кепрак.

У рақам терди. Бироқ чақирув товуши кетмасидан:

— Тинчликми? — деган овоз келди ортидан.

Фирдавс гўшакни жойига қўйди-ю, ортига ўгирилиб:

— Амаки, уйга совчилар келишибди. Синглимга. Дадам қўнгироқ қилганди. Бошим қотиб қолди, — деди.

— Танишмикин?..

— Билмадим. Уйга борай, кейин биламан.

— Иккаламиз кетамиз. Болалардан ҳам икки-учтасини олволамиз. Замон нозик. Йўлда нима бўлишини билиш қийин.

Фирдавс эътироз билдирамади. У қизара бошлаганди. Чунки хаёли Мавзуна билан банд эди. Уни кўришни жудаям хоҳлаётганди. Аввал уларникига бормоқчи, Мавзуна билан гаплашмоқчи эди.

Достон ҳамма гапни Миразизга ҳам айтди. Мавзунанинг исми яна такрорланди.

Миразиз «Рухшона гаплашади», деди. «Мавзуна ёш. Ҳали оқ-қорани билмайди», деди. Шу билан Фирдавснинг ҳафсаласи пир бўлди. Чунки унинг ўзи Мавзуна билан гаплашмоқчи, баҳонада ярашмоқчи эди. У афсусланганча бошини қашлади.

Аммо келган совчилар ортида катта хавф борлигини уларнинг бирортаси ҳам хаёлига келтирмади. Куёвликка номзод йигит, ҳақиқатан ҳам, политехникада ўқирди. Кўркам, фаҳм-фаросати ҳам жойида эди. Бунинг устига қизларнинг кўнглини олишни ҳам биларди. Аммо у, аниқроғи, унинг отаси Абрам қўйган қопқонга тушганди. У туман солиғининг бошлиғи эди. Кўлга тушиб қолди. Айни пора олаётган маҳали ушлашди уни. Олмоқчи эмас эди. Столининг устига қўйишди. Ҳали тегинишга улгурмасидан хонага бирдан тўрт киши бостириб кирди. Кўлига кишинан уришди. Махсус жойга олиб боришиди. У ўзи билан ўзи овора бўлиб ўтирган пайтида унга мана шундай таклиф билдиришди. Эвазига тўрт-беш сўм беришни ҳам ваъда қилишди. У роса қийналди. «Ўглимга нима дейман, қандай тушунтираман унга?» деди. «Сиз аралашмайсиз у ёғига. Фақатгина вақтингчалик қайнота вазифасини ўтаб берсангиз бўлди. Болангизга ишнинг ўта нозиклигини ўзимиз тушунтириб қўямиз. Факат у ўзини у ёқдан-бу ёққа ташламасин. Ҳаммаси табиий бўлиши керак. Мабодо қовун тушириб қўйса, сиз нафақат қамаласиз, балки оиласангизни

бошқа кўрмайсиз. Кейин болангизни ҳам орқангиздан жўнатамиз. Бундан ташқари, яна иккита ўғлингиз ва учта қизингиз бор, уларнинг ҳам тақдири ёмон бўлади. Яхшилаб ўйлаб кўринг», дейишиди. Бечора ўйлаб кўрди ва кўнди. Кўнмасдан қаерга борарди? Бироқ шу куннинг ўзидаёқ унинг соchlари оқариб кетди. Бирорта ҳам қора туки қолмади. Ҳали оқармаганди. Ўртоқлари ҳавас қилишарди. «Элликдан ошсанг ҳам сочинг оқармаган, бизники оқариш тугул тўкилиб битяпти», дейишарди. Мана бир кечанинг ўзидаёқ у қарияга айланди-қолди. Камига уйига қайтиб келганидан сўнг инфарктга чалинди. У ўзи илгаридан игна

устыда ўтиргандай ҳаёт кечирарди. Сабаби, оддий. Пора. Минг марта олмайман десин, барибир, чұнтағига тиқиб кетишади. Құл остидагилари шундай қилишади. Бирор жойға текширишга боришади. «Құпоришади». Бир қисмини келтиришиб, унга беришади. Бу ёзилмаган қонундай бир нарса бўлиб қолган. Пора олмадингми, демак, сен ишончсиз одамсан. Қолаверса, тепадагилар ҳам умидвор. Ҳафта, ўн кунда уларни бир йўқлаб турмасант, амалинг омонат. Шунчаки ишдан четлаштиришса, майлийди. Аввал обдан олиб бориб-олиб келишади. Бўйнингга анча-мунча нарсани илишади. Ана ундан кейин ўтирган жойингни бошқа бировга бўшатасан-да, тўгри темир панжара ортига кетасан... У «Бир кунмас-бир кун бу қилаётган ишларим бурнимдан булоқдай бўлиб чиқади», дерди. Мана, ўша кўнглидаги иш бўлди. Қандай чидайди? Хотини, бола-чақасининг кўзига қандай қарайди? Фам тўгри унинг юраги бориб урилди ва у йиқилди.

* * *

Абрам керакли кўрсатмаларни берганидан кейин Австрияга учеб кетди. Олдин Венага, ундан кейин Зальцбургга борди. Уни ўзларининг бутун жаҳон йигилишига таклиф қилишганди. Оддий хизматчи сифатида. Шуям Абрам учун улкан обрў эди. Чунки оддий қаҳва ташиш учун ҳам бунақанг жойларга таклиф қилишмайди. Чунки энг бойлар иштирок этади унда. Уларнинг бойлигининг учи-кўйруги йўқ. Агар бутун дунёning олтинларини йиққанда ҳам, уларнидан озлик қиласи. Улар бир давлатни гуллатиб-яшнатмоқчи бўлишса, шу заҳоти ўша танланган ўлка гуллаб-яшнашга киришади. Бирор беш йилда Ер юзида унақанг маконни бошқа жойдан тополмайсиз. Аммо қаерни вайрон этмоқчи бўлишса, ҳеч қийинчиликсиз уни ҳам уддалашади. Бунга СССРни бемалол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Жуда кўпчилик, хусусан, биз ҳам шу кунга қадар иттифоқнинг парчаланишига бош сабабчи қилиб Горбачёвни кўрсатар эдик. Четдан қараганда, албатта, шундай. Бироқ уни, ҳақиқатан ҳам, бўлакларга бўлиб ташлаган бошқалар, яъни мана шу мажлис иштирокчилари эди. Шундай экан, Абрамдай этикдўзнинг бундай йигинга қаҳва ташувчи сифатида чақирилиши унинг учун улуғ

мартаба. Ҳар қалай, казо-казоларнинг юзини кўради, сўзларини эшитади ва хотирасига муҳрлайдики, гоҳ-гоҳида эслаганида ажиб туйгуларни ҳис этади. Бироқ бечорага «мўътабар» шахсларни кўриш насиб этмади. Қалинлиги бир қулоч келадиган пўлат эшик ёнидагилар унинг қўлидаги патнисни олишди-да, орқага қайтариб юборишди. Унга бир алам қилди, бир алам қилдики, кўйлагининг ёқасини бир неча марта тишлаб олди. Аммо бир нима бирнималардан хабар топди. Яъни яқин 25-30 йилда Ер юзини таниб бўлмай қолади. Жуда кўп жойларда ур калтаксур калтак. Бу ёғи ер усти, ости бойликлари уларнинг чўнтакларига оқиб бораверади. Албатта, уларга етгунича Абрамга ўхшаганларнинг ҳам кичкинагина чўнтаклари семириб, тўлишиб кетаверади. «Эҳ, Абрам, мен қачон шулардай бўламан? Қачон менинг ҳам кистам ўлчамини йўқотиб қўяди? Қачон мен ҳам қанчадан-қанча одамнинг тақдирини ҳал қиласман?» дея алам билан кўнглидан ўтказди. «Йўқ, менга энди кеч. Менинг ёшим етмай қолади. Минг афсус. Аммо Арслоним бор-ку. Арслоним!.. Ох, уни булар яқинларига ҳам йўлатишмайди. Ахир онасининг миллати

бошқа. Арслон ҳатто менинг бойликларимга ҳам эга чиқолмайди. Олиб кўйишади. Лекин менга нима фарқи бор? Бизлар ўзимизнингина ўйладиганлармиз. Агар дунёда фақатгина яҳудийлар бўлганида эди, аллақачон бир-бирилизни қириб ташлаган бўлар эдик. Озмиз, шунинг учун иттифоқмиз. Ва биз бошқалардан айёрмиз, шунинг учун ошигимиз олчи», деди. Кейин яна бир марта ўзининг ёши анча улгайиб қолганидан афсусланди.

Мажлис жуда узоқ давом этди. Абрам ҳайратда эди. Одамзод бунчалик узоқ муҳокамага қандай бардош беради? Беролмайди. Булар беряптими, демак, ҳақиқатан ҳам, улутлар. Аммо ичкарида у ўйлаганчалик эмас эди. Ичкарида майшат кетаётганди. Ҳам йигилиш, ҳам майшат. Диван. Дунёнинг бирорта ҳам одами (албатта, улардан бошқа) унақасини кўрмаган. Ўтирсангиз лаззатланасиз. Ўзидан-ўзи кайфиятингиз кўтарилиб, тетиклашасиз. Фикрларингиз шунаقا тиниқлашадики, ўн одамга бемалол гап топиб бера оласиз. Керак бўлса, ҳаммасига ақл ўргатасиз. Пар ёстиқлар. Бундан юз йилча бурун йўқолиб кетган, дея қушлар

пүйхатидан ўчириб ташланган, асосан, шимолда яшаган Оқ Фаруслар патлари солиб тайёрланган ёстиқлар. Аслида, қушлар йўқолиб кетмаган. Фақат битта қолдирмай тутилган. Сўнг Гренландиянинг шимолидаги маҳсус фермада боқилган. Уларга умуман синтетик овқат берилмайди. Кушлар табиий шароитда нима

еийшган бўлишса, худди шу маҳсулот билан боқилади. Ва вояга етиши билан сўйилиб, патлари ҳозирги манави хонадаги бойларнинг уйларига, ишхоналарига ёстиқ тайёрлаш учун жўнатилади. Гўштлари эса ейилмайди. Чунки еган одам заҳарланади ва бир кундан ошиқ яшамай жон беради. Шу боисдан ерга кўмиб ташланади. Бироқ ҳаммаси эмас. Маълум қисми қолдирилади. Чунки бу корчалонларга заҳар ҳам керак-да.

Энди жиҳозлар масаласига келсак. Ҳаммаси соф олтиндан. Ҳатто идиш-товоққача. Ана шундай жойда улар ебичиб, шу аснода маслаҳатлашиб ҳам олишади. Нима ебнимана ичиши эса қоронги. Шу кунгача бирор бу ҳақда билмаган ва бундан кейин ҳам билмаса керак.

Ўттиз йиллик ҳарбий ҳаракатлар учун беш триллион доллар ажратилди. Бу ҳар битта оила бошлиғи учун бир триллиондан демакдир.

Абрам шундай хабарни эшитганида эси кетди. Ўзича пулнинг ҳажмини чамалаб кўрмоқчи бўлди. Ақли етмади. Лекин ичидан хурсанд бўлди ва куйиниш ҳам бор эди унинг ичиди. «Нимага менда йўқ шунча пул? Нимага мен тиколмайман?» деди. Яна у шунча пулдан келадиган фойданинг қанчалигини билмоқчи бўлди. Билолмади. Гангиди.

У роса тўрт кун Залыцбургда бўлди. Кейин қайтди. Хизмати учун унга нақд бир миллион доллар беришди. Бунинг бекорга берилмаганини у яхши биларди. Унга хизмат ҳақинг дейишиди. Бироқ, барибир, Абрамнинг ички бир туйғуси эвазига ўн баробарини қайтарасан, деб турарди.

* * *

«Моҳина ўша йигит билан кўришсин, гаплашсин, бирор қарорга келсин, ана ундан кейин биз бирор қарорга келамиз», деди Достон ўғли билан гаплашганидан сўнг ва

куёв томонидан навбатдаги қүнгироқ бўлганида шу жавобни айтди.

Моҳина Рухшона билан учрашувга чиқадиган бўлди. Ўша қўпчилик танлайдиган жой. Ўрда. Анҳор бўйи. Куёв ҳам онаси билан учрашувга келадиган бўлди...

— Менинг исмим Шерзод, — деди қўёвликка номзод йигит Моҳина билан кўришаркан жилмайиб.

— Меникини яхши билсангиз керак. Шунинг учун айтиб ўтирамайман, — жавоб берди Моҳина.

— Худди шундай. Лекин бошқача бўларкан.

— Нима бошқача?

— Тўғриси, илгари уйимдагилар топганига уйланолмасам керак. Чунки бир кўришда одамнинг қандайлигини билиб бўлмайди. Шунинг учун қизни ўзим топаман, кимлигини билиб оламан, кейин уйланаман, дердим. Инстиуттга ўқишига кирганимдан сўнг орадан бир йил ўтиб, бу ниятимдан қайтдим.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Моҳина.

— Агар бирорта қиз билан учрашиб юрсанг, унинг кимлигини билиб оласан. Кейин агар оила курсанг, ҳеч нарсанинг қизиги қолмайди. Агар бир кўрганингда ёққанини олсанг, тўйдан кейин уни ўрганиб бўлгунингча бир-икки йил ўтади. Қарабсанки, ўша қизга боғланиб қоласан.

— Ўзингиздан-ўзингиз шу фикрга келдингизми?

— Йўқ. Ўртогим уйланди. Бир эмас, иккитаси. Иккиси ҳам топишиб, севишиб уйланди. Кейин нолишди. Бекор қилган эканман, деб.

— Бундан чиқди, сизнинг ўзингизда фикр йўқ экан-да.

— Бор. Лекин атрофни кузатиб, ундан сўнг хуроса қилиш, менимча, энг тўғри йўл.

— Тушунарли. Энди нима тўғрисида гаплашамиз?..

— Билмадим. Қийин бўлар экан, эллик қадам нарида кузатиб туришса ҳаяжон босар экан. Шунинг учун тайёрлаб келган гапларимни айттолмаяпман.

— Тайёрландингизми?

— Бўлмасам-чи. Олдинига иккита қоғоз олдим. Хонамга кирдим-да, сценарий ёза бошладим. Мана, масалан, мен сизга нима дейман биринчи кўришишда. Сиз нима деб жавоб қайтарасиз. Албатта, сизнинг жавобингиз мен учун

тахмин. Лекин шу тахминни ҳам ёздим-да... Тўхтанг, ҳозир бошидан бошлайман. Албатта, сиз мен ўйлагандай гўзалсиз. Мана, дарров эсладим. Энг аввал шундай деб ёздим. Аммо дарров ўчириб ташладим.

— Нега ўчирдингиз?..

— Бачкана. Кейин, ўйлашимча, жуда қўпчилик шундай деган бўлса керак. Ҳамманинг

айтган гапини мен такрорлашни сира истамайман. Шуннинг учун ҳам менинг сўзларим оригинал бўлиши керак эди.

— Хўп, ундан кейин нима ёздингиз?

— Ишонасизми, ҳеч нима ёзолмадим. Бошим шишиб кетди. Сўнг шоирларнинг китобларини варактрай бошладим. Бу гапим сизга эриш туюлиши мумкин. Лекин шундай қилганим рост. Аммо улардан ҳам ҳеч вақо тополмадим. Ва биринчи қоғозни йиртиб-йиртиб, ғижимлаб столнинг тагига ташладим. Кейин деразага тикилиб қолибман. Ўй-хаёлим сиз билан банд эди. Бироқ бунда бир оғиз ҳам сўз ийӯқ эди. Ҳаммаси тасвир. Сиз ва холангиздан олдин ойим иккаламиз бу ерга келишимиз, ўриндиққа ўтиришмиз, сизнинг кечика бошлашингиз, менинг манави, — деб Шерзод билагидаги соатни кўрсатди, — вақтни кўрсаткичга тез-тез қараб қўйишим, тоқатсизланишим, сўнг сизни узоқдан кўриб қолишим, майин шабадада пешонангизга тушиб турган соchlарингизнинг тебраниши...

— Менинг соchlаримнинг қоралигини қаердан билдингиз? — дея Шерзоднинг гапини бўлиб сўради Моҳина.

— Ойим айтди. Соchlари қоп-қора, юзи оқ, киприклари узун, деб.

— Наҳотки?!

— Ҳа, шундай воқеа содир бўлди. Мен эндиғина институтдан келгандим. Бизда «техмех» деган фан бор. Каллангизни бир неча бўлакка бўлиб ишлатаман десангиз ҳам тушунмайсиз. Айниқса, масалаларига. Ҳайронман, бу домлалар шунаقا нарсаларни қаердан ўйлаб топишар экан?! Хуллас, ўша фандан аҳволим чатоқроқ. Устига-устак аллақачон етмишни уриб қўйса ҳам, домлалигини йигиширмайтган профессор ўта ўжар, ўта синчков ва бир сўзли. Бир марта баҳонгизни қўймадими, тамом, шу билан кур-

сдан-курсга қолиб янаги йилга бошқатдан тайёргарлик қўриб келасиз...

Моҳина жилмайди ва

анҳор томонга юзланди-ю, юраги музлаб кетди. Чунки анҳорнинг нариги қирғоғида иккита барзангি уларга еб қўйгудек тикилиб турарди.

Қиз қўзини шу заҳоти олиб қочди. «Акамнинг йигитла-ри бўлса керак. Нега келишди?! Тавба, шунақсанги пайти ҳам пойлоқчилик қилишадими? Ахир бу менинг шахсий масалам-ку?! Ўзи шундай деб айтган. «Моҳи, мен сенинг ўзингга тегишли бўлган ишларга умуман аралашмайман. Эрта бир кун нолишингни хоҳламайман. Шунинг учун ҳам танлаганингга узатамиз», деган. Энди бўлса, пойлоқчи қўйибди. Ҳали борай, акам билан яхшилаб гаплашиб ола-ман», дея қўнглига тугди Моҳина. Шерзод эса гапида давом этарди:

— Хуллас, ўша домланинг қалтираган бармоқлари билан қўйиладиган уч ва унинг ёнидаги имзони ўйлаб келгандим. Айтсам ишонмайсиз, пешонам терлаб кетганди.

— Кетганди? — деди Моҳина шумлик билан.

— Кетганди? — дея Шерзод бирдан кулиб юборди ва гапини тўғрилади. — Терлаганди. Муздай тер. Бармогингиз билан тегинсангиз, этингиз жимирлади. Ана шундай бир аҳволда кириб келганимда ойим жилмайиб кутиб олди ва «Кийимларингни алмаштири, йўқ, аввал сочингни эпақа-га келтири, қара, худди қизларникидай ўсиб кетибди, пап-кангни ташлагин-да, сартарошга югор, кейин дарров қайтиб кел. Бир жойга борамиз», — деди. Мен ҳайрон бўлдим. Олдинига елкамни қисдим, сўнг мана бундай қилдим, — деб Шерзод бурнини тортиб қўйди.

Йигитнинг қилиғи Моҳинага хуш ёқиб, қиқирлаб кулиб юборди.

— Ана кўрдингизми? Хаёлингиз паришон бўлган пайти ғалатидан-ғалати қилиқлар қилганингизни ўзингиз сезмай қоласиз. Менда худди шундай воқеа содир бўлди. Ойим ҳам сизга ўхшаб кулди. «Қаерга борамиз?» дея сўрадим фаросатсизлик чегараси томонга ўтиб кетиб. «Чиройли, ақдли бир қизни кўргани», деб жавоб берди ойим. «Лекин мен «техмех»... «Йигиштири, «Техмех»ингни», — деди ойим

ва ҳали айтганимдай таърифингизни келтирди. Шу заҳоти сизни тасаввур қилдим. Кўз олдимда худди ҳозиргидай на-моён бўлдингиз.

— Йўғ-э, шу жойига сал-пал қўшдингиз-ов!

— Сал-пал... Жудаям оз. Лекин, барибир, қарийб сизни топгандим. Қарийб эмас, аниқ. Агар сиз юзта қизнинг ора-сида бўлган тақдирингизда ҳам топиб олган бўлардим. Ўйлайманки, мана шу гапим тўппа-тўғри.

— Хўп, бунисига ҳам кўндиқ. Сиз битта қоғозни йир-тиб, кейин фижимлаб столнинг остига отиб юборгандин-гиз, ундан кейин-чи, ундан кейин нима қилдингиз? Ик-кинчисига ҳеч нима ёзмадингизми?

— Ёздим, ёздим! — деди Шерзод ҳовлиқанча. — Нима бўлса бўлар! Пешонамдан кўраман. Агар ўша сулув қиз...

Шундай деб Шерзод Моҳинага қаради. Қиз уялиб, бо-шини эгди ва йигитнинг гапининг давомини кутди. Шер-зод эса қулт этказиб ютинди. Аммо бир оғиз ҳам гапирма-ди. Гапи ўша сулув қизда тўхтади-қолди.

— Кейин-чи? — деди Моҳина.

— Ёзмадим ҳеч нима, қўрқдим. Тўғриси, шундай. Агар ўша сулув қиз «Сиз менга ёқмадингиз, беўхшов экансиз», деса нима қиласман, деб ўйладим.

— Ҳали ўзингиз кўрмаган, билмаган қизнинг йўқ дей-ишидан нега қўрқасиз?

— Билмадим... Менимча, кўпроқ довдирлигим сабаб шундай бўлган бўлса керак. Яна умуман қизлар билан ил-гари муҳаббат мавзусида гаплашмаган эдим. Шунга...

— Менда бошқача тасаввур уйғотяпсиз, — деди Мохи-на унинг гапини бўлиб.

— Бошқача?!

— Ҳа, жуда кўп қизлар билан гаплашган, устаси фа-рангларга ўхшайсиз. Сиз билан бир марта гаплашган қиз «ўралиб» қолади. Сиз бўлсангиз, уни алдаб кетасиз.

— Қасам ичиб айтаман, ҳеч қачон бундай бўлмаган! Мактабни битирдим. Кейин дарров ўқишга кирдим. Асли-да, бирор йил юрмоқчи эдим тайёргарлик кўриб. Чунки партада ўтиравериш чарчатиб юборганди. Сўнг ўқишга қизиқиб қолдим. Бир нечта иморатларни чиздим. Роса бе-рилиб чиздим. Битиришим билан кўтариб чопқиллаганча

домлаларнинг ёнига бордим. Лекин уларга шу пайтгача нимаики чизган бўлсам ёқмади. «Бачкан», дейишди. «Худди чет элниги ўхшаб қолган», дейишди. «Бизга стандарт проектлар керак», дейишди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, худди инкубатордан чиққанга ўхшайдиган уйларнинг нима кераги бор? Одамни зерикитириб юборади-ку, тўғрими?..

— Сира ўйлаб кўрмаган эканман.

— Сиз ўйлаб кўринг, ўйл ёқасида бир томчи сувдай бир-бирига ўхшаш қатор бинолар турса, зерикиш у ёқда турсин, ҳатто қайси уйга бораётганингизни ҳам билмай адашиб кетасиз... Тўхтанг, нега мен ўзимдан-ўзим яна довдирияпман. Сиз билан биринчи учрашувим бўлса, қаёқдаги проектлару «техмех»га бало борми?

— Билмасам, ўзингиз гапиряпсиз, мен эшитяпман. Қолаверса, менинг кетадиган вақтим ҳам бўлиб қолди. Шундоқ ҳам кўп гаплашиб юбордим, холамнинг хаёли бузилмасин. Шунга... ортимизга қайта қолайлик.

— Жудаям оз гаплашдик. Яна бироз айланишни таклиф қиласадим-у... Шошманг, ҳалиги мен сизни биринчи кўришганимизда музқаймоқ ейишга таклиф қилишим керакмиди?

Моҳина қулиб юборди ва бошини қимирлатиб:

— Билмайман, — дея жавоб берди.

— Ҳар қалай, қонун-қоидаси қанаقا бўларди?

Моҳина яна кулди:

— Билмайман. Мен ҳам илгари йигитлар билан учрашиб юрганманман.

— Ўйлайманки, сиз билан яна қўришамиз. Фақат разведкачилар иштирокисиз. Хўпми?

— Билмадим!

— Унда сизни... Нима десам экан? Ҳар қалай... Телефон рақамингизни беринг, қўнғироқ қиласман-да, кейин балки бирор нимани айта оларман.

— Йўқ! Акам бегоналар билан гаплашишимга йўл қўймайди.

— Акангиз ҳам илгари менинг аҳволимга тушгандир. Ҳар қалай, уйлангунча қийналиб... Шунинг учун мени тушунар.

— Афсуски, тушунмайди. Чунки уйланмаган ҳали.

- Унда мен дуо қиласман ҳозир.
- Нима деб?
- Акангизнинг ҳам бошига менинг қуним тушсин. Учрашувга чиқсин-у, қизнинг телефон рақамини ололмасин. Ўша қиз ҳам «Акам уришади», десин.
- Мен уришади демадим-ку. Менинг ўзим шунчаки уяламан. Сабаби, жудаям қаттиқ хурмат қиласман.
- Ўша-а қиз ҳам худди сиз айтган гапларни айтсин.
- Айтмайди!..
- Нега айтмас экан?
- Акамнинг севган қизи бор. Ўша қиз ҳам акамни яхши кўради. Шунинг учун айтмайди.
- Унда севишайлик!
- Моҳина Шерзодга ялт этиб қаради ва юзи қизариб кетди. Юрагининг уриши тезлашди. Безовталанди.
- Мен борай, холамнинг олдида нокулай аҳволга тушиб қолдим. Хўп, хайр.
- Бирор нима деб кетинг?..
- Холамга айтман...
- Шерзод ёқди қизга. Лекин ёққанини қандай айтсин? Айттолмайди. Тили бормайди. Агар улар тўйдан кейин ҳам гаплашишганида айттолмасди. Яхши гаплар гапиради. Мехрибончилик кўрсатади. Бироқ «Сиз менга ёқдингиз, мен сизни севиб қолдим», дея олмайди. Чунки табиатида йўқ бундай сўзларни тилига кўчириш.
- Моҳина холасига «Ёмон болага ўхшамайди», деди ва шу билан розилигини билдириди. Бечорагина, соддагина қиз. Агар Шерзод шунчаки актёрлик қилаётганини билганида эди, шундай дермиди? Демасди. Ҳаттоқи учрашувга ҳам келмасди. Акасига айтарди. «Бу ярамас бола мени қонхўр, кazzоб, ўғрибоши Арслонга тўғрилаётган экан», дерди. У ёғини эса Фирдавс ҳал қиласади. Афсуски, қизнинг ҳеч нимадан хабари бўлмади ва «Ёмон болага ўхшамайди», деди. Рухшона Моҳинани худди ўз қизини қучгандай кучди. Кўзлари чақнади.
- Бахтингни берсин, қизим, — деб юзидан ўпди.

* * *

Абрам маст эди. Эшитганларидан, унга берилган миллион доллар ҳайбатидан маст эди. «Биз ҳали бутун Ер юзи-

ни тиз чўқтирамиз! Кимса борки, бизга хизмат қилади. Оғзимиздан сўзимиз чиқмай туриб, кўнглимиздагини муҳаё ўқиламиш. Ахир бизлар танланганлармиз-ку», дея ўйлар эди у. Аммо шу чогда кўнглининг бир чеккасидан «Лънатланганларданмиз», деган сўз ҳам ўтган эди-ю, бунисини у тезда унутишга ҳаракат қилди. Бироқ, барибир, унутолмади. Унинг ота-боболари ҳам қарғишга учраганликларини яхши билишарди. Аммо биттаси ҳам тавба-тазарру қилмади. Бунинг ўрнига мол-дунё йигиш билан овора бўлди. Бироқ куни келди-ю, бутун бойликларини ташлаб жаҳаннамга равона бўлишиди. Энди навбат Абрамники. Ҳозирча у майшат отининг устида. Нимани кўнгли тусаса, ҳаммаси бўляпти. Шундан у мағрурланган, руҳланган. Кўзига бошқа инсонлар майда, кўз илғамас жонзотдай кўринади. «Тўғри, бизнинг сафимиз оз, аммо шу ҳам бошқаларнинг устидан ҳукмронлик қилишимизга етиб ортади. Улуғларимиз бекордан-бекорга урушда сафимизни озайтиришмаган. Илло, дараҳтнинг ортиқча шоҳ-шаббаларини кесиб турмасанг, унинг ҳосилини қурт еб қўяди ва ёки жудаям майдалашиб кетади. Оҳ, бораман-у, ишимни жадаллаштираман. Менинг елкамда «тоғ» турибди. Ёқимли оғирлик. Уни қанча кўтариб юрсанг, шунча маза қиласан. Худо кўрсатмасин, ўша тоғ пастга тушиб кетса, нима қилар эканман?! Менимча, оёғимда юролмасам керак. Учаман-да. Оҳ, учаман. Аммо-лекин унисини ҳам бир синаб кўриш керак экан. Албатта, бойликларимни йигиб олай... Ҳа-а, бир пайтлар, қарийб бундан бир минг тўрт юз йил олдин боболаримдан тортиб олинган олтин, кумушларни қайтариб олишим керак. Минг, миллион баробарида. Йўқса, уларнинг руҳлари чирқирайди. Эртага юзмайоз бўлганимизда мендан аразлашади. Эшитганман, Мадина яқинидаги Ҳайбарда ёмон бўлган экан. Эҳ, ота-боболарим, эҳ!!! Албатта, биламан, сизлар ҳам худди мен каби бойликни ҳамма нарсадан устун қўйгансиз. Биламан, пичоқларингиз мой устида бўлган. Аммо хатога йўл қўйгансиз. Мен сиз тўғрингизда неча марталаб ўйладим ва хавфдан осонлик билан чиқиб кетиш йўлини топдим... Этиқдўзлик қилаётган маҳалим топдим... Биз энди синмаймиз. Биз энди бутун дунёning бойликларига эга чиқамиз. Ол-

тинларимизни бир жойга тўпласа, нақд битта қитъани эгалладиган бўлади!»

Абрам шундай хаёллар сураркан, гўдайиб кўкрагини кериб қўяр, қўлини мушт қилиб самолёт салонидагиларга менсимасдан қарапди... Унинг ота-боболари ҳам худди шундай қилишганди. Манмансираши тогдан ҳам баланд бўлиб кетганди. Оқибатда хонавайрон бўлишди. Қанчадан-қанчаси қирилиб кетди. Лаънатланди. Яратган томонидан лаънатланди. Энди мана булар бошлияпти. Ва албатта, бу-ларнинг ҳам, ҳеч шубҳасиз, «шох»лари сингай, нафақат жаҳаннамда, балки шу дунёнинг ўзидаям улар тортадиган азобларнинг кети узилмагай. Ҳозирча эса хаёлидагидай яшаб туришсин.

Абрам самолётдан тушган заҳоти ўзини кутиб турган машинага ўтириди. Ҳа, тўппа-тўғри, уни кутиб олишга чиқ-қан машина самолёт ёнида эди.

— Ишлар нима бўлди, Николай? — дея сўради Абрам бошидаги қора шляпасини ўриндиқча ташларкан, пешонасини тириштириб.

— Худди сиз чизиб бергандай. Теп-текис. Мен сизни авлиё деган бўлардим. Ҳамма нарсани олдиндан кўрасиз ва айтганларингизнинг бари рост бўлиб чиқади, — деди Николай иржайиб.

— Ҳм. Қайси ишни айтяпсан? — дея темир қутидан туатқини олди Абрам.

— Анави Фирдавс деган қайсарнинг ишини айтяпман. Унинг синглисига Арслон уйланиши керак эди-ку.

— Менинг учун у жудаям майдা иш. Николай, сенга неча бор айтганман. Сира гап қулоғингга кирмайди. Ёш болаликни йигиштириб. Арслоннинг кимгадир уйланиши иш бўлтими? Водийда нима гап?

— Униси ҳам режадагидай кетяпти. Беш-олтитаси умуман босар-тусарини билмай қолди. Худди бир умр боғлашиб боқилган ҳўқизларга ўҳшашади улар. Ипи узилган-у, дуч келган томонга шаталоқ отиб югуришга тушган.

— Ёмон. Жудаям ёмон. Ақл билан ишлашлари керак эди. Ҳўқизлар бугун югуришади. Лекин эртага уларни тутишади-да, бўғизлашади. Биз эса манфаатсиз қоламиз.

— Агар фармон берсангиз, бир кунда ҳаммасини жой-жойига қўямиз.

Абрам гапиришдан олдин деразадан ташқарига пулфлади:

— Йўқ. Энди кеч. Бошидан бошлиш керак эди. Энди улар бизнинг ҳимоямиздан ташқарида. Аммо берган пулларимизнинг ҳавога совурилишини истамайман. Етказ, шаҳарларида қандай дўконлар бўлишидан қатъи назар босишин. Ва биз берган қуролларнинг пулларини йигишин. Оддий қоғоз пулларнинг менга умуман кераги йўқ. Олтин, кумушга айлантирсинг барини. Йўқса, ҳаммасининг оналарини учқўргондан кўрсатаман!

Шундай деб у яна деразадан ташқарига қаради. Имортларни кузатди. Кўриб келаётган биноларининг олдида булар жудаям пастқам эди. Дўконларнинг кўринишлари ҳам бечорасифат. «Оҳ, бундай жойда қандай қилиб пулларингни кўпайтира оласан? Жудаям қийин кўпайтиришинг. Шундай экан, бошқа жойга кўчиб кетиш керак. Бойлар маконига. У ёқларда битта акса урганингни ҳам сотишинг мумкин. Мўмайгина пулга. Кейин тараллабедод қилиб юрасан». Абрам лабини тишлади. Ахир унга мана шу жойларда юриш ва шу жойларда бойлик тўплаш буюрилди. Ва яна «Қон тўкасан, ажал оловини пуркайсан. Шундай қилгинки, ҳамма бир-бирига душман бўлсин. Тинимсиз бир-бирига ўқ отишсин. Бир-бирининг уйларини портлатищсин», дейишид... Портлашларнинг ҳаммаси долларларга айланади. Тутун, чанг, олов, мурдалар — буларнинг бари пул. Осмонда чанг эмас, пул учеб юрибди, доллар. Тутун ҳам худди шундай. Ерда ётган мурда эмас, пул. Бир уюм пул. Одам шаклидаги пул. Абрамнинг пули. Катта сувнинг нарёғидаги Абрамнинг мешқорин қариндошларининг пули. Шунинг учун ҳам улар заводларида ишлаб чиқарилган қуролларини орқалаб келишган. «Мана сизларга, хоҳлаганча бир-бирингизни қиринглар. Лекин шарти шуки, ким тирик қолса, ақчасини тўлайди. Ўн баробар ортиғи билан тўлайди. Сабаби, унга биз яхшироқ қурол берганимиз», дейишид... Уруш қанча узоқ давом этса, Абрамга шунча яхши... Бир сафар қуроллар етмай қолди. Буни қарангки, худди шу маҳал унинг баҳтига иттифоқ бор бўйи билан улкан иморат агнагандай ағнади. Ҳарбий қисмлар қаровсиз қолди. Уларнинг омборларида эса портлатадиган, ота-

диган «үйинчоқ»лар тиқилиб ётибди. Фақат полк командири отлиқ қоровулға тұрт-беш сүм берсанг — олам гулистан.

— Бұлди, хұжайин, — деди Николай ялтоқланиб, — сизни уйга құяман-у, дарров аэропортта югураман.

— Ни-ма?! Аэропортта югуриб нима қиласан? Самолётта чипта оласан, түгрими?! Кимнинг пулига оласан, ярамас?! Нима, сенга отангнинг яйлови бормидики, билганингни қылсанг? Хатони қылдингларми, заарини ҳам қоплайсанлар!

— Хүп!..

Николай шундай деди-ю, ўйланиб қолди: «Қанақанги хато, қанақанги зарар? Нега мен тұлашым керак? Мен ҳеч нима құлмадим-ку?! Фақатгина бўлган воқеани гапириб бердим. Бор айбим — шу».

— Хонзода қаерда? — сўради Абрам яна тутун ютганидан сўнг.

— Сизни кутиб уйда ўтирибди.

— Жуда яхши. Мен унга ажойиб совға олдим. Бундай ўйлаб қарасам, шўрликка сўнгти пайтлари ҳеч нима бермабман. Кўзимни чирт юмдим-у, атири сотиб олдим. Французларникидан... Биласанми, мен у атирни кўрганимда хаёлимга ёшлигим келди. Онамнинг исми София эди. Ниҳоятда олифта хотин эди. Атири бўларди. Ҳиди жудаям ўткир эди. Онамнинг гапларига қараганда отам Георгийни шу атири билан «қармоги»га илинтирган экан. Бўлмаса, иккиси ҳам яхдий. Ақлда бир-биридан ўтса ўтадики, асло ортда қолмайди. Шундай экан, кейинчалик ўйладимики, онам София отамдан пишиқроқ экан. Бўлмаса, битта атирга алданармиди?.. Хуллас, ўша атирни, энди айнан ўша эмас, балки шу типдаги атирни мен синдириб қўйганман. Ёш бола эдим. Адашмасам, бешга кирган бўлсам кепрак. Тош ойна олдидаги столда турган экан. Олиб кўрдим, ҳиди зўр экан. Кейин нима бўлди-ю, қўлимдан тушиб кетди. Темирга тегди. Столнинг оёғи темир эди. Чил-чил синди. Бунинг устига онам кириб келди ва аҳволни кўрди-ю, қўзлари олайиб кетди. Гап-сўз йўқ, ёнимга қушдай учиб келиб юзимга шунақанги шапалоқ туширдики, отилиб кетдим... Анчагача ўзимга келолмадим. Юзим ловиллаб

ёнарди. Қандайдир ҳаво етишмаётгандай эди. Амаллаб ўзим-га келдим-да, кўзимни очсам, онам бечора йиглаб ўтирган экан... Мана шу Хонзодага атаб сотиб олган атиrimни қўлимга ушлаганим заҳоти ўша воқеа эсимга тушди... Албатта, атирнинг ҳақини тўладим. Улгайганимдан кейин. Онам қарз дафтарининг бир четига «илдириб» қўйган экан. Мактабни битирар-битирмасимдан дафтарни менга кўрсатди. Воқеани эслатди. «Ҳақини тўла», деди. Начора, биздаги удумга кўра мен қарздорман. Тўладим. Ўҳ-ҳӯ, нақд беш баробар қилиб қайтардим. Онам ҳар куни менинг ишдан қайтишимни кутарди. Эшикдан киришим билан чўнтағимни қоқиб оларди. Лекин, албатта, мен ҳам аной-иларданмасман. Қонимда кимсан яхудийларнинг қони оқади. Топган пулимнинг саксон фоизини яшириб келардим... Мана, сенга битта атир тўғрисида шунча воқеа. Анави бардачогингдагини ол.

— Хўп бўлади, — деб Николай сал энгашганча у сўраган шишани кичик юкхоначадан олиб Абрамга узатди.

Абрам ичишдан олдин шишани роса томоша қилди. Ичиди «Янгиси экан», дея қопқоғини бураб очди-да, Николайнинг ўзига қайтариб узатаркан:

— Ҳалоллаб бер, — деди.

— Оҳ, эсим курсин, шеф, — дея Николай иржайганча шишани қўлига олди-да, қулкуллатиб ича бошлади.

— Ҳов, эшак!!! — дея бўкириб юборди бирдан Абрам. — Нима қилганинг бу?! Тугатиб қўясан-ку! Мен сенга бир хўпла, дегандим!

Абрам бақиришга ҳам қаноат қилмай Николайнинг елкасига муштлади. Сўнг шишани қўлига оларкан:

— Нақд чет элдан келтирилган. Итальянларники. Бир қултуми неча пул туришини биласанми, сен ит эмган?! — деди газаб билан.

— Агар бир қултумини оғзимга согланимда ютмадинг, дердингиз. Шунинг учун кўпроқ ичдим.

— Биласан, қандай қилиб вазиятдан чиқиб кетишни, биласан.

Абрам шундай деб мароқ билан ичкиликни ича бошлади.

Хонзода ўзининг пулига қўй гўшти олиб келди-да,

қозонга солди. У Абрамнинг ақчасига ҳеч нима ололмайди. Чунки Абрам келгани заҳоти ҳисоб-китобни бошлайди. Ҳаттоқи шаҳар ичкарисида юрадиган автобуснинг чиптасини ҳам кўриқдан ўтказиб қўяди. Мабодо салгина ортиқча харажатни сезиб қолса, бирдан тепа сочи тикка бўлади ва сўкинишга тушади. Нақшлаб сўқади. Шундай нақшларки, одамзод умрида кўрмаган.

Гўшт ҳил-ҳил пишган эди. Оғзингизга солишингиз билан эриб кетадиган эди. Унга солингган зираворларнинг ҳиди эса қозоннинг ёни тугул беш-олти қадам наридан ўтсангиз ҳам оғзингизнинг сувини қочиради. Абрамга ёқди. Юмшоққина тандир нонни таомнинг қайласига ботириб-ботириб, зўр иштаҳа билан еди. Яна у хурсандчилик билан еди. Сабаби, Хонзода унинг ўзига етгулик қилиб, лаганга сузиб келганди овқатни. Чунки у Абрамнинг зиқналигини яхши билади. Агар худди шу овқатдан ўзига солиб келганида борми, Абрамнинг бирдан қовоги осиларди ва уни гўштни исроф қилганлиқда айбларди.

— Келиндан гапир, — деди Абрам навбатдаги бир пиёлани ютиб, лаб-лунжини артаркан.

— Йигитларинг айтишмадими?

— Эшитгим келмади. Сендан билай ҳаммасини, дедим. Хўш, нима гаплар?

— Ростини айтсам, бечора қизга ичим ачиdi. Бирам чиройли, бирам одобли, овози одамнинг қулогига шунақа ёқадики, роҳат қиласан киши. Бунақангги санамга Арслон арзимайди. Арслонга ўша Лидаси ҳам бўлаверарди.

Абрам шу заҳоти овқатланишни тўхтатди ва сочиқчани қўлига олди-да, газаб билан Хонзодага тикилди.

— Ҳалиги, — деди бирдан довдираб қолган Хонзода, — нима десам экан?

— Арслонни ахлат демоқчисан, тўгрими?!

— Йўқ! Ўз боламни...

— Билиб қўй, унда менинг қоним оқяпти. Тушуняпсанми, менинг қоним?! Шундай экан, гарчи туғиб қўйған бўлсанг ҳам тилингга эҳтиёт бўл! Агар яна бир марта Арслон тўгрисида ножӯя гап айтадиган бўлсанг, тилингни узиб оламан, каллангни эса сапчадай кесаман! Уқдингми?!

Абрам Арслоннинг шаънига ножўя гап айтилганидан эмас, балки режаси бузилиши эҳтимоли борлигидан газаб отига минганди. Аслида, Арслоннинг тақдири унинг учун икки пул. Муҳими, Фирдавсни тўрга илинтириш, унинг кўлига қурол бериб қон тўкишга мажбур этиш. Ўзи эса пул булоғини очиб олиш эди.

— Ҳа, ҳа, — деди бундан бехабар Хонзода ич-ичидан севиниб. Ахир у Абрам Арслонни яхши кўраркан, деб ўйлаган эди-да.

— Энди гапир, келин қандай экан?

— Зўр. Иккиси бир-бирига жудаям мос. Худо хоҳласа, набираларинг бир-биридан ақали бўлишади. Муҳими, тўйни эсон-омон ўтказиб олишимиз.

— Бу гапинг бошқача. Ҳавотир олма. Тўй зўр ўтади. Ана ви боланинг исми нима? Бизнинг келин билан учрашганнинг?

— Шерзод...

— Ҳм, — деб иржайди Абрам, — у ҳозир осмонда учиб юрган бўлса керак.

— Менимча ҳам, шундай.

— Майли, ҳозир қанча хоҳласа, шунча баландласин, ундан кейин ерпарчин бўлади. Айтганча, отаси касалхонада эмишми?

— Ҳа. Йигитларинг шундай дейишди. Инфарктми, инсультми, ишқилиб, бир нарса бўлибди.

— Ўлиб қолмасмикин?!

— Билмадим...

Абрам нарироқда уларни кузатиб турган йигитларидан бирини чақирди-да, унга керакли кўрсатмаларни берди. Сўнг ўрнидан туриб, столни айланниб ўтди-да, Хонзоданинг елкасига қўлини қўйди:

— Соғиндим. Соғинтирдинг. Энди ҳақини тўла.

Хонзода мийигида кулди. «Қариб қуюлмаган чол», дея кўнглидан ўтказди. Бироқ бунинг ўрнига бошқа гапни айтди:

— Меҳмонхоналарда бойларга бошқача хизмат кўрса-тилади, деб эшитганим бор.

— Менга ўҳшаганларга эмас. Менга ўҳшаганлар ўрган-ган ирмоғидан сув ичади...

Кечга томон водийдан хабар келди. Аникроғи, «почта» олинди. Абрам шу заҳоти ҳисобни сўради. Кам. Йигирма беш фоизга кам. У тутақиб кетди. Ўтирган жойидан сапчиб турди.

— Эгизакларнинг укасига айт, пешонасидан ўзим дарча очама-а-а-а-н!!! — дея бор овозда бақирди.

Бироқ унинг бақирганини бирорта ҳам югурдаги писандига олмади. Чунки таҳдид уларга қаратилмаган эдида. Агар уларга «Ҳозир ҳамманнинг башарангта биттадан шапалоқ тушираман», деганида қўрқишаради. Чунки Абрамнинг шапалоги бошқача-да. Юмшоққина. Аммо унинг ортидан келадигани ёмон. Иккитаси қаерданdir пайдо бўлиб қўлингни орқага қайиради. Болохонанинг ертўласига олиб киришиб, обдан тепкилашади. Сўнг каллангни узуб ташлаб, гўштингни майдалашади-да, ҳайвонот боғига олиб бориб, айиқларга, йўлбарсларга беришади. Ўтган ойнинг ўн иккинчисида иккита йигитни худди шундай қилишган.

— Шеф, — деди Николай юмшоқ овозда, — бирорта ҳам дўкон қолмабди. Ҳаммасини босишибди. Чиққани шу экан.

— Нима, областда фақат дўкон борми? Бозор-чи? Амалдорлар-чи?! Уларнинг пулларини ким олади?! Нима, мен «мол»ни текинга олибманми?! Энди қолганини чўнтағимдан тўлайманми?! Хабар бер, йигирма бешнинг устига яна қирқ беш қўйилди! Топсин! Қаердан, қандай топишининг менга аҳамияти йўқ!

Николай доимгидек икки букилиб «хўп», деди-да, қора-сини ўчириди.

Абрам қайтиб жойига ўтирди ва эндинга лаблари орасига тутатқи қистирган эди ҳамки, Хонзода келди ёнига. Хонзода ўзига бошқатдан оро берганди. Чунки аввалгиси ювилиб кетди.

— Нима гап? — сўради унинг юзига тикилган Абрам.

— Тўйни тезлаштирамизми-йўқми, шуни сўрагани келгандим, — дея жавоб берди Хонзода ним табассум билан.

— Албатта, тезлаштириш керак. Йўқса, анави солиқнинг каттаси ўлиб қолиши мумкин! Бугун кеч бўлди. Қўнгироқ қилиб айт, совчилар эртага боришин. Бир йўла

тўйни шу ойнинг охирги шанбасига белгилаб келишсин. Биз шанба кунлари умуман қўлимизни совуқ сувга урмаймиз-у, лекин майли, бир марта одатга хиёнат қўлсак, ҳеч нима ўзгариб қолмайди... Кейин менга «Видеога олдик» дегандинг. Кўрсатмадинг-а. Мен ҳам қизгинани биркўрай, — деб ўшшайди Абрам.

— Ичкарига кир, ҳаммаси тайёр.

Абрам шошилмади. Хотиржам ўтирганча кетма-кет иккита тутатқи тутатди. Ундан сўнгтина ичкарига йўл олди...

Моҳинанинг қиқирлаб қулишлари, сўzlари Абрамни яйратди. «Аслида, менбоп экан-ку, вақт ўтиб қўйганда. Аммо ҳечқиси йўқ. Қўлимизга тушганидан сўнг балки, чаңқомизни қондирамиз!..» деб ўйлади у.

* * *

Шерзоднинг ичи қуйиб-ёнди. Онасига дарров «Мен бошламадим бу ишни. Адам икковингиз бошладингиз. Энди охирига етказинглар. Тўғриси, ойи, сизнинг олдингизда илгари бунағангидан гапларни айттолмасдим. Юзим чидамасди», деди.

— Энди юзинг қалинлашдими, ўғлим? — деди аёл кулиб.

— Йўқ, ундей деманг. Шунчаки, сиз топган қиз жудаям ақлли экан. Мен унақа қиз билан учрашаман, деб ўйламаган эдим. Ҳар битта айтган гапимга фаросат билан жавоб қайтарди. Ойи, балки, мен унга ёқмагандирман. Лекин аниқ биламан, кейинчалик ёқтириб қолади. Шунга ҳаракат қиламан. Шундай экан, уни нима қилиб бўлса ҳам кўндиринг, — деди йигит йўлда кетишаётганида ялиниб.

— Майли, уйга бориб холасига қўнгироқ қиласай-чи!

— Ия, яшант, ойижон! Ҳали сиз телефон рақамини олдингизми?

— Ха, нимайди?

— Йўқ, ўзим шунчаки. Сиз гаплашинг, кейин ўша рақамга мен қўнгироқ қиласман, — деб кулди Шерзод.

Аёл қўнгироқ қилди ва Рухшона билан узоқ гаплашди. Кейин хурсандлигидан юзи қизарди. Сўнг гўшакни қўйдида, ҳаяжон билан оғзини пойлаб ўтирган ўғлига:

— Табриклайман, болам, қиз рози! — деди.

Шерзод ўтирган жойида сапчиб тушди ва югуриб келди-да, онасини даст кўтариб айлантиаркан:

— Ўзимнинг, ойим! Ўзимнинг тилло ойим! — дея ҳай-қирди.

— Ҳой, бола, йиқитиб қўясан ҳозир, бошим айланиб кетади! — деди она ҳам хурсандлигидан.

Шерзод онасини қайтиб ерга қўйди-да:

— Мен ҳозир бораман-да, ка-а-а-а-т-т-а торт олиб келаман, сизни бир сийлай! Ойи, мен бугун стипендия олганман. Тортни ўз пулимга оламан! — деди.

Шерзод овози ҳавога сингмасидан бурун эшик тарафга югорди. Ҳовлиққанча кўчага чиқди. Гангага бориш учун такси тўхтатишга шайланаётганида унинг ёнгинасига «Волга» келиб тўхтади. Қоп-қора «Волга». Деразалари қорайтирилган машина.

Шерзод ҳайрон бўлди. Уловнинг олд эшиги очилиб, бўйи уч қаричча келадиган, озгин, кичкина мўйловча қўйиб олган одам тушди ва Шерзодга қараб:

— Бунақамас-да, ука, нақ ярим соат кутдик. Дарров чиқмайсанми окаларингни толиқтирмай, — деди чинқ-иллаган овозда.

— Тушунмадим?! Қанақа окалар?! Мен ҳеч ким билан кўришмоқчимасдим-ку...

— Лекин бизда шундай илинж бор эди. Шундай йигит билан учрашиш шараф, — дея кесатди мўйловча. — Машинага ўтириング, ука, қолганини машинада гаплашамиз.

— Нега? Нимани гаплашамиз? Сиз билан умуман гаплашиш ниятим йўқ! — деди Шерзод қайсарлик билан.

Худди шу пайт «Волга»нинг орқа эшигининг деразаси секин туширилди. Ундан Ўлмас хумдай калласини чиқарди-да:

— Ҳой, жинқарча, ўтири!!! — деди кўзини олайтириб.

Йигитнинг ичига шу заҳоти қўркув кирди ва олдинги ўриндиқнинг эшигини очди. Шерзод ўтириши билан машина юрди. Аммо узоқ кетмади. Бирор икки юз метрдан сўнг йўл четига тўхтади.

— Гапимни яхшилаб эшитиб ол, — деди унинг елкасига туртиб қўйган Ўлмас. — Анави қиз билан учрашувни биз ташкиллаштиридик.

— Ни-ма?! — деди бирдан Шерзод.

— Ни-малигини ҳозир билдириб қўяман, ифлос, га-

пимни бўлма! — деди газабланган Ўлмас. Сўнг яна давом этди: — Гап бундоқ, биринчидан, қиз билан зўр гаплашдинг. Ҳаммасини эшишиб турдик. Кўриб ҳам турдик. У қиз бизнинг окахонимизга тегишли. Шундоқ экан, кейинги учрашувингда қўл-пўлидан ушлаб юрганин, — деб ҳиринглаб қулди Ўлмас.

Шерзод қизарип-бўзарди.

— Қисқаси, сен охиригача қуёв ролини ўйнаб берасан. Лекин бу тўғрида бировга миқ этмайсан. Агар салгина гуллассанг, бутун уруг-аймогингни йўқ қилиб юборамиз. Аданг касалхонада... Бир кунда сочи оппоқ бўп қолди. Қошлари ҳам оқариб кетган. Бекорга эмас, кўрқанидан шундай бўлди. Адангнинг ҳамма нарсадан хабари бор. Сен, — дея бу сафар Шерзоднинг елкасига мушт туширди Ўлмас, — қиз билан худди шундай гаплашишда давом эт! Тўй кейинги ойнинг биринчи ҳафтасида. Қизнинг ёнида ўтирасан. Тўйдан кейин машинада ҳам унинг ёнида бўласан. У ёгини ўзимиз ҳал қиласмиз. Бахтинг бор экан, окахоннинг добрийлиги тутиб кетди. Сенга соқقا беради. Нақд йигирма минг. Мана, буниси хамир учидан патир, беш минг, — деб у Шерзоднинг олдига бир даста пул ташлади. — Қолганини кейин оласан.

Шерзод индамади. Илло, унинг ичи музлаганди...

У йўл ёқасида қўлида пул билан ҳайкалдай қотиб турарди. Кўрганлари, эшигтанлари тушга ўхшарди. Аммо бармоқлари орасидаги ақчалар ўйлаганини инкор этарди. «Адамнинг хабари бор, адам ташкиллаштирган, бировлар учун қуёв бола бўлиб беришимни адам хоҳлаган, ўз жигаргўшасининг мана шу аҳволга тушишини истаган?! «Боланинг отага хиёнати кечирилмайди», дейишади, лекин отаники-чи? Умуман, бу хиёнатми? Ёки шунчаки қандайдир иш-у, уни адо этиш керакми? Нозикроқ, қалтисроқ, оғирроқ иш... Нимаси қалтис, нимаси нозик?! Шунчаки иккита одамнинг ҳаёти. У билан ўйнашилади, тамом-вассалом!.. Менда битта йўл бор! Бошқа ҳеч қандай чора йўқ!.. Агар Моҳинани севиб қолмаганимда ҳам майли эди. Бир амаллаб чидардим. Аммо уни севдим. Номини эшитишим билан юрагим гупирлаб кетяпти... Шундай қилсам, ҳаммасидан осонгина қутулиб кетарканман. Аммо

кейин-чи, кейин нима бўлади?! Анави итнинг болалари бошқа бирорни ёллашади. Ва у ҳам Моҳинани алдайди. Ўзи алданиб туриб, кейин алдайди. Балки, у қўл силтар, балки, унга пул жудаям керакдир? «Мендан нима кетди?» дер. Бошқа биттасига ўйланиб оламан, қиз қуриб кетгани йўқ дер... Лекин, падарига лаънатилар, агар қовун туширадиган бўлсанг, бутун оила аъзоларингни тупроқни остига тиқамиз, дейишидиди...»

Шерзод уйга эшикни қарслатиб очиб кирди. Тўғри бориб зинага ўтириди-да, бошини кафтлари орасига олиб сочини фижимлади.

— Оий! Оий! — дея бақирди шу аҳволда.

Нодира опанинг хабари бор эди. Кўп эмас, озгина. Эри учини чиқарди. «Оиласизнинг аҳволи оғирлашадиган бўлиб турибди. Мени ёмон туширишди. Йўқ жойдан туширишди. Бўйнимга анча билан пичани илиб қўйишидди. Энди Шерзоднинг ёрдами керак бўлиб турибди. Битта менга эмас, укалари, сингилларининг ҳаммасига. Сенга ҳам. Биттагина роль ўйнаб бериши керак. Кўнглига оғир олади. Лекин шундай қилиши шарт. Фақат ўзига билдирма. Ўзингни табиий тут. Кейин, ишларнинг бари битганидан сўнг ўзим тушунтириб бераман», деди. Нодира опа ҳайрон бўлиб, яхшилаб тушунтириб беришни сўради. Аммо эри жавоб бермади. «Ҳаммаси жойига тушсин, қолганини кейин айтаман», деди ва ўзи дарров ётиб қолди. Нодира опа қўрқиб кетди. Эри нима деган бўлса ҳаммасини бажарди. Ичидан зил кетди. Илло, одамзодни бундай алдаш уни жудаям қийнади.

Бандачилик, ишлаётган боғчасида унақароқ-бунақароқ ишлар бўлиб туради. Яъни боғча учун давлат берган гўшт, сариёғ, яна бошқа озиқ-овқатнинг ярмига яқини ходимлар орасида бўлинарди. Бунга унинг ўзи бошчилик қиларди. Яна «Ҳалоллик бўлсин! Бирорга ортиқ, бирорга кам бўлмасин», дерди. Аҳволни қаранг, ўғрилик молни ҳалоллик билан бўлиш... Умуман, шундай одат қарийб ҳамма боғчаларга хос эди. Шу боисдан бўлса керак, болалар учун берилган нимарсаларни талон-торож қилиш жуда оддий ишга айланиб кетганди...

Аёл сир сақлади. Ўғлига ҳеч нимани билдирмади. Бироқ ўзи тишини тишига босиб амаллаб чидади.

— Нима дейсан? — деди Нодира опа ўғлининг ёнига келиб.

— Шундайми? Мен шунчаки бирор учун вақтингча қўёв вазифасини бажариб бераманми? — дея қалтираганча Шерзод онасига қаради.

— Болам, аҳволимиз хароб... Адангнинг ўлиб кетишини, укаларингнинг чирқиллаб қолишини хоҳламайсан-ку, шундайми? Бу ёқда сингилларинг...

— Шошманг, ойи, бирор келса-ю, сингилларимдан биттасини худди шундай алдаса, қандай аҳволга тушардингиз?

— Мени айблама! Ўзимга ҳам ёқиб қолди у қиз. Лекин нима қиласай? Қўлимдан нима келади?! — дея аёл йиглаб юборди.

Шерзод бирдан қўлинни бошидан олди-да, битта нуқтага термилди. «Тулкига тулкилик қилиш керак. Бошқа йўл йўқ», дея хаёлидан ўтказди ва шу гапни бир неча марта ичида такрорлади. Буни кўрган Нодира опа кўрқиб кетди ва:

— Болам, болам, нега бир жойга термилиб қолдинг?! Болам, мени қўрқитма, жон болам! Кўзимнинг қорачиги, жигаримнинг парчаси, мени қўрқитма! — дея овоз чиқарип йиглашга тушди.

— Ойи, — деди Шерзод тикилган нуқтасидан кўзини олмай, — ҳаммаси улар айтгандай бўлади. Адам омон қолади, укаларим, сингилларимга бирор тегинмайди. Ҳаммаси жой-жойида бўлади.

— Нима қилмоқчисан, ўғлим?! Нимани режалаштиринг?! А! Менга айт, болам, қўрқиб кетяпман! Агар ўзингга бирор нима қилишни ўйлаган бўлсанг...

— Йўқ, ойижон, нималар деяпсиз?! Мен осонгина таслим бўладиганлардан эмасман. Кейин, ойи, қандайдир бир қиз масаласи ўзимга бир нарса қилишимга сабаб бўломмайди. Шунчаки, менга алам қилгани... Тўгриси, бошқа иш бўлганида ҳам майли эди. Лекин мана бундай... Тўгриси, сира хаёлимга келмаган... Аммо Моҳина, ҳақиқатан ҳам, чиройли, фаросатли қиз экан. Энди адамни бориб кўрай, ҳолидан хабар олай!

— Фақат ҳеч нимани айтма. Шундоқ ҳам бечора ўзи

билан ўзи овора бўлиб ётибди. Аслида, ётиб қолишларига мана шу чигаллик сабаб.

— Бўлди, бу ёғидан сира хавотир олманг, — деб Шерзод кулди, кейин бир муддат ўйланиб туриб, — барибир, байрам қилишимиз керак, ойи. Мен, барибир, торт олиб келаман, — деди.

У кетди. Кета-кетгунича ўзини гажиб, сўкиб кетди. Дунёга келганига пушаймон еди. «Барибир, бир ёруглик бўлиши керак-ку. Қаердадир қандайдир йўли бордир? Нега бирдан қўлимни кўтариб таслим бўлишим керак? Йўқ, бунақаси кетмайди! Ким бўлибди улар? Ҳеч ким эмас. Осонгина қўлга оламиз, деб ўйлашган бўлишса, чучварани хом санашибди...»

Шерзод Гангага борди. Энг катта тортни сотиб олди. Уйига олиб келди. Онасига берди. Онанинг юзида илгаригидай табассум йўқ эди. Қайгу бор эди. Ўглининг торт кўтариб келиши фамини ўн чандон ошириди.

— Ойи, сиз кулинг. Сиз маза қилиб ўйнаб-кулинг. Ҳаммаси жойида бўлади. Олдин билиб туриб кулиб юргандингиз-ку, худди шундай қилинг, — дея волидасининг кўнглини кўтармоқчи бўлди Шерзод.

— Болам, сенинг ҳаракатларингга тушунмаяпман. Сендан кўрқяпман, Худо кўрсатмасин, сени йўқотиб қўйсан, ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман, — деди аёл кўзидан дув-дув ёшини оқизиб.

— Моҳинанинг онаси йўқ экан. Холаси билан учрашувга чиқибди. Хола ҳам ҳақиқий холаси эмас, шунчаки онасининг ўртоғи экан. Бундан чиқди, ойижон, унинг йўқолиб қолиши ҳеч кимни қизиқтиромайди... Эй-й, кечирализ, акаси бор. Акасини қизиқтиради. Лекин aka она бўлолмайди-да. Ака уйланганидан кейин хотини билан овора бўлиб қолади...

— Болам, эзилган жигар-багримни баттар эзма! Бас қил, йўқот тортингни! — дея бақириб юборди Нодира опа.

Шерзод тортга термилди. Хўрсинди.

— Ойи, ҳали айтдим-ку, менга ҳеч нима бўлмайди, деб. Шунчаки торт емоқчиман. Ният қилгандим. Илгаридан мени яхши биласиз-ку, ниманики ният қилсан, шуни охиригача етказаман. Мана, торт егим келганди, олиб келдим, энди сўймиз.

Шерзод яна бир аҳволда кўчага чиқди. Шоша-пиша такси тўхтатди-да, тўғри отасининг ёнига борди. Бечоранинг сочи, қошлари оқариб кетгани етмагандай кўзи ҳам шишибди. Дарров шифокорга учрашди.

— Хафақонлик ошиб кетган, неча мартараб ҳар қандай ташвишларни эсингиздан чиқазинг, яхшилик тўгрисида ўйланг, десак ҳам қулоқ солмаяпти. Бир марта йиглаб ўтирганининг устидан чиқиб қолдим, — деди доктор ва Шерзодга нигоҳини қадади. — Уйларингда шунчалик жиддий муаммо борми?

— Ўйқ, нималар деяпсиз? Бир кунда сочининг оқариб кетгани ўйлантирган бўлса керак. Биз энди вояга етгандик. Бизнинг яхши кунларимизни кўришга жудаем умидвор эди. Энди кўролмайман, деб қайгураётган бўлса керак. Мен ўзим яхшилаб гаплашаман. Худо хоҳласа, ўзгариш бўлади, — деб жавоб берди Шерзод.

Сўнг «Тавба, менинг кўнглимни кўтариш ўрнига мен буникини кўтаряпманми? Қизиқ бўлди-ку бу ёғи», деди ичида.

Шерзод палатага қайтиб, отаси ётган сим каравотнинг бир чеккасига омонатгина ўтирди. Шунда ота бирдан ўғлининг кўлини ушлади. Муздай қўл. Гўё танада қон юрмаётганга ўҳшайди.

— Ада, ҳаммаси зўр бўлди. Сиз мендан бир нарсаларни яширган экансиз. Лекин мен вазиятни жуда яхши тушунаман. Биринчи ўринда, ўз оиламизни ўйлайман. Ана театрга боринг, қанчаси қўғирчақ ролини ўйнаб ётиби. Шундай экан, мен ҳам бир марта ўйнаб берсам, нима қилибди?.. Қолаверса, улар обрўли одамлар экан, — деб жилмайди Шерзод.

— Нима, улар сен билан учрашишдими? Нималар дейишиди сенга? — дея киприкларини пирпиратиб сўради ота.

— Шундай-шундай, салгина нокулай аҳволдамиз. Ўзинг бир қўллаб юборасан, дейишиди. Ўзингиз бизларни мард қилиб ўстиргансиз-ку. Бирор илтимос қилиб турганида йўқ дейми? Ундан кейин, ада, қиз билан бола ошиқ-маъшуқ экан. Мен шунчаки элнинг кўзи учун куёв бўлиб берарканман. Чунки ҳақиқий куёв илгари уйланиб, кейин ажрашган экан. Ундан кейин, ада, ўзимга ҳам ёқди, шундай қилиш. Сабаби, тажрибам ошади.

Бу гапларнинг ҳаммасини Шерзод келгунича ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам тутилмасдан, довдирасдан сўзлади. Уялмади ҳам. Аммо олдинроқ шу гапларни айтишни ревжалаштираётганида уялган эди.

— Вой, қизталоқлар, шундоқ-шундоқ дейишса бўларди-ку. Уфф! Болам, ишқилиб мендан хафамасмисан?

— Нега хафа бўларканман? Керак бўлса, ада, сиз мени сотиб юборинг, гинг демайман. Дейдиган тилимни кесиб ташлайман. Сабаби, сизнинг ҳақингиз бор!..

Отанинг юзига озгина қизиллик югарди. «Эй, Худога минг қатла шукр, мен ким-нималарни ўйлаб ўзимни-ўзим қийнаб ўтирибман. Шу пайтгача ўз боламнинг қандайлигини билмас эканман-а», дея хаёлидан ўтказди.

— Энди, ада, мен борай, курсдошларим билан кўришмоқчи эдим. Бу ёғи имтиҳонлар яқин, — дея кулди Шерзод.

— Майли-майли, фақат ўзингга эҳтиёт бўл. Ҳа, айтганча, ойингга айт, менинг ёнимга келиб кетсин.

— Хўп, — деб Шерзод ўрнидан турди.

* * *

Ўлмасни ўласи қилиб тепкилашди. Абрамнинг йигитлари шундай қилишди. Чунки Ўлмас ўзбошимчалик билан Шерзодга тўғрисини айтиб қўйган эди. Хўп, Шерзод бир марта қизнинг қўлини ушласа, нима қилибди? Белидан қуссин, бунисига ҳам кўз юмса бўлади. Чунки Арслоннинг ўзи сўфи эмас, қанча-қанчаси билан бальзан яширинча ва лекин асосан, очиқчасига шакаргуфторлик қилган. Нима эмиш, «Арслондай одам уйланадиган қизнинг қўлини бирор ушламасин», эмиш. Бирдан Абрамнинг тепа сочи тикка бўлди. Ўша куни эмас, албатта, юқорида айттанимиздай Абрам сафардан қайтиб, Хонзоданинг юмшоқ қўлларида силаниб, видеони қўриб, Моҳинага ишқи тушишиб, уни кўз остига олганидан сўнг йигитларидан «қовун» туширилганини эшитгач, тепа сочи тикка бўлди. Ахир режанинг бари барбод бўлиши мумкин. Ахир Фирдавс салгина хабар топиб қолса, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетади-да... Бош масала Фирдавснинг қўлига қурол тутқазиб, қонга бўяш эмасми?

Аввал Абрамнинг ўзи Ўлмаснинг қорнига мушт тушир-

ди. Кейин қўлини қовуштириб турган Николайга ишора қилди. Николай қандай қилиб девдай одамни ерга қулашибни билар экан. У Ўлмаснинг ортидан келиб бўйни аралаш бошига мушт туширган эди, бирдан Ўлмаснинг оёқларидан дармон кетди ва ерга йиқилди. Шу ондаёқ Абрамнинг югурдаклари Ўлмасни қўл-оёқларидан ушлаб кўтаришди-да, ертўлага олиб тушишди ва тўрттаси тўрт томондан туриб тепкилай бошлади. Бетинг, кўзинг, нозик жойинг деб ўтиришмади. Тепкилайвериши. Тепкилайвериши. Ўлмаснинг қоши ёрилди. Иккита тиши синиб, оғзи қонга тўлди... Ўлар эди. Агар Арслон келиб қолмаганида. Арслон уни олиб кетишга келганди. Абрамни асабий аҳволда кўрди. Ҳол сўрашга ботинолмади. Кўришди-ю, рўпарасидаги стулга ўтирди. Абрам шу заҳоти унга ичиб ўтираганидан қуйиб берди-да:

— Одам ажратишни билмайсан, — деди хотиржамлик билан.

— Нега энди? — деди Арслон.

— Мен бўлмаганимда аллақачон лаҳадда ётган бўлар-динг. Ана биттанг бориб сал қолса, сени баҳтсиз қилиб келаёзибди, — деди Абрам.

— Нима қилибди? Ким экан у?

— Ўлмас. Нима гап-сўз бўлганини сўраб-билиб оларсан, йигитлар ҳозиргина ертўлага олиб тушишди.

— Майлимни, кўзи мангуга юмилишидан олдин сўроқча тутсам?..

— Бор, сўра, яна армон бўлиб қолмасин...

Арслон шоша-пиша ўрнидан турди-да, ертўла томон юрди. У боргунича Абрамнинг йигитлари қилғиликни қилиб қўйишган экан.

— Тўхтантлар! — деди Арслон жаҳл билан.

Тепкилаётгандарнинг «иштаҳаси» бўғилди. Улар бирбирига қараб олиши.

— Турғаз! — буюрди Арслон.

Ўлмас жавоб беролмайдиган ҳолга келиб бўлган эди. Оёғи гавдасини кўтаролмади. Боши эгилганча тураверди.

— Агар ўлдириб қўйган бўлсанглар, ҳаммангнинг каллангни оламан, сув сепиб ўзига келтир! — бакирди Арслон.

Үлмасни столга ўтқазиши. Шунда ҳам уни икки томонидан Абрамнинг иккита югурдаги тутиб турди. Йўқса, ииқилиб тушарди.

Үлмас ўзига сув текканидан кейин бироз калласини кўтарган бўлди. Арслонни кўрди. Юз-кўзини қон қоплаб олганди. Ана шу қон ортидан кўрди. Арслон қип-қизил кўринди.

Арслон Үлмас ўзига қелгунича ертўладан ташқарига чиқмади. Кутди. Ниҳоят, Үлмас бошини кўтарди. Унинг юз-кўзларини яхшилаб ювишган, ёрилган пешонасини, қошини боғлашган эди.

— Нима қилдингки, сени бу аҳволга солиши? — дея сўради Арслон пешонасини тириштириб.

— Хизматим эвазига. Номардларча уриши мени. Орқадан уриши. Агар ҳаммаси мен билан уришишни айтишганида эди, барининг онасини кўзига кўрсатардим, — деди Үлмас.

— Ҳовлиқма, баҳтингга мен келиб қолдим. Бўлмаса, ҳозир гўштларинг майдаланиб шерларнинг олдига ташланган бўларди. Гапир, нима бўлди?

— Анавиндан бер, бир-икки тортай, жагимни қимирлатолмаяпман, — дея гўлдиради Үлмас.

Арслон зина ёнида турган йигитга ишора қилди. У тезликда юқорига чиқиб кетди-да, ҳаял ўтмасдан қайтди. Унинг кўлида сўралган нарса турарди. Үлмас алам билан ўзи айтганидай «тортди». Арслон фақатгина кузатиб турди. Орадан бир муддат ўтиб, Үлмас ўзига келди ва воқеани сўзлаб берди. Гапининг охирида:

— Сени ўйладим, — деди.

— Ишингни Абрам нотўғри қабул қилган бўлса ҳам мен сендан хурсанд бўлдим. Шунинг учун жонингни ундан сўраб оламан. Аммо битта гапни айтиб қўяй, ҳеч қачон шефга нисбатан тишингни қайрамайсан. Биласан, у ҳали бирор марта ҳам ютқазмаган. Бундан кейин ҳам ютқазмайди. Шундай экан... У ёгини тушуниб олдинг-а? Яна ичимни бўшатолмаяпман, деб юрма! — дея ҳиринглаб кулди.

Үлмасга ўзларининг докторини чақириши. У келиб укол қилди ва тўрт-беш кун ётишни маслаҳат берди-да, кетди.

Үлмас уйига кетмади. Арслоннинг қароргоҳига борди. «Ўша ёқда ётаман. Уйда зерикаман», деди. Ундан кейин калта бўйли, қоравой, мўйловли Шерзоднинг йўлини тўсиб, машинага таклиф қилган Саъдулла билан гаплашиб олмоқчи эди. Илло, у Шерзодга шундай дейиш таклифини берганди. «Нима, Арслон бирордан қолганга уйланадими? Кўрдик, биринчи учрашувдаёқ қизгинани кўндириб ташлади. Тўртинчи-бешинчи учрашувда қучоқлаб олиб, ўпадиям. Агар ҳозир кўрқитиб қўймасак, кейин шарманда бўламиз. Арслон билиб қолса, бизни соғ қўймаслиги ҳам мумкин», деганди. Унинг гапига кириб, Үлмас лақи́ллаб қўйди. Энди шу калтacha Саъдулланинг «ҳақи»ни бериши керак. Яхшилаб иккита мушт туширса бўлди. Саъдулланинг бўлари бўлади. Шу ниятда эртасига пешинга яқин йигитлардан уни чақириди.

— Тавба қилдим! — деда кўкрагига қўлларини қўйганча икки букилиб таъзим қилди Саъдулла эшиқдан кириши билан. — Тавба қилдим! Агар сен менинг оғайним бўлиб, мени кечирмасанг, бошқалардан ҳеч нима умид қилмайман! Аввалдан ошна-оғайнилигимиз ҳақи-хурмати, мени кечир! Мен ҳам худди сенга ўхшаб аҳмоқман! Бирорга яхшилик қиласман, деб онамни кўриб қоламан!

Унинг сўнгги айтган гаплари Үлмасга таъсир этиб бироз шаштидан тушди. Иржайди.

— Мана бу бошқа гап, оғанини! — деди Саъдулла ва қўйнидан шиша чиқарди-да, Үлмаснинг олдига қўйди. — Темирни хизматга қўйдим. Шефнинг қилиғи учун ундан ўч олдик. Темирга тўрт-беш сўм бергандим. Шеф ичадиганидан ўғирлаб чиқиб берди. Қара, французларники, қирқ йил турган. Дозаси даҳшат. Бунақасидан шефда бор-йўги бир яшик бор. Битта донасининг нархини биласанми? Эҳ-ҳе... Хуллас, — деда Саъдулла иржайди.

* * *

Абрам Арслонни чақириди. Арслон Үлмас сабаб устозидан хафа бўлганди. Унинг ўйлашича, Үлмас тўғри қилган. Майли, унинг ўзи ким бўлса бўлсин, лекин у уйланадиган қиз шундай тоза бўлиши керакки, ҳатто онаси юзига лабини қўймаган бўлсин. Абрам эса «Қўлидан бирор ушласа, камайиб қолармиди?» дебди.

У ҳатто шу ҳақда Абрам билан баҳлашмоқчи ҳам эди. Бироқ Ўлмас билан бирга ертўладан чиқса, Абрам қаергадир кетибди. Кетар жойини айтмабди. Мажбур уйига қайтди. Эртасига эса Абрамнинг ўзи чақириб қолди. Бориб қараса, устознинг кайфи чог. Анавиндан кўпроқ «отиб» қўйганидан чайқалиб ўтирибди.

— Гап бундай, — деди Арслон унинг рўпрасига ўтиргач, — етти-саккизта одам топасан. Учтаси ичмайдиган, тоат-ибодатлилардан, қолгани эса роса тортадиган, муштлашадиганлардан бўлсин. Сен уларни ҳам, буларни ҳам сотиб оласан, кейин улар Фирдавснинг эшиги тагида муштлашади. Кўпчилик озчиликни уради. Калтак еганлар додвой қилишиб, ўзларига ўхшаганларни ёрдамга чақиради... Бирдан ўнг томондан ўн беш-йигирма одам, чап томондан ҳам яна шунча одам югуриб келади. Ярми у томонга, ярми бу томонга ёрдам бермоқчи бўлади... Қарабсанки, қиёмат қўпчииди. Фирдавс ҳам келиб шу жанжалга аралашади. Бу эса унинг учун тузоқ вазифасини ўтайди.

— Хўжайнин, — деди Арслон, — жанжални соғиниб кетдим. Мана, қанча вақтдан бери ҳаммаёқ сув қўйгандай жимжит. Бирор бирорни салгина сўкканини ҳисобга олмаса, ўхшатиб жагига мушт туширганлар йўқ ҳисоби. Бир маза қиласанмиз-да!

«Шу ерда бизга ўхшаб кетдинг. Қонингда бор-да, ўғлон. Сен ҳам иккитасининг жиққамушт бўлаётганини кўрсанг яйрайсан. Маза қиласан. Йўқса, аҳволинг чатоқ», дея хаёлидан ўтказди Абрам. Аммо оғзидан бутунлай бошқа гап чиқди.

— Аслида, — деди Абрам лаблари орасига сигарасини қистиаркаркан, — биз ҳам тинчлик тарафдоримиз. Ҳаммаёқ осуда бўлса, ишинг юришади. Эмин-эркин тадбиркорлик қиласан. Аммо начора, одамлар ҳар хилда. Кўролмайди. Мана, масалан, мен бойиб кетай, қанчаси оёғимнинг сирпанишини пойлади. Шунинг учун олдиндан ҳаракат қилиб, уни чалғитаман. Қарабсанки, у менинг бойликларим тўғрисида умуман бош қотирмайди. Бунга вақти ҳам бўлмайди. Чунки ҳаммаёқда қасур-кусур, оҳ-воҳ!

— Тушунарли. Энди менга режани тўлароқ гапириб берсангиз, — дея шиша томонга қўлинни чўзди Арслон.

— Гап шундаки, Фирдавс жанжалга аралашсин. Керак бўлса, иккита снайпер кўй. Улар тоат-ибодатчилардан биттасини ва яна ичган-чекканларнинг биттасини ярадор қилсин. Тагин ўладиган жойини нишонга олиб кўйишмасин. Оёғиданми, елкасиданми отишсин. Ана шунда унинг додвойи оламни бузади. Унга ачингувчиларнинг сони ортади. Сеникилар оломоннинг орасида бўлади. Ҳаммаёққа олов ёқишади улар. Кейин секингина чиқиб кетишади. Оломон тўполони бир бошландими, уни тўхтатиш қийин бўлади... Бу ёқда эса сенинг чўнталинг қаппайгандан-қаппайиб кетаверади. Эсингда бўлсин, ўзинг ҳеч қаерда кўриниш берма. Ҳаттоки сенинг буйруқларнинг ижрочиларга тўртинчи ё бешинчи одам орқали етиб борсин. Ундан кейин ёнингдагининг баҳридан ўтасан. Чунки гувоҳнинг умуман керағи йўқ. Бошингга бало бўлади.

— Тушундим, ҳозир йигитларга...

— Қанақа йигитларга? Овсармисан нима бало?! — деди Абрам жаҳл билан. — Битта одам билан ишла, деяпман. У ҳам биттасига айтсин. Лекин қуролларни сен берасан. Ҳар икки томонга ҳам. Биттадан автомат, тўрттадан тўппонча. Бошқа берма. Ҳозирча шуниси етади. Тижоратни эса кейин қиласан...

— Фирдавс менинг қайногам, унга иккита тузоқ оғирлик қилмасмикин? — деда сўради Арслон соддалик билан.

Абрам фижинди ва стаканни қаттиқ сиқди-да:

— Йўқ, оғирлик қилмайди. У турмада ўтирганида биз тўйни ўтказиб юборамиз, кейин қўли қонга ботирилади. Мен бу билан анча-мунча пул ишлайман, — деди.

— Мен-чи? — деди бирдан қовоғи осилган Арслон.

— Сен ўзимникисан. Менинг топганимнинг ярми сенини ҳам, — деб унинг кўнглини кўтариб қўйди Абрам.

* * *

Фирдавс Моҳинанинг танловини маъқуллади. Бироқ бирдан кўнгли хижил тортди. Хонада дадаси билан ёлгиз қолишганидан кейин:

— Дада, — деди отасига, — мен бир суриштирсам. Рухшона холам йигитни мақтади. Онасининг яхшилигини ҳам айтди. Лекин, барибир, биринчи учрашувдаёқ ҳамма нарсани билиб бўлмайди.

— Бу масалани аёллар ҳал қилишади. Эркаклар четда туришади-да, ундан-бундан номигагина сўрашиб, қайтиб келишади, сўнг шундай-шундай экан, деб айтишади. Рухшонанинг ўзидан илтимос қилайлик, маҳалласига борсин. Кўни-қўшниларидан суриштирисин. Нима дединг?

— Майли. Айтганча, дадаси касалхонада эмиш. Бориб бир...

— Болам, нимани сўрардинг касал одамдан. Кейин соғлигидан бошқа нарса билан қизиқишинг одобга тўғри келмайди. Сиқилади. Касали баттар бўлади. Дўхтирлар, ҳамширалар ҳеч вақони билишмайди... Менимча, болани ўқиш жойидан суриштириш керак.

Достон яқинда эшитиб қолди. Қиз бола вояга етиши билан тезроқ узатиш керак экан. Аммо бу гапни у ўғлига айтолмади. Фирдавснинг «Эшиқдан келса, шу заҳоти тешикдан бериб юборамизми?» деб қолишидан чўчиди. Фирдавс жа бундай демасди-ю, аммо, барибир, шошмайлик, деган жавобни айтарди.

Йигитнинг ўқиш жойидан ижобий жавоб олинди. Ҳавас қилгулик йигит экан. Ҳаттоки ёнгинасидаги университетдан бир-иккита қиз унга ошиқ бўлишган. Йигит эса эътибор бермаган уларга. «Унинг ўй-хаёли ўқиш. Келажакда одам бўлиш», қабилидаги гаплар эштилиди. Рухшона ҳам мақтаб келди. Бирам одобли, хушмуомала йигит экан. Ҳамманинг кўнглини олишга ҳаракат қиларкан. «Отам фалон жойда ишлайди. Биз боймиз, бошқалар камбагал», демас экан. Унинг ўрнида бошқа бола бўлганида аллақачон машина миниб юрар экан. Уни қўшнилар доим китоб кўтартган ҳолда кўришаркан...

Хабарлар Достонни ҳам, Фирдавсни ҳам бир қадар хотиржам қилди. Фирдавс ўзининг кутубхонадан чиқмай юрган кезларини эслади. Соғинди ўша кунларни. «Мен баҳтили эдим. Ҳаётимда мазмун бор эди. Орзум бор эди. Шунга эришиш учун ҳаракат қилаётгандим. Лекин ҳаммаси ўзгариб кетди. Ҳозир катта тўданинг бошлигиман», дея ўксинди... Бир муддатга унинг кўнгли равшан тортиб «Бўлди, ўша йигитга Моҳинани берамиз», деган қарорга келди-ю, бироқ, барибир, негадир кўнглининг хижиллиги яна бош кўтариб қолди. Шунинг учун ҳам у отасига аниқ жа-

воб қилмади. Қолаверса, бир шумхабар келиб уни чалғитиб қўйди.

— Босишибди. Сиргалида очилган янги қаҳвахонани босишибди. Тўрт киши. Кечаси кирган. Юзида ниқоби бўлган. Билганимиз, тўртталаси ҳам спортчиларга ўхшайди. Ҳаракатлари ҳам чаққон экан. Кассадаги ҳамма пулни олишибди. Бундан ташқари, ўша пайтдаги (тунги соат ўн бир) ошпазлар, официантларнинг барининг чўнтагини шип-шийдон қилишибди, — деди хабар келтирган Соли.

Фирдавс шу заҳоти машинага ўтириди-ю, қаҳвахонага жўнади. Уни Миразиз кутиб олди. Сўнгги кунларда Фирдавс кўпроқ Мавзуна тўгрисида ўйларди. У билан суҳбатни жудаям соғинганди. Шу боисдан Миразизни кўриши билан юзи қизарди.

Соли Норқобил исмли йигитнинг ўласи қилиб калтакланганини айтмаган экан. Йигит вилоятдан келган бош ошпазнинг шогирди эди. Афтидан, у қаршилик қилган бўлса керакки, аёвсиз калтаклашибди. Қош ёрилган, бурун синган, битта оёфини зўрга босар эди.

— Фирромлик қилишди, ит эмганлар, — деди Норқобил соддалик билан, — эркакка ўхшаб яккама-якка чиқишмади. Агар биргалашгандаям рўпарамдан келишмади. Биттаси орқамдан келиб чотимга тепди!

Унинг гапига Фирдавс кулди Сўнгра.

— Сен ўгри, муттаҳам, кazzоблардан эркаклик кутдингми? Уларда ҳеч қачон бунаقا хислат бўлмайди. Уларнинг ови тунда юришади. Уларнинг ови фирромликда юришади, — деди ва Абдувалига юзланиб, — дўхтирга кўрсатинг буни, — дея қаҳвахонадан чиқди.

— Арслоннинг йигитлари эмас экан, — деди Соли, — суриштиридик, оналарини ўртага кўйиб айтишди. «Биз бундай қилмаймиз. Агар ёрдамимиз керак бўлиб қолса, илтимос қилсанглар, тўртталасини ҳам топиб келтирамиз. Ўзларинг ҳисоб-китоб қилиб оласизлар», дейишди. Илтимос қилармишмиз.

— Амаки, — деди Фирдавс ва Миразизга юзланди.

— Из уларнига ўхшамайди. Лекин гўдайишларига қараганда, кимларнидир тузоққа илинтириб, сўнг бу ёққа жўнатган бўлиши ҳам мумкин! — дея дарров жавоб берди Миразиз Фирдавснинг нима демоқчилигини англаб.

— Йўқ, менимча, Арслон умуман қатнашмаган. Ҳозир шундай кичкина-кичкина тўдачалар кўпайиб қолганини эшилди. Ана битта тўда беш-олтига «КамАЗ»ни йўқ қилиб юборибди. «КамАЗ»лар мол ортиб чегарадан кириб келган. Кейин изсиз гойиб бўлган. На машиналар топилган ва на ҳайдовчилар. Молга пул тўлаганлар эса жигибийрон, ҳаммаёққа югуриб юрибди.

— Фирдавс, мен уларни яхши биламан, — дея гапга қўшилди Абдували, — иккитаси келди олдимга. Биттасининг исми Бобур, иккincinnисиники Аҳмет. Очиқ айтишди. «Биз шундай-шундай қиляпмиз, окахон. Сизларнинг томорқангларга умуман ораламаймиз. Шунинг учун, илтимос, бизга қасд қилманглар», дейишиди. Пул бериб кетишиди. Машинада турибди. Ўн минг «кўки»да.

Фирдавснинг эти бирдан жимирилаб кетди. Юзидан ранги қочди. Оғриниб ютинди.

— Амаки, — деди хирилдоқ овозда, — қачон кўрдингиз бизнинг ҳаром еганимизни?!

Фирдавснинг гапи Абдувалини довдиратди. У бирдан бошқаларга қаради.

— Энди мен, улар тириклиник...

— Шу тириклиникми, амаки, одамнинг шўрини қуриш қачондан бери тириклик бўлиб қолди?!

Фирдавснинг бу сафарги гапи баланд овозда чиқди.

— Uriшамиз. Ҳаммасининг онасини кўрсатаман! Аввал бизнинг «томорқа»га оралаганларни топамиз, ана ундан кейин ўша «КамАЗ»ларни йўқотаётганларнинг ҳисобини тўғирлаймиз.

— Секингина хабарини бериб қўйсак, ўзлари анави ёқдан ҳисоб-китоб қилиб олишади.

— Тўппа-тўгри, — деди Миразиз Солига қараб бошини қимирлатаркан, — ҳисобини тўғирлашади-да, роса «соғишиади». Кейин кўйиб юоришади. Улар учун гўшт бўлади ўша йўлтўсарлар. Чунки чўнтағи бўшаганлар бориб «хирмон» уюшга киришади. Қарабсизки, бу ёқда ўтирволган қаллоблар яна тутиб келишади-да, яна олдинги ишини қилишади. Қарабсизки, икки томон ошна-огайни. Токи осмондан чақмоқ тушиб, ҳар икки томонни куйдириб юбормагунча!

— Текинга қиласизми? — дея Фирдавсга юзланди Абдулатиф.

— Ҳа, текинга. Бир марта биз ҳам текинга ишлаб күрайлик, — деди унга жавобан Фирдавс.

— Самосуд.... Ярамайди, — деб яна эътиroz билдири Миразиз.

— Бошқа йўли борми?

Фирдавснинг бу саволи жавобсиз қолди.

Шундан кейин Фирдавс ҳам ҳеч нарса демасдан уларнинг ёнидан узоқлашаркан:

— Қароқчиларни топайлик, — деди.

Эртаси куни ўша қароқчилар топилди. Ўзлари тилларидан «осилишибди». Марказдаги қиммат ресторонлардан биттасига киришган. Кейин Фирдавснинг номини тилга олган. «Контораси» икки пулга қиммат экан. Кириб роса ўйин қилдик», дейишибди. Кейин ичкилик буюришибди. Бармен Абдувалининг таниши экан. Дарров қўнғироқ қилиб: «Бизнигига иккита шоввоз келди. Сизларни обдан «қўкка» кўтаряпти. Салом-аликни хоҳлашяпти, шекилли», деди. Абдували дарров бешта йигитини олиб борди. У боргунича «қаҳрамонлар»нинг яна битта шериги келган ва улар анча-мунча «отиб» кўйишганди. Шунинг учун Абдувалига унчалик ҳам қаршилик кўрсата олишмади.

Фирдавс ташвишлардан зериккан эди. Тўғри уйига бориб, отаси билан бироз сухбатлашган бўлди-да, кейин хонасига кирди. Ётди. Кўзига уйқу келмади. Сўнг куни кечакотиб олган китобини қўлига олди. Китобнинг муқоваси юмшоқ эди. Саҳифалари ҳам оз. Аммо уни ҳазрат ёзган. «Ҳаёт китоби» ҳақида. «Яшаш китоби» ҳақида. «Мантиқ китоби» ҳақида... Фирдавс берилиб ўқий бошлади ва лаҳзада дунёни унугди. Шунчалик унутдики, хонасида шундоққина столнинг устида турган телефоннинг тинимсиз жиринглашини эшитмади. Агар Достон кириб гўшакни кўтартмаганида, Фирдавсга савол қотмаганида ва ёнига келиб елкасидан туртмаганида, китобдан бошини кўтартмас эди.

У чўчиб уйғонгандай отасига қаради. Сўнг:

— Ассалому алайкум, дада, — деди.

— Ваалайкум ассалом. Телефонга жавоб бермайсанми?

Сени Абдували сўраяпти, — дея Достон кулиб гўшакни ўғлига узатди.

Фирдавс хоҳламай гўшакни қулогига тутди.

— Талончилар қўлга тушди! — деган овоз келди гўшакдан.

Фирдавс ҳайрон бўлди ва чиқиб кетаётган отасининг ортидан қараб қўйди-да, паст овозда:

— Ким у талончи? — деб сўради.

— Кафени босганлар, — дея изоҳ берди Абдували, — нима қиласиз?

— Ҳмм, билмадим. Миразиз амаким билан маслаҳатлашинглар, у нима деса шу, — деб Фирдавс гўшакни қўйди ва ўрнидан туриб, деразанинг ёнига борди. Бир муддат ташқарига тикилди ва энди яна қайтиб китоб ўқимоқчи бўлганида кўзи синглисига тушди. У сочини ёйиб олган, пардоз-андоз қилган кўйи дарвоза тарафга шошганча кетаётганди. Фирдавснинг бирдан кўнгли бузилди ва деразани очди-да:

— Моҳина! — деди.

Қиз шу заҳоти юришдан тўхтаб ортига ўгирилди ва майин овозда:

— Лаббай, ака, — дея жавоб қайтарди.

Фирдавс нима деярини билмай қолди. «Қаерга кетяпсан?» дея сўрамоқчи эди, тили «қулфланди», чунки синглисининг ўзига оро бериб чиқиб кетаётганидан ҳамма нарса маълум. Аммо бу ҳақда у қандай қилиб сўрайди?

— Ҳалиги, Рухшона холам уйда йўқлигимда қўнфироқ қилмадими? — деди у бир муддат ўйланиб турганидан кейин бошқа гап тополмай.

— Йў-ўқ, — дея бирдан қизарди Моҳина.

— Мавзунада ишим бор эди. Шунга битта қўнфироқ қилиб бермайсанми? — деб жилмайди Фирдавс.

Моҳина дарров енгил тортди. «Акамнинг ўзининг дарди бор экан», деб ўйлади-да:

— Қачон? — деб сўради.

— Ҳозир!

— Ҳозир?! — дея Моҳина беихтиёр билагидаги жажжи-гина соатчасига қаради.

Учрашув вақтига йигирма дақиқа қолибди. Агар ҳозир у

үйига қайтиб кирса, қўнғироқ қилса, кейин гарчи акаси тўхтатиб қолмаса-да, кўчага қайтиб чиққунича бирор беш дақиқача ўгади. Кечикади. У кечикишни хоҳламайди. Ахир бугун Шерзод билан учрашуви бор. Аввалгиси ҳисобда йўқ. Сабаби, у пайти иккита пойлоқчи бор эди. Ноқулай эди унга. Бугун эса Шерзод билан эмин-эркин гаплашмоқчи. Уни янада кўпроқ билиб олмоқчи... Чунки турмуш қурмоқчи бўлган одамининг кимлигини янада яхшироқ билиши керак-да!

Унинг баҳтига гўшакни Рухшона хола эмас, Мавзуна-нинг ўзи кўтарди.

— Мана, — деди Моҳина гўшакни Фирдавсга узатиб.

Унинг кўзлари кулиб туради. Ажид бир нур бор эди бу кўзларда.

* * *

Шерзод эртаси куни Моҳинага қўнғироқ қилди. Пешинга яқин эди. Достон уйдан чиқиб кетган, Моҳина ёлғиз ўзи ошхонада куймаланиб юрганди, шунинг учун ҳам гўшакни ўзи кўтарди.

— Худога шукр, — деди бирдан Шерзод салом-аликни ҳам унугиб, — бошқа бирор кўтарадими, деб юрагим така-пука эди.

Моҳина қиқирлаб кулди. Кулиши бирам ширали, ёқимли эдик, Шерзоднинг юраги ўйнаб кетди.

— Кўришайлик, — дея таклиф қилди бирдан Шерзод.

— Нега кўришамиз?!

— Билмасам?! Балки, шунчаки музқаймоқ ейиш учундир. Олдинги кўришганимиздан сўнг уйга қайтиб гап «қопим»га қарасам, умуман бузилмаган экан. Ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетдим. Ҳеч нима демабман-ку, дедим. Кейин сочимдан тортиб қўйдим. Юзимга ҳам урмоқчийдим, лекин уролмадим. Сабаби, дарров шолғомдай қизаруб кетаман...

— Тўхтанг, тўхтанг, яна аввалгидай бошқа ёқقا қараб кетиб қоляпсиз. Акам учрашувга йўл кўймайди. Таъблари нозик.

— Лекин ўзи бемалол севгилиси билан учрашади. Агар унинг ҳам акаси...

— Баҳтга қарши акаси йўқ...

- Хўп, айтайлик, бўлганида, барибир, кўришармиди?
- Билмасам?!
- Мен биламан, барибир, учрашаверарди. Шунинг учун... Тўғриси, кўп вақтингизни олмайман. Озгина, шунча, — деб Шерзод иккита бармоғининг орасини очди.
- Қанча? Мен кўрмадим-ку...
- Беш дақиқа. Сира кўп эмас. Майлими?

Шерзод шундай деб юзини шифтга қаратди. «Хўп, дегин. Сен билан учрашмасам бўлмайди. Учрашмасам сенсиз қоламан. Сенсизликка энди чидашим қийин... Кошки эди, менинг қандай аҳволдалигимни билсанг? Сени қизғанаман. Чексиз-чегарасиз қизғанаман. Аммо менинг қизғанишларим билан бироннинг иши бўлмай турибди. Мени кўгиричоқ қилишмоқчи. Балки, гапларимни эшиттганингдан кейин мендан нафратланарсан. Эҳтимол, шундай қилсанг, мен тинчланарман», дея хаёлидан ўтказди Шерзод.

- Қаерда кўришамиз? — сўради Моҳина.
- Скверда. Мен стипендия олдим. Шошманг, кулмай туринг, ҳозир мен сизга айтиб бераман. Стипендия деган нарса шундайки, у талаба учун жудаям азиз. У, яъни талаба ўша стипендиясини фақатгина ўзи яхши кўрадиган, хурмат қиласидиган одамлари билан баҳам кўриши мумкин.
- Бундан чиқди, сиз?..
- Ҳа, — деди Шерзод қизнинг гапини бўлиб, — худди шундай. Демак, сиз билан учрашамиз. Учрашадиган вақтимизга роппа-роса тўрт соат қолди.
- Буни қаранг-а, менсиз соатни ҳам белгилаб қўйдингиз, ҳатто учрашув жойини...
- Агар сизга...
- Йўқ, ҳазиллашдим. Бўпти, кўришамиз. Фақат оз муддатга. Келишдикми?
- Хўп бўлади!

Шерзод гўшакни қўйганидан сўнг ич-этини еди. Бир неча марта деворни тепди. Пешонасига муштлади. «Қандай айтаман? Нима дейман? Кейин қандай бош кўтариб юраман? Эй, Худо, Ўзинг мадад бер. Ўзинг бир ечимини топиб бер!» дея кўнглидан ўтказди ва секингина деворга суюниб ўтириб, соchlарига чант солди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Телефон жиринглаб қолди.

У Моҳина деб ўйлади. «Бугун боролмайман. Бошқа бирор кун учрашайлик», дейди, дея кўнглидан ўтказди ва қандайдир хурсанд ҳам бўлди. Ахир ўша бошқа кун келгунича бирор чора ўйлаб топиши мумкин-да...

— Алло! — деди дағал овоз.

— Ким бу? — сўради Шерзод пешонасини тириштириб.

— Ойша холангнинг эри! Ҳа, ҳа, ҳа! Қиз билан учрашувга чиқмоқчимисан?! Ичинг ёниб кетяптими, ярамас?! Биз сенга зўридан топиб бердикми?! Яхшилаб, икки қулофинг билан эшитиб ол, унга бармогингнинг учини ҳам теккизмайсан, ҳар битта айтадиган гапингни эшитамиз, бизда бир километр нарида ўрмалаб юрган чумолининг ҳам қадам товушини эшитадиган асбоб бор. Агар салгина ортиқча гап қиласанг, шу пайтнинг ўзидаёқ чўзилиб ётган адангнинг жонини суғуриб оламиз! Ана ундан кейин онангга навбат келади, уқдингми?!

Шундай деб кўнфироқ қилган гўшакни қўйиб қўйди.

Шерзоднинг юзидан иситмаси чиқди. Юзи қизариб, сочлари тикка бўлди. Қийналиб-қийналиб ютинди-да, кўйлагининг энг юқориги тугмасини ечди. Кейин ҳаммомга кирди-да, бошини муздай сувга тиқди.

«Бўпти, ҳеч нима демасам демадим. Лекин айтадиган гапимни, барибир, айтаман. Виждон азобида ўлиб кетмайман... Падарингга лаънатилар, телефонни эшитишаркан, ҳали бошқа кароматлари ҳам бўлса керак. Дадам бечора бекордан-бекорга касал бўлмабди. Агар аҳвол шу тахлит кетадиган бўлса, онам ҳам бирор нима ортириб олиши ҳеч гап эмас», дея хаёлидан ўтказиб ҳовлига чиқди. Кўзи укасига тушди. Ўжар, бир сўзли, кўпол укаси велосипедини тўнтариб, филдирагини тўғираётган экан.

— Нодир, велигингни бермайсанми?

Нодир қовоқларини осилтириб, акасига қаради. Сўнг жаҳл билан:

— Йўқ! — деди.

— Ака-укамиз-ку, берсанг бирор жойинг камайиб қолмайди!

— Анави куни математикамни қилиб беринг, деганимда, ўзинг каллангни ишлат, деганмидингиз?!

— Тўгри-да!

— Тўгри бўлса, тўппа-тўгри, сиз ҳам керак бўлса, ўзингиз сотовлингда, кейин мининг! Келишдикими? Акамиш, — деб Нодир яна ишини давом этказаверди.

Шерзоднинг унга ҳаваси келди. «Ташвиши йўқ бунинг. Ташвиши — шу велиги. Тузатади, миниб юради. Ҳамма ташвиш менинг бўйнимда. Бир ёғи касал отамни ўйлайман. Иккинчи томони Моҳинанинг олдидаги роса уятли бўлиб турибман. Уятли эмас, шарманда бўляпман! Шарманда!.. «Тўхта, Нодир менга икки томчидай ўхшайди-ку, тўгри, менинг бўйим сал баландроқ. Фойдалансам бўлади-ку?» дега хаёлидан ўтказди ва шу заҳоти юзи ёришди.

* * *

Саъдулла деганлари одам шаклидаги шайтон эди. Ба-лиқдай сирпанчиқ эди. Ҳар қандай вазиятдан осонлик билан чиқиб кетадиганлар хилидан эди ва келиши мумкин бўлган хавфни олдиндан биладиган истеъоди бор эди. У келажакда Ўлмасдан, албатта, бирор ёмонлик келиши мумкин, деб ҳисоблай бошлаганди. Шунинг учун ҳам ҳозир кўнглини олиш керак, деган хаёлга борганди.

— Бир куни, ҳали унда ёш эдим. Ҳозир ҳам жа қариб кетганим йўқ, лекин унда энди йигирмага яқинлашгандим. Ўзимизнинг автостанцияга бордик, тўртта ўгри ўртотим билан...

Ўлмас оғриқдан битта кўзини қисиб иржайди. Азбаройи ўта кулгиси қистаганидан оғриққа чидади ва шу аҳволда сўзлади:

— Ўзинг ўгримасмидинг, қисталоқ?

— Тўртта тишим билан қасам ичаман, у пайти бировнинг игнасига ҳам кўз олайтирумaganман. Боришимдан мақсад бошқа эди. Уч қарта ўйнатмоқчи эдик. Бармоқларимнинг қандай чаққонлигини ўзинг биласан. Анави мен билан борган ўгриваччаларнинг роса кисталарини шилгандим. Олдинроқда, — деб Саъдулла идишдагидан қўйдида, — қалай экан? — деб сўради.

— Нима қалай?!

— Абрамнинг ичиб юрганида, манавида, — деб шиша-дагини кўрсатди Саъдулла.

— Зўр, — дега Ўлмас ўзининг пиёласини бир кўтаришда бўшатди.

Саъдулла ўшшайди ва ўзиникини бир хўплаб қўйиб:

— Буни товуқ сув ичгандай ичиш керак. Шунда ҳақиқий мазасини биласан, — деди.

— Ўргатма, ўгриваччаларинг билан нима қилдиларинг кейин?..

— Хуллас, бордик. Мен ўзимга ишонаман. Лекин одам кўп, ҳаяжон босяпти. «Эй-й, — деди тўрт марта қамалиб чиққан Кувон руҳимни кўтариб, — ҳаммаси шоколад бўлади. Одамлар ўлгудай гўл». Вақт тушга яқинлашиб қолган. Автостанцияда беш-олтита автобус турибди. Одамлар бўлса тиқилиб ётибди. Ўгри шерикларим дарров ҳаммаёқни кўздан кечириб чиқиши. Бундай қиласиз: Икки киши кўз-қулоқ. Бир киши деҳқон кийимида. Кўлида сетка. Унда эски-туски кийимлари бор. У мен билан ўйин қилади ва гўёки ютади. Бир пасда ўн сўм, йигирма сўм ютаверади. Яна бақириб кўяди. «Мени колхозчи дема, колхозчи бўлсан ҳам бунақа ўйинларни тешиб ташлайман», дейди. Менинг эса бармоқларим иккита қора битта қизил қартани чаққонлик билан у ёқдан-бу ёқча ташлайди. Яхшилаб эътибор бериб турмасанг, қизил қаерга тушганини кўролмайсан... Хуллас, дарров анча-мунча одам тўпланди. Мен ўйинга берилгандан-берилдим. Бир сўм ҳам ютқазмаяпман. Аниқроги, ютқазяпман. Фақат Кувонга. Унинг ҳам баъзан пулини шилиб оламан. Чунки у ёнидагиларни шерикликка чақирди. Бечора содда одамлар қизилнинг қаерга тушганини кўради ва ҳовлиққанча чўнтагидаги бор пулни Кувонга тутқазади. Кувон пулнинг ҳаммасини қартанинг устига ташлайди. Бироқ у қора бўлиб чиқади. Чунки анави содда кистасини кавлаштираётганида мен қартани усталик билан алмаштириб қўяманда... Ўйин қизигандан-қизиди. Мен ҳам роса берилиб кетдим. Ахир пул оқиб келаётган эди-да. Бир маҳал биттаси орқамдан чунонам тепдики, нақ энамни кўрдим-да.

— Бир сўм! Бир сўмга ўйнайсанми?! — дея бирдан бақириди тепган одам.

У ўзимизнинг «кўз-қулоқ»ли шеригимиз. «Бир сўм» дегани парол. Яни қандайдир шапкали пайдо бўлган. Эрта-роқ жуфтакни ростлаш керак. Чаққонлик билан қаддимни ростладим-да, одамлар орасидан ўтиб сурдим. Ана шунда

кичкиналигим ёрдам берган. Агар сенга ўхшаган беўхшов...

— Нима?! Мен сенга беўхшов бўлиб қолдими?!

— Эй-й, оғайни, шунга ҳам хафа бўлиб ўтирибсанми? Катта гавдали демоқчийдим. Биз чумчуқдай бир гапмиз. Сенга ўхшаганлар бургут. Дарров кўзга ташланади-да. Тўпопри, кўчанинг боласи бўлганимдан кейин фаросатни ҳам ғажиб ташлаган бўламан-да. Ол, манавиндан, — деди Саъдулла.

— Қанча топгансан ўшанда? — деди Ўлмас ичиб бўлгач, газак қиласкан.

— Кўп эмас, бор-йўғи юз эллик сўмча. Майда ишда.

— Ношукр. Бир соатга етар-етмас юз эллик сўм ишлаб топган бўлсанг, майда иш бўлиб қолдими?

— Юз эллик? Уни тўртга бўл-чи, қанча қоларкан? Кейин битта маишатнинг ўзида юзининг тагига сув қўйиб юборганмиз. Лекин-чи, Қувон билан бирга хотинимнинг туғилган кунида даҳшат топганмиз.

Ўлмас гёү унинг гапини эшиштмаётгандай бурнини тортиб кўйди-да, шишани қўлига олди ва Саъдуллага ола қаради.

Саъдулла эса ичида нималардир дея пи chirлади ва Ўлмаснинг ўзи томон энгашганини кўрди.

— Қандай қилиб даҳшат топгансан? — дея сўради Ўлмас пиёзни олиб, гарч-гурч чайнаркан.

— Эрталаб кистамни кўрсам, бор-йўғи йигирма уч сўм пулим бор. Бу пулга хотин жониворга тузукроқ бир нима ололмайсан. Шартта Қувоннинг уйига бордим. Қисталоқ ухлаб ётган экан. Уйига калла суқиб бўлмайди. Худди бир бурчагида ит ўлиб ётганга ўхшайди. Лекин мен кирдим. Бурнимни ёпиб кирдим. Тепдим қисталоқни. Аммо тепким пашша чаққанчалик ҳам бўлмади. Энди ўзим ҳам пашшадан сал каттароқман-да, — дея ҳиринглаб кулди Саъдулла.

Унинг гапи Ўлмасга ҳам ёқди ва у ҳам кулди.

— Турмаганидан кейин, — гапида давом этди Саъдулла, — ташқарига чиқдим-да, эски, кир чойнакни кўтариб келиб, ичидаги сувни унинг башарасидан қўйдим. «Ҳа-а-а!» деди у бор овозда бўкириб. «Ўзингни бос, ўзингни бос, майшат бор, майшат. Бунақа сасиб ётаверсанг, май-

шатдан қуруқ қоласан», дедим уни шаштидан туширишга уриниб. Маишат деган гап кимга ёқмайды. Ҳаммага ёқади... Тушунтирдим унга. «Мана шунақа, мана шунақа, чўнтағимда бор-йўғи йигирма уч сўмим бор», дедим. «Нима қиласай?» дейди безрайиб. Бир кун олдин обдан тортган, башара мажағланган машинага ўхшаб қолган, оғзидан ўлимтикнинг ҳиди келиб турибди.

— Менга қара, — деди сабр-косаси тўлган Ўлмас лаблари орасига тутатқи қистираркан, — оғайнингнинг расвонигини айтиб калламни қотирма, нима қиламан мен унинг сасиганини?! Нима бўлган, шуни гапир!

Сайдулла бошини қашлади-да, тирноқларини ҳидлаб қўйди ва дарров гапнинг индаллюсини гапирди-қўйди.

— Катта бозорга бордик. Кийим бозорга. У мени бир четга қўйиб, ўзи ичкарилаб кетди. Ҳаял ўтмасдан менга унча узоқ бўлмаган жойдан хуштак овози эшитилди. Шу ёқса югурдим. Бизнинг кўзларимиз тўқнашди. У қўлига ишора қилди. Дарров тушундим ва унинг ёнидан ўтаётиб, қўлидагиларни олиб кетдим. Нарироқса ўтиб ҳисоблаб кўрсам, роппа-роса икки юз эллик сўм. Шартта эллик сўмини бошқа чўнтағимга «ўраб» қўйдим. Чунки аниқ биламан, у санаб кўрмаган... Қувон яна бир айлануб чиқди. Мен бу сафар бор-йўғи йигирма беш сўмгина «тинчита олдим». У бўлса, бир юз йигирма беш сўмли бўлди... Лекин Қувон ўгри бўлса ҳам мард эди. «Иш»ни охирлатганидан кейин топганини нақ иккига бўлди.

«Эй-й, ошна, бу нима бўлади? Янганга бирон нима олишимдан ташқари дастурхон ҳам қилишим керак», дедим. Ичи ачиди. Ўғридаям юрак бор экан. Бўлди, деб ўзи-даги пулнинг анчасига майдачуида қилиб берди.

Шаҳарга қайтганимизда унинг кистасидаги пул анча камайиб қолганди. Шу боисдан яна «ов» қилишни режалаштириди. Автостанция. Одамлар ур-йиқит қилиб автобусларга минишияпти. Қувон бўлса, «Чиқинглар, чиқинлар, пастда одам кўп ҳали», деб уларнинг орқасидан итарган киши бўлади-да, чўнтағидагиларини тинчтади... Рости ни айтсам, Қувон иккинчи овидан менга сариқ чақа ҳам бермади. Лекин ўзи кўйлагининг кўкрак чўнтағидаги уч сўмидан айрилди.

Үриндиқда ўтирган битта бола бор эди. Ўша тинчтибиди. У қочиб кетмади. Қувон чўнтағидаги пулни қидираётганида иржайиб кўрсатди. «Биз ҳам тириклик важида келганимиз, ака, бизнинг жойда «милтиқ» отганингизни кўрсам ҳам индамадим. Аммо ўзимниям қуруқ қолгим келмади», дейди ярамас. Қувон қўлини силтади. «Эплабсанми, ҳалолинг бўлсин», деди.

— Вой, итваччалар, сенлар ҳам ҳаром билан ҳалолнинг фарқига борасанларми? — деб бурнини жийирди Ўлмас.

— Ҳа, энди шундай бўлганда. Тарих-да бу энди!..

— Эй-й, тарихингаям... Лекин яхши айтдинг. Энди икки қулогинг билан ҳам яхшилаб эшитиб ол. Қўқондаги жаҳон бозорини мендан яхши биласан.

— Хўш?..

— Анави, нима дединг исмини? Қувонмиди? Ҳуллас, ўшанингни оласан-да, «ов милтиқ»ларингни елкаларингга илиб жўнайсанлар.

— Ўлмас ака, сиз менинг акамсиз. Туғишганларимдан ҳам яқин бўлиб кетгансиз. Шунчаки сизнинг кайфиятингизни кўтариш учунгина бу гапларни гапиргандим. Ундан кейин Қувон аллақачон қўлга тушган. «Ўтирибди» ҳозир кун санаб...

— У «ўтирган» бўлса сен юрибсан-ку?! Бармоқларинг чаққон-ку! — дея кесатди Ўлмас.

— Тўгри-ку-я, лекин «территория»нинг эгалари бор-да. Борсам, бир чўқишида қонимга белаб ташлашади.

— Нима, биздан ўтадиганлар бор, деб ўйлайсанми?

— Кейин, ака, мен сизга айтсам, майдо иш. Каттаконлар эшитиб қолишса, кўнгилларига оғир олишади.

— Ўзи шундоқ ҳам иккимиз қора рўйхатга кириб қолдик.

— Айниқса, сиз...

— Мендан олдинда сен турибсан. Бир яшик қип-қизил ичимлик... Нархини неча пул дегандинг?

— Сотасизми? — деди Саъдулла қовоғини осилтириб.

— Йўқ, маълум қиласман.

— Ўғирлаган ҳам, ичган ҳам бир хил. Майли, дорнинг тагига ортингиздан боравераман.

Ўлмас кулди, сўнг унинг елкасига қоқиб қўйиб:

— Иштонинг қуруқми ҳали? — деди.

— Ака, бошқача ҳазил қилинг, ўлиб қолишимга озгина қолди, — деди Саъдулла ва айни чоғда Ўлмасга нисбатан қасдланди.

Чунки у Ўлмасни жуда яхши билади. Оғзи ўлгудай бўш. «Бир кунмас-бир кун, албатта, Абрамнинг «омборига» қилинган ўғирлик тўғрисида гуллаб қўяди. Бунақаларни ўлдириб юбориш керак, шунда тинчгина юрасан... Арслон ўзига бошқа ўринбосар топиб олади», деда кўнглидан ўтказди Саъдулла.

* * *

Фаттоҳ Норқуловичнинг омади роса чопди. Албатта, бошида. Чунки унинг пули кўп эди. Буни билган турклар худди асалнинг атрофида пайдо бўлган арилар каби ўралашишди. Аввалига унинг номига уй олиб беришди. Тўғрироги, Фаттоҳ Норқулович пулни тўлади, улар хужжатлаштириш ишларига ёрдамлашди. Сўнгра мәҳмонхоналар қурилиши бошланди. Ана шу жойда хатолик бўлди. Аниқроги, собиқ горком эътиборсизлик қилди. «Ана, уйни ўзимнинг номимга расмийлаштириб беришди-ку, бундан бу ёғига алдашмайди улар мени. Ниҳоятда яхши одамлар экан», деда кўнглидан ўтказди. Шунингдек, тижорат ҳақидағи гап-сўзлар ҳам майдай ёқа бошлади унинг қулоғига. Ўша мәҳмонхона қураётганлар «Хозир сизларнинг юртингиз очилмаган кўриқ, нимадан қанча олиб борсанг, дарров сотилиб кетади. Бундан фойдаланиб қолиш керак», деда Фаттоҳ Норқуловичнинг миясига қўйишарди. «Лекин мен у ёқقا боролмайман-ку», деди Фаттоҳ Норқулович чорасизлигидан афсусланиб.

— Сиз асло қайғу чекманг, афандим. Албатта, биз ёрдам беражакмиз. Сиздай лафэли инсонни сира қайгуда қолдирмасмиз. Бизнинг одамлар номидан моллар у ёнларга киражак. Бизнинг Амирқода одамларимиз бисёр. Улар ёрдаминда ҳам кўп-кўп моллар келтирмишмиз ва бунга, албатта, пул ортиқ керак бўлгай, — деди серсоқол, узун бурунли, кўзлари чақчайтан Селим исмли бойвачча.

Ҳа, уни ҳамма бойвачча дерди. Бироқ ҳеч ким пулларининг қанчалигини билмасди. Селим доим чет элликлар билан гаплашгани-гаплашган эди. Гаплашганда ҳам асосий ургу олди-берди бўларди.

Фаттоҳ Норқулович пулларининг бир қисмини унинг қўлига қўшқўллаб топширди. Уни Селим шунчалик сеҳрлаб қўйган эдик, Фаттоҳ Норқулович пулларини берадётганида жуда хурсанд бўлди. Худдики Америкадан кемада юк етиб келган-у, у Ўзбекистонга юкни жўнатиб, сотиб пулини бир неча баробарга қўпайтириб кистасига со-лгандай.

— Товуқ гўшти олиб келамиз. Маним билувимга қарандан, бундай гўшт ҳали сизнинг тупроғингизда йўқ эрмиш. Бизда хўп ажойиб натижа бермиш.

Селим шундай деб ошпазига товуқ гўштини олиб келишни буюрди. Фаттоҳ Норқулович ҳеч қачон бунаقا семиз товуқни кўрмаганди. Битта оёғининг гўшти бизнинг хонаки товуқларимизнинг бутун бошлисиникидан кўпроғига тўғри келади. Фаттоҳ Норқулович товуқ оёғини айлантириб кўраркан, «Бизникларни минг йил боқсанг ҳам бунаقا семирмайди», дея кўнглидан ўтказди.

— Марҳамат қилиб, еб кўринг, — дея илжайди Селим.

Фаттоҳ Норқулович тишлади. Гўшт жудаям юмшоқ эди: иштаҳа билан ея бошлади. Дастлаб яхши кетаётгандай эди. Кейинроқ қандайдир пахта чайнаётгандай бўлди.

— Зўр. Аммо очигини айтай, узоқ сотишнинг имкони бўлмайди. Сабаби, одамнинг тез жонига тегиб қолар экан, — деди Фаттоҳ Норқулович луқмасини ютиб бўлганидан кейин.

— Оҳ, афандим, албатта, шундоқ. Бироқ билингки, халқ улкандин. Улканга улкан гўшт келтирмак даркор. Баски, бизнинг ишимиз узоқ давом эткай, — дея Селим қора, кичкина соқолини силаб қўйди.

Дастлабки ойда Селим даромаддан фойда чиқазиб, Фаттоҳ Норқуловичга ҳам берди. Аммо кейинги ойларда фойда миқдори бирдан камайиб кетди. Баҳоналар қалашиб ётарди. Гоҳ чегарачиларга берилган пора миқдори кўп бўлади. Гоҳида кема портга киролмай туриб қолади. Фаттоҳ Норқулович аввалига эътибор бермади. «Ҳақиқатан ҳам, шундайдир. Ҳақиқатан ҳам, қийинчиликлар бордир?!» деди. Қолаверса, сўнгти пайтларда Сабина билан Селимнинг алоқалари жудаям яқинлашиб кетди. У қизини яхши билади. Баъзида ўзини тутиб туролмайди. Ҳаяжонга берила-

ди. Шундай кезлари бўладики, сир-асрорини очиб ташлайди. Бўлмаса, Фаттоҳ Норқулович унга «Эҳтиёт бўл, ҳар ким билан ҳам очилиб-сочилиб гаплашаверма, ўзингни жиддий тут», деб кўп такрорлайди. Бироқ, барибир, қон билан кирганидан кейин уни тўхтатиб бўлмас экан. Шунингдек, хотини ҳам маслаҳат солди. Йўқ, маслаҳатдан олдин йиглаб-сиқтади. Икки фарзандининг ҳам бахтсизлигидан куюнди. Ундан кейин айтди. «Агар Сабина бирорга иккинчи хотин бўлиб, баҳтли бўлиб кетса розиман», деди. «Бу ерда унақалар кўп экан. Унинг тақдири нима бўлар экан, деб куюниб юргандан кўра, бошида эри бор, ишончли қўлда деб хотиржам тортганимиз яхши», деди. Худди шу пайт Фаттоҳ Норқуловичнинг устидан бирор муздай сув қўйгандай бўлди. Эти жимиirlади. Бирдан кўз ўнгига Сабинанинг ёшлиги келди. Жажжигина қизалоқ, соchlари иккита қилиб ўрилиб орқасига ташланган, кўйлак-часи оппоқ. Овози қўнгироқдай. Эркалаб, қучиб, кўтариб, осмонга отиб тўймайсан, юмшоқ юзасидан ўпаверасан, ўпаверасан... Ўша маҳали Фаттоҳ Норқулович қизини энг баҳтли қиз бўлади, деб ўйларди. Лекин тақдири бошқача бўлиб чиқди. Сабина ҳали ҳамон ёқимтой, бироқ ана шу ёқимтойлиги уни ботқоққа тортиб кетяпти.

— Нима қил дейсан? — деди хаёли алғов-далғов бўлган Фаттоҳ Норқулович телевизордан кўзини узмай.

— Шу кунларда унинг бирор билан учрашиб юрганини сал-пал сезгандай бўляпман. Туркчани балодай ўрганиб олган. Ҳамсуҳбати билан туркча гаплашади. Бир куни «Хотининг тўполон қилиб қолса нима, менга хайр-хўш, иссигинг битди дейсанми?» деди. Мен дарров унинг қўлидан телефонни тортиб олиб, қулогимга тутдим. Шунда Селимнинг овозини эшилдим, — дея кўзидан ёшини оққизганча эрига қаради Роза.

Фаттоҳ Норқуловичнинг қўли мушт бўлиб тугилган, ранги оқарганди.

— Селим?! — деди у қалтираб. — Мендан бор-йўғи учтўрт ёш кичкина-ку у! Қандай қилиб?..

— Мен ҳамма томонлама ўйлаб кўрдим! Сиздан баттар эзилдим. Аммо, барибир, Сабинани эгалик қилиб қўймасак бўлмайди.

Фаттоҳ Норқулович бирдан ўрнидан турди. Шаҳт билан юриб музлаткичдан оладиганини олди-да, стаканга тўлдириб қуиди. Бир кўтаришда охиригача ичди. Сўнг кўзини юмганча бир муддат туриб:

— Мен ўта замонавий одамман. Замонамда нимаики бўлса, дарров мослашиб кетаман. Гапингда жон бор. Аммо бунинг орқасида манфаат бўлиши керак. Селим ҳам менинг бойликларимни, ҳам қизимни тортиб олиши мумкин эмас. Аксинча, мен унинг бор топган-тутганига эга чиқишим зарур. Ўзи охирги пайтларда Селимнинг қилаётган ишлари менга кўпам ўтиришмаётганди. Пул камайиб кетди. Ҳар сафар сўрасам, баҳоналарни қалаштириб ташлайди... Пулни кўлим билан топширганман. Ҳеч қанақа хат-хужжат қилмаганман. Бекзод «Шошманг, ака, бирдан бериб қўйманг. Қандайдир фирмा-пирма очайлик, ҳиссадор қилайлик», деганди. Лекин унинг гапларига қулоқ солмадим. Кўриниш бермай, панада турай дегандим-да. Аммо қарасам, панада туравериб, захлаб кетадиганга ўхшайман.

Роза эрига тикилиб турар, ҳар битта сўзини жон қулоги билан эшитарди. Майли, Сабина эгали бўлса бўлди, деган гапни кутарди. Бироқ Фаттоҳ Норқулович умуман бошқа томонга «ўрмалаб» кетди. Охири онанинг сабри чидамади.

— Нима қиламиш, шундан гапиринг? — деди Роза.

— Ҳужжатлаштирамиз. Селим мендан йигирма ёш катта бўлмайдими? Олдинги хотини билан ажрашади. Сабинани расман никоҳига олади. Ана шунда мабодо эртага Худо кўрсатмасин, ажрашиб-нетиб қолишса, Селимнинг бор топган-тутганининг ярми уники бўлади.

— Нима, уларда шунаقا қонун борми?

— Бор. Бўлмаса, бор қиламиш!..

Дарҳақиқат, Сабина билан Селимнинг алоқалари Фаттоҳ Норқулович ўйлагандан-да чукурлашиб кетганди. Бундан роппа-роса икки ой муқаддам улар ресторонда учрашишиди. Бундан икки кун аввал Селим Фаттоҳ Норқуловичнинг уйига иш юзасидан келганди. Ўшанда Сабинани кўрди-ю, «оғзидан суви» оқди. «Агар оғисимга борсангиз, сиз билан мода уйи ҳақида гаплашиб олар эдик. Кўри нишингиздан, гап-сўзларингиздан ниҳоятда фаросатлига

ўхшайсиз. Устингиздаги кийимларингиз ҳам дидингизнинг нечогли ўткир эканидан далолат», деди. Фаттоҳ Норқулович ҳеч ҳам ёмон хаёлга бормади. Илло, у Селимнинг ёшини ҳисобга олганди ва яна намозхонлигига гувоҳ бўлганди. Аммо шу ерда Сабинанинг ниҳоятда очиқ кийинганини, бундай кийимда юрадиганларга эркакларнинг фикри бошқача бўлиши кераклигини эътиборга олмаганди. Бунинг ўрнига «Сабинахон ҳам, албатта, қандайдир яхши юмушнинг бошини тутса, фақат хурсанд бўлар эдик», деди.

Шундай қилиб орадан икки кун ўтказиб, Сабина Селимнинг оғисига борди. Селим унинг юзидан ўпид кўришди. Бори-йўғи иккинчи марта кўриб турган қизга нисбатан шундай қилиқни қилди. Сабина эътиroz билдирамади. Чунки у замонавий қиз-да!..

Бир муддат мода олами, бугунги кун Европаси тўғрисида гаплашилганидан сўнг Селим Сабинани ресторонга таклиф қилди. «Тушлик вақти, қолган гапларни емак устидаги гаплашсак», деди у.

Ресторандаги суҳбат хийла чўзилди. Ундан кейин меҳмонхонага боришди... Шу-шу иккисининг алоқаси кучайдан-кучайди.

Селим гапида турди. Шаҳарнинг энг гавжум жойидан Сабина учун дўкон очди. «Ҳозирча Овропа молларини келтириб сотамиз, ундан кейин дўконнинг битта хонасида тикув ишларини бошлайсан», деди. Шунинг билан бирга севгиси кучайиб кетганини, энди ҳар тунни унинг билан бирга ўтказишни таклиф қилди.

— Сира имконим йўқ. Уйимдагилар қўйишмайди, — деди унга жавобан Сабина, — қолаверса, хотинингиз бор.

— Хотинимдан сўраб ўтирумайман. У қайтанга хурсанд бўлади. Уйингдагилар масаласига келсақ, мен келишиб оламан. Сен «ҳўп», десанг олам гулистон, — дея умид кўзларини Сабинага қадади Селим.

— Ҳозир бир нарса дея олмайман. Ўйлаб кўришим керак, — деб баҳона қилди Сабина.

Унга бировга қарам бўлиб яшаш ҳаёти умуман керак эмас эди. «Эркин ҳаётда яшайман. Жуда қийналсан, Селимми ва ёки бошқасими, фарқи йўқ, бирортасининг

хизматидан фойдаланаман-да, кейин яна эмин-эркин юра-вераман», деган хаёлда эди у. Аммо кутилмаганда Селим бунақа таклиф бериб турибди. Севиб қолган эмиш. Сабина севги нималигини унуганига анча вақт бўлди. Ўша Фирдавс рад жавобини берганидан кейин севги деган нарсани ёмон кўриб қолди қизгина. Бирор бирор учун жонини беришга тайёр турса-ю, нариги томон ўзини тарозига солса... «Селим мени «ҳис» этиб бўлди. Демак... Демак, у шундай онлар бўлишини истайди. Энди гап менда қолган», дея хаёлидан ўтказди қиз.

Бироқ тезда жавоб бермади ва кунларнинг бирида унинг билан Селим ўртасидаги ишқий суҳбатни онаси эшишиб қолди. Бақир-чақир, ур калтак-сур калтак қилмади. Ўзини жуда хотиржам тутди.

— Кўнглинг борми у одамда? — дея сўради.

— Кўнглим? Билмадим, ойи. Ҳайронман. Лекин ёмон одам эмас.

— Сирингни олдирдингми?

—...

— Тушунарли.

Роза бошқа ҳеч нима демади. Индамай чиқиб кетди.

Орадан мана, ҳафта ўтди. Сабина билан онаси орасида баланд, қалин девор пайдо бўлганга ўхшайди. Бир-бири билан қаришиб сўзлашмайди. Фаттоҳ Норқулович буни сезмайди. Чунки унинг хаёллари бошқа нарсалар билан банд. Мана, юқорида айтганимиздай, эр-хотин гаплашиб бир тўхтамга келишиди. Энди қизни ўртага олиши керак.

Кутилмаганда Сабинанинг телефони жиринглаб қолди. У дўконда эди. Озарбайжондан келган мижоз билан гаплашаётганди. Иши юришиб турган пайт. Франциядан келтирилган эркаклар кўйлагига яхшигина буюртма олаётганди. Шу боисдан кўнгироқ қилган Селим бўлса керак, деган ўйда юзида табассум билан телефон гўшагини кўтарди.

— Сабина, — деган овози келди онасининг.

— Лаббай, — деди бирдан ҳаяжон босган Сабина.

— Ишингни йигиштирғин-да уйга кел, иш чиқиб қолди.

— Тинчликми?!

— Тинчлик. Сен кел. Фақат тезроқ.

Онаси бошқа ҳеч нима демай гўшакни қўйиб қўйди.

Сабинанинг хаёли алғов-далғов бўлди. У онаси уни тушунмаётганидан хафа эди. «Аёл-ку, аёллар бир-бирини яхши тушуниши керак... Менинг қанчалик қийналишимни яхши билади-ку! Нега қовоғини осилтиради? Энди уйга борганимда нима дейишади?!»

У озарбайжонлик аёл билан апил-тапил савдо қилди. Ўзида борини берди. «Кейинги сафар келганингизда истаганингизча топиб қўяман. Фақат олдиндан закалат ташлаб кетишингиз керак», деди ва юз минг доллар олиб қолди. Кейин дўконни шоша-пиша ёпди-да, қўчага югурди...

Ота-онаси қаҳва ичиб, телевизор томоша қилиб ўтиришарди. Охирги пайтларда улар турк тилини яхшигина ўзлаштириб олишган, киноларини бемалол тушунишарди. Шу боисдан ҳам уйга келиши билан телевизорни ёқишиди. Ахир илгари бунақанги кўрсатувларни кўришмаган, очиқ-сочиқ кийим кийган аёлларнинг алламбало ишлари тўғрисидаги киноларни кўришмаган эди. Шунинг учун ҳам телевизорда бериладиган нарсалар уларга қизиқ эди.

Сабина салом берди. Бироқ на отаси ва на онаси алик олди. Фаттоҳ Норқулович ўтирган жойида пульт билан телевизорни ўчирди ва бутун қаҳрини юзига тўплаб, қизига қаради-да:

— Кимга эрга тегиб, кимнинг оиласини бузмоқчисан?!
— деди.

Сабина довдиради. Худди ўғирлик устида қўлга тушгандай дам отасига, дам онасига қаради. Унинг кўzlари ёшга тўла эди.

Роза қизидаги ўзгаришни дарров сезди ва чаққонлик билан турди-да, енгил қадам ташлаб қизининг ёнига келди ҳамда энди уни қучмоқчи бўлганида Сабина онасини итариб ташлади.

— Шунча айбни бир ўзим қилишим мумкин эмас! — деда бирдан бақириб юборди.

Қизни обдан сўроқ-саволга тутмоқчи бўлган ота-она караҳт бўлиб қолди.

— Ўзингни бос, — деди Роза юмшоқлик билан ва қизининг қўлинини ушлади.

— Ўзимни ўлдирсам, розимисизлар?! Шунда ҳамма нарсадан бир йўла қутуламанми?! — деди Сабина кўzlаридан ёш оқизиб.

Фаттоҳ Норқулович ширакайф эди. Сабинанинг сўзлари унга жуда тез таъсир қилди. Унинг ҳам йиглагиси келди. Аммо йиглай олмайди. Қизининг олдидаги бундай қилолмайди. Қизи уни кучли деб билади ва бу шундайлигича қолиши керак. У бориб, шишадагини охирги томчисигача стаканга қуиди.

— Биз, — деди Фаттоҳ Норқулович жойига қайтиб ўти-паркан, — сени эзиш, қийнаш, азоб бериш мақсадида чақирмадик, қизим. Сен, яхшиси, менинг ёнимга келиб ўтири. Ота-бала бир мириқиб маслаҳатлашиб олайлик. Хоҳласанг, ойинг биз билан ўтиради. Хоҳламасанг, чиқиб кетади.

Розанинг бирдан эрига нисбатан нафрати қўзиди. «Ўзи яхши бўлиб, мени ёмонотлиқ қилмоқчи!» дея ўйлади. Сабина эса ҳеч нарса демади.

— Ўтири, — дея Фаттоҳ Норқулович қизига ёнидан жой кўрсатди.

Сабина диванга ўтириди. Қизнинг ёнидан онаси жой олди.

— Масала, — деди Фаттоҳ Норқулович қизига қараб, — сен ўйлагандан анча жиддий. Мен ҳаммасини эшитдим. Қон бўлиб эшитдим. Тупроққа беланиб эшитдим. Расво бўлиб эшитдим. Лекин эшитдим. Эшита олдим. Сабаби, мен сенинг дунёга келишингга сабабчи бўлганман. Мен сени тарбиялаганман!..

— Ада! — дея Фаттоҳ Норқуловичнинг қўлидан тутди дув-дув кўз ёши тўкаётган Сабина.

— Майли, қизим, сени эзиш ниятим йўқ... Масала... Масалани ҳал қилишимиз керак. Биргалашиб... Мен Селимни озми-кўпми биламан. У сен билан мен ўйлаганимиздан анча маккор. Арқонни жуда узун ташлайди. Яна у кутишни ҳам билади. Жуда сабр билан иш қилади. Шунинг учун ҳам бой. Бўлмаса, бу ердагиларни кўрдинг... Буларнинг орасидан алоҳида ажралиб бой бўлиб кетиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Аммо Селим ажралиб чиққан, бой бўлган. Демак, маккор... Биз эса ойинг иккаламиз сенинг баҳтили бўлишинг истаймиз...

Шу ерга келганида у гапиришдан тўхтаб, бир нуқтага термилиб қолди.

— Хуллас, — деди бирдан ташаббусни қўлга олган Роза,

— биз сенинг у билан турмуш қуришингга розимиз. Фақат битта шарт билан...

— Қандай шарт? — дея онасига қаради Сабина.

— Шарт шуки, Селим биз, аниқроғи, сен билан шартнома тузади... Чунки әртани ўйлашимиз керак. Худо күрсатмасин-у, бирор кун, қандайдыр сабаб билан ажрашадиган бўлсанг, бурнингга кўлингни тиқиб қолма... Мен аданг билан гаплашиб олганимдан кейин бунинг яхши томонлари кўплигини тушуниб етдим. Шулардан энг аввалги-си, сенинг ҳурматинг. Ҳа, худди шундай. У яrim бойлиги-дан айрилиб қолишини истамайди. Шунинг учун сенинг ҳурматингни жойига қўяди.

— Менимча, — дея хотинининг гапини давом этказди Фаттоҳ Норқулович, — Селимнинг мақсади менинг бор бойликларимга эга чиқиб олиш бўлса керак. У тахминан бўлса ҳам бой эканлигимни билиб олди. Аммо ўша бойликларим қаерда эканлигини билмайди. Бунга сен орқали эришмоқчи... Севиб қолдим, ўлиб қолдим, деган гаплар унинг ёшига тўғри келмайди. У аллақачон бундай ҳис-туйгулар ёшидан ўтиб кетган. Ҳозирги севиб қолиши эса тижоратга пайвандланган.

— Ада, — деди Сабина бироз хотиржам тортиб, — аслида, мен ҳам шуни ўйлаётгандим. Ёш бола эмасман-ку. Мана бугун, — деб у ҳали ҳамон елкасида илиниб турган сумкачасини олиб очди-да, бир даста пул чиқарди, — нақ ўн минг доллар. Бир кунда ишлаб топдим. Бир кунда эмас, қанақангидир бирор икки соатда... Шартнома тузишга розиман. Кейин бу ерда яшамоқчимасман. Лондонга кетмоқчиман, ада.

— Тушунмадим, сен турмушга чиқмоқчимисан ёки?..

— Униси ҳам, буниси ҳам. Селим билан... Ада, унинг умри яна қанча қолганини билмайман. Агар бу ерда Селим билан яшасам, унинг имконияти менинидан кўпроқ бўлади. Қонунлари ҳам уларга кўпроқ ишлайди. Агар Лондонга борсак, тенг ҳуқуқли бўламиз. Менга инглиз тилини билишим ҳам ёрдам беради.

— Лекин бунинг учун у маккорни шунга кўндириш ке-рак, — деди Фаттоҳ Норқулович ва ўрнидан турди-да, катта тош ойна қаршисига борди. Шу тош ойна остидаги столнинг тортмасида у истаган нарса бор эди. Ҳа, ҳа, худ-

ди ўша нарса. У худди хорижлик, овропалик задагонларга ўхшашни истарди. Катта стаканга қизил суюқликдан бешолти ҳўплам қўиди ва кейин бир-бир қадам босганча музлаткичнинг ёнига боради. Уни очиб муз бўлакчаларини олади-да, стаканнинг ичига ташлайди ва ўта файласуфларча гапиришни бошлайди... Аммо унинг бундай ишига хотини халақит берди. Бўлмаса, бари ўта чиройли кетаётганди. У муз «бўлакчаларни эндингина стаканга соглан эди.

— Бўлди-да, энди, ҳадеб ютаверасизми? Бу ёқда қизингизнинг тақдири ҳал қилинаётган бир пайтда қилган ишинизга қаранг! — деди Роза.

— Сенинг ишинг бўлмасин. Сен аралашма. Мен сенга нега Сабина баҳтиқаро бўлди, демаяпман-ку! Аслида, сени бир ёқли қилишим керак эди! Мен кўчанинг одами эдим! Умрим кўчада ўтган менинг! Сенларни яхши яшасин деганман! Гдлян, Иванов деган аждаҳоларга қарши турганман! Олишганман улар билан! Ким учун?!.. — дея бақирганча Фаттоҳ Норқулович идишдагининг ҳаммасини ичиб юборди-да, стаканни полга уриб, чил-чил синдириди.

— Ада! — деди Сабина ва ўзини полга ташлаб тиззалаб ўтириди. — Мени кечиринг, ада!

— Уф, уф! Узр, бақириб юбордим! Уфф! Ҳозир, ҳозир ўзимга келиб олай, ҳозир, — деб Фаттоҳ Норқулович шишани қўлига олди-да, кўтариб оғзидан қулқуллатиб ичди, сўнг шишани столнинг устига яна тақиллатиб қўйиб, лабини ентига артди. — Бекзодни чақираман. Биргалашиб шартнома тузамиз. Мабодо Селим сен билан ажрашадиган бўлса, мол-мулкининг ярмидан кўпи сенга ўтади. Аввал у хотини билан расман ажрашади. Кейин буларда шарьрий никоҳ деган нарса бор экан. Буниси бизга тўғри келмайди, тўғри келмайди, тўғри келмайди...

Собиқ горкомнинг кайфи ошиб қолди, шу боисдан битта гапни такрорлаганча диван ёнига тебранганча зўрга етиб келди. Агар Сабина чаққонлик билан ўрнидан туриб, ушлаб қолмаганида диванга ётолмасди. Тўғри полга қулар эди.

* * *

У шу заҳоти ниятидан қайтди. «Фирт аҳмоқлик. Келиб-келиб укамни хавфга қўяманми? Адамнинг чалажон бўлиб ётгани камлик қилаётганмиди?» дея ўйлади ва кулиб (ўзини мажбурулаб кулди):

— Ҳазиллашдим, велигинг ўзингга буюрсин. Бизга, мана, Худо иккита оёқни бериб қўйибди. Паст, баланд демайди. Чуқур демайди, қаёққа юр, десам кетаверади. Шунчаки сени бир синадим-да, шуям акам дермикин, деб синаб кўрмоқчийдим, — деди.

— Ака, — деди Нодир пешонасини тириштириб, — бунча майдалашдингиз, бошқа гапингиз бўлмаса, тошинизни теринг.

Шерзод укасининг қўпоплигини олдиндан яхши биларди. Лекин ҳозир ҳаддидан ошиб кетди. Шундай эса-да, у аламини ичига ютди. Эртага борманми-йўқманми, кўнглини оғритиб қўймай, деган хаёлга борди...

Учрашув жойида одам кўп эди. Ҳаво дим. Салгина ҳаракат қилсанг, жиққа терга ботасан. Хиёбоннинг нариги томонида университетнинг юридик факультети бор. Ҳозир у ерда дарслар тутаган. Ҳамма уйига шошяпти. Чарчаган, тинкаси қуриган юзлар худди бирор нимадан қуруқ қоладигандай ер остига ҳовлиқсанча тушяпти. Фақат баъзи баъзилари шериги билан бир нималарни гаплашиб келяпти. Орасида иржайиб-тиржайгандари ҳам бор. Уйкусираганлари ҳам учрайди. Ўғил болаларга нисбатан қизлар тетикроққа ўхшашади. Чунки уларнинг чиройлари очиқда.

Шерзод соатига қаради. Кейин пешонасидаги терни артиб, орқа чўнтағидаги қофозни олиб, энди уни очмоқчи бўлганида Моҳина ёнига келди. У метродан чиққан эди. Шерзодни қўрқитмоқчи эди, улгурмади. Шерзод бирдан унга қараб қолди. Иккиси ҳам жилмайди.

— Куттириб қўймадимми? — деди Моҳина салом берганидан сўнг.

— Қарийб умуман куттирмадингиз. Шунчаки ҳаво дим экан. Қаранг, осмонни булат қоплаб олган. Ернинг ҳовури шу булутларга урилиб, яна орқага қайтиб келяпти-да. Мен эса сояга ўтиб олиб, осмондан тушаётган иссиққа чап беरиб турибман.

— Соядамассиз-ку?! — дея жилмайди Моҳина.

— Тўппа-тўғри. Кетдик. Ҳов анави ёқда, — дея қарама-қарши томонни кўрсатди Шерзод, — табака бор. Зўр табака. Ҳозир одам камайган пайти. Маза қиласиз.

— Менинг қорним тўқ.

— Яхши, унда мен табака ейман, сиз томоша қилиб ўтирасиз. Майли, сизга музқаймоқ олиб бераман. Айтib кўяй, студентларнинг хотамтойлиги камдан-кам бўлади. Иккинчи томони, у ер салқин. Битта ичимлик бор. Зўр. Муздай, ичсангиз яйрайсиз. Номи «Кока-кола». Мен бир марта ичиб кўрганман. Оҳ, оҳ, оҳ.

— Майли, — дея кўнди Моҳина.

Улар беш-олти қадам босиши билан Шерзод қўлидаги қоғозни очиб кўрсатди:

— Манавинга бир қаранг.

Моҳина тўхтаб буқланган қоғозни очди ва қиқирлаб:

— Нима бу? Қулоқли машиналар, қулоқли дараҳтлар, ер... Менимча, майсалар, булар ҳам қулоқларми? — дея Шерзодга қаради.

— Ҳа, тўппа-тўгри, ҳамма ёқ қулоқ. Кейин кўзлар ҳам бор. Яхшилаб эътибор беринг. Машинанинг кузови қулоқ, мана, эшиклари ҳам қулоқдан ясалган. Қулоқ бўлганда ҳам одамнинг қулоги. Ундан кейин фидираклари... Фидираклар кўзлардан иборат. Ҳайдовчига қаранг. У одам эмас, машинани қулоқ бошқаряпти. Ёнидаги дараҳтларни кўряпсизми, ҳаммаси қулоқ дараҳтлар...

— Нега бунақа қилиб чиздингиз? — дея сўради Моҳина кулгидан ўзини зўрга тийиб.

— Билмадим?! Шунақа қилиб чизгим келди. Рассомлигим тутиб кетди. Мен илгари рассом бўлишни орзу қиласдим. Эҳ-хе, қанча нарса чизганман... Айтганча, манави дараҳт бор-ку, — дея Шерзод кулиб ёнидаги чинорлардан бирини кўрсатди, — бунинг қулоги, кўзидан ташқари тилиям бор.

— Нималар деяпсиз?!

— Рост. Фақат уни сиз билан мен гапиртиrolмаймиз. Лекин гапиртирадиганлар бор ва улар бемалол гапиртиради. «Қани, сўйла, нималар кўрдинг? Нималарни эшитдинг?» дейишади. Худди шу пайт дараҳт тилга киради. Қизиқ томони, унинг оғзи қаердалигини билиб бўлмайди...

— Шерзод ака, уйимизда акам ҳам қарийб худди сизга ўхшаган философ. Келинг, қандайдир қулоқлар, кўзлар, оғизлар ҳақида эмас, бошқа нарсалар тўғрисида гапла-

шайлик. Ахир дунёда улардан-да бошқа, улардан-да чи-ройли нарсалар ҳам кўп-ку. Масалан, тилсиз, қулоқсиз ва кўзсиз гуллар. Улар ўз ҳисси билан дунёни кўради. Худди бизга ўхшаб кўрмайди улар. Уларнинг кўзи теран бўлади. Нарсаларни рангли кўради улар. Биз кўргандай эмас, уларнинг нигоҳи биз илғамайдиган рангларни ҳам илғайди. Қалай?

— Даҳшат! Иккаламиз ўтироволиб, дунёда яна қанақа ранглар борлиги тўгрисидаям гаплашсак бўлар экан.

Улар шу тахлит гаплашганча йўл бўйига етиб келишди.

— Эй-й, — деди Моҳина бирдан юришдан тўхтаб, — акам!..

Шерзоднинг юраги шув этди. Қўркувдан эмас, қандай-дир уялишдан. Яна қандайдир бир нарсадан чўчиди ва ат-рофига аланглади.

Фирдавс «Жигули»дан тушган эди. Уларга қараб туарди. Моҳинанинг оёқлари юришдан секинлади. Икки кўзи акасида. Уятдан юзи қизарган.

— Шерзод ака, акам бир сўзли, қайсар,adolatli, қат-тиққўл, — дея шивирлади Моҳина.

Шерзод Фирдавсни кўрди ва унинг қарашига бардош беролмай бошини эгди.

«Битта менмас, синглим ҳам учрашувга чиқиши мумкинлигини илгари кимдир менга айтганида, шубҳасиз, жагини синдирган бўлардим. Лекин... Учрашар экан. Гаплашар экан. Кўриш менга жудаям оғир. Аммо... Бекор машинани тўхтатибман, кўрмаганга олиб кетсан бўларкан», дея кўнглидан ўтказди Фирдавс. Бироқ энди кеч эди. Ҳамма нарсага кеч. Энди бўлажак күёви билан кўришиши, гаплашиши лозим. Ундан кейин нима дейди? «Яхши ўтиринглар, менинг ишларим бор эди», деб икковини ёлғиз қолдириб кетадими?.. Ҳали никоҳи ўқилмаган, оила қурмаган синглисини бегона йигит билан қолдирадими?! Мумкинми шундай қилиш?..

Ака шундай ўйлар гирдобида турганда Моҳина ёнига келиб салом берди. Овози эшитилар-эшитилмас чиқди қизнинг. Фирдавс бошини қимирлатиб алик олди. Худди шу маҳал унинг ичида ўта қудратли бир нарса «Ўзингни бос... Мавзуна билан кўришганингни эсла. Сенинг ҳам ни-

коҳинг йўқ эди. Лекин сен уни қучдинг. Ҳамманинг кўз ўнгида қучдинг! Агар одамлар бўлмаганида эди, ўпардинг ҳам», деди ва у зўрма-зўраки жилмайди. Буни кўриб бироз дадилланган Шерзод ҳам салом берди.

— Хўш, — деди Фирдавс уларга тикилганча, — кейинчи...

— Менинг исмим Шерзод. Ҳалиги, биласизми, Моҳинага бир нарсани айтмоқчийдим. Шунга чақиргандим. Бирорвларнинг олдида айтолмасдим. Шунга чақиргандим.

Шерзод шоша-пиша гапирди. Гёё эртароқ шундай демаса, Фирдавс уни калтаклайдигандай.

— Аслида, мен ҳам сен билан гаплашиб олмоқчи эдим. Бир ҳисобдан ўзингни учратганим яхши бўлди... Бу ерда, — деди Фирдавс атрофига аланглади, — ҳа-а, табака. Лекин қиммат табака. Адашмасам...

— Стипендия олганман, — деди Шерзод бирдан ҳозиржавоблик билан.

— Яхши, бир ўтиришда бутун бошли стипендиянгни еб қўйсанг, сўнг нима қиласан?..

— Ака, уялтирунг...

Фирдавс қулиб юборди.

— Узр, билмасдан гапириб қўйдим, — деб Фирдавс кечирим сўради ва кўришиш учун Шерзодга қўлини узатди.

Улар кўришишди. Фирдавс унинг қўлини тезда қўйиб юбормади.

— Гапим бор эди, — деди.

Шу заҳоти Моҳинанинг ранги ўзгарди. Лаблари титраб акасига термилди. «Илтимос, акажон, илтимос, урманг», деда хаёлидан ўтказди.

— Хўп, — деди Шерзод.

У Фирдавсдан бор-йўғи бир ёшга кичкина. Ҳозир эса қаршисида бирор ўттиздан ошган, салобатли одам тургандай ўзини ноқулай ҳис этаётганди.

— Моҳина, — деб синглисига қаради Фирдавс, — сен bemalol юқорига чиққинда, битта столни банд қилиб тур. Айтганча, Мавзунани ҳам чақириш керак эди. Тўртала-миз ўтирадик.

Сингилнинг энсаси қотди. «Сизлар учрашганларингда

мен ёнларингда қоровулчиллик қилғанмидим?» дега кўнглидан ўтказди. Аммо дилидагини тилига чиқазмади. Акага қарши гапиришга ўрганмаган. Аканинг гапини ҳамиша қонун деб қабул қилган. Гарчи у нотўғри бўлса ҳам. Шунинг учун ҳам индамай бошини эгиб, қаҳвахонанинг иккинчи қаватига олиб чиқувчи зиналар томон кетди.

— Мен ҳақимда эшитганмисан? — дега сўради Фирдавс Моҳина озгина узоқлашиши билан Шерзоддан паст овозда.

— Йўқ, — деб бошини қимирлатди Шерзод.

— Мен катта банданинг каттасиман.

Бирдан Шерзоднинг эти жимиirlади ва бир нималарни англағандай бўлди. Кейин шу заҳоти жаҳли чиқди. Қони қўпчиди. Ўлдирса ўлдириб ташласин, деди. Бу ўй унинг хаёлидан яшин тезлигидан ўтиб:

— Мен эса қўғирчоқман, — деди.

— Тушунмадим?!

Фирдавснинг пешонаси тиришди. Бургут кўзларидан ўт сачради.

— Мен ҳам бошида сира тушунмагандим. Ҳозир синглингизни шунга чақиргандим. Йигитлик фуруримни топтаб, ер билан битта қилиб қўғирчоқлигимни синглингизга айтмоқчидим.

— Ҳой бола, нималар деб валдираяпсан?! — газаби кўзиди Фирдавснинг.

— Мен сизнинг хабарингиз бўлса керак, деб ўйлагандим, — деб бошини эгди Шерзод.

— Нимадан хабарим бўлиши керак?!

Шерзод бошини кўтарди, унинг кўзи ёшга тўла эди.

— Адам касалхонада эканини биласизми?

— Ҳа-а...

— Касалхонага тушмасидан олдин соchlарининг бир донаси ҳам оқармаганди. Қоп-қора эди. Юзи ёш йигитларникидай эди. Лекин бир кунда ҳаммаси ўзгарди. Сабабини биласизми?

— Йўқ...

— Сабаби, менинг уйланишим...

— Нима, менинг синглимга уйланишингга отанг қаршиимиди?

— Йўқ, қарши эмас. Адам шунчаки виждан азобидан шу аҳволга тушди. Мен илгари Моҳинани сира кўрмаганман. Биринчи марта учрашувга чиқаётганимда ҳам йигит киши уйланиш учун аввал қиз бола билан учрашиши керак, деб тўғри тушунганман. Аммо кейин билсан, уйланмаётган эканман.

— Эй-й, аҳмоқ, нималар деб валдираяпсан?!

Фирдавснинг тепа сочи тикка бўлди. У машина томонга юзланиб:

— Соли амаки! — деди.

Ҳайдовчи шу заҳоти машинадан тушди ва Фирдавсга қаради.

— Сиз тепага чиқиб, Моҳинанинг ёнида ўтириング. Айтганча, телефон ҳам бўлиши керак у ерда, Миразиз амакимнига қўнгироқ қилиб, Мавзунани чақиринг. Менинг шу ерда эканлигимни айтманг. Моҳина чақираётганини айтинг. Аниқроги, Моҳинанинг ўзи чақирсан, — деди йигит.

— Хўп, — дея Соли машинанинг эшигини ёпди-да, югуриб кетди.

— Энди гапир, — деди Фирдавс газаб билан Шерзодга тикилиб:

— Ака, ўлдириб ташласангиз ҳам розиман. Лекин унгача сизга ҳаммасини айтиб берай, кейин ўзингиз хulosса қилаверасиз... Мен ҳали уйланиш тўғрисида умуман ўйла-маётгандим. Уйимдагилар ҳам бу ҳақда гапиришмаганди. Беш-олти кун аввал ўқишдан келсан, ойим шундай-шундай, битта қиз билан учрашувга чиқишинг керак, сени уйлантирамиз, деб қолди. Майли, деб чиқдим. Моҳина билан кўришдим. Ҳақиқатан ҳам, бир кўришдаёқ уни ёқтириб қолдим. Уйланаман, деб қатъий қарорга келдим...

Уйга қайтдик. Мен ойим билан ўзимга муносиб қиз топганлигимни нишонлайман, дедим ва торт олиб келмоқчи бўлиб кўчага чиққанимда битта машина ёнимда тўхтади... Дафдага қилишди. «Сен қўғирчоқсан, шунчаки куёв ролини ўйнаб берасан, аслида, унга бошқа битта одам уйланади. Агар қизнинг қўлини ушласанг, ўша қўлингни синдириб ташлаймиз», дейишди... Яна қилаётган ишим ҳақида бирорга гуллаб қўйсам, бутун уруғ-аймогим билан ўлдириб юборишларини айтишди.

Мен адамдан хафа бўлгандим. Кейин дарров ҳаммаси-ни тушундим... Бугун Моҳинага «Менга тегманг, илти-мос», демоқчи эдим. Шунинг учун учрашувга чақирган-дим.

— Менга гуллаб қўйдинг-ку, энди нима қиласан?..

— Билмайман. Бир ҳисобдан учраб қолганингиз ҳам яхши бўлди. Моҳинага қандай айтаман, деб ўйлагандим. Лекин сиз оддий одам бўлганингизда айтмасдим. Мелиса бўлганингизда ҳам айтмасдим.

Фирдавс бироз кўзини юмиб турди-да, сўнг бирдан:

— Ўйланасан! Ўзинг уйланасан Моҳинага! Энди югар, бояги одамни бу ёқча чақириб юбор. Лекин битта гап қуло-фингда турсин, Моҳинага орамиздаги гап ҳақида лом-мим демайсан. Умуман ҳеч нарса айтмайсан, тушундингми?! Энди югар! — деди.

Фирдавснинг ичига ўт кирди. Бирдан хаёлига Арслон келди. «Шунинг иши. Шунинг режаси. Ит! Менинг синг-лимга уйланмоқчи бўлдингми ҳали?! Ифлос, қонга бот-ган қўлингни синглимга теккизмоқчимисан, мараз?! Сен унинг босган изига ҳам нолойиксан. Шу пайтгача қилғи-ликларингга чидаб келдим, энди бу ёғига яхшилик кутма. Ёмонликниям юмшогини кутма!»

Фирдавс ўзининг хаёлидан ўтаётганларга ўзи чидаёл-маганидан Соли ёнига етиб келгунича бир неча марта йўл ёқасидаги темир панжарани тепиб олди.

— Нима гап? — деди Соли Фирдавснинг юзидаги ўзга-ришни кўриб.

— Арслон қопқон қўйганга ўхшайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир нечта жойларга қоровул қўйишимиз керак. Шерзод бундан бу ёғига бегона эмас. Демак, унинг уйини, касал-хонадаги отасини ва яна ўзини ҳам ҳимоялашимиз керак. Ёдгор амакимга қўнгироқ қилинг-да, Шерзоднинг уй ман-зилини беринг, беш-олтита йигитни жўнатсин. Бирорта ҳам бегона одам уларнинг уйларига кириши мумкин эмас. Абдулатиф амаким эса касалхонага бориб, қуда бува ётган палатани қўриқлашсин. Сизнинг вазифангиз эса Шерзод билан Моҳинани омон-эсон уйга обориб қўйиш. Ҳали замон Мавзуна ҳам келиб қолиши керак. Униям қўриқла-шимизга тўғри келади. Ўзи бекор уни чақирган эканмиз!

— Сен қаерга боряпсан?! — деди Соли.

— Музаффар ака билан қиласидиган ишимиз бор. «Тил» керак. Агар Арслон ўйинни бошлаган бўлса, тамом, гўрковга қўшимча иш топилибди.

— Балки...

— Йўқ, амаки, сиз айтганимни қилинг. Гап тамом, — деб Фирдавс зувиллаб ўтиб турган машиналарга қўл кўтарибошлади.

Моҳина зўр ҳаяжонда эди. Бир неча марта дераза ёнига бориб, пастга қаради ва: «Эй-й, Художон, ишқилиб, акам Шерзод акамни уриб қўймасин, ишқилиб, бечоранинг бурнини қонатмасин. Акамдан ҳеч қачон хафа бўлмагандман. Лекин агар, шу сафар... Кечирмайман, бир умр кечирмайман», дея хаёлидан ўтказди.

Олдинига Соли амакиси келди. Кейин ҳар тугул Шерзод ҳам кўриниш берди. Бироқ унинг рангида ранг йўқ эди. Қандайдир бошқача эди у.

— Акам нима деди? Сизни хафа қилмадими?! Сизга қаттиқ гапирмадими?! — дея сўради Моҳина Шерзоддан Соли уларнинг ёнидан кетиши билан.

— Йўқ. Тилла одам экан. Зўр одам экан. Шундай одамнинг синглиси эканлигинизни билмаган эканман. Моҳина олдинги учрашувимизда ва бугун ҳам сизга мен ўзимнинг ички туйгуларимни айтмагандим. Энди ҳозир айтаман! Бемалол айтаман!

Моҳина бирдан бошини эгди. Унинг юзи зумда қизарган эди.

— Йўқ, айтманг, — дея шивирлади у.

Худди шу пайт кўзининг биттаси филай, сочи елкасига тушадиган, лаби билан ияги орасида тиртифи бор, бадбашара бир одам келиб, Шерзоднинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Сен билан нимага келишгандик, ит?! — деди.

Шерзоднинг бирдан эти жимирлаб кетди ва секин орқасига қаради. Қаршисидаги одам унга нафрат билан қараб турарди. Яна нотаниш меҳмоннинг кўзи сузилган эди. Ичидан эмас, билагига игна уриб кайф олганди у. Бунақалардан ҳар нарса кутса бўлади. Керак бўлса, тўғри отасининг ёнига бориб унинг жонига қасд қилиши ҳам мумкин. Иккинчи

томони, у Арслонни умуман танимайды. Қаер-қаерларда-дир исмини эшитган-у, шу заҳоти эсидан чиқарып юбор-ган. Бундан бор-йўғи ярим соатча бурун Ўқтам исмли йи-гит билан учрашди. Ўқтам ҳамиша унга керакли нарсани топиб беради. Билакка, томирга урадиганидан. Текинга эмас, албатта. Жуда қиммат. Бобурнинг ҳозир ҳеч нимаси қолмаган. Бир пайтлар унинг хотини, икки боласи бор эди. Яна шинам ҳовлида яшарди. Ҳовлиси нақ олти сотих бўлиб, шаҳарнинг марказига яқин жойда эди. Иши ҳам бор эди. Ойига икки юз эллик сўм маош оларди. Рўзгорига бемалол етиб, яна ортиб ҳам қоларди. Кейин ҳаммаси ўзга-риб кетди. Бобур мана шу Ўқтамнинг орқасидан игнага «ўтирди». Олдинига ишидан айрилди. Ҳовлисини сотди. Уч хонали дом олди. Аста-секин буниям сотди. Хотини икки боласини олиб кетиб қолди... Энди унинг ҳеч нарсаси йўқ. «Дори» эса ҳамиша керак. Шундай экан, Ўқтам нимани-ки буюрса, бажаради. Ўғирликми, бирорни ўлдиришми — унга фарқи йўқ. Ўлиб қолса ҳам Ўқтамнинг айтганини қиласи. Мумкин қадар ошириб, қойиллатиб бажаришга ҳаракат қиласи...

Бундан роппа-роса ярим соат муқаддам Бобур Ўқтам-нинг оёқлари остида эди. «Илтимос, итинг бўлай, битта «доза» бер», дерди. Ўқтам уни тепиб юборар, «Олдинги қарзларингни тўла», дея дағдага қиласи. Атай шундай қилаётганди. Бобурни роса тавбасига таянтироқчи эди. Бўлмаса, аллақачон буюртмани олган. «Тайёр тур, вазият ўзгарадиган бўлса, ишга киришасан, фақат ўлдириб қўйма, шундай қилгинки, бироз ўлмай турсин, иш бит-ганидан кейин ўлдирасанми, эшак қилиб минасанми, ихтиёринг» дейишганди», унга.

Ташқаридагилар имо-ишора қилишди. «Қовун тушди», дейишди. Ана шундан кейин Ўқтам Бобурни битта «доза» билан сийлади-да, иккинчи «доза»ни унга кўрсатди. Сўнг Шерзодни кўрсатди. «Ўша боланинг абжафини чиқарасан», деди.

— Қанақа келишув? — деди Шерзод ва секин ўрнидан туроётганди, кўзларига қон тўлган Бобур унинг елкаси-дан босди.

— Чўк, чўк! — дея оғзидан тупук сачратди. Унинг ниго-

ҳида, юзида, қошида, бурнининг устида шайтон ўтиради. Шу боисдан ҳам Бобур ўта хунук ва жирканчли қўринарди.

Шерзод чамаласа, гавдаси уникидан катта. Бўйи ҳам узун. Бунинг устига дагдага қилаётганинг кўзи сузилиб турибди. Демак, кайфи баланд. Олишса, бемалол енгади. Фақатгина унинг қўлидаги пичноқни тортиб олиши керак.

— Сизга нима керак?! — деди Моҳина чидай олмай.

Қизнинг баланд овозда гапиргани Шерзодни қандайдир руҳлантириди ва у ўрнидан турди-да, қўлини мушт қилди. Шу онда қаердандир Соли пайдо бўлди ҳамда чапдастлик билан Бобурнинг пичноқ тутган қўлини орқага қайирган эди, пичноқ унинг қўлидан тушиб кетди.

Соли гапирмади. Бобурнинг қўлини қаттиқроқ қайирган эди, у икки букилди. Шундан сўнг Соли «зўравон»ни зина томонга судради. Бўйни билан елкаси аралаш тушган муштдан сўнг Бобур зинадан пастга думалади. Соли қўлини қоқди-да, ортига қайтиб, йигит билан қизнинг ёнига келиб:

— Сизлар эртароқ кетмасанглар бўлмайди. Шунаقا бўлиб қолгани учун минг бор узр. Аммо, биринчи навбатда, соғлиқларинг керак. Омон бўлсанглар, чиройли учрашувларинг кўп бўлади. Юринглар, кетдик, — деди.

Моҳина ич-ичидан йигларди. Ахир бу нима деган гап. Эндиғина рўшнолик кўраман, эндиғина баҳтим чаманида юраман деган бир пайтда яна битта касофат бошига тушиб турибди. «Аям бечораям мана шунаقا нарсаларни кўравериб-кўравериб ёшгина ўтиб кетди. Энди навбат менгами? Бу фалокатларнинг охири борми ўзи?!» дея кўнглидан ўтказди ва шу заҳоти йиглай бошлади.

— Қизим, — деди Соли уни юпатмоқчи бўлиб, — шунчаки, ҳозир мана шунаقا бетайинлар...

— Керакмас, амаки! Нега шунаقا қилаверасизлар? Нимани синаяпсизлар?! — дея Моҳина ўрнидан турди-да, бир қўли билан оғзини беркитганча югуриб кетди.

Қизнинг ортидан Шерзод, кейин эса Соли чопди. Солининг билагида кучи бор. Бироқ кўп югуrolмайди. Насаси тиқилиб қолади. Сабаби, биринчидан, ёши олтмишни қоралаб қолган бўлса, иккинчидан, жудаям кўп чекади...

У Шерзодга илтимос қилди.

— Тўхтат, ушла қўлидан, — деди.

Шерзод сўнгти зиналарда Моҳинага етди. Тирсагидан тутди. Моҳина силтаб ташламади. Тўхтади ва ёшли кўзи билан Шерзодга қаради.

— Мени кечиринг. Мен... Мен... Билмайман, — дея яна югуриб кетмоқчи бўлганида, Шерзод тагин қизни ушлаб қолди.

Моҳинани овутиш қийин бўлди. Шерзод билан Соли қизнинг кўнглини кўтаришга роса ҳаракат қилишди. Бироқ Моҳина сира кўз ёшини тўхтатмас, нуқул бошини қимирлатиб йиғлагани-йиғлаган эди. Охири амаллаб уни машинага ўтқазиши. Аммо кетиб бўлмайди. Сабаби, ҳали замон Мавзуна келиб қолади. Кетиб қолишса, ким билади яна бу ерда кимлар пайт пойлаб турганини...

Соли машинада ўтиромади. У жудаем тоқатсизланаётганди. Чунки ҳали Фирдавс айтган юмушларнинг бирортасини ҳам қилгани йўқ. Кўнгироқ қилиши керак. Эртароқ буйруқни ўзиникиларга етказиши керак. Аммо қандай қилиб? Гўё кимдир унинг кетишини пойлаб турганга ўхшайди. Бу ёғи, анави думалаб тушган гиёҳвандга бирор ёрдам бермади. У зинанинг охиригача юмаламаган эди. Ярмига келиб тўхтаганди. Шу тўхтаган бўйи ётарди. Қимир этмасди. Моҳина унинг устидан сакраб ўтаётганида юраги ёрилаёзганди. Энди ана шу нусха ҳам муаммо бўлиб турибди. Шу сабаб Соли бу ерда узоқ туролмайди. Чунки ҳали замон шапкалилар ҳам пайдо бўлиши мумкин.

— Менга қара, — деди Соли машинанинг ёнига келиб Шерзодга, — ҳайдашни биласанми?

— Ҳа, — дея бошини қимирлатди Шерзод.

— Унда ҳайда. Сенга Моҳина йўл кўрсатади. Тўғри уларникига бор. Ўша жой хавфсиз.

— Хўп, — деб Шерзод машинадан тушди-да, айланиб ўтиб рулга ўтирди.

Соли шу ондаёқ қаҳвахонанинг биринчи қаватидаги барга югарди. Пўписа билан бармендан телефон аппаратини олди. Барменга чиқиб тур, деди ва тўппончасини кўрсатди. Куролга кўзи тушиши билан бармен ташқарига югрди.

Фирдавс қаерга қўнгироқ қилиб, кимга нима дейиш қераклигини буорган бўлса, ҳаммасига қўнгироқ қилди. Топшириқни етказди. Сўнгра югуриб ташқарига чиқди. Қараса, Моҳина битта қиз билан қучоқлашиб турибди. Қиз орқаси билан тургани учун Соли уни таниёлмади. Лекин Мавзуна эканлигини тахмин қилди. Айни пайтда жаҳли чиқди. «Нега ҳалигача булар кетгани йўқ?» дея ўйлади ва машинанинг ёнига борди-да:

— Нариёқча ўт! — деди Шерзодга, сўнг қизларга қараб бақирди. — Тезроқ ўтиринглар!

Қизлар шоша-пиша орқа ўриндиқча ўтиришди.

Машина бирор икки юз метрча юриб, эндиғина «Дўстлик» меҳмонхонаси тарафга бурилган эди ҳамки, ёнгиналарида қаймоқ ранг «Волга» пайдо бўлди. Машина-нинг очиқ деразасидан автомат чиқди. Соли энгашишга улгурмасидан қурол тариллади. У бошқарувни йўқотди.

* * *

Масжиддан уч киши чиқди. Бирининг ёши ўттиз бешдан ўтган, қолган иккитаси эса йигирма бешнинг нариберисида эди. Улар беш вақт намозни канда қилишмас, ҳар қандай юмушини намоз вақти келиши билан йиғишириб, масжидга келишарди. Намозларини ўқишишарди. Сўнгра бирор икки бекатча пиёда юришарди. Сабаби, ҳар учови ҳам футбол жинниси эди. Англия футболини томоша қилишарди. Ҳаммасини эмас. Телевизорда оралатиб бериб қолганларини. Кейин бўлак бўлиб олган Россияникини, ўзимизникларга ҳам ора-чора кўз ташлашар ва жудаям норози бўлишарди. Бизда роса бақувват битта дарахт бор. Қолганлари ҳали новда. Улар ё соя ташлаб турган дарахтнинг соясини писанд қилмай юқорилаши керак ва ёки битта дарахтнинг баҳридан ўтиш зарур. Иккинчи йўл — тўғриси. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам новда соядади үлгайиб кетолмайди, дейишарди...

Табиийки, футболда ҳамманинг фикри бир жойдан чиқиши жуда қийин масала. Буларнинг учови ҳам худди шундай. Биттаси «Битта жамоанинг ҳамма ўйинчиларини бошқа жамоаларга тарқатиб юбориш керак, шундагина тенглик бўлади», деса, иккинчиси «Унда ҳаммаёқ расво бўлади, чунки битта футболчининг қўлидан ҳеч нарса кел-

майди, бунинг ўрнига худди Англиядагидай ҳар битта команда чет элдаги зўр-зўр ўйинчилардан тўрт-бештадан сотиб олиши керак, ана шунда бошқалар ҳам зўрларга эргашиб командани кучайтириб юборади», дерди. Учинчи шерик дарров пул муаммосини ўртага ташларди...

Бугун ҳам баҳс қизигандан-қизиётган эди. Сабаби «МЮ» ютқазиб қўйди. Яна азалий рақиби «Ливерпуль»га. Суҳбатдошлардан иккитаси «МЮ» деса, ёши улугроби «Ливерпуль» тараф...

Улар Фирдавснинг қаҳвахонаси рўпарасига етишди. Шунда рўпараларидан нақ саккизта маст чиқди. Улар бирбирига суянишиб, кўчани тўлдириб келишарди. Оғзиларидан боди кириб, шоди чиқарди. Шунағанги эмин-эркин сўқинишардики, худдики атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқдай. Яна сўқинишларининг нақадар «гўзаллиги»ни таърифлашиб мақтанишарди.

Уч киши бирдан тўхтади. Лекин сира қўрқиshmади. Ахир ҳаммаси олдиндан келишилган. Булар ҳам жа намозхон бўлиб, намозхон ҳам эмас. Уларга шунақа-шунақа деб ўргатишганди. Шундай қилишди улар. Лекин футбол тўгри. Ётволишиб кўришади улар. Гоҳ-гоҳида келишиб қаҳвахонага боришади. Ўртага пул тикишади. Кейин бақириб-чақиришади. Ур! Бунча ўлакса бўлмасант, нон егансанми ўзи?! Садқаи отнинг калласидай ойлик кетсин!» Бу бўкиришлардан кейин қаҳвахонанинг деразалари қимиirlайди...

— Манавиларни қаранглар?! — деди мастлардан биттаси олдинга ажralиб чиқиб, — ўзларича ақдли! Бошидаги дўппиларини ечволиб кийсак, бизга ярашмайдими?! Яна кўк дўппи! Бойваччаларнинг дўпписидан! Соққалариям кўп бўлади буларнинг! Лекин ўzlари писмиқ, аферист!

— Ҳов, — деди «намозхон»ларнинг каттаси, — оғзинга қара!

— Оғзимга? Вой, эшитдингларми?! Оғзимга қарармишман!.. Гапингга, ҳов сўтак?!

— Тўрт кун масжидга борганига ўзларича муллавачча бўлиб олишган булар, тупурдим бунақаларга! — дея бақириди унинг ортида турган бошқа маст.

— Ҳаддиларингдан ошмаларинг! — деди «намозхонлар»дан яна бири.

— Ия! — деб олдинга чиққан маст уларнинг ёнига борди-да, биттасининг юзига мушт туширди. Шу заҳоти ўзи ҳам худди шундай зарба қабул қилди... Тўполон бошланди... Мастрлар рақибларини сира аяшмасди. Дуч келган жойларига тепишар, уришарди. Орадан бир дақиқа ўтмасдан, мастрларнинг сони ошди. Албатта, қаердандир «ақллилар»га ҳам ёрдам берувчилар етиб келишди. Улардан бири қаҳвахонага югуриб кирди ва:

— Мусулмон киши борми бу ерда!? Иймони бор одам борми!? — дея қўзида ёш билан жон алфозда бақирди.

Фирдавс йўқ эди. Музaffer aka бор эди. Яна ошпаз, официант йигитлар бор эди. Нима гап, нима сўзлигини суриштирумасдан ташқарига югуришди. У ёқда ит эгасини танимас эди. Муштлашаётганлар сони эллиқдан ошиб кетганди.

— Тўхта! — дея бақирди Музaffer aka иккала қўлини ёзиб, ўзиникиларнинг йўлини тўсаркан.

— Мана, яна итваччалар! — деб бўкирди худди шу пайт муштлашаётганлардан биттаси ва қўлидаги тошни Музaffer aka томонга улоқтиди. Ошпаз чап беришга улгурмади. Тош елкасига тегди...

* * *

Абрам Фирдавснинг «сквер»да эканидан хабар топиши билан йигитларидан иккитасини ёнига чақириб:

— Фирдавс билан қиз омон қолсин, қолганларни отиб ташланглар! — дея фармон берди.

Йигитлари профессионал эди. Бирорта ҳам ўқни зиён кетказмайдиганлар хилидан эди улар. Анча тайёргарликдан ўтган, иккиси ҳам хорижлик эди. Машгулотларни ҳам хорижда ўтаган, Абрамга ёрдам бериш учун маҳсус юборилганди. Улар дарров ҳамма маълумотларни олишди-да, битта автомат, иккита тўўпонча билан йўлга тушишди.

— Фирдавс иш жойида бўлмаса, жанжални орқага суррамизми? — деб сўради худди шу маҳал унинг ёнида турган Арслон.

— Асло, бир-бирига сира зиёни тегмайди. Қайтанга фойдаси бор. Зарба икки томондан берилади. Қиз қўлдан чиқди! Йигитларингни жўнат, анави «куёв бола»нинг оиласидан бирорта ҳам тирик жон қолмасин! Ўлмасни дорга

ос! Ўлмас эмас у, ўладиган! — деди Абрам жаҳл билан ва юмшоқ оромкурсига ўтириди. Одатдагидай оёқларини ча-лишитирди ва лаблари орасига қистирадиганини қистирди.
— Бизнинг йўригимизга юрмаганлар итнинг азобини тор-тади!

Арслоннинг эти музлади. Ахир Ўлмас унинг энг яқин одами. Бошқалар ҳар қанча хиёнат қилса ҳам, у Арслон учун жонини беришга тайёр. Бир марта соддалик қилибди. Ана борингки, «қовун туширибди». Лекин бунинг учун уни ўлдириб юбориш тўғри бўлармикин? Балки, имкон бериш керакдир?

— Хўжайин, — деди Арслон қўрқа-писа Абрамга, — мен Ўлмаснинг кафиллигини оламан.

Абрам бирдан сапчиб ўрнидан турди-да:

— Нима дединг сен палид?! Кафиллигини оламан, де-дингми?! Ит! Эртанги кунингни ўйлайсанми?! У бутун бошли улкан режанинг расвосини чиқарди. Бунинг учун бир жон эмас, ўн, юз жоннинг баҳридан ўтсанг ҳам кам-лик қилади! — дея томоқ йиртганча бармоқлари орасида тутаб турган тутатқисини Арслоннинг башарасига улоқ-тириди.

— Бўлди, — деди шу заҳоти Арслон, — айтган гапин-гиз биз учун қонун! Ҳозироқ бориб ўз қўлларим билан осаман!

Абрам гижинди. Бошини сарак-сарак қилди ҳамда қай-тиб ором курсига ўтириди-да, столнинг устидаги идишни қўлига олди. Қадаҳни қип-қизил суюқликка тўлдирди. Сўнг ундан бир ҳўплаб, ўзига-ўзи гапира бошлади: «Охирги пайтларда буни ҳаддан кўп ичяпман. Соғлигим учун заарар. Жудаям заарар. Пулим эса кўп. Мен роҳат-фароғатда умр-гузаронлик қилишим керак эди, аслида. Аммо ҳар куни бошимни қотирадиган иш бор».

Арслон Абрамга киприк қоқмасдан термилиб турарди. Яна қўшимча буйруқ кутаётганди. Айни чогда бу Абрам-нинг қонини янада қайнатаётганди. Чунки «куёв бола»-нинг ишини ҳал қилиш ортга чўзиляпти...

Абрам ичмади. Суюқликка бир муддат термилди-да:

— Сенинг ҳам каллангни олишимни истаяпсанми? — деди ўта юмшоқ овозда.

— Бўлди! — деди Арслон ҳозиржавоблик билан ва эшик томонга югурди.

Абрам тутатқидан яна биттасини тутатди ва бехосдан кўзи боя улоқтирганига тушди. У гиламни қуйдира бошлаганди.

— Оббо, овсарлар, мени яқинда тириклай гўрга тикишади! — деб ўрнидан турди-да, олдинига тутаётганни олди, сўнг гиламга қадаҳдаги суюқлиқдан қуиди ва яна қайтиб келиб, оромкурсига ўтириб ўзини орқага ташлади.

Кўзини юмди. Бир лаҳза ёшлик даврини, Хонзода билан илк танишган дамларини эслади. Ахир айни лаҳзада уни ёдига олмасдан иложи йўқ-да. Айни ўшандаги ўйламай қилингган иш ҳозир баъзи бир нарсаларга қўл уришдан тўхтатиб турибди. «Ўшанда ёшим катта эди. Арслонникидан катта. Ойим «Сен ҳаддан зиёд ақлисан. Бир кунмас-бир кун шу ақлинг бошингта етмасайди!» дерди. Чунки мен онамни ҳайратлантирадим. Пулларим қўп эди. Этиқдўзликдан ташқари, бир марта яхшигина ўғирлик қилганман. Элёр деган бир бола билан», дея ўйлади у иржайиб, суюқлиқдан сипқорар экан. Сўнг идишни жойига қўйиб, воқеанинг давомини эслади: «Дўхтирникига кирганмиз. Мен кирмаганман. Пойлоқчилик қилганман. Лекин дўхтирнинг бой эканини билардим. Тиш дўхтири эди у. Одамларнинг оғзига тилла тиш қўярди. Иш ҳақи қиммат эди. Мени унинг қаердан тилла олиши ўйлантиради... Элёр ишни қойиллатган. Бир рўмолча тилла олиб чиқсан, яна адашмасам, ўн мингча пулни ҳам ўмарган. Шунда бирдан шумлигим тутди. Элёрдан ўз улушимни олишни истамадим. «Ўзингда турсин», дедим. «Бориб бир жойда ўтириб, роса маза қиласиз, фақат ҳамма кирадиган ресторон ва ёки қаҳвахоналарга бормаймиз», дедим. У уйига таклиф қилди. Рози бўлдим... Ўзиям ўн шиша «отадиган»дан олдик. Обдан бўкиб қолгунича ичирдим. Шу вақт оралиғида бир лаҳза бўлсин, пулларни ҳисоблашдан тўхтамадим. Аммо унинг қанча тилла ўмарганини ҳам билолмадим. «Ўчиб» қолганидан кейин эса секингина пулининг бир қисмини, тиллаларининг ярмини тинчтдим-да, уйга кетдим. Орттирганларимни яширдим, сўнг яна қайтиб келиб, икки пиёла ютдим. Қарабсизки, биз ҳам «тайёрмиз». Эртасига у пулларини ҳисоблади. «Чўги камдай», деди.

Шунингдек, тиллаларининг ҳам чўғи кам кўринди унга. Менга шубҳаланиб қаради. Мен бирдан қовоғимни осилтиридим-да, жаҳл билан ҳамма кийимларимни ечдим. «Кўр, агар мендан сариқ чақа тополсанг, мана шу жойнинг ўзида ўзимни-ўзим сўйиб ташлайман. Тўғри, мен сенга қўшилиб ўғирликка бордим, лекин хиёнат қилмадим. Умуман, бунақа одат йўқ менда. Мен ҳалол одамман, керак бўлса, кеча сендан олдин «қотиб» қолганман», дедим. Элёр сўзларимга ишонди ва ноилож қолган ўлжани бўла бошлади. Мен эса бош тортдим. «Керак эмас, сен бир марта мендан шубҳаландинг. Демак, бундан кейин ҳам шубҳаланиб юрасан. Қолаверса, мен ҳеч нима қилмадим. Ўзинг кириб қўпориб чиқдинг. Бари ўзингники, мен сенга шунчаки ичишга шериклик қилдим», дедим. Табиийки, у ич-ичидан хурсанд бўлди. Мен ҳам хурсанд эдим, лекин хурсандлигимни билдирамадим... Орадан ҳеч қанча ўтмасдан Элёр қўлга тушиб, қамалиб кетди. Мен эса ўз эҳтиёкорлигим сабаб озодликда қолдим. Агар ўша пайтда Элёр билан ўғирланган молни бўлишганимда, албатта, у мени сотарди. Натижада мен ҳам панжара ортига равона бўлардим. Лекин ҳозир нега буни эслаб қолдим? Ахир ўша воқеанинг Арслонга, унинг онасига дахли йўқ-ку! Тўхта, бор, мен худди ана шу кезлари Хонзодани ресторанга олиб боргандим. Ўғирлик пуллар билан меҳмон қилдим уни. Сўнг лаззатли онларни бирга кечирдим. Аммо эҳтиёт бўлмаган эканман. Балки, бу ҳам яхшиликкадир?! Биз яхудийларнинг баъзан хато қилган ишларимиз алал-оқибат фойда келтиради...» Абрам ўйини шу ерда тўхтатди-да, ичимилигидан ичди. Бу сафар мириқиб ичди. Охиригача, қадаҳда бир томчи ҳам қолмагунча ичди. Сўнг битта қарорга келди: «Арслон мен ўйлагандай эмас экан. Демак, мен уни ўзимизга яқин ва ёки Мария, Валя, Наташаларнинг бирортасига уйлантираман. Аёл ҳомиладор бўлгунича Арслон яшайди. Кейин баҳридан ўтаман. Туғилган фарзандни эса яхшилаб тарбиялайман. У ҳақиқий яхудий бўлиб улғаяди». Бу фикри Абрамнинг ўзига жуда маъқул келди.

* * *

Арслон ҳамма топшириқларни эга-эгасига етказга, тўғри Ўлмаснинг ёнига борди. Айни Ўлмас билан Саъдул-

ла майшат устида эди. Арслонни кўриши билан Саъдулла ўрнидан сапчиб туриб:

— Эй-й, хўжайин, хўжайин, келинг-келинг! — деди қўлини кўксига кўйиб бироз эгиларкан.

— Бир оғиз ҳам айтмайсанлар, индамай, ими-жимида тўп-тўп бўлиб оласанлар-да, кайф қиласанлар, биз бўлсак, моховни юқтирган одамдай ёлғиз юрамиз, — деб ўпкалаган бўлди Арслон.

— Йў-ў-ў-қ, ундей эмас! Шунчаки, сизга ҳаддимиз сиф-майди-да, — дея иржайди Саъдулла.

— Ўх-хў, таниш шиша-ку, — деди Арслон ва столнинг устига ишора қилди.

Саъдулла қизарди. Гарчи Арслон келса-да, унинг хурмати учун ҳеч бўлмаса ўрнидан туриб қўймаган Ўлмас эса:

— Саъдулланинг каромати, — деди.

Арслон бирдан Саъдуллага ўқрайиб қаради-да:

— Шефникини тинчитдингми? — деб сўради.

— Ҳалиги, шунчаки, ҳавас, жудаям ҳавасим келганди. Оғзимнинг суви оқиб юрувди. Шу нафсим қўймади-да! Бу ёфи Ўлмас акамнинг ҳам кўнглини кўтарай, дедим. Шунга жонимни хатарга қўйиб...

Арслон иржайди. Кейин:

— Бўпти, мен ҳам жа-а авлиё эмасман. Сен тинчитган бўлсанг, мен шундай яшикдан иккитасини сугуриб олиб келдим. Лекин сенинг қилган ишингни мен кўрдим. Аммо шефнинг бошқа одамлари кўриб қолишса, нақ терингни шилиб олишади. Бор, анави Абдураҳмон сариқ билан бирга битта қўйни бўғизланглар. Бир соатдан кейин мана шу ерда яхши пишган бир лаган қўй гўшти бўлиши керак. Айтиб қўяй, гўштга кўзингни олайтириб юрма, агар салгина камайиб қолса, ўрнига сенинг гўштингни қозонга босаман, — дея ҳиринглаб қулди Арслон ҳамда ёнидан битта шишани олиб столнинг устига қўйди.

Буни кўриб Ўлмаснинг чиройи янада очилди.

— Дўстим, — деди унга ачиниш билан қараган Арслон, — кўнглингда киринг йўқлигини жуда яхши биламан. Агар ҳамма ҳам сендай тоза бўлганида, мен ҳозир нафақат шаҳарни, балки бутун республикани, керак бўлса, СССРни кафтимда тутиб турган бўлардим.

— Раҳмат, Арслон. Мен сенга ҳамиша содиқ бўлганман, Худо хоҳласа, бундан кейин ҳам шундай бўлади!

— Кел, бугун икковимиз бир майшат қилайлик. Айтсан ишонмайсан, лекин гапим рост. Битта қўйни сен билан бирга тинчитмоқчиман. Айтганча, Саъдуллани ҳам чақирамиз. Қизталоқ, нукул ёлгон гапиради-ю, лекин гаплари мазали, — деди Арслон шишани очаркан.

Чанқаб турғанмиди ёки кайфияти шундаймиди, ҳар қалай, Арслон бир пиёлани бир кўтаришда симириди. Сўнг дастурхондаги бор нарсалардан газак қилган бўлиб ўрнидан турди, эшик ёнига борди ва ташқарига қараб:

— Саъдулла! Анави ишни Абдураҳмон Ҳамир билан бирга қилсин, сен бу ёққа кел! — дея бақирди-да, қайтиб келиб жойига ўтирида ва яна пиёлани тўлдириб, Ўлмасга қаради: — Нега ичмадинг?

— Сен ҳозир қандайдир бошқачасан. Тўгри, илгари ҳам ҳозиргидай очик эдинг. Лекин кейин бирдан ўзгариб қолдинг.

— Билсанг, ҳозир ҳам ўша ўзгаришдаман. Лекин нимагадир сен билан улфатчилик қилгим келди.

— Арслон, сен мендан хафа бўлма. Азбаройи, сени ўйланним учун анави болани қўрқитгандим. Чунки сенинг хотининг булоқ сувидай шаффофт бўлиши керак, дейманда.

— Тўппа-тўгри. Ҳалиям сен уни шунчаки қўрқитиб қўйгансан. Ўрнингда мен бўлганимда, калласини олардим. Шунчаки олмасдим, копток қилиб ўйнардим. Шундай экан, мен сендан умуман хафа эмасман. Ундан кейин хоҳлайсанми-йўқми, Фирдавснинг ёнига яқинлашиш яхши эмас. Ҳар нима бўлган тақдирда ҳам у менинг душманимлигича қолаверади. Чунки у билан бошимиз битта қозонда қайнамайди. Қани ол, — деб Арслон Ўлмасга пиёлани кўрсатди.

Ўлмаснинг хийла кайфи ошиб қолганди. Лекин шунга қарамасдан, Арслон келиши билан унинг кўнгли хижил бўлди. Ҳозир ана шу хижиллик баттар ошяпти.

Ўлмас пиёлани қўлига оларкан, ундаги суюқликка тикилганча бироз туриб қолди.

— Захар-паҳар қўшилган, деб ўйляяпсанми? — дея иржайди Арслон.

— Йўқ?! Сен заҳар берсанг ҳам қулогимни қимирлат-масдан ичаман. Лекин қандайдир бир нима бордай туюлляпти менга.

— Ҳеч нима йўқ! — деди бирдан бақирди Арслон. — Айни мана шу суюқлиқда ҳеч нима йўқ! Фақат шайтон бор!

Ўлмас унинг бирдан бундай жазавага тушганига ҳайрон бўлди ва бир кўтаришда пиёлани бўшатди. Шу онда Саъдулла кириб келди. Кўлида бир лаган тўғралган помидор бор эди. Иржайиб, тиржайиб кириб келди у.

— Аслида, мана шу газакнинг зўри, — деди қўлидаги лаганни кўрсатган Саъдулла ютиниб қўяркан.

— Кўй бу ерга лаганни, — деди Арслон дастурхондан жой кўрсатди, — кейин тез қорангни ўчир, чақирмагунимча келма!

Ўлмас бир нуқтага тикилган, ҳеч нима емасди. Арслон унга пиёлани қайтадан тўлдириб узатган эди, олмади.

— Ростини айт, жудаям ўзгариб кириб келдинг. Нима бўлди? — деди у ўзига қараб турган Арслонга.

— Ҳозирча ҳеч нарса. Лекин бўлади. Бўладиган нарсани биламан, — деб Арслоннинг ўзи ичди ва помидор бўлакчаларидан бирини оғзига солди ҳамда чайнар экан, чўнтағидан тутатқисини олди-да, ичидан бир донасини сугуриб, қутини столнинг устига ташлади. Тутатди. Тутунни ичига ютди. Сўнг кўзини чирт юмиб, бироз турди-да, қайта очгач:

— Аҳволинг чатоқ, — деди.

— Нега? — сўради ҳайрон бўлган Ўлмас.

— Қовун туширишинг қимматга тушди. Режани бутунлай бузиб юбординг. Катта уруш бошланди. Анча одам қурбон бўладиганга ўхшайди. Шуларнинг орасида сен ҳам борсан. Энг биринчиси сенсан.

Ўлмас Арслонга еб қўйгудек тикилиб ўтирас, газабдан бўйин томирлари бўртиб кетган эди. У илгари Арслондан кўрқарди. Ўзидан эмас, «орқасидан». Шунинг учун сира ўқраймас, қанчалик жаҳли чиқиб турган бўлса-да, ўзини босиб хотиржам гаплашишга уринарди. Ҳозир ўша кўрқувни унуди. Ахир бу ярамас унинг ўлимидан башорат бериб турибди. Энди ҳам кўрқсинми?

— Аслида, — деди Ўлмас Арслоннинг олдида турган

шишани юлқиб олиб, — ўшанда бекор менинг ёнимга борган экансан ёрдам сўраб!

— Тушунмадим?! Мен сенинг ёнингга қачон борган эканман илтимос билан?

Ўлмас Арслоннинг гапига жавоб бермай, шишадаги-дан пиёлага қуиб қулт-қулт ича бошлади.

— Мараз! Ҳали сен мени қарздор деб ўйлаб юрганмидинг?!

Ўлмас пиёладагини ичиб тугатди ва идишни тўқ этка-зib столнинг устига қўяркан, кафтининг орқаси билан оғзини артиб:

— Устахонамга борганинг эсингдан чиқиб кетдими?! Ё буни ҳам тан олмайсанми?! Мен нима қилган бўлсам, сен учун қилдим. Ўша бола сен уйланадиган қизнинг белча-сидан қучоқлаганда... У ёгини айтаверайми?! Ўшандаям хотин қиласмидинг?! — деди.

— Ҳақсан! Лекин буни фақат мен тушунаман. Бошқа-лар...

— Менга қара, оғайнни, бошқалар қачондан бери пайдо бўлиб қолишиб? Ҳамма нарса пишиб, оғзимиз ошга тек-канидан кейинми?!

— Нима бўлган тақдирда ҳам улар ҳозир жудаям катта куч. Чет эл уларни қўллаяпти. Лекин қайси чет эллиги менга қоронги. Шуни биламанки, Абрам ҳамма кучни ўша ёқдан оляпти. Атрофидаги «хўқиз»лар шу атрофники деб ўйлай-санми? Шундай экан, Абрамнинг гапи билан юришга мажбурмиз. Ҳозирча...

— Сен юрасан. Мени эса...

— Ўлдиришни хоҳлаганимда индамай келиб, пешонан-дан отардим. Кераксиз бўлганингда сени тепкилашаётга-нида ўзимни билмаганга олардим. Лекин ундаи қилмадим-ку?! Адам раҳматлига бунчалик ачинмаганман. Бунчалик ичим куймаган... Буйруқ бўйича бугуннинг ўзидаёқ оси-шим керак сени.

— Унда нимага қараб турибсан?

Арслон секин эшик томонга қараб олди, сўнг иржай-иб:

— Бошқа режа тузганман, — деди.

Ўлмаснинг энди бутунлай кайфи ошган эди. У кўзлари-ни сузганча бепарво тикилди Арслонга.

— Сени осиб расмга оламиз-да, дарров бўшатамиз, кейин расмни Абрамга кўрсатамиз. Шу билан олам гулистон. Фақат сени...

Ўлмас унинг гапларини охиригача эшитмай қўлини силтади ва ёнбошлаб кўзини юмди ҳамда шу заҳоти қўрпачага чўзилиб хуррак ота бошлади.

— Оббо, қизталоқ, бу ёғи ажали келиб турибди-ю, ухлашини қаранг, — дея тутаб бўлган тутатқини кулдонга эзди Арслон ва у ҳам ётди.

У умрида бунаقا қўрпачаларда шифтга қараб, қўллари ни бошининг остига қўйиб ётмаган. Бошқача бўларкан. Одам қандайдир, енгил тортадими, бир нарса-да...

Арслон Абрамнинг ёнидан чиққанидан бери Ўлмасни қандай бўлмасин сақлаб қолиш тўғрисида ўйлаганди. Энди эса ўзининг жони кўзига кўриниб кетди. Ахир унинг ҳийла ишлатаётганини Абрам сезиб қолса, аниқ калласини олади. Бир неча марта кечирди. Негадир шундай қилди. Энди бунисини кечирмайди. Чунки у улкан режа тузганди. Миллионлаб пул келиши керак эди. Қанчадан-қанча одамнинг ёстиги қуриши керак эди. Аммо ўхшамади. Арзимаган сабаб билан ўхшамай қолди. Энди бунинг бадали жуда оғир. Биргина Ўлмаснинг жони билан Абрам қаноатланса қанийди. У ими-жимида яна бир-иккитанинг бошини олиши ҳеч гап эмас. «Эҳтиёт бўлишим керак. Ўлмас жондай азиз дўстим. Аммо начора, бу ёғи тиқилинч бўлиб турганида, аввало, ўзимнинг жонимни сақлашим лозим. Лекин мен иштирок этмайман. Ана, Абрамнинг хос соқчилари бажарсинг. Ҳаммаси қотил. Ҳаммасининг энг севимли машгулоти бировнинг юрагига ханжар тиқиши», дея хаёлидан ўтказди Арслон ва секин ўрнидан туриб, шиша-га қаради, тагида озгина қолибди. «Агар бошқа пайт бўлганида бу зангарнинг икки қултуми мени ағдаарди. Энди шунчасини ичибман-у, ҳалигача қилт этганим йўқ. Ўлмас тўнтарилди. Олдин ҳам ичган экан-да. Лекин унинг дарди меникидан-да оғир. Эҳтимол, шунинг учун ухлаб қолгандир? Бечора...»

Арслон ўрнидан туриб ташқарига чиқди. Кўзи биринчи бўлиб Саъдуллага тушди. У оёқларини чалиштирганча дарвоза ёнидаги стулда ўтирап ва қўлидаги алланимани ўйнار эди.

«Ҳаммадан шуники майшат. Ҳеч ташвиши йўқ. Бордир уйида бир-иккита боласи, хотини? Лекин унинг учун бу ташвиш эмас. Ўйламайди ҳам уларни... Мен ҳам бир пайлар ҳеч нимани ўйламасдим. Лида билан маза қиласдим. Ҳеч ниманинг фарқи йўқ эди менга. Лекин анави пада-рингга лаънати Абрам пайдо бўлди-ю, ҳаммаёқ муаммога тўлиб кетди. Уни қилсанг ҳам ўхшамайди, буни қилсанг ҳам. Шундай топшириқлар берадики, умуман эплаб бўлмайди. Агар ўзимга қолганида аллақачон Фирдавс билан топишиб олардим. Унинг томорқасига мен, менинг томорқамга у ораламас эди. Энди эса бир-бирига тиш қайраган иккита йўлбарсиз. Ишу дардимиз бирор-бировнинг ерига ўтиш. Ағдар-тўнтар қилиш... Тўғрироғи, мен қиляпман. Ҳалигача у мен томонга бир марта ҳам ўтмади», дея хаёлидан ўтказган Арслон чуқур нафас олиб чиқарди. Худди шу маҳал Саъдулла бошини кўтариб у томонга қаради-ю, бирдан ўрнидан сапчиб туриб, ёнига югуриб борди ва қўлини кўксига қўйиб:

- Хизмат, хўжайн, — деди иржайганча.
 - Нима қиляпсан? — сўради Арслон.
 - Бармоқларим илгаригидай чаққонми-йўқми, синаяпман.
 - Нега?!
 - Бирор жойга уч қарта ўйинига жўнатиб қолсангиз, керак бўлади-да!
 - Уч қартанинг замони ўтди. Бор, шофёрга айт, машинани ҳовлига олиб кирсин. Шу ерда минаман. Сен итлар менинг кўчага чиқиб ўтиришимга ўрганиб қолдинглар!
 - Хўп, — деди Саъдулла икки букилиб, сўнг югуриб кетди.
- Арслон Абрамнинг уйига борганида уни ўта шод ҳолда қўриб, енгил тортгандай бўлди.
- Эшитдингми? — деди Абрам қўzlари чақнаб.
 - Йўқ, — жавоб берди Арслон.
 - Шунақасан-да! Эшитмайсан-да! Анави чурвақанинг аҳволига энди маймунлар йиглайди. У энди ё ўзини осиши ва ёки сувга ташлаши керак. Шундагина бўйнига илингандардан осонгина қутулади. Лекин, — деб Абрам Арслоннинг яқинига келди ва қўлини унинг елкасига қўйди,

— бунда сенинг хизматинг катта. Сен ҳақиқий устознинг шогирдисан. Қонинг тоза сен боланинг. Баридир, аслингга тортасан.

Арслон унинг «Устозинг зўр», деганига тушунди. Устоз бу Абрамнинг ўзи. Аммо қони масаласи уни ўйлантириб қўйди... «Демак, отам раҳматли ҳам зўр одамларнинг боласи бўлган экан-да», деган хаёлга борди.

— Фирдавснинг қаҳвахонаси ерпарчин бўлди, — деб Абрам Арслоннинг елкасидан қўлини олди-да, бориб оромкурсисига ўтириди ва «Гаванна»ни лаблари орасига қистириб, гугурт чақди. — Эҳ, — деди сўнгра оғзидан пагапага тутун чиқариб, — бирор менга умрбоқийсан, фақат бунинг учун шу чекадиганингдан воз кеч деганида, ҳеч иккиланмасдан шу матоҳни оёқларим остида эзғилаган бўлардим... Энди сенга иккинчи янгиликни айтайми?

* * *

Тош кафтдек эди. Музаффар aka унинг отилганини кеч пайқаб қолди. Шунинг учун ҳам чап беришга бироз кечикди... У зирқираган елкасини ушлаганча бироз энгашди-да, ичкарига югорди. Официант қизлар худди бир тўп жўжадай залнинг бурчагига йигилиб олишган эди. Юзларида қўркув бор эди. Иккитаси аллақачон йиглашни бошлаб юборганди.

— Ташқарига! Ташқарига! Ўзимизнинг йигитларни олиб киринглар! Сизларга бирор тегинмайди! — бақирди Музаффар aka.

Қизларда унинг айтганини бажариш учун юрак борми? Ўзи шундоқ ҳам зўрга туришибди. Мабодо уришаётгандарнинг бирортаси ичкарига кириб қолса борми, аниқ ўзларини ерга ташлаб юборишади. Аммо буни қарангки, қизларнинг орасида ҳам марди, унча-мунча хавф-хатарни писанд қилмайдигани топилар экан. У узун бўйли, бақувват, сочини доим ўриб орқасига ташлаб юрадиган, овози бироз йўғон, ёши ўттиздан ошган, лекин ҳали бирор марта остонасига совчи келмаган Мавлуда эди. Қизларнинг деярли ҳаммаси унинг фийбатини қилишарди. «Кўпол. Бунақалардан аёллар тугул эркаклар ҳам қўрқади», дейишарди.

Мавлуда:

— Ҳозир, — дея енгини шимарди-да, Музаффар ақанинг ёнидан ўтиб ташқарига чиқди ва бор овозда бақирди:

— Ҳамманг ичкарига кир!!!

Уришаётганлар бир зумга жанжалашишдан тўхташди. Барча баробарига Мавлудага қаради. Хизматчи, официант йигитлар бир-бирини туртишди ва секин муштлашашётганлар орасидан сирғалиб чиқа бошлашди.

— Бу эркаксифат ким бўлди?! — дея бўкирди пиёнисталардан биттаси.

— Ҳов, оғилхонада туғилган бола, кимлигимни айтайми?! Иштонингни ҳўллаб қўймайсанми?!

Дарҳақиқат, пиёниста йигит отасининг кимлигини билмасди. Эсини танибдики, онаси билан бирга, отасини ёшлигига юз мартараб сўраган. Ҳамиша битта жавоб эшитган: «Отанг ҳайвон!»

— У-у-у-у-р!!! — дея кимдир чинқирди.

Шу заҳоти яна ур калтак-сур калтак бошланиб кетди. Қаҳвахона хизматчиларидан учтаси ичкарига киришга ултурмади. Талотўпда қолди. Кейин милтиқ отилгани эши-тилди. Бир эмас, тўрт-беш марта. Кимларнингдир жон алфозда бақириши, ортидан «Бизникиларни отишди ҳаромилар!» дея бошқа бирининг бўкиргани милтиқ овозидан-да баланд эшитилди... Ва бунинг ортидан қаҳвахона деразаларининг ойналари бирин-кетин чил-чил сина бошлади. Музаффар aka ходимларининг барини орқа эшикдан қочирди. Аммо ўзи кетмади. Худди яқинда келиб хизматчини кутаётган мижоздай залнинг ўртасидаги стулда ўтириб, ташқарига термилди.

Орадан яна ярим соатча вақт ўтди. Шу вақт оралиғида қанча одам майиб бўлди ва яна қанчаси омонатини топширди. Ана шундан кейин «чур-чур» бошланди. Ҳарбийлар билан лиқ тўла машиналар етиб келди. Тўполончиларни бирма-бир ушлаб, судраганча ойналари темир панжаралар билан ёпилган автобусларга тиқиши...

Музаффар aka эса йигларди. У умри бино бўлиб бунақа жанжални кўрмаганди ва ич-ичидан кимдир айнан мана шу жойда, айнан Фирдавсга зиён етказиш мақсадида ташкил қилганини сезарди. Сезгани учун ҳам йиглаётганди.

Яна иккинчи томондан хурсанд ҳам эди. Чунки жанжалда Фирдавснинг ўзи иштирок этмади. Агар бўлганида қатнашарди. Катта эҳтимол билан зўравонларнинг бир нечтасини уриб, ер тишлатарди. Ва яна битта эҳтимол билан ўзи ҳам жароҳат оларди. Ахир кимларнингдир қурол ишлатганини эшилди-ку!.. Ҳозир у ташқарига чиқиши, ўзиникиларни топиши керак. Аммо оёқлари ишламаяпти. Бутун вужудидан қувват кетган. Ўрнидан туришга мажоли этмайди. Бу ёғи эса кўз ёши тўхтамаяпти...

Юзига ниқоб таққан ҳарбийлар автоматларини олдинга чўзганча кириб келишиди.

— Аввалроқ қаерда эдинглар? — деди Музффар ака кўз ёшини артиб.

— Кимсан?! Ким бор бу ерда?! — дея пўписа аралаш сўрашди ундан.

— Мана шу ошхонанинг бош ошпазиман. Ҳеч ким йўқ. Ҳамма ходимларимни орқа эшиқдан қочириб юбордим.

Фақат учтаси ташқаридаги эди, уларнинг ҳоли нима кечди?

— деб Музффар ака стулга суюнганча амаллаб ўрнидан турди.

Кириб келганларнинг Музффар акага раҳми келди. Ахир улар ҳам хизматдаги оддий ходимлар. Тепадагилар билан ҳеч қанақа алоқаси йўқ. Қийналганларни кўришса, жони ачиди. Ёрдамга ошиқади.

Ҳарбийларнинг биттаси автоматини тушириб югуриб келди-да, Музффар акани сужди. Кейин:

— Яхшимисиз?! Ҳеч қаерингизга ҳеч нима тегмадими?
— дея ҳол сўради.

— Елкам... Елкамга тош тегди. Учта болам билмай ташқарига чиқиб қўйганди, шуларга нима бўлганини билмаяпман-да!

— Ҳозир дўхтир келади. Сиз ўтириб тулинг.

— Ука, яхвиси, ташқарига чиқай, йигитларимни топай!

Ҳарбий унга монелик кўрсатмади. Эшиккача кузатиб чиқди.

Музффар ака иккита официант йигитини инграган ҳолда топди. Бири қорнини чангалиб ётарди. Иккинчисининг бошидан қон оқарди. Учинчиси шогирди эди. Бир ой

бурун шогирдликка олганди. Оёқ-қўли чаққон, синчков, интилувчан, доим қулиб турувчи, яқиндагина техникумни битирган йигит эди. Уни ўлик ҳолда топди. Йигитчанинг кўксини ўқ тешиб ўтгани боис чалқанча ётарди. Музазфар ака бўкириб юборди. Жони борича бақирди.

— Ота-онангга нима деб жавоб берама-а-а-н?! Норм-а-а-т!!! — дея ингради.

Кўзидан тизиллаб ёши оқди. Кейин негадир боши айланниб, ўтириб қолди.

Бир нечта «Тез ёрдам» машинаси ҳам етиб келганди. Шифокорлар аллақачон жароҳатланганларга ёрдам кўрсатишни бошлаб юборган, баъзиларини машиналарга ортишга улгуришганди ҳам. Улардан бири Музазфар аканинг ёнига югуриб келиб:

— Яхшимисиз? Сизга нима бўлди? — деб сўради.

Музазфар ака уни туман ичида кўрди. Аммо овозини эшифтмади.

— Қандай? Қандай жавоб бераман? — деди.

У шунчалик секин гапирган эдики, товушини шифокор эшифтмади. Бироқ Музазфар аканинг юзининг ҳаддан зиёд қизарганидан нима бўлганини тахминан билди. Бунинг устига билак томирини ушлаб кўрди-ю, ўзини ҳам ҳаяжон босди. Чунки томирдаги «товуш» тезлигини санаб улгуриб бўлмасди.

Дарров сумкаласидан юрак дорисини олиб, Музазфар аканинг тилининг тагига ташлади. Ошпазнинг кўзи юмилди ва орадан бир лаҳза ўтиб, қулогидаги шанғиллаш йўқолди. Атрофдаги овозларни бемалол эшитди ҳамда ёнида унинг аҳволини кузатиб турган докторга қаради-да:

— Мен яхшиман, сизга раҳмат, ука. Манави, — деб бир қадам нарида жонсиз ҳолда чўзилиб ётган жасадни кўрсатди, — менинг шогирдим эди. Қаёқдаги итлар... Қаранг ётишини унинг!

— Амаки, ўзингизни босинг. Сиз айбдор эмассиз.

У кетди. Илло, ҳали инграётганлар бор эди. Уларга ёрдам кўрсатиши керак...

* * *

Фирдавс таксидан тушди-ю, ҳайрон бўлди. Чунки қаҳвахонасининг олдидаги йўлда «Тез ёрдам», ҳарбийлар ва

милиционерлар турибди. Яна автобуслар ҳам бор. «Нима бало бўлди? Нега булар бу ерда турибди?» дея кўнглидан ўтказди ва илдам юриб шу томонга кела бошлади. Шунда қандайдир одамларни машинага суяб миндираётганликларини, баъзиларини эса замбилга ортаётганларини кўрди. Юраги гупиллади. Илдам юришга қаноатланмай югурди.

Кўлларида автомат ушлаган иккита ҳарбий Фирдавснинг йўлини тўсди.

— У ёққа мумкин эмас? — деди улардан бири.

— Отишма бўлган, одам ўлган, — деди иккинчиси.

Бу хабарлар Фирдавсни баттар ҳаяжонлантириб юборди.

— Мен қаҳвахонанинг хўжайиниман. Ким ўлибди? Ким отишма қилибди? Нималар бўлди ўзи?! — деди у қизариб.

— Хабаримиз йўқ!

— Илтимос, мени ўтказиб юборинглар!

Ҳарбийларда инсоф бор экан, Фирдавсни қўйиб юборишиди. У Музаффар акани оёқларини узатиб ўтирган ҳолда топди.

— Музаффар ака! Музаффар ака! Нима гап?! Нима бўлди?! — дея бақирди Фирдавс.

Музаффар ака худди отасини кўрган ёш боладай йиглаб юборди ва шу йиглаш асносида ўлган шогирдини, Норматнинг жасадини кўрсатди.

— Ким?! Кимнинг иши?! — қичқирди Фирдавс.

— Билмайман, билмайман, энг яхши шогирдим эди!

Фирдавс бирдан Музаффар акани қўлтиғидан қўтариб ўрнидан турғазди ва суяб қаҳвахона ичкарисига киритди. Стулга ўтқазди. Сув олиб келиб ичказди. Шунинг билан бирга шиша синиқларини кўриб ичи эзилди.

— Гапиринг, Музаффар ака, гапиринг! Бир бошидан гапиринг, нима бўлди? — дея сўради сўнгра мумкин қадар ўзини босиб.

— Бирдан ташқарида қий-чув бошланиб қолди. Ҳайрон бўлиб чиқдик. Бир тўда одам бир-бирини аямасдан ураётган экан. Яна қўлларига илинган нарсани бир-бирига улоқтираётган экан... Менинг елкамга тош тегди. Ичкарига зўрга кирдим-да, қизлардан бирини ташқарига чиқардим. Бешолтита ишчиларни амаллаб ичкарига олиб кирди Мавлуда...

— Нега бир-бирини уришаётганди улар? Нима деб бақыраётганди?! — сүради Фирдавс Музаффар аканинг гапини бўлиб.

— Нима деб?..

Музаффар aka кўзини юмди. Хотирасини титкилади. Эслади.

— Нима деб? — дея такрорлади, сўнг қолган гапларни айтди. — «Мусулмонлар, ёрдам беринглар!» деган овозни эшилдим. Яна шунга ўҳшаш бақир-чақирларни ҳам... Лекин, очиги, жанжал нимадан чиққанини билолмадим. Фақат ичкарига кирганимдан кейин ўқ отди кимдир. Ёки кимлардир...

Ичкарига шапкалилар кириб келишди. Аввалига Фирдавсни сўроқча тутишди. У ҳеч нима билмаслигини айтганидан сўнг Музаффар акани ўртага олишди. Фирдавс ўзининг кабинетига югурди. Ичкарига кириши билан телефон жириングлади. Шоша-пиша гўшакни кўтарганди, кимдир унга бақира кетди:

— Қанақа ҳайвонсизлар?! Кеккайиб, гўдаймасдан сал у ёқ-бу ёқларингга қарасанглар ўласанларми?! «Сквер»да машиналаринг тўнтарилиб ётибди!

— Қанақа машина?!

Жавоб бўлмади. Кўнғироқ қилган одам гўшакни қўйиб қўйди.

Фирдавснинг хаёлига бирдан Соли амаки келди: «Нажотки?! Бўлиши мумкин эмас?! Соли амаким эски ҳайдовчилардан. Ўзидан-ўзи машинани агдаравермайди. Лекин хиёбонда фақат у бор эди... Шошма, Моҳина ҳам шу ёқда эди-ку!»

У хонасидан отилиб чиқди ва Хондамирга урилди. Хондамир бундан уч ой олдин уларнинг сафига қўшилган. Ёш йигит. Шунда ҳам Фирдавсдан икки ёшга катта. Уларнинг иккиси ҳам сал қолса, йиқилаёзди.

— Қаерда юрибсизлар?! — дея унга бақирди Фирдавс.

— Ҳалиги...

— Ҳалиги-палигини йигиштиринг, қани қолганлар?!

— Залда, беш киши бўлиб келдик.

— Ҳаммаёқнинг иссиқ-совугига қаранглар! Муртазо мен билан юрсин! Соли амаким «сквер»да авария қилибди. Авария бекордан-бекорга бўлмаган!

Залда боягиданда одам кўп эди. Шапкалилардан ташқари костюм-шим кийганлар ва шунингдек, шу атрофда яшовчилар ҳам бор эди. Булар томошаталаблар эди. Ҳамма нарсани миридан-сиригача билишни истовчилар эди. Билиб олса-да, ҳов нарироққа бориб, бошқа бирорларга қўшиб-чатиб, бўрттириб гапириб беришади. Гўёки шунинг орқасидан улкан мукофот оладигандай.

Фирдавс тишини тишига босди. Елкаси оша Хондамирга қараб:

— Музаффар акага қаранглар, — деди паст овозда.

Бунгача Хондамир пешвоз чиқаётган Муртазога Фирдавс билан кетажагини имлаб тушунирганди.

Фирдавсни шапкалилардан бири таниб қолди. Фақат унинг кимлигини дарров эслай олмади. Шу боис Фирдавс чиқиб кетганидан сўнг унинг ортидан тикилди. «Бу қандайдир жиноятчи. Қидирудаги одам бўлиши керак? Мен уни қаердадир кўрганман. Кўрганман! Аниқ кўрганман. Ё расмини кўрганман?.. Балки, мана шу тўполоннинг ортида айнан у тургандир?! Кўлга олиш керак... Ҳозир унинг ортидан тушсам, ушласам, қўлига кишан солсам, обрўм ошади. Елкамдаги юлдузлар катталашади. Амалга кўтаришади», дея ўйлади у. Ҳамда касса ёнида кўрганларини ён дафтариға «илдириб» қўяётган полковникнинг ёнига борди-да:

— Ўртоқ бошлиқ, ҳозиргина биттаси чиқиб кетди. Ашаддий ва қўлга тушмаслардан... Ҳозир эсладим уни. Фирдавс деган бола бор эди. Бир нечта жиноятлар қилган бўлса ҳам ҳалигача қўлга тушмаган. Эсингиздами, Чўлоқнинг калласини олган бола. Ҳозиргина...

— Нимага қараб турибсан унда, овсар?! Ортидан югар! — деди полковник унга кўзини олайтириб.

— Лекин бир ўзим...

— Онангни қўшиб бераманми? Кўрмаяпсанми, ҳаммаёқнинг тўполони чиқиб ётганини!

Полковникнинг қаҳри капитаннинг ўпкасини босиб қўйди. Полковник бегона эмасди. У Миразизнинг садоқатли шогирдларидан эди. Фирдавсни яхши биларди. Яхши танирди. Бу ер Фирдавс ва унинг жамоасига тегишлилигидан хабари бор эди. Ҳатто бир марта овқатланиб ҳам

кетган оиласидагилар билан бирга... Фирдавс келиши билан уни қўрди, таниди. Аммо қўрмаганга, танимаганга олди ўзини. «Бу ерда ўралашмасдан, хатга тушмасдан эртароқ кетиши керак!» дея қўнглидан ўтказди ва унинг кетаётганини қўриб хурсанд ҳам бўлди...

Фирдавс машинага ўтириши билан Муртазонинг елкасига туртди-да:

— Бос! Жонни чиқариб ҳайды, «сквер»га! — дея буюрди. Ўзи эса кўзини юмиб, «Эй, Худо, яқинларимни Ўз паноҳингда асрар. Мен уларнинг бирортасига бирор нима бўлса чидай олмайман... Ўзимни босолмайман! Кўп жойга ўт кўйиб юбораман!» дея хаёлидан ўтказди.

Сирғали билан хиёбон оралиги бунчалик узоқ деб сира илгари ўйламаган эди. У ёқдан-бу ёқقا дарров бориб қўйишарди илгари. Энди эса... Яна чорраҳалар ҳам ҳаддан зиёд экан. Бир ишинг орқага кетса кетаверар экан. Ҳамма светофор чироқларининг айнан қизили ёниб турарди.

— Ҳайды! Тўхтама! Газни бос! — деди тобора газаби ошаётган Фирдавс.

* * *

Тўда одамни кўриши билан Фирдавснинг юраги орқага тортиб кетди. Бақириб юбормаслик учун тишини тишига босди. Қўлини шундай мушт қилдики, кафтининг юқорисига гарчи тирноғи йўқ эса-да, бармоги ботганди.

— Хўжайн, — деди тўпланганлардан бирор юз қадамча берига машинани тўхтатган Муртазо, — шу ердан пиёда борганимиз яхшими, дейман.

— Яхши...

Фирдавс шоша-пиша пастга тушди. Кейин югурди.

Машина унга хабар берганларидай ағдарилиб кетмабди. Бориб чинорга урилибди. Танаси қулочга сифмайдиган чинорга. Қандай урилган бўлса, шундайлигича турибди. Ичида ҳеч ким йўқ. Ҳайдовчи томоннинг эшигида қон изи бор. Кейин синган деразада ҳам. Бошқа жойда қон йўқ эди. «Шундан маълумки, фақат Соли амакига нимадир бўлган. Бошқалар... Ахир қон чиқмаслиги ҳам мумкин-ку, ич эзилса, суяқ ёпиқ синса, қон чиқмайди. Бу одам соғ-омон қолди дегани эмас», дея қўнглидан ўтказди Фирдавс. Шунда у одамларнинг ўзаро гапларини эшитиб қолди.

«Бошқа машинадагилар автоматдан отганмиш. Ҳайдовчини ўлдиришибди...»

Унинг эти жимирлади. «Соли амаким. Соли амакимни ўлдиришибдими?»

Фирдавс шундай дея кўнглидан ўтказиб, овоз келган томонга қаради ва ҳеч нима сўрамасидан унинг ўзи гапириб қолди: «Ўқ ҳайдовчининг ёнидаги йигитта ҳам тегибди. Фақат қўлига. Орқа ўриндиқда иккита қиз бор экан, уларга ҳеч нима қилмабди. Лекин бечоралар шунақанти қўрқиб қолишган эканки, рангида ранг қолмабди!»

— Сиз уларни қўрдингизми? — дея сўради Фирдавс гапираётган одамдан.

— Йў-ўқ, кўрганлардан эшитдим. Улар аллақачон кетиб бўлишди. Эҳ-ҳе, бу ерда қанча одам бор эди? Қандай қилиб автоматдан ўқ отганини кўрганлар ҳам бор экан. Шулардан иккитаси чол экан. Уларни мелиса олиб кетди... Лекин, барибир, топишолмайди. Чунки машинанинг рақамини сал нарироқقا бориб алмаштириб олишади ва ёки ўша «Нива»нинг умуман рақами бўлмаган. Лекин уларнинг ҳайдовчида нима қасди бор экан, шуни билолмадик, — деди ёши қирқقا яқинлашиб қолган кал одам.

— Машинадагиларни қаерга олиб кетишибди? — дея сўради яна Фирдавс ўзини гўлликка солиб.

— Билмасам, кимдир биринчи шаҳар касалхонасига дегандай бўлди-ёв! — дея жавоб берди у.

— Ҳмм, — деб бошини қимирлатди Фирдавс. Кейин: — Ҳаммаёқда ошкоралик, демократия бўлаётган бир пайтда бундай ҳодисаларнинг бўлиши ақлга сифадиган иш эмас, — дея қўшимча қилди.

«Яна қаерларга ҳужум қилдинг, ярамас?.. Энди жавобини узоққа чўзмайман, шу бугуннинг ўзидаёқ уйингни кўйдираман... Худо мени кечиради. Мен ўзимни ҳимоя қиляпман. Фақат айнан сен милтиқ кўтариб келганлигингни билишим қолди. Агар... Тўхта, Арслон бирдан шунча жойга бараварига ҳужум қила оладими? Йў-ў-ў-ќ, унинг ақли калталик қиласи. Бунинг орқасида бошқалар турибди. Кўринмас одамлар... Керак бўлса, кўринмасларни микроскопнинг остига оламан. Топаман!» кўнглидан ўтказди Фирдавс.

Машина шаҳар касалхонаси ёнига келиб тўхтади. Фирдавс уловдан тушишдан олдин чукур нафас олди. Бир қур атрофга назар ташлади. Аслида, сакраб тушмоқчи, шифохонанинг ичкарисига югуриб кирмоқчи эди. Бироқ бундай қилиш фикридан дарров қайтди. Чунки ҳамма нарса бўлиши мумкин. Падарингга лаънати Арслон унинг тезда бу ёққа келишини билиб пистирма қўйиши ва у машинадан тушиши билан «қарс-курс», қилиб «ўйинчогидан» отиб қолиши мумкин. Ҳозир ҳамма нарсани кутса бўлади. Ҳозир Арслоннинг йигитларининг айни қутурган пайти. Ҳеч нарсадан қайтишмайди улар.

Ҳеч ким йўқлигига амин бўлган Фирдавс машинадан тушиб, илдам юрганча ичкарига кирди. Биринчи учратган одами Миразиз амакиси бўлди. Шу заҳоти унинг ўпкаси тўлди. Тишини тишига босиб, амаллаб йиглаб юборишдан тийилди. Сўнг жуда маҳзун овозда:

— Ҳаммаси яхшими? — дея сўради.

— Солидан айрилибмиз! Қолғанларнинг ҳаммаси омон. Қизларга ҳеч нима қилмаган, анави Шерзод қўлидан яраланибди. Ўқ «ялаб» ўтибди. Дўхтирлар «Ҳеч нима қилмайди. Яраси оғир эмас», дейишид...

— Амаки, қаҳвахонада ҳам битта йигитимиз ўлдирилган, ҳаммаёқ алғов-далғов. Йигитларни жўнатаман. Сизларни уйингизга обориб қўйишади. Дадамни ҳам шу ёққа чақириб олинг. Мен яна бир жойга боришим керак...

— Шошилма, яхшилаб ўйлаб, режа тузиш керак, бирдан...

— Ҳаммаси ўйланган, Арслон бугуннинг ўзидаёқ жавобини олади.

— Арслонлигини билмаймиз-ку! Кейин жуда ақлли одам аралашган ишга. Арслоннинг аҳмоқ калласига бундай режа келмайди.

— Биламан, амаки, лекин мен ўша ақллини ҳам топаман. Ким бўлишидан қатъи назар Арслоннинг қўли билан қилинган бу ишлар... Энди мен кетдим. Эҳтиёт бўлинглар, — деди Фирдавс ва энди ортига бурилган эди ҳамки:

— Ака! — дея чақириди Моҳина.

У овоз келган томонга қаради. Йўлакнинг нариги бошида Моҳина турарди. Ёнида Мавзуна. Уларнинг бўйи тенг.

Гўзаллиги ҳам. Буни қарангки, изтироби ҳам бир-бирига ўхшайди.

Фирдавс синглиснинг ёнига борди. Моҳина акасининг бўйнига осилди. Йиглади. Фирдавс синглиснинг елкаси оша Шерзодни кўрди. Унинг битта қўли бояланган ва бўйнига осиб қўйилган эди.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Буниси охиргиси, энди ҳеч ким сизларни хафа қилмайди...

Фирдавс шундай деркан, ўпкаси тўлаверди. Йўқ, бўлгуси куёванинг жароҳатлангани учун эмас, у сабаб синглиси, Мавзуна қийналаётган эди. Ҳолбуки, шунга ўшаган гапни Мавзунага айтганди. Мавзуна унинг шу гапини эслади. Бироқ Фирдавсни ваъдабозликда айбламади. Чунки унинг ўрнини меҳр эгаллаб олганди. Айни лаҳзада Мавзуна ўзини Фирдавсга Моҳинаданда яқинроқ ҳис этарди. Моҳина сингил, шунинг учун ҳам акасининг бўйнига осилгани уят саналмайди. Бироқ у...

— Дўхтир сизларни текширдими? — дея сўради Фирдавс Моҳинани қучоғидан бўшатиб.

— Ҳа, психолог кўригидан ўтдик, — жавоб берди Мавзуна Моҳинанинг ўрнига.

— Яхши, энди кетинглар. Амаким билан бирга кетсанглар, мен хотиржам бўламан. Пастда машина кутиб турибди, — деди Фирдавс ва шу заҳоти ортига бурилиб кетди.

У иккинчи қаватдан пастга югуриб тушди. Сўнг ташқаридаги эшик ёнига борди. Ҳовлини бир сидра кўздан кечирди. Ҳавфсиз эканини билгач, чиқди. Аммо шунда ҳам Муртазонинг ёнигача югорди. Муртазо «Энди кетсак кепрак», деган ўйда моторни ўт олдирди. Аммо Фирдавс машинага чиқмади. Унинг ёнидан ўтиб, йўл ёқасига борди.

Чап тарафда ўша машина турарди. Таксисифат «Волга». Унда икки киши ўтирибди. Иккаласи ҳам сариқдан келган. Соқол қўйган. Бирори сақич чайнаяпти. Иккинчиси соқолини силаб майшатни ўйлаяпти. Ҳозир Фирдавсни бир ёқли қилишади. Ана ундан кейин майшат... Булар ҳаммаёққа мос тушишади. Қизғиш соқолини кўриб ҳурматингиз ошади. Ҳойнаҳой, намозхонлардан бўлса керак, деб ўйлайсиз. Яхшилаб суриштирангиз, намознинг яқини-

га ҳам келишмайди. Айшни бўлса, энг юқори нуқтагача чиқазишади... Яна аёл зотини ўлгудай яхши кўришади. Шунингдек, ўта шафқатсиз. Киприк қоққунча бир одамни йўқ қилишлари мумкин ва бунда бир туклари ҳам қилт этмайди... Аммо ўзларидаги хўкизинг кучини жамлаган эсада, ўта гўл одамлар. Абрамга ўхшаганлар буларни эшакдай ишлатишади. Керак бўлса, Абрамларнинг оёқларини икки букилиб ювиб кўйишдан ташқари, жойи келса ўпishади ҳам...

Фирдавс уларни кўриши билан бирдан ортига қайтди. Муртазога «Абдували амаким билан эски шаҳардаги уйга борасизлар», деб тайинлади ва ўзи деворнинг ички томонига юрди. Тез юрди, шошиб юрди ва адоқча ўтди-да, деворнинг устидан ошиб тушди. Деворнинг баландлиги бирор икки метрдан ошикроқ эди. Шу боисдан осонлик билан устига чиқди-да, нариги тарафга сакраб тушди. Сўнг ўзини пойлаб ўтирганларнинг олд томонида пайдо бўлди... Кўйлагини, майкасини ечиб ерга ташлади. Кейин шими ни ҳам ечишга мажбур бўлди. Ахир спортчилар шимда югуришмайди-да...

Пойлоқчилар Фирдавсни кўришди. Бироқ эътибор беришмади. Чунки кутилаётган одам орқадан чиқиши керак. Дарвозадан. Машинада ва ёки пиёда. Ҳар икки ҳолда ҳам улар Фирдавсни жуда яхши таниб олишади. Ва машинадан тушишади-да, худди шеригини отиб ташлагандай отишади. Кейин жўнаб кетишади.

— Давид, — деди сақич чайнаётган соқолтой, — охирги марта қачон югургансан?

— Эсимда йўқ... Йўқ, эсладим, ўтган йили Москвада хитлардан қочгандим. Во-о-о!!! Нақ тўрут километр югурдим. Қочиб кетганман ўшанда, — деди ҳайдовчи деразадан «чирт» этказиб ташқарига тупуриб.

Фирдавс машина ёнига етганда бирдан тўхтаб:

— Сигарета беринглар, — деди.

Сақич чайнаётган соқолтой чайнашдан тўхтаб иржайди:

— Сен спортчи...

У гапини охиригача етказолмади. Фирдавс машинанинг

очиқ ойнасидан унинг жағига чунонам мушт туширдики, соқолтойнинг боши шериги томонга қийшайиб қолди.

Хайдовчи бирдан қотиб қолди. Тўппончани олай, деса улгурмайди. Чунки қурол машинанинг бардачогида, ўтирган жойидан душманига қаршилик қилолмайди.

— Туш! Эркак бўлсанг туш пастга! — деди унга Фирдавс фазаб билан.

Шу маҳал қуролини қучоқлаб боши қийшайганча ўтирган соқолтой кўзини очди. Фирдавс унинг сочидан гижимлади ва пешонасини бардачокнинг тепасига қарсиллатиб урди. Шу билан биринчи душман анча муддатга «уйқу»га кетди. Иккинчиси эса бундан газабланди ва шоша-пиша машинадан тушиб, юргурганча унинг олдидан айланиб ўтди.

Уларни огоҳлантиришганди. «Фирдавс билан муштлашишни хаёлларингга ҳам келтирманглар. Faқат отинглар, яқинига йўламанглар!» дейишганди. Аммо буни соқолли барзангি унутган эди... Аввал томогига, сўнгра қорни ва чотига теккан муштдан нафаси ичига тушиб кетди. Агар Фирдавс орқасига, умуртқа погонасига тирсаги билан урмаганида эди, эҳтимол, бўғилиб ўларди...

Фирдавс уларнинг иккисининг ҳам қўлини орқасига ўзларининг камарлари билан чандиб боғлади. Ҳамда машинанинг орқа ўриндигига остинма-устун ётқизди. Сўнг машина рулига ўтириди-да, бироз наригача ҳайдаб борди. Боягина ечиб ташлаган кийимларини кийди.

Воқеага гувоҳ бўлганлар ўн бешдан ортиқ эди. Худди сехрлангандай муштлашувни томоша қилишди. Бироқ бирор бориб «Ҳой, нима қиляпсизлар? Қўйинглар жанжални!» демади. Умуман шундай дейишга улгуришмади ҳам. Чунки олишув тез тугаб қўйди-да. Фирдавс машинани ҳайдаб кетганидан кейин эса бир-бирига яланғоч йигитни мақтай бошлишди: «Бало экан. Чаққон экан. Ҳўқиздай одамни уч уришда жойига солди». Лекин улар ҳеч қаерга қўнгироқ қилишмади. Ораларида бир-иккитаси милицияга хабар бермоқчи эди. Бироқ машинанинг давлат рақами йўқлини кўришиб, ҳафсалалари пир бўлди.

Фирдавс ўзи асир олганларни эски шаҳардаги эски уйга олиб борди. Абдували йигирма кунча аввал шу уйни кўрсатганди. «Ҳар эҳтимолга қарши сотиб олдим. Бирор кори-

мизга яраб қолар», деган ва калитлардан биттасини берганди.

Хар икки асирни ҳам ертўлага туширди. Сўнг ертўланнинг шифтидаги ёғочга қўлларидан осди ва ҳар бирининг юзига бир челақдан сув сепди. Шундан кейингина улар ўзига келди.

— Менинг исмим Фирдавс. Сенлар ўлдирмоқчи бўлган одамман. Лекин қарангларки, ҳали тирикман. Чунки сенлар оддий ишни ҳам эплолмадинглар. Энди навбат меники. Хоҳласам, икковингни ҳам борса келмасга жўнатаман, хоҳласам, тирик қолдираман!

— Биз қаердамиз? — сўради гафлатда қолган соқолтой ён-атрофига қараб қўйиб.

— Умрларингда келмаган жойдасанлар. Сенлар ўлдирмоқчи бўлган одамнинг уйининг ертўласида, — жавоб берди Фирдавс хотиржамлик билан.

— Сени бу қилимишинг учун нима қилишларини биласанми? — деди Фирдавс билан муштлашмоқчи бўлган барзани.

— Фарқи йўқ. Барибир, сенлар кўрмайсанлар. Чунки у пайтда тупроқнинг остида ётган бўласизлар. Тўгророги, сенларнинг суюкларинг ётади. Гўштларингни эса итларга бераман. Улар маза қилишади.

— Нима истайсан биздан?

— Кимсизлар? Ким жўнатди? Нега Солини ўлдирдинглар? Мана шу уттагина саволга жавоб берсанглар, яшайсанлар. Кўриниб турибди четдан келгансанлар. Менимча, Кавказдан бўлса керак?! Яна рус тилида гаплашашсанлар. Унда ими-жимида машинада юртларингга жўнатаб юбораман. Сабаби, самолётда ҳам, поездда ҳам кетолмайсанлар. Чунки вазифани бажармаганликларинг учун ўлдириб юборишади.

— Биз сенинг кўзингга эчкига ўхшаб кўринаётган бўлсак, кўзингни яхшилаб даволатиб ол!

— Эчки дедингми? Керак бўлса, эчки бўласан, керак бўлса, эшак бўласан. Ана итлик қилиб юрибсанлар-ку! Бироннинг юртига келиб одамларни ўлдиришларингга бало борми?.. Ўз ихтиёrim билан қилдим, сени олдиндан танирдим. Сен мендан қарздор эдинг, шу қарзимни ундири-

гани келдим, дегин-чи! Деёлмайсан. Сабаби, мени тушингда ҳам кўрмагансан! Сен Арслон маразнинг ялогини ялагани келган итсан!

— Биз ҳеч қанақа Арслонни танимаймиз, — деди ҳайрон бўлган соқолтой.

Айнан у биринчи бўлиб Фирдавснинг мушти «таъми»-ни тотган эди.

— Испинг нима? — деди Фирдавс унга яқинлашиб.

— Коба.

— Сеники-чи? — сўради Фирдавс унинг шеригидан.

— Давид.

— Мана, танишиб ҳам олдик. Хўш, энди менинг саволларимга жавоб беринглар-чи...

— Ундан кўра икковимизнинг ҳам пешонамидан отиб ташла, — деди Коба башарасини бужмайтириб.

— Отиб ташлашдан осони йўқ. Майли, бироз осилиб туринглар-чи, кейин гаплашамиз. Очигини айтсам, мен ҳеч нарсага шошилмаяпман. Боя шошаётгандим, энди шошмаяпман. Чунки қоронги тушгунича анча вақтим бор. Ҳали одамларимга кўчада юрадиган оч итлардан бирор бештасини тутиб келишини буюришим керак. Улар тутиб келгунигача, эҳ-ҳе, қанча вақт кетади. Айтиб қўяй, мен сенларни уриб қийнамайман. Шунчаки итларнинг олдига ташлайман. Ундан у ёғи уларнинг ихтиёри. Хоҳлашса, бирдан бўғиб ўлдиришсин, хоҳлашса, аввал у ёқ-бу ёқларингдан тишлаб, азоб беришсин... Бундай олиб қараганда, итдан фарқларинг йўқ. Бирсанлар. Улар ҳам олди-орқасига қарамай, суриштирмай-нетмай ўлжасига ташланади, сенлар ҳам.

Фирдавс ҳовлига чиқиб жўмракни очди-да, муздай сувда юзини ювди ва устунга суянганча энди ўтирган эди ҳамки, ташқарида машина тўхтагани эшитилди. Орадан ҳеч қанча ўтмай дарвозанинг кичик табақаси очилиб, аввал Абдували ҳовлиқканча кириб келди. Унинг ортида эса яна тўртта йигит бор эди. Улардан бири Муртазо.

— Нега бу ердасан? Қани улар?! — сўради Абдували Фирдавснинг ёнига келиши билан.

— Ертўлада.

— Сайрашдими?

— Йўқ, имкон бердим. Бироз ўйлашсин, — деб Фирдавс Муртазога қаради.

— Хўжайн, ҳаммаси жойида. Мен уларни олиб бориб қўйдим. Йигитлардан кўриқчилликка чақирдик, — дея шу заҳоти жавоб берди Муртазо.

— Яхши. Энди Абдували амаки, ўзингиз сўроқ қила-сизми ё менга қўйиб берасизми? Менинг кўнглим юмшоқ. Аммо Соли амаким кўзимнинг олдида турибди. Унинг ўчини олишим керак!

— Аввал ўзинг бир синаб кўр, яхши гапга тушунишса, хўп-хўп, йўқса мен қандай қилишни жуда яхши биламан.

Улар биргалашиб ертўлага тушишди. Шифтга осилганлар Фирдавснинг бунча кўп одам билан қайтишини кутишмаганди. Шунинг учун довдирашди ва бир-бирига қараб олишди.

— Шошма, — деди Абдували бирдан Фирдавсга, — ўзим омбур ёрдамида булбулигё қиласман буларни.

У ўзини тутиб туролмади. Кобанинг қорнига бор кучи билан мушт туширди. Коба инграб юборди.

— Сени ким ёллади, итнинг боласи?! — деди Абдували газабдан титраб.

Барзангилар илгари бунақангি пўписалардан кўпини эштишган. Битта муштнинг, дағдаганинг кучи бир тукларини ҳам қимирлата олмайди.

Фирдавс Абдувалининг елкасига қўлини қўйди.

— Амаки, мен ташқарида бўламан. Гапиртиришни сизга қолдирдим.

Орадан нақ ярим соат ўтди. Ертўладан Муртазо чиқиб келди.

— Биттаси кетди. Иккинчисига жон ширин экан. Сотди, — деди муштидаги қип-қизил юқини артиб.

— Ким экан? — дея сўради бирдан Фирдавс.

— Абрам деган яхудий. Ҳозир Арслон ҳам унинг қўлида экан. Унга хизмат қилаётганмиш.

— Абрам?! Ўша одам мени роса авраганди. Эпломагандан кейин... Демак, Арслоннинг синглимга хуфёна уйла-ниши, қаҳвахона ёнидаги тўполон, Соли амакимни ўлдириш, Шерзоднинг отасига дўқ-пўписа — ҳамма-ҳамма-сининг ортида Абрам турган экан-да... Қайси бири айтди?

— Коба дегани. У Давиднинг ўлганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг гуллай бошлади. Абрамнинг ҳозир қаерда яшаётгани, уни кимлар қўриқлаётгани ҳақида ҳам айтди.

— Сотқин, барибир, сотқин. У ҳам ўлиши керак. Лекин мен унга ваъда берганман. Гарчи, Соли амакимнинг қотилларидан биттаси бўлса ҳам. Уни аниқ бошқа жойда ўлим кутиб турибди. Бўлди, унга тегишмасин, — деди Фирдавс.

Муртазо югуриб ертўлага тушди. Бироздан кейин у Абдували билан бирга қайтиб келди. Абдували тинимсиз турун ютарди. Уни кўриб Фирдавс ҳам «Зора асабларим бироз тинчланса», деган ўйда ундан олиб ютиб кўрди. Аммо шу заҳоти йўталиб, икки букчайиб қолди. Кўзидан ёш чиқди.

— Амаки, қанақа қилиб шу расво нарсани чекасизлар?
— дея Фирдавс кўз ёшини артди.

— Эй-й, бир пайтлар ўргангандан-да! Энди ташломай қийналиб юрибман.

— Нима қиласиз?

— Бунисини ҳам тинчтиб, зовурга ташлаб юбориш керак. Оёқларига яхшилаб оғир темирлардан боғласак, сувнинг юзасига чиқмайди. Балиқларга ем бўлади, — деб жавоб берди Абдували пинагини ҳам бузмасдан.

— Йўқ. Ваъда берганман! Қўйиб юборамиз иккинчисини. Наригисини қандай йўқотиш ўзингизга ҳавола. Мен шу ерда бўламан, ҳозирча Абдулатиф амаким, Ёдгор амакимни олиб келинг. Жавобни бугундан кечга қолдирадиган бўлсак, кейин кучимиз етмай қолади. Абрам баттар қутуриб кетади!

— Ҳозироқ киришамиз. Манавиларни? ..

— Тириги қолсин. Муртазо иккимиз ювинтирамиз. Едириб-ичирамиз. Кейин балки, ўзим қўйиб юборарман, — деб Фирдавс қўлларини орқага қилганча бошини эгиб ҳовлининг адогига кетди.

У ерда яна иккита томча бор. Биринчисида пишир-куйдир қилинади, иккинчиси емакхона...

Машина ичкарига кирди. Давид юхонага ортилди... Ҳовлида Фирдавс Муртазо билан қолди.

— Хўжайин, — деди Муртазо, — бирор нима пиширайми?

— Йўқ. Томоқдан ҳозир ҳеч нима ўтмайди. Лекин чой ичсак бўлади. Мен ўзим дамлайвераман. Сен анавининг кўлларини ечиб бу ёқقا олиб чиқ, — дея Фирдавс қўлини пешонасига тиради.

У чигалликлар исканжасида эди. Муаммоларнинг на боши ва на охири кўринарди. Ҳаммаёқ шунчалик аралаш-қуралаш бўлиб кетганки, ишни нимадан бошлишни билмайсан. Фирдавс кўрпачага ёнбошлади ва кўзини энди юмган эди ҳамки, ташқарида товуш эшитилди. Бошини хиёл кўтариб деразадан қаради. Муртазо Кобани ертўла-дан олиб чиқибди. Бечора жангари икки букилиб қолган, зўрга қадам ташларди. Ҳали ҳам бир томонидан Муртазо сувяг олганди. Йўқса, йиқилиши аниқ...

Фирдавс қуш уйқусини ухлади. Агар Муртазо киришга рухсат сўрамаганида, одам уйқусига ўтиб кетарди.

— Кирсинми, гаплашасизми? — деди Муртазо.

— Ҳа, икки оғиз гапини олайлик-чи, — деб Фирдавс қаддини ростлаб ўтирди.

Кобанинг башарасига қараб бўлмасди. Шунчалик шиш-гандики, ҳатто кўзи кўринмайди.

— Ўтир, шоввоз, — деди унга Фирдавс.

Коба бошини кўтариб унга бир қараб қўйди-да, кўрпа-чанинг бир четига амаллаб ўтирди.

— Нима истайсан? — сўради ундан Фирдавс.

— Чекиши...

— Ундан кейин-чи?

— Ичадиган...

Фирдавс Муртазога нигоҳи билан Коба сўраган нарса-ларни келтиришни буюрди.

Муртазо қўлини кўксига қўйди-да, «хўп», дея тезда ташқарига чиқиб кетди.

— Ҳозир, — деди Фирдавс Кобага тикилиб, — сени кўрган маймунлар ҳам йиглаб юборишади. Шу нарсалар сенга керакмиди?

— Ҳе, — деди Коба ва шу заҳоти инграб юборди-да, қўлини белига қўйиб, — ҳеч нима ўзидан-ўзи бўлмайди, — дея афтини бужмайтирганча гапини тугатди.

— Илгари қамалғанмисан?
Коба гапиришга мажоли йўқлигидан бошини қимирлатди.

— Нечар марта?

У учта бармогини кўрсатди.

— Тушунарли. Абрам билан қачон танишдинг?

— Имм, — деб Коба бошини ушлади.

Фирдавс эса деразадан ташқарига қаради. Муртазо қўлида Коба сўраган нарсалар билан тез-тез юриб келарди. Шу боис Фирдавс Кобани бошқа сўроққа тутмай, кутиб турди.

Муртазо келди. Шишани очиб, Кобага бир пиёлани тўлдириб узатди. Коба гўё чўлда қолиб кетгандай шоша-пиша охиригача сипқорди. Бир томчи ҳам қолдирмади. Сўнг «Яна бир пиёла бер», деб тутатки томон қўлини узатди.

Икки пиёладан кейин Кобанинг бош оғриғи кетди. У қаддини бироз ростлади.

— Сен менинг саволимга жавоб бермадинг, — деди Фирдавс энди унга нафрат билан тикиларкан.

— Мен уни илгари умуман танимасдим. Бу ёқларга бир ҳафта олдин келдим. Шу пайтгача Москвада тинчгина ишлаб юрардим. Топишим ҳам ёмон эмасди. Қозон вокзалининг атрофи менга тегишли. Сен бориб, бирор жойга гугурт ташлаб кет. Мен уни топаман. Ҳатто қандай қилиб гугуртни ташлаганингни ҳам айтиб бераман. Абрамнинг Сергей деган ўртоги бор. У ўрис эмас, яхудий. Банк бошқарувчиси. Ўша мени бу ёққа жўнатди. «Зўр пул ишлаб келласан», деди... Сенинг бошинг учун Абрам нақ эллик минг ваъда қилди. Ўзинг биласан, эллик минг кўчада ётмайди...

Фирдавснинг қулгиси қистади. У беихтиёр бошини қашлади ҳамда Муртазога қараб қўйди-да:

— Бунча арzon? Мен ўзимни камида бирор уч юз ё тўрт юз мингта кетсам керак, деб ўйлаб юрардим, — деди.

— Тўғри, — дея Фирдавснинг гапини тасдиқлади Коба тутунни чуқур-чуқур ичига тортаркан, — сенинг қилган ишларингни кўриб, мен ҳам жуда арzonга келибмиз, дедим.

— Энди ўз нархингни ҳам биларсан, — дея мийигида қулди Фирдавс.

— Биламан! Мутлақо текин. Менинг ўлимим ўзимдан бошқа итга ҳам керак эмас.

— Нима, ўзингни-ўзинг сотиб ололмайсанми?

— Бемалол...

Коба яйради. Ахир у Фирдавсдан бунақанги гапни умуман күтмаганди. Агар ўртада савдо бўлса, ундан кейин йўқотилган пулни топиш осон. Фақатгина Абрамнинг қўлига тушмаса бўлгани. У ёғини амаллайди. Ёки тугилган жойи — Батумига кетади. Шу ёқда ҳам иш қиласа бўлади. У ёқнинг ўғрибошилари аллақачон йўқолган. Фақат майдачудалар қолган. Майдаларнинг бошини бириктириш осон.

— Қанча сўрайсан? — деди Коба бир муддат тўхтаб олганидан сўнг.

— Кўп. Айтайлик, юз минг. Шунча пулни бера оласанми?

— Таниш-билишлар йигишади. Хотинимга айтаман, уйимдаги бор пулларни жўнатади. Яна битта квартирам бор, уни сотаман. Топаман. Аммо битта шартим бор...

— Гапир?!

— Менинг тириклигимни Абрам умуман билмаслиги керак. Ҳатто қамаб қўйсанг, яхшироқ. Хотиржам бўламан. Чунки у сенинг томорқангта оралашга қўрқади.

— Оралабди-ку. Иккита одамидан айрилдим.

— Энди қўрқади. Худди Гитлердай бир гап. Битта ҳамлада ниятига етишишни хоҳлайди. Ана шу ҳамласи ўҳшамадими, дарров ортга чекинади. Шундай қиласиди, умуман кўринмай қолади. Тополмайсан. Лекин у яшашда давом этади.

— Кўрамиз...

Коба шоша-пиша пиёлани тўлдириб, биттада ютиб юборди-да, бармоқлари орасидагини кулдонга эзди. Унинг ўрнига бошқасини тутатди. Тез-тез тутунни ичига ютиб:

— Менга ҳатто қўриқчи қўймасанг ҳам бўлади. Чунки мен, биринчидан, бу ерларни яхши билмайман. Иккичидан, башарамни кўрган одамнинг кўнгли бузилади. Кейин Абрам ва ёки Арслоннинг одамлари кўзига тушиб қолишим мумкин. Шундай экан, қочиб кетиш хаёлимнинг бир чеккасига ҳам келмайди, — деди.

— Битта тутуруқсиз, ўгри, тайинсиз каззобни қўриқ-

лаб ўтирадиган одамим йўқ менинг. Сенга телефон олиб келишади, қўнгироқ қиласан. Хотининг билан гаплашсан. У пулни жўнатади. Биз пулни оламиз, ана ундан кейин орқангта яхшилаб битта тепаман, шу билан орамиз очиқ, келишдикми? Ҳа, айтганча, унақа катта пулни почта орқали юбориб бўлмаслигини ўзинг ҳам яхши биласан. Сенга эртага тонгача муҳлат, — деди Фирдавс ва дे-раза томонга ўтирилди-да, кичкина табақачасини очиб, ҳовлида юрган Муртазони чақирди. Унга Кобани ертўлага қамаб қўйишни буюрди. Шунингдек, ичимлик ҳам беринини айтди. «Шу билан андармон бўлиб турсин. Кейин йигитлар келишганида бирор жойга олиб бориб Москва-га қўнгироқ қилдириб келасизлар», деди.

Муртазо Кобани олиб кетганидан сўнг Фирдавс бир сапчиб тушди. «Аҳмоқ, нима қиляпсан?! Нималар дединг?! Сен ўгри, муттаҳамдан пул ундиromoқчимисан?! Анави кўчанинг безориларидан нима фарқинг қолди?! Айт! Нима фарқинг қолди?! Зўравонлик билан ҳаром пулларни ўзлаштириб олмоқчи бўляпсанми?! Сен ҳам шу ишлардан кейин одаммисан?! Ўзингча адолат ўрнатмоқчи эдинг! Кўчанинг адолатини! Биров-бировнинг бекордан-бекорга бурнини қонатмайди. Биров-бировга зугум ўтказмайди. Биров-бировнинг чўнтағига тушмайди, деганмидинг?! Энди-чи, ўзинг нима қиляпсан?!» дея хаёлидан ўтказди ҳамда соchlарини гижимлади. «Оҳ» тортиб, кўрпачага ётиб олдида, юзини ёстиққа босди. Кейин: «Эй, Худо, нима қилай? Нима қилсам, адашмайман? Боши берк кўчага кириб қолдим... Ҳаром пуллар! Ҳаром пуллар! Йўқ, Кобани қўйиб юбораман. Тўрт томони қибла. Хоҳлаган жойига кетаверсин. Унинг менга пули ҳам, ўзи ҳам керак эмас», дея якуний қарорга келди...

Аммо Абдували келганидан кейин бу қароридан қайтишга мажбур бўлди.

— Ўша сен айтаётган ҳаром пуллар бир пайтлар кимларнинг чўнтакларида бўлган? Оддий одамлар. Оддий одамлар уларни маош қилиб олишган. Ҳалол, пешона териси эвазига ишлаб топишган. Кейин Коба улардан ўша ҳалол ишлаб топган пулларини тортиб олган. Энди тақдирни

қараки, Кобадан яна ҳалол одам тортиб оляпти. Бунинг ҳечам ёмон жойи йўқ, — деди Абдували.

— Унда бир тийинини ҳам ўзимизга ишлатмаймиз. Болалар уйига...

— Тўгри ўйлабсан, лекин ўша болалар уйи директорларининг нафси аждаҳоникидан ҳам каттариб кетганини ҳисобга ол.

— Унда нима қил дейсиз?

— Кийим-бош тикирамиз. Бориб ўша етимхонадаги-ларнинг ўлчамларини олиб келамиз. Кейин «Малика»га буюртма берамиз. Улар тикиб беришади. Ўзимиз бориб етимларга кийдирамиз. Шунда қорнини қаппайтирадиган директорлар бармоқларини тишлаб қолади. Пул жудаям кўп. Битта-иккита етимхонадан ортади.

— Қариялар уйи бор, масжидлар бор... У ёгини ўзингиз тўғирлайверасиз. Энди бугуннинг иш...

— Абрамнинг уйини кўриб келдим. Ҳақиқатан ҳам, одамлари кўп экан. Суриштирдим. Одамларининг ҳаммаси тиш-тироғигача қуролланган. Териб ташлашади. Шунинг учун қандайдир бошқа бир йўл билан бориш керак, — деди Абдували.

— Ҳеч ким бормайди. Мен яна ўзимизнилардан кимнингдир азобланишини ёки кимнингдир таъзиясида қатнашишни истамайман, — деб йигилганларга бирма-бир қараб чиқди Фирдавс.

— Бир ўзинг бормоқчимисан? — деди Ёдгор.

— Ҳа!

— Бекор айтибсан! Битта билак билан ҳамма нарсага эришомайсан! Каллани ишлатишимиш керак!

— Нима таклиф берасиз? — дея сўради Фирдавс Ёдгордан.

— Билмадим. Ҳозирча калламга ҳеч нима келмаяпти.

— Каллани ишлатиш керак бўлса, ўзим ишлатаман, билакни ишлатиш керак бўлса, унда ҳам мен ишлатаман. Ҳаммангиз тўгри тушунинг, мен Соли амакимнинг ўлимида ўзимни айблаяпман...

— Тўхта!.. Сенга индамасак, ҳар балони гапирияпсан. Биринчиidan, бу тақдири азал. Солига ким мана шунаقا йўлга кирсин, деди. Ҳеч ким! Ўзи танлади. Мен ҳам шунча жой-

ларда ишлаган бўлсам ҳам охир-оқибат ёнларингга келдим. Бирор орқамдан итариб, мажбурлаб олиб келгани йўқ. Худди шундай бу ерда ўтирганларнинг бари ўз ихтиёри билан атрофингга тўпланди. Энди ким ўлади, ким қолади, Худо билади. Шундай экан, ҳамма нарсада ўзингни айблаб, асабингни бузаверма! — деди Миразиз Фирдавсга кескин.

— Лекин...

— Менда битта режа бор, — деди бирдан Абдували.

Ҳамма бараварига унга қаради.

— Абрамнинг ишини худди шундай қилиб унинг ўзига қайтарамиз. Қаерларда нималари борлигини яхши билализ, ўша жойларнинг кулини кўкка совурамиз. Бу пайтда Фирдавс унинг ўзини бир ёқли қилади. Ундан у ёғига Худо подшо! — деди Фирдавсга тикилди Абдували.

— Мен кўшиламан, — деб шу заҳоти унинг гапини маъқуллади Ёдгор.

— Тўгри, одамларимиз етарли. У бизни қандай саросимага соглан бўлса, унинг ўзини ҳам шу аҳволда бир кўрайлик, — деди Абдулатиф.

— Агар ҳамма шундай фикрда бўлса, бугундан қолдирмайлик ишни. Кечаси — соат икки билан уч оралиги айни пайт. Ҳаммаси думалаб ухлаётган бўлади.Faflatда қолишади.

— Маъқул, — деди бирдан Миразиз.

— Маъқулликка маъқул, лекин сиз бунда қатнашмайсиз, — деда унга юзланди Фирдавс.

— Нега? Менинг айбим борми? Оёғим чўлоқ, қўлим ўйқми? Бораман...

— Сиз бизнинг энг асосий ҳимоячимизиз. Тўғри тушунинг. Бу ердагиларнинг бирортаси сизчалик қонунни билмайди.

— Оғайни, — деб Ёдгор Миразизнинг елкасига кўлини қўйди, — тўғри айтяпти Фирдавс. Сен шу ерда қоласан. Қоғоз-қаламинг билан ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини ол. Биз Худо хоҳласа, ишни дўндириб, ёнингга келамиз. Бўлган воқеаларнинг барини бирма-бир айтамиз. Ҳисоб-китобини ўзинг қилиб оласан. Биз калла ишлатмаймиз, сен ишлатишга мажбурсан.

* * *

Арслон қаршисида улкан сиймо ўтиргандай, күзлари чақнаб, юзида табассум билан унга тикилиб туради. Айни чогда ич-ичидан хурсанд эди. Чунки унга тақдир мана шундай неъматни ато қилиб турибди. Абрам — Арслон учун неъмат. Агар Абрамнинг саъй-ҳаракатлари бўлмаганида эди, Арслон аллақачон тупроқнинг остида ётган бўларди. Ҳар қалай, у шундай деб ўйларди-да.

— Айтинг, устоз, юрагим ҳаприқиб кетяпти, — деди Арслон.

— Фирдавснинг машинасини тўнтараби ташладик. Минг афсуски, ичиди ўзи йўқ экан. Лекин битта яқин ёрдамчи-си асфаласофилингта қанот қоқди. Бу сенинг «ўртогинг» учун чиройли, бақувват битта зарба. Кейин мен унинг ўзини ҳам ўлдиришга буюрдим.

— Йўғ-э!!!

— Аммо ўзим ўйланиб қолдим. Рақибсиз қолсанг, зе-рикмасмикинсан?!

— Эй-й-й, зерикишга вақт қаерда? Ҳали шаҳарни қўлга олганим йўқ. Тирранчалар ҳали у ёқда-ҳали бу ёқда пайдо бўлишяпти. Ҳаммасини эзиб, мажақлаб ташлардим-у, лекин сира вақтим бўлмаяпти.

— Тушунаман. Ўзимнинг ҳам бу ерларда сарсон-саргар-дон юришга сира хоҳишим йўқ. Чарчадим. Бирорта тро-пик мамлакатга бориб, денгизда чўмилишни истайман. Ўйлаб қарасам, умуман ўзимга эътибор бермас эканман.

— Сизга ярашади. Айтганча, Шерзодникилар нима бўлди?

— Ана шунисига улгурмадик. Фирдавс бирдан қўриқчи-ларни қўйиб ташлабди. Улар итнинг уруғидан ҳам кўп. Аммо ҳечқиси йўқ, — деб кулди Абрам ва қадаҳга қўл узатар-кан, — нега айтганимни қилмаяпсан? — дея сўради.

— Мен учун ҳар битта сўзингиз қонун, устоз!

— Икки марта айтдинг, — дея бармоқларини кўрсатди Абрам, — бироқ сен менга шогирдликка ярайсанми? Ўзинг шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдингми?

— Билмадим?!

— Кел, яххиси, мен сени ўғлим, дейман. Шошилма...

Арслон қизариб, сўзлаш учун оғиз жуфтлаганида Абрам шундай деди:

— Шошилма. Бунга иккита омил бор. Биринчиси, ҳар қандай шогирд ўғил қатори бўлади. Иккинчиси, биласан, менинг фарзандим йўқ. Бу камина пуштсиз дегани эмас, исталган аёлдан фарзанд кўришим мумкин. Аммо мен уйланмадим. Сабаби, оддий — вақтим йўқ. Тўғрироғи, олтинга тенг сонияларимнинг қадрига етадигани ҳаётимда учрамаган. Сен билан эса салом-алигимиз ҳавас қиладиган баландликка чиқди. Бемалол сени тутинган ўғлим десам, бундан фақат сен фойда кўрасан. Эшиштанлар нима дейишади? Тутинган ўғли, бундан чиқди, тегиниб бўлмайди.

— Мен бу ёгини ўйламаган эканман...

— Ана шунаقا-да! Энди тур, ўғлим, сени бир бағримга босай.

Абрам шундай қилиб ўзининг ўғлини тутинган ўғил қилиб олди ва ичида, «Бундан бу ёғига ҳеч қачон «тутинган» сўзини тилимга олмайман», дея онт ичди.

— Ана энди, ўғлим, — деди Абрам Арслонни бағрига босиб бўлганидан сўнг жойига ўтқазар экан, — сен ёнимдан кеттанингдан сўнг тўғри бориб, Ўлмасни жаллодга топширасан. Кўриб турибман, қўлинг билан ўлдиришга юрагинг дов бермайди. Ахир озми-кўпми, қийинчиликларни бирга тортгансан. Осон эмас. Лекин бу ёқда отангнинг амри турибди. Хўш, айт-чи, сенга ота афзалми ёки «қовунчи» дўст.

— Албатта, — деди Арслон, — сиз ҳар нимадан устунсиз. Мен боя сизни кўрганимдаёқ афсуслангандим. Ҳозирнинг ўзида бу масалани ҳал қиласман.

Шу сўзларни айтган йигит ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва тутатди. Унинг боши хам эди. Ахир Ўлмасга вавъда берганди... Йўқ, ваъда эмас, кейин ўзининг жони тўғрисида қайғурди. «Қалтис ишга қўл уриб, ўзимни-ўзим азобга қўймайман», деди... Лекин, барибир, оғир бўларкан. Яна Ўлмасга ўхшаган садоқатли дўст топиладими-йўқми, Худо билади. «Эсиз, тилининг орқасидан кетиб турибди-я», дея кўнглидан ўтказди Арслон ва секин бошини кўтариб, дарвозахонада гаплашиб турган бақувват йигитлардан биттасини чакирди:

— Саша, бу ёққа кел!

Саша ҳамсуҳбатига кўрсаткич бармогини кўрсатиб қўйди-да, югуриб келди.

— Фармонни эшит, — деди Арслон алланечук ҳоргин товушда...

Худди шу пайт ичкарига Владик ҳовлиқиб кирди. Ортидан дарвозанинг кичик табақасини қаттиқ итариб юборганди, темир темирга урилиб қарсиллаб кетди. Арслон билан Саша бирдан шу томонга қаради. Владик дарвозахонада тўхтамади. Югуришда давом этди. Ҳаттоқи шу югуришда сал бўлмаса Арслонни туртиб, ағдариб юбораёзди.

— Падарингга лаънати, сўқирмисан, мараз?! — дея сўқинди Арслон.

Бироқ Владик унинг гапларига парво ҳам қилмай, уйга кириб кетди.

— Фарқи яхудийлигига. Унга ҳамма нарса мумкин. Қара, Арслон сен хўжайинга қанчалик яқин бўлма, менсимасдан ўтиб кетди, — деди Саша.

— Калласини оламан!

Саша Арслоннинг гапига шунчаки қулиб қўя қолди. Арслон яна бир марта тутунни ичига чуқур тортди ва суҳбатдошининг елкасига қоқди:

— Бурнингга нима қилган?

— Ҳеч нима.

— Унда нега ғалати?

Саша бурнини ушлади ва сиқиб қўйди.

— Ана кўрдингми, мениям кулгим қистади. Энди икки қулогинг билан яхшилаб эшитиб ол. Ҳозир борасан-да, Ўлмасни...

Арслон яна гапини охирига етказолмади. Владик қандай тезликдан уйга кириб кетган бўлса, худди шундай тезликда яна қайтиб чиқиб:

— Арслон, тез ичкарига кир, хўжайн сўраяпти! — дея яна изига қайтди.

Арслон Абрамнинг ёнига боришдан олдин бошини қашлаб олди. Тутатқини қаттиқроқ тортиб, ерга ташлади. Товони билан эзди, сўнг Владикнинг ортидан эргашди.

Абрам асабий эди. Тинимсиз уйнинг нариги боши билан бу бошига бориб келарди.

— Лаббай, — деди Арслон унга тикилиб.

Абрамнинг афт-ангори бирдан бир юз саксон градусга ўзгарди. Ҳалигина бужмайган, қор ёғиш эҳтимоли кутилаётган башарасида кулги пайдо бўлди.

— Буни қараки, сенга бояги хушхабарлардан бирини бекор айтган эканман. Дарров кўз тегиб қолди. Давид билан Коба қўлга тушибди. Итлар! Яна профлармиш. Тупурдим унақа профларга. Ишонасанми, иккисини ҳам Фирдавс осонгина қўлга туширибди. Қўлларида қуроллари бор эди. Фирдавс бўлса, ялангоч экан. Тушуняпсанми, ялангоч. Шу ҳолида иккисининг ҳам пачагини чиқарибди. Бунинг учун у, албатта, мақтовга лойик! — дея ҳайқирди Абрам.

— Ўх, ярамас! — деди Арслон.

— Мана шунинг учун ҳам унинг нархи баланд. Эсиз, шундай йигит қўлимда бўлганида борми, бутун шаҳар у ёқда турсин давлатни олардим. Лекин начора... Ё осмондан тушади ва ёки ернинг остидан юмронқозиқقا ўхшаб тешиб чиқиб келади. Худди балиқдай қармоққа илинамиз. Бу ерда иккита йигит қолади. Қолганлар «Рабочий городок»даги уйга кўчамиз. Ҳеч нарса олиб кетмаймиз. Шунчаки... Айтганча, ҳамма нарса бор-ку, тўғрими, Владик? — деб серрайиб турган йигитга қаради Абрам.

— Нима, биз кўрқамизми?! — деди Арслон хафа бўлиб.

— Нега энди? Эҳтиёткорлик қўрқоқлик эмас. Минг гўдайганинг билан тогни қўлингда кўтаролмайсан. Биз ҳарбий позициямизни ўзgartирамиз. Уруш фитнасиз бўлмайди. Буни қараки, қайси китобни варақлама, урушда ҳийла-найранг ишлатган одам гуноҳга ботмайди... Битта нарсани олинглар. Менинг севимли ичимлигим бу ерда қолиб кетмасин. Санаб қўйибман, агар бир донаси камайса, нақ териларингни шилиб оламан. Энди бор иккалнг ҳам... Мен бир муддат холи қолишни истайман.

Ҳамма чиқиб кетганидан сўнг Абрам бошини чангальлади. «Наҳотки муштдай бола мендан ақули бўлса. Кимсан Абрамдан?! Йўқ, айб ўзимда. Кўзга кўриниб кўйдим. Хуфёна ишлашим даркор эди. Энди хориждагилар мендан хафа бўлишади. Ҳа, улар мени кечиришмайди. Майдалашиб кетдим. Оҳ, бу ёғи чарчадим ҳам. Хў-ў-ш, шошма, тақсир масаласи ҳали ҳамон ҳал бўлмади. Демак, биринчи

зарбани мен бераман», дея хаёлидан ўтказган Абрамнинг юзи ёришди. У шоша-пиша телефоннинг ёнига бораётган маҳали қўнғироқ жиринглаб қолди. Гўшакни кўтариб қулоғига тутди-да:

— Алло, — деди.

— Салом. Буни қара, қанчалик яширинма сени, барibir, топиб оламан.

Таниш овозни эшитиши билан Абрам яйраб:

— Барак! Сени эсладим десам, барibir, ишонмайсан! — дея ҳайқирди.

— Албатта. Мен умуман ҳеч нимага ишонмайман. Айниқса, сенга. Лекин ишонсанг, қулогимда умуман кир йўқ. Куни кеча тозалатиб келдим... Ишонасанми, нақд уч сўм тўладим. Ҳалигача ўзимга келолмаяпман. Ўзи, аслида, тушлик вақтидан бери кайфиятим яхши эмас.

— Нега, менинг қадрдоним?! — деди Абрам ўзгача меҳрибонлик билан.

— Тушлик маҳали ёнимиздаги ошхонага овқатланиш учун кирдим. Қарасам, бўш чойнак турган экан. Ичини текширидим. Албатта, ўйлаганимдай шамаси бор экан. Ичимда хурсанд бўлиб чойхоначининг ёнига бордим-да, «Мана шунга қайнаган сув солиб бер», десам «Йўқ», дейди ярамас. «Уялмайсизми? Чой бор-йўғи уч тийин туради», дейди. «Ўшанда қайнаган сув бир тийинми?» дедим. У миқ этолмай қолди. Сувни-ку, қуйиб берди бир тийинга. Ҳолбуки, текин бўлиши керак! Инсоф қолмабди одамларда! Сувни сотиб олсанг, айт, бу нима кўргули?

— Сенинг дардингга шерикман, оғайни...

— Тўхта, бундан ҳам баттари кейин бўлди. Қарасам, битта йигит овқатини емай чиқиб кетди. У косасига икки мартагина қошиқ солганди. Кейин афтидан нимадир эсига тушиб қолди, шекилли, ўрнидан турди-ю, қоп-қора сумкасини елкасига илиб юргурганча чиқиб кетди. Хўш, унинг овқати увол бўлиши керакми? Йўқ! Шартта ўтиредим-да, ликобчадаги нонни олиб эндиғина синдириган эдим ҳамки, официант келибди бошимга. «Нега бировнинг овқатини сяпсиз?» дейди. Жон-поним чиқиб кетди. «Нима, ўзинг кўз олайтириб турганмидинг?» десам, «Ўзи келади», дейди. «Аниқ биламан, у шошиб кетди. Қайтиб

келмайди!» дедим газабим ошиб. «Қаердан биласиз?» деб безрайиб туриби. «Биринчидан, соатига қаради, иккинчиidan, сумкасини ҳам олволди», дея далилларни қалаштириб ташладим. «Бироннинг овқатини ейишга қандай кўнглингиз бўлди?» дея хизматчи терс бурилди-да, кетди. Абрам, дўстим, биродарим, булар нимани ҳам тушунишарди. Ахир увол бўлади-ку, тўғрими?!

— Барак, огайни, айни керак пайти қўнгироқ қилдинг. Ёрдаминг керак бўлиб турганди. Салгина боши берк кўчага кириб қолгандайман...

— Огайни, нимага қараб турибсан? Нималарга эришганингни яхши биламан-ку. Сенга ҳавасим келиб юрганди. Айтганча, Швецариядан вилла олибсан. Ёнингга табриклиш учун бормоқчийдим.

— Албатта, сени кутаман. Лекин чой даври ўтди. Сен асабинг бузилганини гапиряпсан-у, мен ёшлигимни эслаяпман. Хўп ажойиб замонлар эди. Соғиндим. Хотининг Алла ҳалигача хотинингми?

— Биласан-ку, у менга бир умрлик. Аммо охирги пайтларда қарзларини бермай қўйди. Нақ йигирма минг бўлди қарзи. Бошқа жойда уйлари борлигидан хабар топдим. Бироқ уларни соттиришнинг сира иложисини тополмаяпман. Ахир мендан қарзларини узиши керак-ку?!

— Барак, сен билан гаплашиб енгил тортдим. Имкон топиб, сухбат қурайлик. Биттаси бор, ҳоли-жонимга қўймаяпти. Кабобхўрликка таклиф қиляпти. Агар сен ҳам ўша майшатда қатнашсанг, бошим осмонга етарди.

— О-о-о! Сен доносан! Албатта, бораман. Айтганча, мен ҳам яқинда «ўйинчоқ»лардан анча-мунчасини йигиб қўйдим. Биргаликда овсарларга пулласак, деб тургандим...

— Эплаймиз. Фақат менинг улушим йигирма беш фоиз.

— Кўп айтяпсан!

— Нархни аниқ-тиниқ кўрсатаман.

— Ўйлаганингдан кўпроққа сотасан.

— Келишдик.

Абрам гўшакни жойига қўйди. Кафтларини бир-бирига уриб, ишқалади. Сўнг хурсанд бўлган қўйи ҳовлига чиқди-да, керишиб олди.

— Машина тайёр, — деди уни кўриши билан ёнига келган Владик.

— Ким қоляпти? — сўради ундан Абрам.

— Сергей билан Владимир.

Абрам шу заҳоти Владикнинг бошига урди. Владикнинг бошидаги думалоқ «дўппи» учиб кетди.

— Сен аблаҳ қаҷон одам бўласан? Неча марталаб сенга ҳақиқий кўриниб турган душман қолиб, ўзимизникиларни ва ёки ўзимизникига яқин бўлганларни хавфга қўйма, деб айтганман?.. Ҳозир улар содда. Нима десак, ишониб кетаверишади. Қанақа инсонсан ўзи?! Бор, Алишерни кўй, Тўрамуродни кўй. Ана шунда Фирдавс келади-да, уларни ўлдиради. Ўлдиrolса агар! Тушундинг?!

Владик иржайди. Кейин қўлини кўксига қўйди ва тавозе билан «Хўп бўлади», деди.

Алишер билан Тўрамурод аллақачон «қизил чизиқ»ни кесиб ўтиб кетишган эди. Улар учун бирорвнинг ҳамёнини ўғирлаш, бирорни ҳақорат қилиш, одам ўлдириш оддий бир нарсага айланган эди. Эртага буларнинг жазоси жуда қаттиқ бўлиши хаёлларининг бир чеккасига ҳам келмасди. Чунки атеистлар оиласида катта бўлишганди улар...

Уларнинг қўлига қурол тутқазилиб: «Ҳар бир сўроқсиз келган одамнинг пешонасидан отиб ташлайсизлар. Агар ўзимизникиларни жўнатадиган бўлсак, телефон қиласиз. Башқа маҳали яқинлашган одамдан кимсан, нимасан, нега келдинг, мақсадинг нима, деб сўраб ўтирумайсанлар. Кўкси тўгри келадими, бошини мўлжалга оласизларми, фарқи йўқ, «қарс-курс» қиласан, тамом-вассалом. Сўнг мурдани ичкарига киритиб ташланглар. Кўнгироқ қилинглар. Вакил жўнатамиз. Агар бизга ёқмайдиган одамни ўлдирган бўлсанглар, ҳар иккалантга биттадан яп-янги машина ва уч хонали уйдан совға қилинади... Башқа ҳолда ҳам мукофот бор, албатта. Аммо кичикроқ. Айтайлик, бирор икки минг сўмдан», дейилди. Шу пайтгача ўғирлик учун икки мартадан қамалиб чиққанларга мукофот деган жойи мойдай ёқди. Қани энди ўша исталмаган одам эртароқ келсаю, уларнинг иккаласи баравар тепкини босишса, «титиб» ташлашса... Гарчи уларга очиқ айтилмаса-да, хавф тугдирини мумкин бўлган одамни улар жуда яхши билишади.

Фирдавс. Бошқа ҳеч ким эмас. Сабаби, айни мана шу йигитлар Фирдавснинг қаҳвахонаси ёнида уриш-жанжал уюштирганлардан эди.

* * *

Фаттоҳ Норқуловичнинг боши лўқиллаб оғрирди. «Ҳозир сакраб тураман-да, арслондай наъра тортаман. Тўхта, арслоннинг эркаги қандай бўкирарди ўзи? Фалати. Ўхшатолмайман. Аммо нима фарқи бор, бўкирсам бўлди-да, арслонми, шерми, нима фарқи бор?» дея хаёлидан ўтказди ва бирдан бошини кўтарди-ю, бўкирмоқчи бўлганида товуши чиқмади. Чиқди, лекин «хирр» этган. Худди бўғизланган ҳўқизникига ўхшаб. Кейин сакраб туриши ҳам ўхшамади. Қўлларида жон йўқ экан.

Амаллаб каравотдан тушди ва қадди букилганча ҳамом томонга кетди. Ўзидан-ўзи гижинди. Чунки оғзи бирар аччиқ эдик, афти бужмайди. Яна ҳали ўзи билмайди. Сабаби, ўша аччиқ таъм бекордан-бекорга эмасди. Ошқозони бижгиб ётганди. Ҳар нарсани аралаштириб ичаверганидан кейин ошқозон бечора нима қилисин?! Қайси бирини ҳазм қилисин?! Энди битта суюқликка кўникудим деганида ортидан умуман бошқаси қуишлиб турибди. Яна компот билан қаҳва ҳам кетма-кет келди. Илож қанча, унинг ҳам меҳнат қилиши чегараланганд. Ҳар нимани саранжом қилишга улгуролмаганидан кейин ортгани димиққанидан бижгийди-да.

Фаттоҳ Норқулович қўлини томогига тиқди. Ўқчили ва ичидагининг борини чиқариб ташлади. Сўнг тишини ювди. Чўмилди. Ана ундан сўнг ҳолсизланганча ҳаммомдан чиқди ва кўзи хотинига тушди. Роза жавраниб, деразаларни очаётганди.

— Хўжайин, ичингизда ит-пит ўлиб қолмаганмиди? — деди аёл Фаттоҳ Норқуловични кўрганидан кейин, — умуман ётоқقا кириб бўлмай қолибди!

Фаттоҳ Норқулович қўлини силтади ва шиппагини судраганча ётогига юзтубан ётиб мингирлади:

— Аччиқ қаҳва дамланглар. Бошим ёрилиб кетай деяпти, дори-пори ҳам олиб кел. Имм, падарингга минг марта лаънат бўлсин. Чет элда ҳамма нарса тоза бўлади дейди. Шуми тозаси?! Эссиз, илгари энг яхши «бўйни узун»лар-

дан хушомадга яшиклаб олиб келишарди. Эсиз, у даврлар ўтиб кетди-я!

— Айвонга чиқинг, муздай шамол эсяпти. Енгил торта-сиз, — деди эрига ачиниб қараган Роза.

Фаттоҳ Норқуловичнинг ўзига келиб олишига нақ икки соатча вақт кетди. Аммо, барибир, тушгача караҳт бўлиб юрди. Қаҳва ичди. Шунинг билан бирга узлуксиз чекди. Ҳатто бир муддат мизғиб ҳам олди. Унинг кайфияти кўта-рилди. Бунга дengiz томондан келаётган сал-пал намхуш ва мўътадил шабада ёки Розанинг курка гўштини қизартириб қовуриб келганининг алоқаси йўқ. Уни қизининг кечা бир кунда ишлаб топган нақд ўн минг доллар пули эсига тушиб, яйратди. Бир муддатга Селим ўғирлаган пуллар унинг эсидан чиқди. Бўлмаса, унча-мунча ақча йўқотгандими Фаттоҳ Норқулович. Ана шу ерда бир нарса аниқ бўлди. Яъни одамзод эсдан чиқарувчи экан. Буни янаем ойдинлаштирасак. Воқеа содир этилгандаги оғир руҳий ҳолат вақт ўтиши билан йўқоларкан. Бўлмаса, Фаттоҳ Норқулович пулларини йўқотганини англаб етганида эҳ-ҳе-е, жиғибийронлигининг чеки йўқ эди. Ҳаттоки қон босими ҳам ошиб кетганди. Энди эса бироз хотиржам тортди. Айниқса, Сабинанинг ўн мингини кўрганида ҳатто келажакка ишонч пайдо бўлди. «Мен миллионер бўлиб кетаман! Йўқ, йўқ, ҳозирнинг ўзида қарийб миллионерман, миллиардерга айланаман. Кўриқчиларимнинг сони юздан ошади. Ана шунда ҳақиқий тегиниб бўлмас шахсга айланаман!» деди ўзига-ўзи.

Фаттоҳ Норқулович мана шундай хаёл оғушида ўтирганида, Сабина билан бўлғуси куёв келди. Уларнинг ҳовлига кирганини, иккинчи қаватга, ундан ўтиб айвонга чиққанликларини Фаттоҳ Норқулович сезмай қолди... Олдин Сабина кўриниш берди, кейин Селим.

Фаттоҳ Норқулович ўрнидан турди. Иржайди ва қучоғини очди.

— Ўзимнинг тиллога тенг қизим, — деди ва Сабинани қучоқлаб пешонасидан ўпди ҳамда унинг елкаси оша Селимга қараб қовоғини осилтириди.

— Ассалому алайкум, — деди Селим ўнг кўлини кўксига қўйиб, хиёл бошини эгаркан.

— Мен сендан бундай хатти-ҳаракатни умуман кутмагандим. Бизнес ҳамкор деб ўйлагандим, — дея саломга алик олмасдан жавоб қылди Фаттоҳ Норқулович.

— Буни, тақдир дейдилар, афандим. Ҳеч ким қочиб кутолмайдиган тақдир.

— Аммо қарийб мен тенги одамнинг қизимга уйланишини мен тақдир деб ҳисобламаган бўлардим.

— Чўк, янгиш қылдингиз, афандим.

— Янглишганим рост бўлсин!

— Қани, ўтирглар стулга. Буни қаранглар стулмисан-стул. Битта... Йўқ, менимча, бирор иккита ва ундан ортиқ ёшгина дараҳтнинг пўстлогини шилиб, стулнинг ўринидигини шу билан ёпибди...

— Афандим, — дея унинг гапини бўлди Селим, — бу ўтирган стулларингзининг териси тимсоҳники. Ёшини яшаган, ошини ошаган тимсоҳницидан. Тўртта стулингизга бор-йўғи иккита тимсоҳнинг териси кетган, холос.

— Бечора тимсоҳ. Менинг дараҳтга ичим ачиб ўтирганди. Энди билсам... Лекин, начора, боягина тақдир деганимидингиз, жаноб? Демак, тимсоҳларнинг ҳам пешонасига шундай нарса бўлиш ёзилган экан.

— Кўйинглар нималаргадир ачинишни. Ахир мен Селим билан янгилик олиб келдим-ку! — деди Сабина гапга аралашиб ва бўйини чўзиб отасининг юзидан чўлпиллатиб ўпид кўйди.

Улар айлана столнинг ёнига ўтиришди. Сабина эса ўтирган заҳоти яна дик этиб ўрнидан турди.

— Янгилик нишонланмайдими?! Мен ҳозир... у югуриб ичкарига кириб кетди.

— Хўш, — деди оёғини чалиштирган Фаттоҳ Норқулович, — бундан кейинги режалар қандай? Адашмасам, сизнинг хотинингиз бор...

Селим жавоб беришдан олдин ўрнидан турди, кўлини орқасига қилиб боғлади-да, айвоннинг четига борди. Денгиз томондан эсаётган майин шабада олиб келган намхуш ҳаводан симириди.

— Режани бироз ортга суриб, жавобни иккинчи саволингиздан бошласам. Ҳа, менинг тақдиримда илгари уйланиш ва учта боланинг дунёга келишига сабабчи бўлиш

ёзилган эканки, мен буни бекаму кўст адо этганман. Аммо эндиликда, чўқ қийинчилик исканжасидаман. Бунинг олдинги сабаби, хотинимнинг касаллиги. Ва минг афсуслар бўлсинки, ҳозирда у сўнгги қунларини яшамоқда. Эҳтимолки, эртага менинг уйимга таъзия билдиргани борсангиз керак... Бироқ бу сизнинг қизингизга уйланишимга асос бўла олмайди. Гарчи аввалги хотиним касал бўлмаганида ҳам Сабинага зўр иштиёқ билан уйланардим. Мен уни севдим...

— Олдингисини-чи? — деди Фаттоҳ Норқулович кесатиб.

— Зарурат...

— Наҳотки? Шунчалик оддий айтяпсизми бу гапни?

— Бошқача тушунтиrolмайман ва бунинг тарихи жуда ҳам узун. Бунинг учун иккимиз қаергадир дам олгани боришимиз ва мен ўша ерда миридан-сиригача калламни бошқа нарсаларга бўлмай сўзлаб беришим зарур. Энди эса...

У гапини охиригача етказмасидан Сабина кўриниш берди. Унинг кўлида битта шиша ва учта ярақлаган қадаҳ бор эди. Буни кўриб эркакларнинг иккиси ҳам иржайди.

— Менга беринг, хоним, — деди Селим ўзига хос илтифот кўрсатиб.

— Албатта.

Қадаҳлар тўқиширилганидан кейин бир қултумдан ичилди.

— Адажон, — деди Сабина қадаҳни столнинг устига кўйиб, — янгилик шуки, биз никоҳдан ўтиб келдик!

— Ни-ма?! Қандай қилиб? — деди Фаттоҳ Норқулович ҳайратдан кўзлари олайиб.

— Жудаям оддий. Мен Селимга қўнглимдагиларнинг барини очиқ-ойдин айтдим. У эса кўз очиб юмгунча барини бажарди. Ада, мен ҳозиргидай ҳеч қачон баҳтли бўлмаганман! Ишонинг!

Қизнинг ҳайқирганини эшитибmi ёки олдиндан гап сўзларга қулоқ солиб турганмиди, ҳар қалай, Роза ҳам лоп этиб чиқиб келди. Фаттоҳ Норқулович қандайдир енгил тортди. Худди ёш боладай қувонди. Ахир у ҳам кимгайдир суюниши керак-ку. Бир пайтлар шундай бўлган, хотинига суюнган. Чунки унинг отаси амалдор эди. Қаердан

қандай ундиришни жуда яхши биларди. Ва яна унинг юришини бир кўринг, худди хокисор одамга ўхшайди. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, қўй оғзидан чўп олмаган ювош ва хокисор. Лекин аслини кўрсангиз, сокин оқаётган дарёning тубига ўхшайди.

— Бугун, — деди Фаттоҳ Норқулович хотинига қараб, — қизингнинг баҳтли куни экан. Қизинг бугунгидай ҳеч қачон баҳтиёр бўлмаган экан. Унинг баҳтини Селим яратибди. Ишонасанми, Селим?! Сабина бугунгача адашиб, қоқилиб, туртиниб юрган экан. Буни қараки, Туркияда уни баҳти қучоқ очиб кутган эканки, бизнинг хабаримиз бўлмабди.

— Адаси, Сабина баҳтга лойиқ эмасми? Биз уни қафас ичидан чиққани билан табриклишимиз керак!

— Менинг онажоним! — дедя яна ҳайқирди Сабина.

Фаттоҳ Норқулович эса хотини айтган қафас тўғрисида ўйлай бошлаганди.

— Биз сенинг баҳтли кунингни, албатта, ресторонда нишонлаймиз. Шундайми, Селим? — дедя юзида олам-олам табассум билан күёвига қаради Роза.

— Албатта, бусиз бўлмайди. Мен аллақачон буортма бериб қўйганман. Ҳозир Сабина билан сизларни ҳам таклиф қилгани келгандик, — деб жавоб берди Селим.

— Сабина қўлингдаги шишани менга бер. Барибир, қачон қўйиш ва ичиш кераклигини билмайсан, — деб кулди Фаттоҳ Норқулович.

Навбатдаги тўқиширишдан кейин уларнинг ҳаммаси яна қайтиб жойига ўтирди.

— Барибир, — деди Фаттоҳ Норқулович лаблари орасини тутатқи билан банд қилиш олдидан, — мен тузилган режани кўришим керак. Ёш бола эмасмиз. Шундоқ экан кейинги кунларимизнинг режасини тузиб кўйишим «чўк» иш бўлади.

Селим ҳайрон бўлгандай Сабинага қаради. Сабина эса отасига.

— Никоҳ шартномасини кўришим керак, — деди қатъий Фаттоҳ Норқулович.

— Нега? — деди Селим бу гал ҳайрон бўлганини очиқча кўрсатиб. — Нега энди?

— Келгусида зарурат бўлиб қолмаслиги учун.

Селим илжайди ва ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтиб, Фаттоҳ Норқуловични ортидан қучоқлади.

— Афандим, энди бундан бу ён, бабам...

— Бабам? Эсини еганми бу? Биз илгари кичкина кучкаларни «баба» дердик. Энди бу қисталоқ... Яна ўрисларда, «баба» деган атама бор. Хотин, аёл, жувон ва ҳоказларнинг қўпол варианти.

— Ада, — деди Сабина жиддий тортиб, — майнабозчиликни бас қилинг. Туркияда биринчи кун яшаётганингиз йўқ. Селим нима демоқчи бўлганини яхши биласиз. Сиз менга ишонинг, тамом-вассалом!..

Фаттоҳ Норқулович нажот истаб хотинига қаради. Эй, воҳ, унинг ҳам юз-кўзидан Селим томонда эканлиги кўришиб турарди.

— Селим, — деди Фаттоҳ Норқулович, — Розахоннинг ўрнига ўтири, сенга битта гап айтаман. Хотиним эса менга кеча ютганимдан келтиради. Унинг ҳали ўн шишаси очилмасдан турибди.

— Балки, ичмассиз, кеча жудаям кўпайиб кетганини ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дея эътироуз билдириди Роза.

— Айтганни бажаринг, тамом-вассалом.

Роза ноилож эрининг буйругини бажариш учун қовоғини осилтирганча кетди. Шундан сўнг ёнидан жой олган Селимга юзланган Фаттоҳ Норқулович бармоқларини қайириб қарсиллатганча:

— Кўп эмас, бор-йўғи икки юз эллик минг доллар берасан. Ана ундан сўнг шартнома тузасанми, тузмайсанми, ихтиёринг, — деди.

Селимнинг ранги бирдан оқарди. Ахир унда айни пайтда бунча пул йўқ эди. Бор. Лекин чет эл банкларида. Нақд икки миллион. Ахир пулларини чўнтағига солиб юрмайди-ку.

— Афандим. Жоним садқа бўлсин. Мен пулнинг юзига қарайдиган одам эмасман. Илло, ундан жирканаман. Пулни кўп топишимдан мақсадим, албатта, хобби.

— Жирканасиз, аммо хобби? Фалати эмасми?

— Албатта, шундай дейишингизни билардим. Табиатнинг ўта ноёб ҳодисаси. Ўзингиз ўта севмайдиган ва расво

хисоблайдиган нарсани тўплашни бошқа ҳар нимадан устун қўяркансиз.

— Шундайми? Майли, сиз айтганча бўла қолсин. Аммо икки юз мингни келтириб қўясиз.

Селимнинг ранги бироз гезарди.

Роза билан Сабина уларнинг суҳбатини айвон остонасида туриб эшишишди. Ҳар иккиси ҳам хафа бўлди Фаттоҳ Норқуловичдан. Ахир шунақаси ҳам бўладими? Сабина чўри эмаски, ота унинг устида савдолашса.

— Мана, — деди Роза турган жойидан олдинга илдамларкан, — бусиз ҳар қандай суҳбат зерикарли! Ундан кейин бугун ҳамма кўнгилхушлик қилиши керак. Жиддий гапсўзлар тахмонда туриб турсин. Унинг ҳам ишлатиладиган вақти-соати бор.

Селим мийигида қуларкан: «Сен хотиннинг калланг ишларкан. Сабина сенга ўхшаганидан жудаям хурсандман. Аммо Фаттоҳ Норқуловичнинг куни битганга ўхшайди... Дарвоқе денгиз балиқларининг одам гўшти емай қўйганига анча бўлган бўлса керак?» дея кўнглидан ўтказди.

* * *

Фирдавс метродан чиқди. У охирги поезд билан келган, одам сийрак эди. Одамларнинг ҳаммаси уйига шошаётганди. Бир Фирдавс жонини хатарга қўйиш учун кетаётган бўлса, яна бир йигит шунчаки сангигиб юрганди. У бугун эрталаб Хоразмдан поездда келган. «Янги ТошМИ»да отаси ётибди. Ўпкаси касал. Ўпкаси. Бир неча йилдан бери. Ҳар йили нақ бир ой даволанади. Ҳар йили ўғли уни кўргани келади. Ҳар йили меҳмонхонага жойлашолмайди. Пули камлик қиласи. Ҳар йили у касалхонанинг ўриндиғида ўтириб, тунни тонгга улайди. Фақат бу йил унинг сангигиси келиб қолди. Метронинг у бошидан-бу бошигача саккиз марта бориб келди. Шу билан вақт ўтганини билмай қолди. Кейин «Мана шу поездга ўтираманда Чорсудан чиқаман. Кейин автобусда «ТошМИ»га етиб оламан», дея ўлади. Лекин поезд уни умуман бошқа томонга олиб кетди ва сўнгги бекатда қизгинанинг ширали овози эшитилди. «Охирги бекат «Максим Горький». У вагондан чиқди. Аммо нариги томондаги йўлда поезд йўқ эди. Шунда кимнингдир «Поездлар тўхтади. Метро ёпилади», деганини эшити-

ди ва эл қатори ташқарига чиқишига мажбур бўлди... Яна битта уйига шошмаётган одам — Миразиз. У Фирдавснинг «Ёлгиз ўзим бораман» деганига, «хўп», деди-ю, лекин кўнгли бўлмади. Чунки Фирдавсни худди ўғлидай яхши кўради. Ундан кейин Фирдавс билан Мавзунанинг ораларидағи муносабатдан озми-кўпми хабари бор. Ич-ичидан хурсанд. Лекин буни билдирмайди. Шу боисдан ҳам секин Фирдавсга сездирмасдан унинг ортидан тушди. Кўйнида эса тўппонча бор.

Фирдавс бекордан-бекорга бундай вақтни танламаганди. Абрам уни кутса, тахминан соат икки-учдан кейин кутади. Чунки худди шу пайт одам оёғи сийраклашгандан сийраклашади. Худди шу маҳал ўғрилар учун ҳам айни вақти. Демак, ундан олдин бориши керак. Токи Абрам гафлатда қолсин.

Фирдавс ёш, жисмонан бақувват, бунинг устига, спортчи. Бир пасда енгил қадам ташлаб илгарилаб кетди. Миразизнинг эса бирор икки юз қадамдан кейин юраги ҳаприқиб қолди. «Эссиз, ёш бўлганимда, керак бўлса, Фирдавсдан ҳам ўтиб кетардим», деди ўзига-ўзи. Шунга қарамасдан, илдамлаб юришга ҳаракат қилди. Аммо, барибир, ортда қолиб кетаверди. Бу орада Фирдавс маҳалла ичкарисига кириб, кўздан йўқолди. Яхшики, Миразиз Абрамнинг уйини билади. Акс ҳолда, бўлгуси күёвини тополмай, бўлари бўларди.

Абрам кўйиб кетган кўриқчилар олдидан Фирдавсгача олти киши кетма-кет ўтди. Шулардан учтаси ёлгиз эди. Кўриқчилар уларнинг олдини тўсиб чиқишиди. «Кимсан, қаерга боряпсан, ўтишга бу ердан бошқа йўл қуриганмиди?» деб дўқ-пўписа қилишди. Кейин иккисининг ҳам ҳафсаласи пир бўлди. «Абрам ваҳима қилган: Фирдавс келмайди. Ҳозир ўзининг ёғига ўзи қовурилган пайти. Буна-қанги пайт бирорвнинг уйига бостириб боришга унинг асаби дош бермайди», деб ўйлашди ва нарда ўйнай бошлишди. Олдинига шунчаки ўйин бўлди. Қизимади. Дарров бири иккинчисига қимор таклиф қилди. Қарабсизки, ўйинга жон кирди. Тақири этказиб тошларни буниси ташлайди. Униси бутун дикқат-эътиборини рақибининг ҳаракатларини кузатишга қаратади. Кейин ўзи тош отади. Кўнгли-

даги рақам тушмайды. Сўкинади ва ёнига қўйилган шишадан қулқуллатиб ичимлик ичади. Ўша-ўша ичимликдан — бошни айлантириб, кайфни тароқ қиласидиганидан.

Улар Фирдавснинг дарвозадан ичкарига кирганини се-зишмади ҳам. Чунки рақиблардан бири тошни битта илгарилатиб қўйган. Иккинчиси буни кўриб қолган ва жаҳл отига минган эди.

Фирдавс оёғининг учидаги юриб, уларнинг жуда яқинигача борди.

— Сенга икки-ю олти тушганди. Сен учу олти юрдинг! Тошни қайтариб қўй!

— Бекор айтибсан! Тош икки-ю олти. Лекин мен мана-ви тешиқдан олдим! Кўзингни каттароқ оч!

— Бундан эмас, манавиндан олдинг! Кўрмади деб ўйла-дингми?!

— Кайфинг ошиб қолибди!

Фирдавснинг кулгиси қистади ва нардага қараб:

— Мен ҳам кўрдим! Ўйнасанг тўғри ўйна! Нега гирром-лик қиласан? — деди.

— Ана гувоҳ! — деди жабрдийда.

— Сен — деди тошни нотўғри қўйган нардабоз, — со-тилгансан! Икковинг бир бўлиб... Тўхта. Қаердан келиб қолдинг? Сен кимсан?

Нардабоз шеригига қаради ва шу заҳоти иккиси ҳам тўппончасини олиш учун қўлларини чўнтакларига тиқ-моқчи бўлишиди-ю, аммо кеч қолишиди. Фирдавс бирининг бўйнига урди. Унинг нафаси қайтди. Иккала қўли билан бўйнини ушлади. Иккинчисини эса тирсагидан тутиб, ор-қасига қайирди. Бирдан оғриқ пайдо бўлиб, нардабоз ба-қириб юборди ва қуролидан айрилди. Шу заҳоти тўппон-ча биринчи нардачининг пешонасига тиради. Илло, у энди нафас ола бошлаган ва ўзига келишга улгурниб, қуроли томонга қўлини узатган эди.

— Менга бер! — дея таҳдид қилди Фирдавс.

Ноилож қолган йигит унга қуролини берди.

— Энди иккаланг ҳам ўрнингдан туриб, камарингни еч. Мени таниган бўлсанглар керак. Шундай экан, шафқат кутманглар. Айниқса, бугун. Чунки мен қутурганман. Би-

ласизлар, қутурган одам ҳеч нимадан қайтмайди. Тез-тез айтганимни қилинглар!

Нардабозлар дарров унга камарини ечиб беришди.

— Ким бор уйда? — сўради Фирдавс уларнинг камари билан қўлларини чандиб боғлаш асносида.

— Ҳеч ким, — деди биттаси.

— Огоҳлантираман: ёлғонни ёқтирмайман! Шундай экан, рост гапиринглар. Йўқса, мияларингнинг қатифини тўкаман!

— Рост. Икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ?

— Абрам-чи?

— У аллақачон кетган.

— Қаерга?..

— Бизга ҳисоб бермайди. Бошқа йигитлар билан бирга кетди.

— Нега унда бу ерда ўтирибсизлар?

— У сени «Келади», деди. «Келиши билан отиб ташланглар», деди.

— Нега отмадинглар?

— Ҳалиги... биз...

Фирдавс унинг гапини охиригача эшитмай кўксига урди. Кейин:

— Иккаланг ҳам уйга юр, — деди.

Фирдавс ичкарида битта мушукдан бошқа жонзот то-полмагач, баттар асабийлашди. Бир хаёл манави иккиси-ни ўласи қилиб калтакламоқчи ҳам бўлди. Аммо бундай қилишдан мазмун топмади. Бунинг устига, қўлида тўппонча билан Миразиз ҳам келиб қолди.

* * *

Арслон дўстининг бошини кўрганида титраб кетди. Ранги докадай оқарди. Бутун вужуди қалтирашга тушди. Абрам эса, аксинча, хурсанд эди. Унинг кўзлари чарақларди.

— Сен учун жудаям оғир бўлган иш менга енгил. Барibir, айтганимни қилмадинг. Кўнглинг бўшлик қилди, — деди у ва қўлидаги қадаҳни шундай ерга урдики, қадаҳ чил-чил синди. Шу заҳоти Абрам Арслоннинг ёқасидан олиб:

— Мараз! Сен маразсан! Мана шу бошнинг ёнида сенини ҳам бўлиши керак эди! — дея бор овозда қичқирди.

Ана шу палла Арслон сал бўлмаса иштонини ҳўллаб қўяёзди.

— Кечиринг, кечиринг мени! — деди у энди қўрққанидан даг-даг қалтираб.

— Чўлоқнинг бошини олганингда қаҳрамон эдинг-ку?! Қани ўша қаҳрамонлигинг?! Қани деб сўраяпман, сўтак?!

Арслон кўзини чирт юмди ва шу туришида:

— Озгина, озгина ичай, — деди.

Унинг овози жуда паст ва бечорасифат чиқди.

Абрам қачон нима беришни биларди. Шу боис йигитларига юзланган эди, унинг қўлига бирдан оқидан тутқазишиди. Бу сценарий аввалдан ёзилганди. Абрам Арслоннинг худди мана шундай қўйга тушишини тахмин қилганди. Шу боисдан унинг қўлига бериладиган шиша қанақа бўлишини шотирларига айтиб қўйган эди.

Идишдагининг тенг ярми Арслоннинг ичига кириб кетганидан сўнг ҳақиқатан ҳам, у шерга айланди.

— Мен қўрқмайман! Ҳеч нимадан қўрқмайман! Ўлмас менинг қадрдоним эди! Мен унга ўзимдан ҳам кўп ишонардим! — дея бақирди Арслон томоги йиртилгудек бўлиб.

Абрам иржайди ва йигитларига каллани йўқотишни ишора билан буюрди. Кейин бармоқларини силкитиб ҳаммага «Қўзимдан йўқолинглар!» деди. Аммо Владикка «Қол», дея ўзи оромкурсига ўтириди-да, вазминлик билан гап бошлади.

— Сенинг қадрдонинг Владик бўлади. Иккинчиси эса мен. Аслини олганда, мен биринчи рақамли яқинингман. Шунинг учун ҳам тириксан. Ҳали замон Барака ҳам келиб қолади. У ҳам сенинг жигаргўшаларингдан ҳисобланади... Мана шуларнинг бошидан бир дона сочи тўкилса ҳам дунёни остин-устун қилиб юборамиз. Аммо қаёқдаги Ўлмас, Алишер, Эшмат, Тошматларнинг уйи қўйиб кетса ҳам бир тукимиз қилт этмайди. Мана шу гапларимни икки қулоғингга ҳам қўйиб ол. Уқдингми?

— ...

— Нега жимсан?

— Гангидим. Нима дейишишга ҳам ҳайронман.

— Гангимадинг, бироз кайфинг бор! — деб Абрам билагидаги соатга қаради ва шу заҳоти унинг туси ўзгарди. Владик эса хавотирланиб унинг юзига қаради.

— Барибир, анавиларингнинг қўлидан бир иш келмайди. Фирдавс иккисини ҳам бир ёқли қиласди. Юқорига қўнгироқ қил. Maxsus бўлинманинг йигитларидан бир автобусини жўнатишисин. Ана унда зўр бўлади. Сенинг ландовурларинг қилолмаган ишни улар эплаб ташлашади. Буни қара, шундай ажойиб режа бор эканки, мен кечроқ ўйлабман. Бор, тезроқ! — дея амр қилди Абрам Владикка.

* * *

Фирдавс уларнинг иккисига ҳам тегмади. Ҳатто қўл-оёқларини ҳам боғлатмади.Faқат қуролларини тортиб олди. Кейин Алишернинг ёқасидан олиб бир-икки силтаб:

— Нима бўлса бўлсин, лекин яхудийга хизмат қилма. Сенга олтиндан қаср қуриб берган тақдирда ҳам. Каллангни ишлат. Нима, атрофида иккингдан бошқа одам қуриб қолганмиди? Нега айнан сенларни қоровулликка ташлаб кетди? Сизларнинг ҳам, менинг ҳам бахтим бор экан. Уришмадик. Уришганимизда, Худо кўрсатмасин, нималар бўлиб кетарди, — деди-да, қўйиб юборди. Сўнг Миразиз билан кетар экан, дарвозахонадаги столнинг устида турган иккита шишани бир-бирига уриб чил-чил синдириди.

Улардан биттаси яримлаб қолган, иккичиси эса ҳали тўла эди. Очилмаганди. «Ҳали кўп нарсани худди мана шундай парчалайман. Албатта, синганларнинг ҳаммаси ҳаром бўлади. Абрам ҳам ҳаром», дея қўнглидан ўтказди Фирдавс.

Улар кўчанинг бошига етишмаганди. Олдинда жуда катта тезликда келаётган учта машина кўзга ташланди. Уловлардан биттасининг томида айланма яшил чироқ ёниб ўчарди.

— Дарахтларнинг орқасига ўтамиз, — деди бирдан Миразиз.

Улар йўл четидаги уйларнинг чеккасида ўсган ўрикнинг ортига беркинишиди.

Машиналар яшин тезлигига уларнинг ёнидан ўтиб кетди.

— Қойилмисан? — деди Миразиз Фирдавсга. — Яна битта тузоқ қўйган экан Абрам. Faқат вақтда бироз адашибди. Айтганча, анави икковининг ҳеч қаери қўкармаганмиди?

— Менимча, қўкармаган! Аммо мен ҳозир ортда қола-

ётганимизни сездим. «Қоровуллар»га Абрам қаёққа кетаёт-
ганини айтмабди.

— У жинни эмас. Бирровга ишонмайди. Агар қоровуллар
үрнида онаси қолганида ҳам қаерга кетаётганини билди-
масди. Катта әхтимол билан ҳозир Абрам ўша борган жой-
ини ҳам ўзgartирган. Бизга «тиль» керак. Жудаям ишончли.
Абрам билан бирга қадам босадиган.

— У фақат яхудий бўлиши мумкин.

— Яхудий ҳеч қачон дўстлик қилмаган, қилмайди ҳам.
Жойи келганда манфаат учун улар бир-бирининг кўзини
үйиши мумкин. Шундай экан, бу вариантни четга суреб
кўявер!

— Тушундим. Демак, бориб ўйлаб кўрамиз. Айтганча,
амаки, биз ҳам зудлик билан жойимизни ўзgartиришимиз
керак. Баъзан услугуга қарши худди шу услугни қўлласан-
гиз, услугчининг ўзи ютқазиб кўяди... Шошманг, гап бун-
дай. Сиз бориб иккаламизнинг келишганимизни қилинг.
Менинг бу ёқда ишларим бор. Эрталабгача ярамасни ер-
нинг тагидан бўлса ҳам топаман.

— Бир ўзинг...

— Хавотир олманг, амаки. Ҳали мен ўзимгаям керакман.
Бўпти, шошилайлик, — деб Фирдавс ортига бурилди.

Махсус бўлинма йигитлари қуролларини ўқталганча
ичкарига бостириб киришди. Алишер билан Тўрамурод-
нинг кайфи аллақачон тарқаб кетганди. Улар тинимсиз бир-
бирини айблашарди. «Сендан бўлди, сендан бўлди», «Сен
нард ўйнашни таклиф қилдинг», «Ўзинг пул тикамиз де-
динг» ва ҳоказо. Бундай тортишишнинг боиси қўрқишаёт-
ганида эди. Чунки қовун тушириб қўйишди. Бунинг жаво-
би энди қаттиқ бўлади. Абрам иккисининг ҳам терисини
шилиб олади. Энди...

Иккови ҳам бирдан қўлини кўтарди.

— Биз ҳеч нарса қилганимиз йўқ! — дея бақирди Али-
шер.

— Биз қоровулмиз!..

Йигитлар уларнинг гапига кулоқ солиб ўтиrmади. Бири
келиб оёқларининг орқасидан тепди. Натижада улар би-
рин-кетин тиззалаb ўтириб қолишидди. Яна битта йигит ел-
касидан босди ва Алишер билан Тўрамурод ерга қапиш-
ди-қолди...

Тұрамурод «тутади».

— Биз ёмғирдан кейинги қўзиқоринмизми?! Нега ҳамманг келиб уриб кетаверасан?! — дея жон алфозда бақириди.

Шу бақириши билан бирга унинг кўзидан ёши тирқираб оқди.

Бўлинманинг йигитлари ҳовлидан мана шу иккисидан бошқа ҳеч кимни топишмади ва яна қўлга илингулик нарсагаям дуч келишмади. Бундан чиқди, уларга ёлғон хабар берилган... Аҳмоқ бўлиб шунча одам ҳовлиқиб келган. Келган-у, бурнини тишлигаран.

— Сенлар кимсанлар?! — дея сўроққа тутди маҳсус бўлинма бошлиги.

— Айтдим-ку, қоровулмиз, — деб жавоб берди ҳали-ҳамон ўпкаси тўлиб турган Тұрамурод.

— Қанақа қоровул?

— Мана шу уйга қоровулмиз.

— Ким қўйди қоровулликка?

— Виталик деган бола. «Янги давлат корхонаси очиляпти, шунга ишга кирасизлар», деганди. Биз лаққа ишониб келибмиз... Бу ерда одам кўп эди. Шунга ҳақиқатан ҳам, корхона очилибди. Ҳамма иш сўраб келибди, деб ўйлабмиз. «Бугунча қоровуллик қиласизлар», деса хурсанд бўлибмиз. Ҳаммаси кетди. Алишер икковимиз қолдик... Битта бола келиб обдан иккомизнинг қонамайдиган, кўкармайдиган жойимизга тепди.

— Ким эди у? Башараси қанақа? Нега икковинг ҳам ҳўкиздай бўлиб, битта болага қарши туролмадинглар?

— Командир, у жуда ёмон экан. Спортчими, бир бало? Нард ўйнаб ўтиргандик, бир гўрдан пайдо бўлди-да, ташланиб қолди...

— Тушунарли, ичиб дабдаламиз чиқиб ётганди, дегин!

— Йўқ. Аникроғи, озгина-озгинадан ичгандик. Тўғриси, ишонмасангиз, анави асбобларингиз билан текшириб кўринг. Ароқни ана шу бола синдириб кетди!

Тұрамуроднинг илҳоми келганди. Рост-ёлғон гапни шундай қўшиб-чатиб гапирадики, командир сўзларига лаққа ишонди. Аслини олганда, унинг учун Тұрамуроднинг гапларининг сариқ чақалик аҳамияти ҳам йўқ эди. Унга алам қилаётгани алдаб бу ёққа жўнатишгани эди.

— Бу аҳволларингда, — деди у бармоқларини қайириб қарслатаркан, — ёш болаям кўкармайдиган, қонмайдиган жойларингни... кетади.

Унинг ҳақоратидан Тўрамурод бир сапчиб тушди. Қишлоқнинг боласи-да. Фурурли-да. Лекин ҳозир чидагани мъкул. Майли, бу зўравон ҳам сўкиб турсин. Бир вақти келиб у ҳам роса сўқади. Хуморидан чиққунича сўқади. Буни бўлмаса бошқа бировни. Шу йўл билан аламидан чиқади.

Махсус бўлинманинг йигитлари маҳсус машиналарга ўтириб, жўнаб кетишиди.

Ана шундан кейин Алишер бор овозда қулиб юборди. Тўрамурод башарасини буриштириб:

— Падарингга лаънат, нега ўзингдан-ўзинг тиржанг-тиржанг қиляпсан?! — деди.

— Йиғлайми?! Кўрмаяпсанми, нима қилиб кетишияпти?! Биз боксчиларнинг қопимиз, хоҳлагани келиб тепиб-тепиб кетади! — дея жавоб берди Алишер.

— Менга қара, манави, — деб Тўрамурод шишанинг синигини тепиб кўрсатди, — дардисардан яна борми, йўқми? Ҳозир бир-икки қултум ютмасам, бошим отилиб кетади.

— Ана, даҳлизда бир яшиги турибди, — деб қўлини силтади Алишер ва стулга ўтирганча чўнтагидан тутатқисини чиқарди...

* * *

Барак келди. Уни кўрган одам дайди деб ўйлайди. Сочи ўсиб кетган, увадаси чиққан кийимларининг ҳамма ёғи кир, туфлисининг учи тешилган, соқоли ўстган. Қўлида эса жандаси чиққан қоп бор эди. Агар уни Абрамнинг йигитлари уйидан машинага миндириб келмаганида, бу ерга бирор қўймасди.

— Жигарпорам, ҳали-ҳамон ўша-ўшасан! — деди Абрам уни кўриши билан.

— Сенга ўхшаб турланиш қўлимдан келмаса нима қилай?
— дея қўлларини икки ёнига ёзди Барак.

— Мен сени бағримга босишга ошиқман, лекин, илтинос, кийимларингни еч! — деди Абрам.

— Оҳ, оҳ, оҳ! Аввал ичкарига кирит, номард! — деб бурнини тортиб қўйди Барак.

Ҳа, худди шундай экан. Буларни кўрганингда жирка-

наркансан, лекин аслига кўзинг тушса, ҳайратдан ёқа ушларкансан. Баракнинг ички кийимлари топ-тоза эди. Яна яп-янги. Соқоли ва сочи эса ясама. Ўша дайдилар қопининг ичидан эса яп-янги туфли чиқди...

Улар оғиз-бурун ўпишиб кўришиди. Кейин кулишди.

— Брежневга ўпишиб кўришишни биз ўргатганимиз! — деб мақтаниб қўйди Абрам.

— Хотирангга балли! Энди мени меҳмон қил. Биринчидан, ўлгудай очман. Иккинчидан, хумор тутиб турибди. Ўзинг тортганинг-тортган. Лекин биздай фақирларга бундай қайрилиб ҳам қарагинг келмайди, — дея Барак елкаларини кенг ёзиб, ўтириб олди.

Унинг гапларига Абрам кулди. Чапак чалди.

— Албатта, биринчи навбатда, мен сени яхшилаб «сугораман». Аммо битта нарсада мени ишонтираман, деб ўйлама. Сен фақир эмассан!..

— Бўлмасам-чи, сенинг олдингда мен тиланчиман!

— Оҳ!..

— Бу ёғини қўй. Мени бекордан-бекорга кўргинг келиб қолмагандир?!

— Битта қайсарнинг сира бўйини эголмаяпман...

— Начора?! Юсуф алайҳиссаломга ҳам шайтоннинг кучи етмаган. Сен ҳам ундан узоқлашасан-да, атрофида гиларни васвасага соласан. Қарабсанки, ўша қайсарни уларнинг ўзи суробини тўғирлаб қўяди. Аммо битта нарсани сира эсин-дан чиқарма, Юсуфни Зулайҳо зинданга ташлатган эди. Албатта, сенинг иблис ота-боболарингнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ. Бироқ Юсуф зинданда шунаقا кучайиб кетдики... Бу ёғини яхши тушунасан, деб ўйлайман... Зангтар мендан бир-биридан ширави маслаҳатларни эшиятпсан-у, ўзинг ваъдангда турмаяпсан. Қани узумнинг мазали суви?

— Сабр. Сабр.

— Унда сен ҳам сабр қил.

Орадан бир муддат ўтиб, Барак сўраган нарсани келтириб столнинг устига қўйишиди. Барак Абрамни хизмат қилишга қўймай, шишани ўз қўлига олди. Ўзи қадаҳга қўйди. Бир ҳўплади ва иягини артиб қўйиб:

— Ўлдиришинг керак, — деди.

— Қандай қилиб? Бир неча марта уриниб кўрдим, аммо...

— Олдингдаги қадаҳни қўлингга ол. Бир лабингни теккиз...

Абрам унинг гапларига кулди ва бирдан жиддий тортди. Илло, Барак уни ёш бола қилаётган эди.

— Хўш, Владик! — дея қичқирди.

Владик Барак келганидан кейин Арслон билан бирга чиқиб кетганди. Орада бир кирди. Унда ҳам Баракнинг истагини қондириш мақсадида. Ҳозир эшикнинг ортида кулоғини динг қилиб турибди. У ўзининг исмини эшитиши билан эшикни очиб бошини сукди.

— Анча вақт бўлиб қолди. Йигитларингдан иккитасини олгин-да, Алишер билан унинг шеригидан хабар олиб кел. Дарвоҷе, махсус бўлинма аллақачон у ерга бориб, ишини битириб кетгандир... Ҳар қалай, хабар олиб кел. Мен сенинг ақлингга ишонаман. Ҳа-а, Арслон ҳам бирга борсин. Сал-пал ҳаво алмашитириб келади, — деб амр қилди Абрам, сўнг қадаҳдагидан бир ҳўплам ичиб, лаблари орасига «гавана»ни қистирди-да, гутурт ёқди.

— Сенинг омадинг келганига ишонгим келяпти. Айтганча, қачон кетмоқчисан бу ерлардан? — дея сўради Барак.

Абрам жавоб беришдан олдин мириқиб тутун ютди. Сўнг бошини қашлади-да:

— Аслини олганда, сендей юрсам бўларкан. Қичимаган жойимни қашиб қўйдим. Буни қараки, менинг йўлларимни ёпиб қўйишиди. Жуда катта сўрашяпти.

— Сумма ошиб кетаверади. Бизникиларни яхши биласан. Судхўрлик. Оҳ, гарчи менинг энг севимли машгулотим эса-да, сендей қадрдонларимга қарши қўлланилганда сесканиб кетаман. Сенга берганларини олмаслигинг керак эди. Начора, эртадан қолдирма, олганларингни ўн баробар қилиб қайтаргин-да, секин ўйиндан чиқ.

— Айтмоққа осон. Сен билан мен каби улар ҳам яхудий. Аланга ўчогини кутишяпти улар. Аланга ўчогини.

— Водийдаги «иш»нинг бошида ўзинг турибсан, адаш масам.

— Ҳа...

— Бўлди, етарли. Мен сен томонда бўламан. Албатта, овоз бераман.

— Қанча эвазига?

— Бунисини ўйлаб кўришим керак, — деб Барак ичадиганидан бир ҳўплади. Қониқмади ва бирдан ҳаммасини ичиб, тугатиб қўя қолди. Сўнг лаб-лунжини кафти билан артганча иржайди: — Мазали экан.

Абрам шу заҳоти нима мазалигини тушунди. Албатта, йўқ жойдан бир боло пул келиб турганидан кейин мазали бўлади-да! Яна бир оғиз гап учун. У ичидан зил кетди ва истар-истамас Баракнинг қадаҳини қайта тўлдирди. Ҳамда:

— Бухоро усулини қўллашимиз керакми? — деди.

Барак бирдан унга қаради. Бир муддат ўйланиб турди ва юзи ёришид:

— У пайтлар бемалолхўжалик бўлган. Нақ йигирма беш йил кутишган. Аммо бизнинг бунга вақтимиз йўқ. Ҳар лаҳза олтинга teng.

— Улар бойликни ўйлашмаган, мақсади бутунлай бошқа бўлган.

— Тўппа-тўғри. Аммо масаланинг нозик томони борки, буни беш-олти яхудий бир бўлиб ҳал этмоқ керак. Яъни...

— Мен тарихни айтиб берай, албатта, қисқача. Бизнинг қадрдон бобокалонларимиздан бирининг ўғлининг бошини маҳаллийлардан биттаси уриб ёради. Шубҳасиз, ота қасос ўтида ёниб, қўлига ханжар олади-да, йўлга отланади. Шунда унинг олдида худди сен ва менга ўхшаган донишманд чиқиб қолади ва қасос ўтида ёнаётган қондошининг нега бундай кўйга тушганинг боисини сўрайди...

Абрам ҳикоянинг мана шу жойига келганида, Барак ялтири бошини силади. Унинг париги олинганидан сўнгги на қаллиги маълум бўлган эди. Ўша кал бош ҳозир терланди. Барак терни артиб бўлгач, қадаҳдагини сипкорди. Абрам эса ҳикоясини давом этказди.

— Қайт. Сенинг бу амалинг иш бермайди. Аксинча, бошимизга улкан ташвиш олиб келади. Бунинг ўрнига бир мажлис қиласиз ва булардан ўч олишнинг бошқача йўлини топамиз, дейди. Хуллас, мажлис бўлади. Унда шундай қарор қабул қилинади: янги түғилган чақалоқни уларнинг «йўлига» ўтказиш, ўқув масканларида (мадраса) ўқитиш, мавқеини ошириб, уламо мартабасига кўтариш ва унинг ёрдамида маҳаллий халқнинг илдизига болта уриш...

— Сен, — деди Барак Абрамнинг гапини бўлиб, — му-

хим бир масалага түхталмадинг. Яъни иқтисодий таъминот масаласи...

Абрам бурнини жийирди ва ўзига ҳам қўйиб ичди, ортидан тутун ютганидан сўнг давом этди:

— Ҳа, ўша чақалоқнинг ота-онаси тўла иқтисодий таъминланиши кафолатланган. Буни айтмасам ҳам билардинг. Хўш, кейин нима бўлади? Режа иш беради. Чақалоқ ниҳоятда истеъодли чиқиб қолади ва илмда ҳаммадан ошиб, уламога айланади. Ҳамма ундан маслаҳат сўрай бошлайди. У эса фатволарни қойиллатади. Бирор кимса ўлса, унинг еттисини, йигирмасини, қирқини, йилини ўтказиш, турмуш қураётганда келин-куёв оловни айланиши, оташпастлик, мозорларга чироқ ёкиш, уйларга ва ҳоказо-ҳоказо жойларга, яна тўйларга мумкин қадар кўпроқ одамни чақириш ва шодумонликни нишонлаш учун майхўрлик қилиш...

— Оҳ, — деди қувончдан юзи ял-ял ёнган Барак кафтларини бир-бирига уриб, — қандай ажойиб давр бўлган экан! Аммо бунинг учун йигирма беш йил керак бўлган. Чақалоқ йигирма бешга кирган. Тушуняпсанми? Сен билан мен шуни кутоламизми? Ҳозирги шиддатли замонда я!..

Хизматчилардан бирининг эшикни тақиллатиши Барак нинг гапини бўлиб қўйди.

— Кир! — деди Абрам жаҳл билан.

— Владик қўнгироқ қиляпти, — деди Абрамнинг шотири.

— Олиб кел!

Хизматчи телефон симини судраб олиб келди-да, гўшакни Абрамга берди.

— Ҳолвами? — деди Абрам бирдан.

— Ундан баттар...

— Икковиниям бу ёқقا келтир!..

* * *

Абрам шундай амр қилганида Фирдавс Владик миниб келган машинанинг юхонасида эди. У кутди. Сабр-бардош билан кутди. Юпун кийингани ва бир жойда қимирламай тургани учун эти жунжикди. Аммо шундай бўлсада, кутди. Олдинига маҳсуслар кетишиди. Кетаётганида улар обдан сўкинишди. Ахир аҳмоқ бўлиб кетишаپти.

Сўкинишмасинми? Кейин эса уйга яна иккита машина келди. Уларнинг биридан Арслон тушганини кўргач қўллари ўз-ўзидан мушт бўлиб тугилди ва секин ўрнидан турди. «Шошилма, шошилма», деди ўзига-ўзи ва яна буқчайиб ўтириб олди... Унинг бирорта ҳам режаси йўқ эди. Шунчаки қоровулларнинг «зиёрати»га келганларни кўриб олмоқчи эди. Аммо бирдан бунинг фойдаси йўқлигини англаб, ўрнидан кўзгалди ва бироз эгилганча югуриб, машиналар ёнига борди. Бу пайтда Владик, Арслон шотирлари билан бирга уйга кириб кетишганди. Кўча томонда ҳеч ким қолмаганди. Шу боисдан ҳам Фирдавс «Волга»нинг юхонасини очдида, секин кириб олди.

Бир муддатдан сўнг машиналар жойидан қимиirlади.

Машинадагилар роса сўкинишди ва орада бир-икки марта «их, их» этган товуш ҳам чиқди. Шубҳасиз, бу анави икки қоровулнинг овози эди. Машинада ўтирган жойида уларни уришаётганди...

Тонгга бир соатча вақт қолган эди. Фирдавсни уйқу босди. Нафақат уни. Балки, Абрам ва унинг шотирлари, ҳаттоқи Баракни ҳам уйқу забтига олди. Чунки буларнинг бари кеча куни билан тиним билмади. Бир жойда ўтирмади. Мана, қоронгилик тушганидан бери бирортаси мижжа қоқиш учун ҳам кўзини юммади. Натижада саҳар яқинлашганида бирортаси ҳам бошини кўтаролмай қолди. Абрам эса телефонда гаплашганидан сўнг гўшакни хизматчига бериб, столга тирсагини тиради-да, кўзини юмди. У шундай қилиб янги бир ерja тузмоқчи эди. Бунинг ўрнига пинакка кетиб қолди. Барак унинг устидан очиқасига кулди. «Ўла, шунаقا бой бўлмай. Бир лаҳзанг йўқки, оромда ўтиранг. Мендан ўrnak олсанг бўлмайдими, гарчи пулим сеникидай кўп бўлмаса-да, мен кечки пайт массаж олдим. Валя массаж қилиб қўйди. Мутлақо текинга. Мен унга арзимас совга бердим. Бор-йўғи бир шиша ўткиридан. Ҳолбуки, унга ўзим ҳам шериклик қилгандим. Валя, Валя яйради. Роса уқалади. Сўнг...» дея хаёлидан ўтказган Баракнинг кўзлари юмилиб кетаверди. У Абрамга ўхшаб пинакка кетмади. Ўрнидан туриб эшик ёнидаги қора чармли диванга чўзилди ва зумда ухлаб қолди...

Фирдавс ўзининг юзига ўзи шапалоқ туширди ҳамда

юкхонани секин очди. Ташқарига қулоқ солди. Жимжитлик...

Бирорта ҳам улов йўқ эди. У нақ беш километрни пиёда босиб ўтди. Аммо уйигача ҳали яна шунчадан ҳам ортиқ масофа бор. Бу ёғи тонг аллақачон оқариб бўлган, ҳаттоқи күёшнинг дастлабки нурлари ҳам кўрина бошлаганди. Кейин машиналар ҳам кўринди. Фирдавс уларни тўхтатиш учун қўлини кўтарди. Аммо беш-олтитаси тўхтамади. Лекин кейин эски «Москвич» тўхтади. Рулни оппоқ соқоли кўксига тушиб турган чол бошқараётган экан. Фирдавс манзилни айтар-айтмас «Ўтири», деди.

— Бирорининг тўхтагиси келмайди, — деди Фирдавс аввал салом бериб сўнг машинага ўтиргач.

— Шошишаётгандир-да?! Асло бирорни айблаб бўлмайди. Ҳар ким ўзининг ташвиши билан юради, — деди чол эътиroz билдириб.

— Сиз тўхтадингиз-ку?!

— Мен Худодан кўрқаман. Тўғрисини айтсан, Уни яхши кўраман. Шунинг учун Унга маъқул келмайдиган ишни қилиб қўйишдан кўрқаман. Масалан, сен бирорта қизни севиб қолдинг, дейлик. Ўша қизнинг олдида унга ёқмайдиган бирор нима қиласанми? Йўқ. Ваҳоланки, у ҳам худди сен каби банда. Аслида, бандага меҳр-муҳаббат берилмайди. Уни яхши кўриш, меҳр бериш мумкин. Аммо севиб бўлмайди. Фақат Аллоҳ севилади. Фақат У севишга лойиқ. Шундоқ экан, болам, мен ўзимнинг севгилимини жудаям қадрлайман. Сенинг ҳожатингни чиқаришга имконим бўла туриб, бу ишни қилмасам, муҳаббатимнинг менга қарashi ўзгариб қолиши мумкин, — деб кулиб қўйди чол.

Фирдавснинг эти жимиirlади. Қандайдир бошқача бўлди. «Мавзунани севаман. Лекин уни севиш мумкин эмасканда! Уни шунчаки оддийгина ёқтиурсам бўлди экан-да! Нега? Нега шундай?» кўнглидан ўтказди у.

— Сабаби, — деди чол худди унинг хаёlinи уқиб олгандай, — Аллоҳ яратувчи. У бутун борлиқни яратган. Кўзга кўринадиган, кўринмайдиган, ҳамма-ҳамма нарсани — юлдузлар, ой, қўёшлини ва бизнинг ақлимиз етмайдиган қанчадан-қанча нарсани. Ва яратилганларнинг ўз мазмун-моҳияти бор. Одамни эса Ўзига ибодат қилиши учун яратган ва бунинг учун бу дунёда ҳам, охиратда ҳам улкан-

улкан неъмат билан сийлаган. Ён-атрофингга қара, нималарни кўряпсан? Ўша кўраётгандарингнинг барчаси одам учун. Хўш, шундай экан, нега биз бунинг шукронасини қилмаймиз? Нега ибодат қилмаймиз? Нега севмаслигимиз керак экан? Ҳолбуки, У яратган жонзотни севамиз-ку!..

Фирдавс музлади. Ўзини жудаям айбор ҳис этди. Чуқур хўрсинди.

— Агар намоз ўқиётган бўлсанг, нур устига нур, мабодо, шу қунгача ўқимаган бўлсанг, тезда бошла. Ҳар лаҳза фанимат. Эртага, индинга деган гапларнинг барининг таги пуч. Чунки эртага бормисан-йўқмисан, фақат Аллоҳ билади, — деди чол.

— Хўп, — деб бошини қимирлатди Фирдавс.

Айни чогда у бирор нимани ўйлашга ҳам қўрқарди. Чунки бу чол тушмагур у ниманини хаёл қилса, дарров уқиб оладигандай эди.

Манзилга етганларидан сўнг Фирдавс пул берган эди, чол кескин рад этди. «Ота-онангнинг хизматини қилиб, ибодатингни бажарсанг, ана шу менга берган йўл киранг», деди жилмайиб.

Бундан бор-йўғи бир-икки соат муқаддам Фирдавс бутунлай бошқа одам эди. Мана шу қисқа фурсатда эса умуман бошқа тарафга ўзгарди. У энди шошди. Эртароқ уйига етиб олишга, таҳорат олишга шошди...

Дарвозани Мавзуна очди. Очди-ю, Фирдавсга бошдан-оёқ қараб олди.

— Қаердан келяпсиз? — деди.

— Бир жойдан. Ўзинг қачон келдинг бу ерга?

— Кечаш.

— Уйда ким бор?

— Ҳамма. Аям, дадам, Моҳина, дадангиз.

— Яхши. Ҳаммаси ухлаётган бўлса керак...

— Йўқ. Чой ичиб ўтиришибди. Сизни кутиб.

— Сен-чи?!

— Менми? — дея секин ортига бурилиб қараб олди Мавзуна. — Мен сизнинг яхшилаб адабингизни бериб қўйишга тайёргарлик қўриб турибман.

— Бунинг сира иложи йўқ. Чунки уйдагиларга айтиб бераман.

— Уларнинг ҳаммаси мен томон.

— Дарров сотиб олдингми?

— Сотиб олиш шарт эмас, сизга ўхшаган дайдиларнинг давоси шу.

— Уйга кирсам майлими?

— Нега?..

— Ҳар қалай, мен ҳам чой-пой...

— Тўйдиришмадими?..

— Ишонсанг, бир бурда нон ҳам беришмади. Кеча пешинда ҳам овқатланмаганман. Кун бўйи оч юрдим.

— Агар ичим ачимаганда баттар бўлинг дердим, — деди Мавзуна меҳр билан.

Мавзунанинг қалбида бир дунё қайғу бор эди. Ахир куни кечакунинг ўлишига бир баҳя қолди ва яна унинг кўз ўнгига бутун бошли одамни отиб ташлашди. Фалокат. Касалхонадаги таҳлика... Яна кечаси билан Фирдавснинг йўқлиги. Унинг қаердалигини ҳеч ким билмас экан. Ҳатто отаси ҳам... Отаси «Бу ердан бошқа жойга кўчамиз», деди. Ярим кечакелиб, ҳе йўқ-бе йўқ. Аммо Фирдавснинг дадаси кўнмади. «Кейин Фирдавс бизни тополмай қолади», деди. Унинг гапига бирдан ҳамма қўшилди. Мавзуна ҳам. Фақат Мавзуна ошкор этмади. Ич-ичидан қарши бўлди.

Фирдавс қизнинг ёнидан ўтаётганида Мавзуна унинг биқинидан чимдид олди.

— Кўлинг омбурдан ҳам баттар экан-э! — дея ёлғондакам афтини буриштирган бўлди Фирдавс.

— Буниси ҳолvasи, зўрини ҳали кўрасиз.

— Хўп, юр, бирга кирайлик уйдагиларнинг ёнига. Ҳимоячим бўласан.

— Йўқ!

— Илтимос...

Фирдавс эшиқдан кириши билан ҳамма бараварига унга қаради. Ҳамманинг кўзида қатор-қатор савол кўрди Фирдавс.

— Ассалому алайкум. Мендан нимадир сўрашларингиздан олдин мен сизларга битта нарсани айтаман, — деди Фирдавс ва жиддий қиёфада яқинларига яна бир кур қарабчиқди.

— Айт, — деди Миразиз.

— Мени ҳозирнинг ўзидаёқ уйлантириб қўйинглар. Мавзунага!

Ҳамма бирдан ҳангу манг бўлиб қолди. Мавзуна дув этиб қизарди. Моҳинанинг юзида табассум пайдо бўлди. Сал бўлмаса, «Ур-э-э!» дея қичқириб юбораёзди. Миразиз се-кин Достонга юзланди. Ўз навбатида Достон елкасини қисди. Рухшонанинг кўзи эса қизида. «Бунчалик ошкора, уятни унутдингми, қизим?!» деяётгандай эди унинг нигоҳи.

— Болам, — деди, ниҳоят, Достон тилга кириб, — буни сал бошқачароқ айтиш керакмиди? Ҳар қалай, менинг, Миразиз амакингнинг, Рухшона холангнинг обрўси бўлса керак олдингда? Ёки бизни аллақачон?..

— Йўқ, — деди бирдан Миразиз, — бўладиган гапнинг бўлгани яхши. Фирдавс бекордан-бекорга, дабдурустдан бундай демаётгандир? Сабаби бордир?..

— Кўнглимнинг хотиржамлиги, тўғри йўлдан адашмаслигим, ҳамманинг бизга ола қарашларини йўқотиш ва яна бир нарсалар учун шундай қилиш шарт, — деди бошини эгиб Фирдавс.

Бу гапларнинг ортига «Биз бир-биримизни севамиз, токайгача айрилиқда яшаймиз!» сўзлари яширин эди. Фирдавс «севаман» сўзини дарров ислоҳ қилди. «Мен Худони севаман. Ундан кўрққаним ва Унга ёқмайдиган ишларни қилмасликка онт ичганим сабабли ҳам тезда Мавзунага уйланишим керак. Чунки Мавзуна билан шунчаки кўришмайман, шунчаки гаплашмайман. Унга қарашларим бошқача. Бироқ у билан ҳали никоҳланмаганман. Демак, ҳирс билан қарашга ҳақим йўқ. Лекин шу кунгача қараб келдим. Бундан чиқди, ҳақиқий муҳаббатим эгасига ёқмайдиган амални қилганман. Бир кунмас-бир кун у мендан юз ўгирса, тамом, бутун ҳаётим остин-устун бўлади. Зулматда қоламан».

— Урф бор, одат бор. Фирдавснинг томдан тушган тара-шадай бундай дейиши жуда галати бўлди-ку! Болам, — деб ўрнидан турди Рухшона, — сен ҳар қанча осмонга чиқиб кетган бўлсанг ҳам менинг кўчада қолган қизим йўқ!

Рухшонанинг гапларига Достон бир сесканиб тушди. Миразиз қизарди.

— Ҳозир замон бошқа. Ўзгаришлар жудаям катта. Урф одат, ирим-сиirimни эмас, мусулмончиликни кўриш ке-рак. Агар Фирдавснинг гаплари мусулмончиликка тўғри келса, нега уни айбларканмиз? Хоним, бирор нима дей-

иш учун олдин обдан ўйлаб кўриш керак. Қолаверса, Фирдавснинг бегоналиги йўқ. У Достон билан синглисидан ташқари керак бўлса бизга ҳам жонини беради. Мен розиман, тамом-вассалом! — деди Миразиз қатъий.

Рухшона қизарди, кўзи ёшга тўлди. Мавзуна эса бирдан уйдан чиқиб кетди. Моҳина унинг ортидан югурди.

— Шуни, — деди Достон мулойим овозда, — секингина ўзимга айтсанг бўларди-ку?! Ўзим Миразиз билан Рухшонага ётиғи билан тушунтирадим.

— Дада, мен битта таксида келдим. Такси эмас, шунчаки битта қария машинасига миндириб келди. Шундай гапларни айтдики, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Уятсизлик қилганим учун мени кечиринглар. Аслида, ўзимнинг ҳам ниятим бошқача эди.

Унинг сўзларидан кейин Рухшонанинг лабида табассум пайдо бўлди. Бир-бир қадам босиб Фирдавснинг ёнига келди-да, икки кўллаб йигитнинг бошидан ушлади ва пешонасидан ўпди. Кейин:

— Сен ҳам мени кечир! Аслида, биз битта оиласиз... Болам, муборак бўлсин, — деди.

Аёлнинг овози бечорасифат, йиги аралаш эди. Хонадагиларнинг кўнгли бузилди бундан. Ҳалигина, бундан борйиги бир-икки соат муқаддам барининг ўй-хаёли Фирдавсда эди. «Соф-омон юрганмикин? Уни яна кўриш бизга насиб этармикин?» дея ич-этини еб ўтиришганди. Фирдавснинг пайдо бўлиши ва бундай гапларни гапириши уларнинг хаёлини ўзгартириб юборганди. Улардан биринчи бўлиб Рухшона ўша эзилганини ёдга олди ва аччиқ устидаги айтиб қўйган гапларидан афсусланди. Ана шундай қалтис маҳали аёллиги қўл келди. Фирдавснинг пешонасидан ўпиши, болам дейиши, кечирим сўраши бошқаларнинг ўзига нисбатан меҳрини жонлантирди.

— Дадаси, нимага қараб турибсиз? Фирдавс дангал бўлдими, сиз ҳам орқада қолманг-да, боринг, бирорта мулла топиб келинг!

Энди Миразиз шошиб қолди. Илло, у шунчалик қисқа фурсатда хотини бутунлай бошқа томонга ўзгариб кетади, деб ўйламаганди.

— Шошма, менинг рози бўлдим деганим, ҳозирнинг ўзидаёқ никоҳ ўқитиб...

— Ўглим, — деди Достон Миразизнинг гапини бўлиб,
— тинчликми? Нега бундай қиляпсан?

— Дада, ҳамма ёқ тинч. Тинч бўлмаганида келмаган
бўлардим. Ҳеч нимадан хавотир олманг.

— Бўлмаса ҳалиги қария сенга нима деди?

— Уф-ф, дада, қўйинг шуни, мен ниятимни айтдим. Бу
ёғини ўзингиз биласиз.

— Достон ака, эй-й, қуда бува, бу ёғига қудамиз бўла-
сиз-да! Сиз бозорга бориб, битта қўй олиб келинг. Ўрто-
фингиз мулла топиб келади. Қолганини ўзимга қўйиб бера-
веринглар... Айтганча, Фирдавснинг ўзи тенги йигитлар-
дан беш-олтитасини чақириш керак. Чунки қўйни кимдир
емаса, шунча гўштни нима қиласиз?..

Миразиз билан Достон бошлари гангиган ҳолда чиқиб
кетишиди. Фирдавс эса Мавзунанинг хонасига кирди. Қиз
дераза ёнида эди. Йиглаётганди. Тинимсиз йиглаётганди.
Моҳина уни овутишга уриниб кўрди. Аммо эпломади. «Би-
роz ўз ҳолимга қўй!» деди Мавзуна. Бошқа гап айтмади.
Шундан кейин дераза ёнига борди. Та什қарига қаради. Унинг
овози чиқмасди. Бироқ қўзидан дув-дув ёш оқарди...

«Совчилар келишиди», дейди онаси. Мавзуна чой дам-
лайди. Чойнакни тўлдирмай, ачиққина қилиб дамлайди.
Юрагини ҳаяжон эгаллаб, жуда эҳтиёткорлик билан бир-
бир қадам босади. Совчилар ўтирган хонанинг эшигини
овоз чиқармасдан очади. Майин ва ширали овозда салом
беради. Совчилар унинг гўзаллигини кўриб, ўринларидан
туриб кетишиади...

Моҳирўй холаси Мавзунани илгари жуда кўп марта
кўрган, бироқ ҳозир бошқа. Чунки у Мавзунанинг яна бо-
шқа чиройини кўриб қолган бўлади... Ҳаммаси ўй-хаёл,
ҳаммаси бекор... Моҳирўй холаси аллақачон борса келмас-
га кетган, Фирдавснинг бошқа аёл қариндошлари йўқ.
Бўлишса ҳам келишмайди... Мавзуна йигламасдан ким
йигласин?.. Шунақаси ҳам бўладими, ҳеч курса, «Ҳозир
мана шу гапларни ҳаммага айтаман, тайёргарлигингни
кўриб тур» демайдими Фирдавс исмли безбет!..

Моҳина акасини кўриб, секин ўтирган жойидан турди.
Фирдавс унга имлаб чиқиб тур дегандек ишора қилди. Қиз
бошини қимиirlатиб «Хўп», деди.

Елкасига теккан қўлни сезган Мавзуна кўз ёшини артди.

— Моҳина, ёлғиз қолмоқчиман, — деди.

— Нега?!

Мавзуна Фирдавснинг овозини эшитиши билан бирдан ортига ўтирилди. Худди шуни кутиб турган Фирдавс қизни бағрига босди...

— Жиннисиз! Аҳмоқсиз! Нега ўзингиздан-ўзингиз уйдагиларимга шунаقا гапларни гапирдингиз?! — деди Мавзуна пичирлаб ва Фирдавснинг бағридан чиқиш учун ти-пирчилай бошлади.

— Мен айтиб бўлдим. Энди айтилган гапни орқага қайтариб бўлмайди. Узоги билан бир соатдан кейин никохимиз ўқиласди.

— Жинни, қўйворинг, аям келиб қолади ҳозир!

— Тайёргарлик кўраман деб ваъда бер, кейин қўйиб юбораман.

— Хўп!

Фирдавс ич-ичидан хурсанд эди. «Шунаقا қилса ҳам бўларкан-ку, қийналиб юргандан кўра, шартта-шартта мақсадингни айтасан, тамом-вассалом...» Лекин ёмон бўлди. У ўзини ўғирлик устида қўлга тушган одамдай ҳис эта бошлади. Ҳамма нарса очиқ айтилди. Аммо у ими-жимида шошилинч никоҳдан ўтиши керак. «Нега шундай? Нега?.. Ҳужум. Ҳа, худди шундай, ҳужум мени бунаقا ноқулайликдан қутқаради. Абрамнинг «ини»ни «чўп» тикиб қўзитаман. «Қовоқарилар» ҳар томонга пириллаб учиб қолишади. Кимдан аламини олишни, кимни «чақиши» кераклигини билмай бошлари қотади. Бунгача мен эмин-эркин тўйқиламан».

Қалтис қарорга келганини Фирдавснинг ўзи ҳам сезиб турарди. Аммо нима қилсин? Бошқа чора кўрмаяпти-да! Кечак Абрам исмли иблис уни озмунча сарсон қилдими? У ёққа борса, бу ёқда бирор ишқал, бу ёқдан хабар олай деса, у ёқда бирорта касофат бўлиб турибди. «Бу ишларнинг бошида Абрам турибди. Демак, энди унинг кўзини очирмаслик керак... Бориб зудлик билан ишни битираманда, кейин бирорта қаҳвахонани банд қиламан. Тушдан ўтиб-утмай, тўй қиламан... Йўқ, тўй бўлмайди!.. Соли амакимни куни кечак ўлдириб кетишиди. Таъзиясига ҳам боролмадим.

Бу ёги Музaffer амаким ҳам шогирдидан айрилди. Демак, аза маҳали ҳеч қанақа қўнгилхушлик ярашмайди. Лекин никоҳ ўқитиб қўйсам... Ҳар қалай, энди буни ҳам тўхта-тишнинг имкони йўқ».

Фирдавс дарвоза томонга энди юрганида Абдували кириб келди. У қандайдир шошиб келганди.

— Нега? Нега ҳалигача ўтирибсизлар? У ёқда биз кутавериб, хавотир олавериб бир ёқли бўлдик-ку! — деди у салом-аликсиз.

— Амаки, мен уйланяпман, — деди Фирдавс жилмай-иб.

— Уйланаяпман?!

— Ҳа. Дадам қўйга кетди. Энди яна битта дадам бор. Уни-си масжидга...

— Менга қара, иситманг йўқми? Ўйлаб гапиряпсанми? Ёки?..

— Шундай бўлиб қолди, амаки. Uriб ўлдирсангиз ҳам энди ўзгартириб бўлмайди. Дадам қўйга кетди. Миразиз амаким, бўлгуси қайнотам муллага!

— Ҳазиллашмаяпсанми? Жиддийми?..

— Уч марта жиддий, амаки. Сиз дарров қолганларга қўнгироқ қилинг. Ҳаммаси келсин. Айтганча, машина шу ердами?

— Ҳа.

— Яхши! Калитни беринг, зув этиб бир жойга ўтиб келай...

Абдували беихтиёр чўнтағига қўлини тиқди.

* * *

Абрам тугул ундан бошқаси бўлган тақдирда ҳам чар-чашга ҳожати бор. Тинкаси қурийди. Уйку босади. Ўзини тутиб туролмайди ва бошини ёстиққа қўйишга мажбур. Бу сафар у бошини ёстиққа ҳам қўймади. Диванга чўзилди-ю, шу заҳоти хуррак ота бошлади. Барак унга қараб кулди. «Ярамас, туллак, қачон нима қилишни биласан. Гап энди қизиқ жойига келганди! Майли, начора», деб қўйнидан китоб чиқарди. Унинг мана шу одати ёшлигидан бор. Озгина бўш қолдими, дарров қўлига китоб олади. Фойдаси... Фойдаси аллақачондан бери тегиб келяпти. Ортиқча гапирмайди. Керакли гапни эса дона-дона қилиб айтади. У ҳар қандай китобни ўқийди ва ўзи учун бирор нима топа-

ди. Албатта, бу пайтда ярим хўплам-ярим хўплам анавиндан ичиб туради.

— Хўжайн, — деб эшикдан кириб келди бир маҳал Владик.

— Тсс, — деди шу заҳоти кўрсаткич бармогини лабининг устига қўйган Барак, — фаросатсиз.

У ўрнидан турди. Оёгининг учида юриб, эшик ёнида нима қиларини билмай турган Владикнинг ёнига келди. Ва бошини ўтириб ухлаётган Абрамга қараб қўйди-да, секин оғзини Владикнинг кулоги ёнига яқинлаштириб деди:

— Калланг жойидами сен боланинг? Маданиятни қаерга йўқотдинг? Адашмасам, яхудийсан! Яхудийлар эса асло уятли иш қилмайди. Хўш, гапир... Шошма, чиқ, ташқарида гаплашамиз...

Айвонда Барак ўпкасини тўлдириб нафас олганидан сўнг чўнтағидан тамакисини олиб лаблари орасига қистирди. Шу ондаёқ Владик гутурт ёқиб, унга тутди. Барак унамади.

— Сен ярамаслар мени лаззатимдан айирмоқчимисандар? Асли лаззат гутуртни ёқиб тутатиш, — деб ўзи гутурт донасини ёқди.

— Хўжайн билан тезроқ гаплашиб олишим керак, — деди уни қузатиб турган Владик.

— Нима бўлди? У чарчаган, менга айтсанг ҳам бўлаверди...

— Мумкин эмас!.. Ундан кейин сиз, барибир, тушунмайсиз. Тушунтиргунимча шеф уйғонади.

— Калланг бор экан сен боланинг. Лекин битта нарсани айтиб қўйай, у сени қаерга жўнатаётганини мендан яширамади. Шундай экан, хўш, айт-чи, анави икковини нима қилдинг?

— Олиб келдим.

— Яхши. Энди қўлларига «билакузук» таққин-да, бирорта хонага киргазиб қўй. Дарвоҷе, улар орқалари билан деворга тиралиб ётишсин. Бор, айтганимни қил. Йўқса, сўқинаман. Чунки мени энг яхши машғулотимдан айрдинг. Бунақаларни жиним сўймайди...

Тонг отди. Ҳали-ҳамон қаер-қаерларданdir хўролзлар қолган экан. Навбатма-навбат қичқираётганди. Қуёш илк нурларини соча бошлаганида уларнинг ҳам қичқириши тинди. Чуғурчуқларнинг чириллаши ҳам. Буни сезган Барак бирдан бошини кўтарди. У ёқ-бу ёққа аланглағач:

— Яхшилик эмас. Бу бирор нимадан дарак беради. Ҳеч қурса, машиналарнинг гувиллаши эшитилиши керак эди. Лекин уларнинг ҳам бари бирдан бузилгандай «дами чикмай» қолди. Ҳмм, — деб ўрнидан турди ва ташқарига чикди.

Кўзи дарвозахонадагиларга тушди. Уларнинг бари ухлашяпти. Бири ўтирган жойида бир томонга қийшайиб қолган бўлса, бошқаси столнинг устига бошини қўйган.

— Буларга ишониб бўлмайди. Булар аниқ одамнинг ўлимига сабабчи бўлишади. Ҳаммасини гафлат босибди.

Барак шундай деб ичкарига кирди ва бир хаёл Абрамни ўйғотмоқчи бўлди. Аммо шу заҳоти дўстига ичи ачиди. «Майли, шўринг қурғур озгина ухласин!» деди ва деразани очиб қўйди. Сўнг ташқарига чиқиб, ёпинчиқ топиб келди-да, Абрамнинг устига ёпди. Ва жойига ўтириб китобини очди. Бундан олдин эса ҳўплайдиганидан кўпроқ ҳўплади...

Ташқариди нимадир қарсиллаб кетди. Барак чўчиб тушди ва бирдан ташқарига югурди. Шунда бир ниқобли кимсанинг қўриқчи йигитларни калтаклаётганини кўрди. Йигит одамга ўхшамасди. Умуман, қандайдир махлук. Бир лаҳзага ҳам бир жойда тўхтамас, шўрлик қўриқчилару шовқин-суронни эшитиб отилиб чиққанларни ҳам аямасди. Барак яхшилаб қараса, у билан уришадиган йигитлардан бирортаси ҳам қолмабди. У ўзини ичкарига урди ва биринчи навбатда Абрамни тепди. Кейин:

— Сасиб ётаверма, ҳамма ёғингнинг расвоси чиқди! — дея бақирди.

Абрам сакраб турди. Бирдан қулогига ташқаридаги бақир-чақир эштилди.

— Қочдик! Бўл тез, ўлдириб кетишади ҳозир!

Абрам деразанинг ёнига яқинлашмоқчи бўлди. Бироқ қандайдир жисм учиб келди-да, очиқ деразанинг битта кўзига тегди. Ойна чил-чил синди.

— Бу ёқقا!

Абрам уй тўридаги шкафни итарди. У енгиллик билан бир четга сурилди ва эшик очилди. Иккиси ҳам шу ердан ўтишди ва Абрам ортидан эшикни ёпди. Сўнг қулфлади. Ҳамма ёқ зимиoston эди. Улар бир-бирини кўришмасди.

— Чироқ-пироги йўқми бу хонангнинг? — дея пичирлаб сўради Барак.

— Йўқ. Чироқнинг шуъласи нариги томонга тушиши мумкин.

— Ким бўлди у? — сўради Барак.
— Билмайман?! Кўрмадим. Лекин нима бўляпти ўзи?
— Битта йигит сеникиларни қон қақшатаётганди...
— Ҳа-а, тушунарли. Ярамас шу ергача келибди-да! Қандай топибди бу ерни?

— Исковичлари сеникидан яхшироқ ишлаган бўлса керак? Менга қара, нима, одамларингда бирорта ҳам қурол йўқми?

— Бор. Тсс!

Барак бошқа савол бермади. «Эшик»нинг нариги томонида яна ниманингдир чил-чил сингани эшитилди ва уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳатто нафас олмай қўйиши. «Пулларим, бойликларим... Улар нима бўлади? Эҳ-ҳе, қанча машиққат билан йиққанман. Ҳатто бир қисмини қабримга қўйинглар, деб васият ҳам қилмадим. Падарингга лаънати Арслон... Эй-й, ўзимга-ўзим лаънат айтиб юбордимми? Бадбахтлик бўлди-ку! Ярамас Арслон ҳали менинг мерос-хўрим бўлдими? Йўқ, унга сариқ чақа ҳам қолдирмайман. Ҳаммасини ўзимизнинг фондга ўтказиб юбораман. Бир варақ қоғоз қолдираман. Қабримга ҳайкал қўйинглар, дейман. Узоқдан кўриниб турсин, дейман. Қоровулга ҳар ойда пул бериб туринглар, дейман. Токи у менинг қимматбаҳо қоп-қора тош билан ёпилган гўримни, бюстимни ювив турсин», дея хаёлидан ўтказди Абрам. Худди шу маҳал у тутун исини туйди.

— Падарингга лаънат, уйингни ёқиб юборди! Оч эшигингни, бўғилиб ўлмасимиздан ташқарига чиқайлик! — дея чинқирди Барак.

— Чиқсанг отиб ташлайди у! Сабр қил, хумпар!

* * *

Фирдавс Абрамни топмади. «Яна адашдим. Яна ундан ортда қолдим», дея кўнглидан ўтказди ва ўзи билан олиб келган бензинни айни Абрам яширинган уйнинг ичкарисига отди. Унинг ортидан гугурт чақиб ташлади-да, кўча томонга югуриб кетди.

Машинани бирор бекат нарида қолдирганди. У Абрамнинг уйидан чиқиши билан юзидағи ниқобни олганди. Машинага ўтирганидан сўнг эса курткасини ечди.

«Барibir, тўгри қилдим. Иблис гарангсийди. Ўзини у

ёқдан-бу ёққа ташлайди. Нима бўлганини англаунича вақт ўтади. Унгача мен бошқа ишларимни қилиб оламан», дея кўнглидан ўтказди Фирдавс.

Уйда йигирматача одам йигилибди. Хотин-халажлар ҳам кўпайган. Қўй сўйилган. Дарвозанинг кўча тарафида Достон билан Миразиз у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Улар Фирдавс миниб кетган машинани кўриши билан юришдан тўхташди. Бир-бирига қараб олишди.

— Ҳақини бераман! — деди Достон.

— Оғирроқ бўлинг, куда. У бекордан-бекорга юрмайди.

— Бекордан-бекорга?.. Юрагим тўкилиб бўлди-ку! Бундай айтиб кетмайдими?!

Фирдавс уларга етмай, машинани тўхтатди-да, эшикни очиб дарров тушди ва илдам юриб кела бошлади.

— Агар уйда меҳмонлар бўлмаганида қулоқ-чакканга ўхшатиб туширадим! — деди Достон жаҳл билан.

Фирдавс қулди ва қучоғини очди-да, дадасини маҳкам қучоқлаб қулогига шивирлади:

— Срочний қиласидиган ишим бор эди. Бундан кейин қўлим тегмайди, деб қўрқдим, дада. Шунинг учун бир қошиқ қонимдан кечинг.

Достоннинг кўнгли юмшади ва қудасига бош бармогини тикка қилиб кўрсатиб, «зўр» ишорасини қилди.

Улар олдинма-кейин ичкарига киришди. Фирдавс нигоҳи билан Абдувалини қидирди ва дарров топди. Ёнига борди-да:

— Машинани бу ердан йўқотинг, — деди паст овозда.

— Бирор нима?..

— Кейин айтаман, — деди Фирдавс унинг гапини бўлиб.

Никоҳ ўқилди. Ош сузилди. Фирдавс ҳамма билан ҳовлида узун стол атрофида ош еди. Бирор гапирмайди. Ўтирганларнинг бари ош ейиш билан овора.

— Менга қаранглар, — деди бир муддатдан сўнг Достон, — Ёдгор, нима ўтириш бу? Биз тўй ошини еяпмизми ёки худойида ўтирибмизми? Бундай базм қилмаймизми?

— Бўлади. Мен кечга мўлжаллаб қўйибман. Миразизга ҳам айтганман. Анҳорда ўтказамиз. Ҳамма йигитлар шу ёқда бўлади, — деди унга жавобан Ёдгор.

Шу пайт қўриқчиликда турган йигитлардан биттаси югуриб келди-да, Фирдавснинг қулогига:

— Иккита милиса машинаси келди, — дея шивирлади.

«Наҳотки мени бирор кимса таниб қолган бўлса?!» дея қўнгилдан ўтказди Фирдавс ва энди ўрнидан турмоқчи бўлганида, Миразиз:

— Сен ўтиравер, Фозил, менинг ёнимга кел, — деб лаб-лунжини артди.

У Фозил билан бирга ташқарига чиқиб кетди. Ҳовлида-гилар саросималана бошлашди. Бунга чидаб туролмаган Достон ҳам кўча томонга йўл олди.

— Сен, — деди Абдували Фирдавсга, — уйга кир, нима гап бўлса, ўзимиз ҳал қиласиз.

— Амаки, сиз дарров ертўлага тушинг-да, анавиндан бир яшик олиб чиқиб ҳаммасини столга қўйиб чиқинг. Битта-иккитасини очиб, озроқдан тўкинг. Токи милисалар келиб қарашса, нима бўлаётганини тушунишсин. Ундан кейин уларга ҳам озроқ-озроқдан ичириш керак. Тезлаштиринг, амаки! — деб буйруқ берди Фирдавс Абдувалига ва ўзидан катта одамга иш айтгани учун нокулай аҳволга тушди. Бироқ начора?

Фирдавс уйга кирди-да, дераза ёнига бориб, ташқарини кузата бошлади. Ана шу маҳал Мавзуна кириб келиб:

— Шошқалоқ, бу ерда нима қиляпсиз? — деди.

Фирдавс бирдан ортига ўгирилди ва кўзи жилмайиб турган Мавзунага тушди.

— Энди мумкин. Энди сен бутун борлигинг билан ме-никисан. Ҳатто ўй-хаёлларинг ҳам менинг измимда. Мендан бесўроқ хаёл суролмайсан. Оҳ, ўзимнинг қанчалик хўжайин бўлиб кетганимни тассавур ҳам қилолмаяпман...

Йигит шундай деганча Мавзунага яқинлаша бошлади.

— Қочиб кетаман. Уйда одамлар кўп, — деди юзида табассум билан бошини қимиirlатган Мавзуна.

— Мумкин эмас! Қочсанг қуваман. Ана унда ҳамма кўради. Ана унда уят бўлади.

— Жинни...

Фирдавс қизнинг қўлидан тутди. Худди шу пайт ташқаридан бир кимсанинг:

— Чиқсин! — дея бақирган овози эшитилди.

* * *

Яrim тун эди. Фаттоҳ Норқулович ухламаётганди. Айвонга чиқиб, қўлида қадаҳини тутганча денгизнинг мавжланишини томоша қиласарди. Узоқ-узоқларда, сувнинг қоқ ўртасида гоҳ-гоҳида чироқ кўриниб қолади. Қандайдир

кеманики. Бир муддатдан кейин эса у йўқолади. «Зўр манзара, ажойиб манзара. Кўриб кўзинг қувнайди. Нега шу пайтгача келмаганимга ҳайронман?! Ваҳоланки, имкониятим бор эди. Горкомлигимда бир марта бутун бошли делегацияни жўнатганман. Ваҳоланки, ўшанда уларга ўзим бош бўлиб келишим керак эди. Келмадим. Сиёсатни ўйладим. Айримларнинг кўнглига ёмон хаёллар келмасин, дедим. Бунинг ўрнига ўринбосарим Сергей Поповни жўнатдим. Қисталоқ бирам хурсанд бўлганди... У менга кўп совга олиб келди. Жинси шим. «Техас». Американики экан. Киёлмадим. Сиёсат шунаقا эди-да! Душман давлатнинг ҳатто пай通俗ни кийиш айб саналарди... Мана энди истаганимни кийиб юрибман!» дея хаёл сураркан, мийигида кулиб қўйди. Ва стулга ўтириди-да, қўлидаги қадаҳни столнинг устига қўйиб, тутатқини олди. Уни лабига қистиришга қистирди-ю, ёқолмади. Негадир столнинг устида турган гутурт йўқ эди.

— Бу хотинда сира фаросат қолмади. Илгари бунаقا эмасди. Бу ёққа келганидан кейин айниди-қолди. Менга қарши чиқади. Яна қўйган нарсамни бошқа ёққа олиб кетади, — деб Фаттоҳ Норқулович ҳамма ёғи ёп-ёргу ҳовлисига қаради ва бир ҳафта олдин эктирган ям-яшил арчанинг ёнида одам турганига кўзи тушди.

Одам ўтирибди. Гарчи у арчанинг нариги тарафида эсада, кийими кўриниб турибди. «Бу энди ким бўлди? Шу кунгача бизнинг уйга бирор кирганини билмайман. Умуман, бу юртда биздагидай мафия иш юритишини эшитмаганман. Ҳолбуки, бусиз бирорта ҳам давлат йўқ, деб ҳисобласам-да», дея кўнглидан ўтказди ва секин эгилганча уйга кирди. Шунда ҳам тик юрмади. Эшик ёнигача эгилиб борди. Кейин қаддини ростлаб, битта-битта қадам босганча, ётоқ тарафга кетди. Унинг қуроли бор. Ётоқда. Тортмасида. Бир эмас, иккита. Олиши керак. Кейин ҳовлига чиқади. Рухсатсиз деворидан ошиб ўтган одамни ушлайди. Сўроқ-саволга тутади. Эҳтимол, Селимни чақирар. Ҳар қалай, у энди күёви. Тўгри, икки юз минг сўраб унинг дилини оғритиб қўйди. Бироқ, барибир, қайнота қайнотада, уни ҳимоя қилиш керак... «Умуман олганда, унинг ёрдамига муҳтож ҳам эмасман. Уйга олиб кираман-да отиб ташлайман. Албатта, нега келганини, ким юборганини билганимдан сўнг!..»

Фаттоҳ Норқуловични қиқирлаган овоз эшикни очишдан түхтатди ва у бир муддатга арчанинг остида ўтирган одамни унутиб, ичкарига қулоқ тутди. Ичкарида хотини ким биландир турк тилида гаплашарди.

— Йўқ, йўқ, минг афсуслар бўлсинки, боролмайман. Вақт алламаҳал бўлди. Бунинг устига эрим ухлагани йўқ. Хўп, хўп, жоним... Сабр, сабр ва яна бир марта сабр. Эртага, албатта, кўришамиз... Мен ҳам...

Фаттоҳ Норқуловичнинг бирдан хаёли бузилди, қўллари эса мушт бўлиб туғилди.

У ҳовлидаги, арчанинг остидаги нусхани умуман эсидан чиқарганди.

— Вой, пандавақи! Вой, падарингга лаънат, ҳали сен менинг кўзимга чўп сукиб юрганимидинг?! Ўйин қилаётганимидинг?! Айтдим, бу падарингга лаънати нима десам, шунинг аксини гапириб қолди, деб. Менинг ҳамма гапларим нотўғри, ҳамма ишларим расво, ҳаттоқи бугун ташқарида «Ажойиб ҳаво десам!» «Йўқ, қандайдир одамнинг юрагини сиқади», деб гапирадинг. Демак, бошқа бир нималар билан шугулланиб юрган экансан-да. Ниятинг бошқа экан-да!

Фаттоҳ Норқулович жаҳл билан эшикни очди. Роза тўшакда ётибди. Гўшакни қулогининг устига қўйиб олган. Бундан чиқди, жуда узоқ гаплашгани учун қўли огриб қолган ва гўшакни қулогининг устига қўйиб қўя қолган.

— Нима деяпсан, итнинг боласи?! — деди у ичкарига кириши билан.

Менсимасликнинг аҳволини қаранг, Роза шошмасдан гўшакни қўлига олди. Секин Фаттоҳ Норқулович томонга бурилди.

— Ҳа-а, нима дедингиз? — дея бошини бўш қўли билан қашлади.

— Мараз, ким билан гаплашяпсан?!

— Мараз? Тушунмадим?! Нега ҳақорат қилиб қолдингиз?

— Қайси хушторинг билан гаплашяпсан, деб сўраяпман?! — дея баттар тутади Фаттоҳ Норқулович.

— Хушторим?! Адаси, сизга бир нима бўляптими?! — дея ётган жойида эридан ошириб бақирди Роза. — Мана, олинг, гаплашиб кўринг?! Кимлигини билинг! Қайси бетингиз билан шундай деяпсиз?!

Розанинг кўзидан ёш қўйила бошлади. Фаттоҳ Норқулович довдиради.

Кўлини силтади. «Ундан нарига ўтиб кет», деб шошганча тортмадан тўппончасини олди. Эрининг қўлида қурол қўриши билан Розанинг ранги оқарди ва секин ўрнидан туриб ўтириди.

— Адаси, адаси, — деди киприклари пирпираб, — мен сизга... Сизни... Мен ҳеч қачон...

Фаттоҳ Норқулович аёлининг гапларини эшитмади ҳам. Ютурганча хонадан чиқиб кетди. «Наҳотки бечора ўзини ўлдиришни қасд қилган бўлса?.. Нима қилиб қўйдим? Аҳмоқ хотин! Яхшими-ёмонми шунча йилдан бери бир ёстиқقا бош қўйиб, иссиқ-совуқ кунларни ўтказиб келаётгандик! Энди менга кераксиз бўлиб қолдими? Йўқ, инсофдан эмас!» дея ўйлаган Роза сакраб каравотдан тушди ва апил-тапил халатини елкасига илди. Шундай югуриш бироз нокулай бўлди.

— Адаси! — бақириши тўппонча овози билан қўшилиб кетди. Шу ондаёқ Роза бир ёқли бўлди. У энди илгаригидай бақиромлади.

— Адаси, нима қилиб қўйдингиз? — деди пиҷирлаб.

Роза бирдан ўзини енгил ҳис этди. Ич-ичидан эрининг ўзини отиб қўйганига афсусланаётганди. Аммо унинг ортида бир туйғу бор эдики, Розанинг елкасидаги юкни остидан туриб кўтарди. Аммо юк бутунлай тушиб кетмади. Шунчаки у бироз ҳавога кўтарили. Чунки... Ҳали Фаттоҳ Норқуловичнинг мурдасини кўргани йўқ. Кўрмай туриб шундай енгилликни ҳис этди. Кўзи чараклади. «Зинадан тушишим билан эшик томонга буриламан-у, эримнинг жасадини кўраман», деди ўзича... Назаридан, орадан бир лаҳзагина ўтди, холос. Аёл зинанинг бошини билади ва охирини... Бирдан пастда пайдо бўлди ва эшик томонга бурилди-ю, эрини кўрди. У қўлида тўппонча билан деворнинг ортига яширинган кўйи ташқарига мўраларди.

— Адаси, — деди ҳафсаласи пир бўлган Роза.

— Ўчир овозингни, ифлос! Сенинг бақиришингдан у чўчиб қочиб кетди. Падарингга лаънат, доим оёғимга ту-

шов бўлдинг-да! — дея сўкинди Фаттоҳ Норқулович ва сўнгги бор ташқарига пойлаб қаради. Кейин эшикни очди.

У ҳеч кимни топмади. Бироқ кўрганди эшикнинг ёнига-ча келган кимсани. Роза уни чақириб бақирганида нусха бирдан қочишга тушди. Фаттоҳ Норқулович унинг ортидан ўқ узди. Лекин ўқи тегдим-йўқми, билмайди.

Фаттоҳ Норқулович тўппончасини олдинга чўзганча деворнинг остини, саккизта арчанинг тагини, дарвоза ёнини кўздан кечириб чиқди. Бироқ ҳеч кимни топмади. Ва сўкинганча қайтиб келди. Бу пайтда Роза халатига ўранганча эрини кузатиб турарди.

— Агар бўкирмаганингда, мен уни ушлардим. Отиб ўлди-рардим, — деди Фаттоҳ Норқулович ва тепкидан бармоғини олиб тўппончанинг мили билан қаншарини қашлади.

— Мен... Мен, адаси, биласизми, кўрқиб кетдим. Юрагим отилиб чиқай деди. Мен сизни ўзини-ўзи...

— Аҳмоқ деб ўйладингми?! Аҳмоққа ўҳшайманми?! Битта нарсани қулогингга яхшилаб қўйиб ол, ҳаромхўрнинг қизи, сени ажал келиб олиб кетади. Хотин оламан, у билан йи-гирма-беш ўтгиз йилча майшат қилиб яшайман. Ана ундан кейин ўламан.

— У-у-у-у-у!!! — дея увилаганча йиглаб юборди Роза. — Ҳали менинг ота-онам ҳаромхўр бўлиб қолдими-и-и-и-и-и!!!

— Ҳа, ҳа, ҳа!!! — дея аёлининг ёнига ўдагайлаб келди Фаттоҳ Норқулович.

— Эсингиздан чиқдими?! Сизни амалларга миндирган, киссангизни пулга тўлдириган адам раҳматли эмасмиди?! Сизни севганимдан озмунча авайлаб-асрадимми?! Охири мана шуни олдимми?! Топганим шу бўлдими?!

Роза кафти билан юзини беркитганча зиналардан югуриб юқорига чиқиб кетди. Хонасига кирди-ю, эшикни ичидан қулфлади ва ўзини каравотга отди.

— Ўлигинг чиққур! Кўрнамак, аллақачон сенинг баҳ-рингдан ўтиб юборишим керак эди! Мен содда садоқат кўрсатай деб юрибман-а! Ҳа! Селимнинг ўртоги билан гаплашаётгандим! Унинг ишқи тушиб қолган менга! Керак бўлса, у билан ресторонда икки марта ўтирудим. Яна ўтираман! Кўзингни ўйман сен нонкўр, ношукрнинг! — дея қаранди Роза.

У қарғаётганида Фаттоҳ Норқулович пастда эди. Зинада турганди. У хотинининг овозини эшитди, бироқ нима деганини тушунмади. Шу боис жойидан қимиirlаб ҳам қўймади.

«Селим! Ҳа, худди шундай, ўша ярамаснинг иши. Босшқа кимники ҳам бўларди. Менинг кимлигимни, қанчалик мол-дунём борлигини у билади. Демак, у кимнидир ёллаган. Вой, қисталоқ. Менга күёв бўлмоқчиди-ку. Аввалиаси бўлиб ҳам улгурди. Энди нега жонимга қасд қилмоқчи бўлиб қолди?.. Бу ерда пулим оз. Узоги билан бирор юз минг чиқар. Шунга эга чиқмоқчимиди?.. Салгина мазмун бермаяпти... Тўхта, мен унга икки юз минг берасан дегандим-ку, балки шуни бермаслик мақсадида ўлдиририб юбормоқчидир?.. Уфф, у мени бир ёқли қилганидан сўнг Сабинани ҳам соғ қўймайди. Бир баҳона билан овлоқ жойга олиб боради-да, бўғиб ўлдиради!» Фаттоҳ Норқуловичнинг миясига шундай ўй келиши билан қўз ўнгида бўғилаётган, нафас ололмаётганидан бўйнининг томирлари бўртган, юзи қизарган, шаҳдо қўзлари чақчайган, сочлалири тўзғиган қизи намоён бўлди. Йиғлади.

— Эй, Худо, нима гуноҳ қилдимки, бошимга бунчалик ташвишни соласан?! Қаерга борсам, нима иш қилсам, бари таҳликали. Ҳамма мени алдашга уринади. Ҳамма менинг бошимга кулфат ёғдиради. Айт, нима қилдим?!

У нималар қилганини эсламади. Ахир қанчадан-қанча оилани қон қақшатган. Бор-будини зўравонлик билан тортиб олган. У сабаб қамалиб кетган оталарнинг нақ олтитаси қамоқда жон берди. Қийноқларга бардош беришолмади. Хотин, бола-чақаси изиллаб қолаверди. Аёллар тилларига зўр беришди. Қарғашди. Ёмон қарғашди. Бундан ташқари, корхона директорларидан озмунча пора олганмиди?.. Амакисининг ўғлига фоизга пул берганди. Нақд йигирма минг сўм. Бечора бола бир амаллаб ўша йигирма мингни қайтарди. Ҳаттоқи фоизларнинг ҳам бир қисмини берди. Аммо қолганига қарздор бўлиб қолди. Ҳозир ўша фоизлар қирқ мингдан ошиб кетган... Бу унинг қилмишининг бир қисми, холос. «Миёв-миёвлашгандлари», раққосаларни ечинтириб, рақсга туширганлари қўшимча, уларни анави ҳисобга кўшмаймиз. Хўш, буларни Фаттоҳ Норқулович эслайдими? Йўқ, эслолмайди ҳам. Чунки у ўзини доим

қордан ҳам, паҳтадан ҳам оқ санағ келган... Ҳалиям Худо шу дунёning ўзида азобини беряпти. Кам-камдан. Шунинг ўзига Фаттоҳ Норқулович чидолмаяпти. Агар, ҳақиқатан, азоб берса борми, у ҳаттоки яшолмай қолади. Иккинчи томондан, шукр қилиш керак. Чунки шу дунёning ўзида дард чекдингми, қийналдингми, нариги дунёда ўшаларнинг ҳаммаси ҳисобга олинади... Аммо, барибир, «Нима гуноҳ қилдимки, мени бунчалик азоблайсан?!» дейишдан олдин ўтган умрини кўз ўнгидан ўтказиши керакмиди?

У ётоқقا кирмади. Яна айвонга чиқди. Ҳавотир олиб ҳовлини юқоридан туриб обдан кўздан кечирди. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, ўтирволиб аламини ичкиликдан олди... Ва шу ўтиришида ухлаб қолди.

Фаттоҳ Норқулович ўйғонганида пешин бўлганди. Сабина келибди. Онаси билан гаплашаётгани эшитилиб турарди. Роза нолияпти.

— Сўнгги пайтларда адангнинг мияси айниб қолган. Ҳамма нарсани пеш қиляпти. Ҳатто ўлиб кетган бобонг бечорани ҳаромхўрга чиқариб ўтирибди. Бу туришда менинг аданг билан яашим қийин. Ажрашаман. Бугун эрталабгача ухламадим. Йиғлайверганимдан ёстиғимни хўл қилдим. Охирги қарорим шу бўлди: аданг билан бошқа яшолмайман!..

Шу заҳоти Сабина онасининг кўнглини кўтаришга тушиб кетди:

— Ойижоним ўзимнинг! Сал шу ишингизни эртароқ қилганингизда бўлармиди? Чунки ҳозир жудаям кеч-да! Ажрашиб қаерга борасиз? Тошкентга қайтмоқчи бўлсангиз, аэропорнинг ўзидаёқ қўлингизга «билакузук» тақишиди. Бу ерда бир ўзингиз сарсон-саргардон бўлиб юришингизни мен кўтаролмайман... Бундан кўра, Камронни ўйласангиз бўлармиди? Ахир у ҳам менинг жигарим, одамга ўхшаб яашини, оила қуришини кўргим келмайди, дейсизми? Мен Селим билан шу масалада ҳам гаплашдим. «Ёрдам бераман», деди. Керак бўлса, унга мос, зўр қиз топаркан. «Ўша қиз дўхтири бўлади. Бир томондан, жигаргўшангни даволайди, иккинчи томондан, хотинлик қилади. Сен эса ундан ҳавотир олмасдан, қолган умрингни роҳат-фароғатда ўтказасан», деди. Шундоқ экан, адам билан ярашинг. Кечаси уйимизга ўғри тушгани масаласини эса

ўзим кўриб чиқаман. Керак бўлса, ҳаммаёқнинг ағдар-тўнта-рини чиқараман. Топаман, ўша маразни...

Фаттоҳ Норқулович қизининг қолган гапларини эшишт-мади. Эринибгина ўрнидан турди-да, денгиз томонга қаради. Бели ва бўйни қотиб қолганини ҳис этди. «Ўх, ярамас, ёмон бўлибди-ку. Бу қиз келган экан, онаси билан валақ-лашмасдан ҳолимдан хабар олса нима қиласди? Совуқ қотибман, устимга бирор нима ташлаб қўйса, бир жойи камайиб қолармиди?! Келиб Селимдан гапиряпти. Фирт ўғри, муттаҳам, лўттизбоз-ку у. Ўзи унга сен қулоқсиз қиз-нинг берухсат тегиб олганингга қандай чидаяпман, ҳали-ҳануз тушунмайман!»

— Бир ўзинг келдингми?! — дея турган жойида бақирди
Фаттоҳ Норқулович оғриб қолган бўйини силаркан.

Нариги томондаги гала-говур шу заҳоти тинди. Фаттоҳ Норқулович денгиз ҳавосидан чуқур нафас олди-да, стол-нинг устида турган тутатқи қутиси томон кўл чўзди.

Орадан сал ўтиб Сабина пайдо бўлди.

— Ада-ж-ж-о-н, — деди ва Фаттоҳ Норқуловичнинг ювиқсиз юзидан чўлпиллатиб ўлди.

— Қачон келгандинг? — сўради Фаттоҳ Норқулович.

— Кўп бўлмади. Ойим сизнинг ухлаёттанингизни айтга-нидан кейин безовта қилмадим.

— Ҳмм. Нега келдинг?..

— Вой, бу нима деганингиз, ада?! Шунчаки ўзим. Се-лим Грецияга кетганди. Кеча ярим тунда кетди. Шунга...

— Ярим тунда. Грецияга, — деб иржайди Фаттоҳ Норқ-улович ва оғзидан бошқа сўзлар учди, — балки, менинг «зиёратим»га келгандир.

— Ада, гапингизга тушунмадим?..

— Мен ҳам эрчангнинг ярим тунда кутилмаганда Гре-цияга жўнаб кеттанини тушунмай турибман-да, она қизим, — дея кесатди Фаттоҳ Норқулович.

Сабинанинг лаби гезарди. Бурнини тортиб қўйди-да, деди:

— Ишонмайсизми? Ҳозир етиб олган бўлса қерак, те-лефон рақам бериб кетган. Кўнгироқ қиласман. Туркияда туриб, у ёқдаги телефон гўшагини кўтармас. Ундан кейин сиз кечаси уйингизга келган одамни Селим деб тусмол қиляпсизми?

— Агар Селим бўлмаганида ҳам унинг одами. Лекин мени ўйлантираётган нарса унинг нега келгани. Ҳар қалай, пул учун бўлмаса керак?! Ҳар қалай, кимгадир менинг жоним зарур бўлиб қолгандир. Ҳайронман, кўринмайдиган, ушлаш имкони йўқ бўлган бир нимани у нима қиласкин? Албатта, ҳеч нарса. Ҳеч нарса. Фақат шу жон унинг ҳаётига халақит бериб турибди.

— Ада, агар Селимнинг бошида шундай хаёл бўлса, сиз хавотир олманг, ўзим бир ёқлиқ қиласман...

* * *

Фирдавс ташқарига чиқди. Учта шапкали турибди. Уларнинг қарашидан от хуркади. Биттасининг қўлтиғида папка, иккитасининг қўли мушт бўлиб туғилган. Гүё шер улар. Бир неча лаҳзадан кейин ҳовлидагиларнинг ҳаммасини бўғизлашга шай. Фақатгина, «ов»ни кимдан бошлишни билмай туришибди.

— Келинглар, — деди Фирдавс амаллаб жилмаяркан.

— Келдик. Сен кимсан?..

— Нимайди?!

— Саволга савол билан жавоб берма...

— Мен тўйи бўлаётган, никоҳланиш арафасидаги одамман.

— Исиминг нима? Тўй-пўй мени қизиқтирмайди! — бақирди шапкалилардан биттаси.

— Кечирасиз! Ҳар қалай, бирорнинг уйида турибисизлар. Ҳар қалай, чақирилмагансизлар. Шунга кўра овозларингни баландлатмасдан гапирсанглар ҳам ҳамма эшитади. Бу ерда бирорта ҳам гаранг одам йўқ!..

— Майнабозчиликни, ақллиликни йигиштири, исмингни айт!

— Фирдавс.

Шу заҳоти шапкалилар бир-бирига қараб олишди. Папкали бўйинбогини тўғирлаган бўлди.

— Ҳа-а, гўдаётганингдан сени Фирдавс бўлса керак, деб ўйлагандик!..

— Хўп, нимага келдиларинг?

— Бўлимга борганингдан кейин билиб оласан.

— Яхши. Ўша бўлимга қачон чақирсанглар, ўшандада жон деб бораман...

— Ҳозир!

— Мен сенларга қўйманми? Юр, десанглар, олдиларингга тушиб кетадиган. Олиб кетишга бирорта асосларинг борми?

— Бор!

— Қани?..

— Борганда кўрасан.

— Аввал олиб кел ўша асосингни, кейин бораман! — деди Фирдавс жаҳл билан.

Папкали папкасини очди. Лекин у ерда бор-йўғи тўртта оппоқ қоғоздан бўлак ҳеч вақо йўқ эди. У хўжакўрсинга папкасини кўтариб олганди.

— Олиб келамиз. Унда сен тўппа-тўғри турмага кирасан.

— Фарқи йўқ менга...

— Қисқаси, сен бугун битта одамнинг уйига ўт қўйиб юборганликда айланасан, — деди шу пайтгача гапга аралашмай турган шапкалилардан биттаси.

— Кўрдингларми? Ушладиларингми? Бугун тўйим бўлаётган бўлса. Қандай қилиб миямга бироннинг уйини ёқиши келади? Бирорталаринг уйланиш кунларинг шу ишни қилганмисизлар?! — деди Фирдавс ва шу заҳоти жилмайди. — Ундан кўра уйга киринглар. Ризқ-насибаларинг бор экан, хуш келибсизлар. Мехмон бўлинглар. Сизларга кимдир «Фалончини ушланглар. Фалончи ёқсан бўлиши керак?!» деган. Сизлар келгансизлар. Лекин бу ерда тўйнинг устидан чиқиб турибсизлар. Амаки, — деб Абдувалига юзланди Фирдавс, — дарров жой қиласли!

— Бўлди, ҳозир, — деди Абдували ҳам ҳозиржавоблик билан.

— Минг бор узр, тўй ресторонда бўладиган эди. Шунга бу ерга тайёргарлик қилмагандик. Стол тайёр бўлгунича уйга кириб туринглар.

Келгувчилар шаштидан тушишди. Аслини олганда, уларнинг кўнглида ҳам биронни олиб кетиш йўқ эди. Аниқтиниқ буйруқ олишмаганди. Ёниб турганида Фирдавснинг исмини эшитишлари билан унга ташланишарди. Қўлларини орқага қайиришар, киshan тақишишар ва калласини пастта босиб машинага тиқишишарди. Тўй, бошқа нарса ҳақида эшитишни ҳам исташмасди. Рация орқали эшитишди. «Шундай-шундай, шубҳали, рўйхатдаги одамларни тутиб келтиринглар», дейишли. Шунда папкали Фирдавсни эс-

лаб қолди. «Қаҳвахонаси бор экан. Яқында шунинг олдида түполон бўлган. Бекордан-бекорга бўлмагандир?! Олиб борайлик, ҳарна, ўзимизга битта плюс бўлади», дейишди ва келишди. Ўхшамайди. Бир ерни ёқиб келган одам ўзини сира бундай тутмайди. Майли, еб-ичар бўлса, еб-ичарда.

Уларни уйга олиб киришди. Дарров олдиларига ноз-неъмат, егулик, ичкиликлардан қўйиши. Бу ёги «Сен ол, мен ол» бошланиб кетди. Қарабисизки, бир соат деганда учаласи ҳам «тайёр» бўлди.

— Агар, — деди уларнинг аҳволини кўрган Миразиз, — қунимиз шуларга ва шуларга ўхшаётганларга қолаётган экан, яхшиликдан умид ҳам қилмаса бўлади.

Чақирилмаган меҳмонлар кетганидан кейин никоҳ ўқилди. Фирдавс ўзини қушдай енгил ҳис қила бошлади. Куни кеча гарангсиб қолганди, «ўргимчак тўри» исканжасида эди. Қаерга борарини, нима қиласини билмасди. Бугун эса ҳаммаси у хоҳлагандай бўляпти. Қисман бўлса-да, Абрамдан ўч олди. Мавзунага уйланди. Энди қандайдир тўй ҳам қилиши керак. Ҳар қалай, тўрт-беш дўстини чакириб, меҳмон қилмаса уят бўлар.

— Сизлар Чилонзорга борасизлар. Уч хонали уй ҳамма жиҳозлари билан тайёр турибди. Келин-куёв бирор ҳафта бирор жойга чиқмасдан... Нима дединг? — дея ўшшайди Ёдгор.

— Нега энди? Менинг қиладиган ишларим бор. Ҳали Абрам тирик. Уни тополмадим. Токи у тирик экан, бизга тинчлик бўлмайди. Мавзуна Чилонзорга...

— Даданг билан қайнотанг буюрди. Илтимос ҳам қилмади. «Агар бизни деса, иккиси ҳам шу ёқча борсин. Бир ҳафта кўриниш беришмасин, унгача ҳаммаёқ тинчиб қолади», дейишди, — деди Ёдгор Фирдавснинг гапини бўлиб.

— Сиз нима дейсиз?..

— Энг тўғри йўл ҳам, аслида, шу. Сен ўзингта, ойнага бир қараб ол. Тўғриси, икки кунда бутунлай ўзингни олдириб қўйдинг. Бунақаси бўлмайди-да энди. Кўчани вақтингча ўзимизга қўйиб бер. Олди-орқасига қараб турамиз. Абрамдан ҳам хавотир олма. У қаерга боради, кимлар билан учрашади, ҳамма-ҳаммасидан хабар олиб турамиз. Мабодо бирор жойга «сурмоқчи» бўлса, дарров сенга етказамиз.

Фирдавс кўнди. Аслида, кўнишга мойиллиги бор эди. Мавзуна билан ёлғиз қолишини истаётганди. Гарчи унинг Мавзуна билан бирга сайр қилишига, мириқиб сухбатлашишига имкони бор эса-да, ҳали бирор марта тузукроқ гаплашолмади. Жамолини томоша қилолмади. Қиқирлаб кулишини жуда кам эшитди. Ахир бу сира инсофдан эмас. Ана тенгқурларининг нечтасини кўча-кўйда кўради. Бир чиройли қизлар билан гаплашиб юришади. Хиёбонларда ёнма-ён ўтирголишиб, алланималарнидир сўзлаб беришади. Унда бўлса, ҳали у ёқ ёниб кетган, ҳали бу ёқда биттасини биттаси урган. Кимдир кимнидир пулини тортиб олган ва ҳоказо, ҳоказо. Қизиқ томони, бу бош оғриқларнинг бари келиб у билан боғланаверади...

Үй Алгоритмда дейишса, тўгрироқ бўларкан. Етти-саккизта тўрт қаватли уйларнинг ўртасида экан. Учинчи қаватда. Ўзиям ҳамма шароити бор...

Фирдавс ошхонага кириб чой қўйди ҳамда энди стулга ўтирган эди ҳамки, Мавзуна оппоқ ҳарир рўмол ёпиниб кириб келди ва келинсалом қила бошлади. Эгнида атлас қўйлак... Фирдавс беихтиёр ўрнидан турди.

— Кў-ўп яшанг, кў-ўп яшанг. Кўшганингиз билан қўша қаринг. Ували-жували бўлинг. Серфарзанд, сердавлат бўлинг...

Фирдавс гапини охиригача етказолмади. Чунки Мавзуна пиқ-пиқ йиглай бошлаган эди.

— Сенга нима бўлди? — деди Фирдавс қизнинг ёнига келиб.

— ...

— Менга турмушга чиққанингдан норозимисан?

— Йўқ!

— Нега унда йиглаяпсан?

— Билмадим. Билмадим...

— Бундан бу ёғига ҳамиша биргамиз. Ҳеч қачон сени ёлғизлатиб қўймайман.

— Ишонаман! Лекин энг чиройли, энг баҳтли куним шунаقا зерикарли, таҳликали бўлади, деб сира ўйламагандим. Ҳеч курса, Моҳинага келинсалом қилмоқчи эдим, дадажонга келинсалом қилмоқчи эдим. Тўйхонанинг тўрида оппоқ кийимда сиз билан ёнма-ён ўтирмоқчи эдим. Лекин орзуларимнинг бирортаси ҳам рўёбга чиқмади. Бизни

шаҳарнинг бир чеккасига худди кераксиз одамлардай келтириб ташлашди. Мана, энди икковимиз мана шу ката-лакдай уйда ўтирибмиз. Уй каталакдай, лекин шу ҳам бизга кенглик қиляпти.

Фирдавс қизни қучди.

— Мен сени баҳтли қилишга вайда бераман. Ширин, чиройли қунларимизнинг бари олдинда. Ўзи ҳозир ҳаммаёқ остин-устун бўлиб ётибди...

— Нега бунчалик тезлатиб юбордингиз? Бир кунда нижатни айтиш, ўша куннинг ўзидаёқ унаштирув ва никоҳ... Одам нафас олишга ҳам улгурмади.

— Ҳаммасига анави чол сабабчи...

— Қайси?..

— Мен эрталаб машинасига миниб келган чол-да! У шундай гапларни гапирдики, этим жимирилаб кетди. Ўзимни айборд ҳис эта бошладим. Биласанми, гарчи сени севсамда, қўлингни ушлашга ҳақим йўқ экан. Сабаби, номаҳрамсан. Ҳаттоки ёлғиз қолишимиз ҳам катта гуноҳ саналаркан... Мен сени гуноҳга ботиришни истамайман. Аммо жудаям гаплашгим келади. Холи қолиб. Бир ўзинг билан. Чунки учинчи одамнинг ёнимизда бўлиши тилимни «қулфлаб» қўяди... Хуллас, чол гапирарди-ю, мен сени эслардим. Ўзим гуноҳга ботганим етмагандай ўша ботқоққа сени ҳам тортибман. Кейин бирдан «Бугуноқ Мавзунага ўйланаман!» дедим ўзимга-ўзим. Мана, қара, ўжарлигим фойда бериб турибди. Тўй бўлади. Зўр тўй. Икковимиз столларни безатамиз. Тасаввур қиляпсанми? Келин билан қуёв столларнинг устига нарсаларни қўйишяпти. Зўр-ку! Мен видео айтаман.

— Видео? Нима у?

— Иккаламизнинг тўйимизни кинога олади-да...

— Шошманг, қорнингиз очқамадими? — деди Мавзуна Фирдавснинг гапини бўлиб.

Фирдавснинг юзида табассум пайдо бўлди. У секингина Мавзунанинг бошидаги рўмолни олди. Келинчак бўянганди. Шугинага ултурганди. Жудаям очилган. Ўзи шундоқ ҳам чиройли эди. Пардоз қилгач янайм, янайм гўзаллашиб кетганди. Фирдавснинг кўзи чақнади. Бу сафар Мавзуна ўзини олиб қочмади. Балки, унинг ўзи шуни тусаётганди...

Орадан нақ икки соат ўтгандан кейинги Мавзуна овқатга уннади. Унинг юзи қизарган, бирор сўз айта олмас,

боши эгик ва шу ҳолида қозонни кавларди. Фирдавс ундан қўзини узмас, завқи ошарди.

— Ундай қараманг, йўқса, овқатни ўзингиз қиласиз, — деди Мавзуна паст овозда.

— Иложим йўқ. Гавҳардай, йўқ, олмосдай товланяпсанки, қўзимни ололмаяпман...

— Бошқа хонага киринг, телевизор кўринг. Мен овқат тайёр бўлганида чақираман.

— Биргаликда тайёрлайлик овқатни?

— Уяляпман...

Мавзуна Фирдавснинг бағрида қўзини юмди.

* * *

На Баракнинг ва на Абрамнинг бир туки қилт этди. Улар гўёки ҳеч нарса бўлмагандай ёнма-ён юриб кўчага чиқишиди. Ҳатто дарвозахонада чўзилиб ётганларга бирров қараб ҳам кўйишмади. «Тур, кўчага ютур, бу ерда ётсанг, куйиб ўласан», дейишмади. Бирортасининг қўлидан ушлаб ўрнидан туришига, олов исканжасидан қутулишига ёрдам беришмади. Шунчаки ташқарига чиқишиди-да, қарийб бара-варига орқаларига ўгирилишди.

— Абрам, бу уй сенга қанчага тушганди? — дея сўради Барак ўта хотиржамлик билан.

— Ўттиз минг...

— Тилла-пиллоларингдан келтирмаганмидинг?

— Эсинг жойидами?..

— Ўттиз мингингни уч юз минг қилиб қайтариб олишингга ишонаман...

— Паст кетма! Уч миллиондан кам бўлса, ёқсан одамнинг ҳам, унинг атрофидагиларнинг ҳам, керак бўлса, шунга шароит яратиб берганларнинг ҳам уругини қолдирмайман, — деди Абрам йўл четига ўтаркан.

Бу пайтда иккита тиши синган, бурни қонаган Владик оғзини рўмолчаси билан беркитганча қуюқ тутун орасидан чиқиб келди. Ҳамда энгашиб бир неча марта йўталди. Шунда унинг димогига йигилиб қолган қоп-қора шишимшиқ ерга тушди.

— Ўлганлар борми? — сўради ундан Абрам жуда паст овозда.

— Ҳозирча йўқ. Лекин...

— Нимага қараб турибсан? Бор, олиб чиқ, ҳаммасини!

Бирортаси ўлиб, жазодан қутулиб қолмасин! Ютур! — деди Абрам.

Ана шу маҳал узоқдан «Вию-вию», дея шитоб билан келаётган ўт ўчирувчилар машинасининг овози эшитилди.

— Ана, келишяпти! Керак бўлса, ўзлари қутқариб олишади. Хўш, юр, кетдик. Бизнигига борамиз. Мен сени шунақангидан лаззатли суюқлик билан сийлайки, манави ёнгинни бутунлай эсингдан чиқариб юбор, — деб Барак дўстига қаради.

— Ҳа, тўғри айтасан. Аммо, барибир, эсимдан чиқармайман. Хотиржамлик учун эса сеникига боришим керак. Лекин сен қисталоқ мендан пул ундираман, деб ўйлама.

— Бе-е, кўнглинг хотиржам бўлаверсин, — деб Барак қўлини орқасига қилди.

Улар кетишли. Анча масофагача пиёда кетишли. Агар орқаларидан Арслон машинада келиб қолмаганида яна кетаверишарди. Қизиқ томони, икки ошна умуман ёнгин ва Фирдавс ҳақида гаплашмасди. Бироқ ҳар иккисининг ҳам миясини ундан қандай қилиб ўч олиш ва унинг уруғаймогини қуритиш ҳамда таниш-билиш, ошна-оғайниларини бир умрга қарздор қилиш масаласини ўйлашаётганди...

— Қайси гўрда эдинг? — дея сўради Абрам машинага ўтирганидан кейин Арслондан.

— Чарчоқ ёздига кетаётгандим. Ҳали кўп узоқлашмагандим. Кўп чой ичиб юборган эканман. Тўхтаб орқага қарасам, ҳавога бурсиқиб қоп-қора тутун кўтариляпти. Биз томонда... Кўнглимга шубҳа оралади ва дарров машинани орқага бурдим.

— Буни қара-я, Фирдавс шунча ишни қилибди. Уйни ёқибди. Лекин сен баччагар уйдан узоқлашиб кетишга ултурмабсан. А? Нима дединг? Шунчалик ҳам имиллаб юрдингми? — дея кесатди Абрам.

— Хўжайин, бу ёғини билмасам! Мен бўлган воқеани айтдим, холос.

— Бўпти, тезроқ ҳайди!

Абрам Баракнинг таклифи билан нақ ўн икки кун дам олди. Ҳеч нимани ўйламасликка ҳаракат қилди. Еди, ичди, ётди. Икки марта тоқقا чиқиб келди. Биринчисида Хонзо-

да билан. Иккинчисига москвалик қыз ҳамроҳлик қилди. Дўстлари жўнатишибди. Ольга экан исми. «Жудаям чарчаган, асаблари толиққан, инсонтерапия ишларини бажариб кел», дейишибди. Абрам ҳеч кимга ҳеч қанақа хабар жўнатмаганди. Унинг ўрнига дўсти Барак ишлабди. «Танишибилишларга айтдим. Уларнинг гапига қараганда, сени жуда яхши танишаркан. Ҳа, ҳа, танишаркан. Кўпдан-кўп ютуқларингни эшитишиб, роса хурсанд бўлишди. Кейин уларнинг ўзлари таклиф беришди. «Бизда шундай бир чарчоқ оладиган борки, ундан кейин киши ўн саккиз ёшли бўлиб қолади», дейишиди. Сени жуда яхши биламан. Ёшлигиндан. Илгари ҳали оёқ-кўлинг бақувватлигида бирор кунинги ҳам «куруқ» ўтказмасдинг. Ўйлайманки, ҳозир ҳам чаккимассан».

Баракнинг ҳамма гапи рост бўлиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам, дам олгач Абрамнинг мияси тиниқ ишлай бошлади. Бўлмаса, кимсан Абрам қаёқдаги Фирдавс деган ёш болага ютқазиб юрармиди? Мана, энди бошқатдан бу Фирдавсни «элак»дан ўтказади.

— Арслонни олиб келинглар, — деди Абрам сўнгти куни, — ярамас қаёққа йўқолиб қолди?..

Гарчи Баракнинг уйига ҳамма егулик-ичгуликларни Абрамнинг йигитлари келтиришаётган эса-да ва яна чироқ, ижара пуллари ортиги билан тўланган эса-да, Баракнинг уларни ёқтирмаётгани шундоққина кўриниб турарди.

— Мен ҳам Исроилга кўчиб кетишни мўлжаллаб юрибман. Эртароқ, ҳамма эшикларнинг очиқлигига кетиб олмасам, кейин қийналиб қолишим мумкин, — дерди у ҳар икки гапнинг бирида.

Унинг мақсади нима эканини Абрам жуда яхши тушунса-да, индамасди. Гапни бошқа томонга бурарди. Хусусан, Баракнинг ташаббуси билан Москвадан келган сариқ-оқ аралаш ўттиз ёшдаги Ольганинг нақадар устамонлигини кўп тилга оларди. «Эҳтимол, мен ҳам Москвага кетсаммикин, балки ўша ёқда қолган умримни тинчлиқда, хотиржамлиқда ўтказарман!» деб тутун ютарди. Ҳа, у сўнгти кунларда ҳаддан зиёд чекаётганди. Негадир шунақа бўлиб қолди. «Бошида нега оқсоқлик қилдим? Бутун бошли ўттиз минг сўмдан ажралдим-а», дея хаёл қилди ва чекди. Энди илгаридан чекишини қанда қилмасди, бу сафар доналар ора-

лигини яқинлаштириб юборди. Аста-секин бирининг орқасидан иккинчисини «улаб» юборадиган одат чиқарди. Барак унинг асабийлаштганини дарров сезганди. Аммо ўзини билмасликка олди. Чунки Абрамнинг меросхўри йўқ деб ўйларди. Энг яқин дўсти эса Барак. Шундоқ экан, молмulkning бари унга қолади. Бунаقا пайтда Абрам қанчалик тез ўлса, шунчалик яхши. «Яхдий яхудийга дўст эмасми?» дерсиз. Йўқ, уларнинг дўсти бўлмайди. Ҳатто ота-онасини ҳам дўст ҳисоблашмайди. Бари вақтинча. Бари ўткиничи. Бари фойда келиб тургунича.

Арслон ўзининг эски йигитлари билан бирга келди. Абрам эътибор берди, Арслоннинг атрофидагилар анча-мунча семириб қолишибди. Бу уларнинг ишламай еб ётганлигидан далолат беради. «Ярамас, ҳаромхўр, текинхўрлар!» дея қўнглидан ўтказди Абрам.

— Арслон, ёниб кетган уй сенга, ундан кейин бошқа ҳамма корхоналар ва бозорларни, шунингдек, вокзалларни ҳам топшираман. Кўшимчасига йигитларни бераман.

Абрам шундай деб Арслоннинг юзига тикилди. Ўзгариш дарров содир бўлди. Арслон қувонганини юзи илжайганча ошкор этди.

— Лекин, хўжайн...

— Шошма, — деб Арслоннинг гапини бўлди Абрам, — гапимни охиригача етказиб олай. Албатта, бераётган иномларим сенга мойдай ёққанини биламан. Бироқ ҳеч нима шунчаки берилмайди сенга. Ҳатто сенинг кўлингга тутқазаётган игнамнинг ҳам нархи бор. Кўп сўрамайман, борйиги бир миллион долларлик тилла...

Арслоннинг бирдан капалаги учиб кетди. Ранги оқарди.

— Мен шунча тиллани қаердан топиб бераман? — деди у.

— Бунга қара, Барак, қаердан топиб бераманмиш?! Ярамас, хумпар, ахир мен сенга шунча нарсани беряпман-ку. Қолаверса, атрофингда итваччаларинг аккиллашиб юришибди. Буни қара, — дея ўрнидан турди Абрам ва Жавлонни кўрсатди, — сап-сарик, кўзи кўм-кўк. Шу ҳолига қоринча ҳам қўйган. Бунинг лақабини сен «Хамир» деганимидинг? Аммо жуда тўгри топгансан. Чунки хамирнинг суяги бўлмайди. Яна араблар ароқни хамир дейишади. Нонга ишлатиладиган хамирга ҳам, спиртли ичимликка ҳам мос тушади бунинг.

Жавлон безовталанди. Қизарыб бошини эгди. Арслон менсимиғина Жавлонга қараб қўйди-да:

— Яхшилаб семиришини кутяпман, кейин сўйиб юбораман. Сизнинг рухсатингиз билан бўрибосар ит боқмоқчиман. Унга мана шу Хамирга ўҳшаганларни сўйиб, гўшти ни бераман, — деди.

— Хўш, шартларимга розимисан? — дея кўзини қисганча Арслонга қаради Абрам.

— Ҳаммаси ўзингизда қолаверсин, мен «йигим-терим»-ни топшириб юравераман. Шу баҳонада ҳисбот ҳам оласиз.

Абрам Баракка қаради-да:

— Менинг дўстгинам, қани айт-чи, ўзимизниларга ўҳшайдими-йўқми? — деди.

— Баъзи бир жиҳатларида ўҳшашликлар учраб туриди. Сўзларида демоқчиман, — дея жавоб берди Барак.

— Эртага саҳарда Фирдавснинг устига бостириб борасизлар. Ернинг тагидан бўлса ҳам унинг «ини»ни топинглар. Қиймаланган ҳолда келтиринглар менинг олдимга! — дея амр қилди Абрам Арслонга.

Арслон қўлини қўксига қўйиб, хиёл бошини эгди-да:

— Ҳўп бўлади, — деб орқача юриб, хонадан чиқиб кетди.

Барак қарсак чаларкан:

— Ҳақиқий ҳоқонсан. Табриклайман! — деди.

— Битта нарсани билиб қўйишингни истайман. Арслон менинг ўслим!..

Абрам шундай дейиши билан Барак жиддий тортди ва қошлирини чимириб:

— Қанақасига? — дея сўради.

Абрам жавоб беришдан олдин «тортди», сўнг лабининг атрофини кафтининг орқаси билан артди ва оромкурсига ястаниб ўтирганча, тутатқуни лаблари орқасига қистириб, шошилмасдан Хонзода билан танишиб қолганини ва бошқа ишларни гапириб берди. У сўзлагани сайин Баракнинг умидлари чиппакка чиқаётганга ўҳшаб бораверди. Ахир Арслон тайёр меросхўр экан-ку! Бунақада Абрамнинг мулки унга тегмай қолади-ку!..

— Наҳотки, — деди Барак Абрам ҳикоясини тугаттанидан сўнг, — мен бехабар қолган бўлсам?! Яхши эмас. Ле-

кин ёнингда олиб юрган экансан, демак, тарбияси ёмон бўлмайди. Аммо мени ажаблантиргани, нега энди уни Буҳоро услубига ўтказмадинг?

— Билмадим. Ҳозир сен айтганингдан кейингина эсимга тушди. Ҳақсан...

— Энди-чи?..

— Энди кеч бўлди, шекилли?!

— Барибир, салгина ул-бул нарсани ўргатгин-да масжидга чиқар. Ҳар хил иғволарни тарқатсан.

— Кўйсанг-чи. Бунинг учун сенинг билан менинг умримиз етмайди. Қолаверса, ҳазрат бор. Бир лаҳзада фитнамиз ошкор бўлади. У бизни шарманда қиласди. Бунга сира шубҳам йўқ. Қизиқ, нега бизниклар ҳалигача ҳазратга ҳужум қилишмаяпти? Ахир у бор экан, бизнинг ҳамма хатти-ҳараратларимиз ҳавога учиб кетади-ку!

— Сабр.

— Қанча? Лекин кетма-кет менга буйруқ бериляпти...

— Тўғри. Яқинда ўша ҳазратингнинг ўзи тумшуғидан илинади. Унинг ноиб бўлишига, бир нечта масжидларнинг очилишига сабабчи бўлганига ва яна атрофида шогирдларининг кўплигига ҳозирча чидағ турдимиз. Эшитишимга қараганда, унга текинга бир самолёт китоб берилаётганмиш. Гап-сўзларга қараганда, ҳазрат ҳам текин тарқатармиш. Фақат келтирилиш харажатига тўлов бор экан. Ана шуниси биз учун айни муддао. «Пуллади. Чўнтагини қаппайтирди!» деймиз. Қарабсанки, ҳазратингнинг устида қора булутлар тўпланади. Чақмоқ чақиб, шунақангি жала қуядики, ҳазратингни қайсиdir кўлда кўрасан. Салласи бир ёқда, калиши бошқа ёқда.

— У жудаям билимли...

— Йўқ, мен сенинг гапингга қўшилмайман. У билимлидан ҳам кўра, ақёлироқ. Билимлини бошқарса бўлади. Аммо ақёлинини жуда қийин. Балки, у сенинг суробингни тўғрилаб қўйиши ва бошқариши мумкин. Гарчи Громикога қўшилиб, бир неча ўнлаб жигаргўшаларимиз СССРни бошқаришган ва ўз измларидаги тутиб туришган эса-да, ҳазратнинг чет элга чиқиб кетишига ва ўқишига йўл қўйиб беришган. Аслида, мақсад умуман бошқа эди. Бироқ у биз кутганимиздан-да ақёлироқ чиқиб қолди. Ўзинг ўйлаб кўр, қайси мулла бориб кимсан Горбачёвдан масжидлар қурили-

шига рухсат олиб кела олади... Эшитганимда, бутун аъзои баданим бижирлаб кетди. Музладим. Громука, Сусловларни ниҳоятда аҳмоқ одамлар эканликларини тушуниб етдим.

— Қайғурма, Барак. Биз, барибир, ютиб чиқамиз. Эҳтимол, ҳазратнинг четда ўқигани қайсиdir томондан яхшидир?! Бизга қўшимча имкониятлар эшигини очиб берар?!

— Абрам, сенинг ақлинингга нимадир соя солиб қўйибди. Йўқ, ҳаммаси жойида. Шунчаки, жудаям чарчагансан. Мен бу ҳақда яна хориждаги ҳамтовоқларимизга хабар бераман. Минг марта айтаман. Бир одамнинг елкасига бунчалик оғир юкни юклаб бўлмайди. Майли, уруғдошларимиздан қайсиdir оила бутун дунёнинг пулини чиқарап, яна қайсиdir бири нефтни бошқарап, лекин бу Абрамни эзиш, тинкасини қуритиш дегани эмас-ку?! Хуллас, менинг қадрдомим, сенга ўн икки кунлик таътил камлик қилди. Ўзим Европага жўнашингга ёрдам бераман. Ана... Кечирасан, майли, ўғлингдир-ку, аммо бизникиларга зиғирча ҳам яқин келмайди. Уни гўдаклигига қўлингта олишинг керак эди. Хуллас, унга ҳамма нарсани топширгин-да, жўна. Тўплаган пулларингни Америка банкларига қўйсанг, отнинг калласидай фоиз беришади. Ўшаларни еб-ётаверасан. Дарвоқе, ўғлингга ўзимизнилардан битта келин топ. Иложи бўлса, шу бугун ва уларни қовуштири. Шу бир куннинг ўзида келинингнинг қорнида набиранг пайдо бўлсин. Ана уни меросхўр қилсанг, ярашади. Яна «Ўзиникига тортяпти», демагин-у, аммо менинг яхши битта жияним бор. Ўзи Тошкентда тугилган, лекин ҳозир Симферополда яшайди. Ўн саккизга кирди. Агар хоҳласанг, буғуноқ қўнгироқ қилиб чақираман. Ими-жимида тўйини ўтказамиз. Эртага ҳали кўзга ҳам кўринмайдиган набиранг тайёр.

— Сен эса ўта кетган айёrsan! Барак, айёrsan. Аммо нима қилайки, ҳақсан.

Баракнинг бирдан юзи ёриши. Бироқ дарров яна тунд қиёфага кириб олди. Чунки хурсандлигини Абрамга сездирмаслиги керак-да.

Абрам кўзини юмди ва ўзини орқага ташлади. Барак эса ўрнидан турди. Кейин кулганча:

— Дўстим, мен битта қўй буютириб қўйганман. Ҳойнаҳой, сўйиб бўлишгандир, юр, бу ерда сиқилиб ўтиргунча, ўз қўлимиз билан кабоб тайёрлаймиз, — деди.

Абрам бир хаёл «Қайси пулингга қўйни сотиб олдинг?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, яна индамади.

Улар Барак айтгандай, ўзлари кабоб пиширишди десангиз адашасиз. Йигитлари қилишди бу ишни. Улар эса қўра ёнида ўтиришди. «Ўчоқ бошида ейиш бошқача», дейишди ва ейиш билан бирга ичишди ҳам.

Владик келди ва хўжайнининг қулогига бир нималар деб пичирлади. Абрамнинг шу заҳоти юзи ёришди. У дарпров ўрнидан туриб, қаддини фоз тутди.

— Албатта, — деди унинг қўринишидан бирорта хушхабар келтирганини тахмин қилган Барак, — иккимиз ҳам байрам қиласмиш.

— Худди шундай, — деб Абрам бояги жойига ўтирида, ошнаси томонга бироз энгашди, — катталар ҳазратга ҳужум қилишни бошлишибди.

* * *

Ўлмаснинг ўлдирилишидан кейин Арслон бутунлай ўзгарди. Аввал ҳам у бировга ишонмай қўйганди. Энди эса ўша ишончсизлик янайам ошиб кетди. Ахир қандайдир шафқат бўлиши керак эди-ку. Нега энди Арслоннинг хоҳиши, фикри инобатга олинмади. Олдинига Ўлмаснинг ўлдиришни унинг зиммасига юклашди. Орқа-энлик қиласётганди, ўзлари тинчтиб қўя қолишибди. Бу Арслоннинг битта қаноти кесилди дегани. Бундан чиқди, навбат уники.

У ўша ёнгин бўлган куни уйида эди. Аввалига онаси билан гаплашибди.

— Менга ростини айтинг... Энг ёмон, паст нарсани айтсангиз ҳам хафа бўлмайман. Чунки расволарнинг-расвоси тўгрисида эшитдим, кўрдим. Сиздан илтимос қиласман, яширманг. Нега Абрам «Мени ҳамиша кечиради», дейди? Бу биринчиси, нега доим ёрдам беради?

Хонзода бундай саволни умуман кутмаганди. У эри Хурсанд Хидирович шубҳаланмай қўйгач «Бўлди, ҳаммаси ортда қолди. Энди биров Арслоннинг ҳақиқий отаси ким эканини суриштирмайди», деб ўйлаб юрарди. Йўқ, мана, Арслоннинг ўзи бу ҳақда қизиқиб сўраяпти.

— Балки, унинг ўзидан сўрарсан, — деди Хонзода ўғлига жавобан.

— Ўзидан?.. Ўзи менга бирор нимани айтади, деб ўйлай-сизми? У туллакнинг туллаги, у ҳаттоқи отасига ҳам ях-

шилик құлмайдиган одам. Кейин мени қизиқтиргани қанақа қилиб оддийгина этикдүз шу даражага эришди?

— Чунки у яхудий. Саволларингнинг ҳаммасига жавоб шу.

— Нега ёрдам берәтганига ҳамми?

— Билмадим...

— Тўғрисини айтинг. Ёшлигимда менга одамлар «Бу бола сира отасига ўхшамайди», деб айтишганини кўп эшитганман. Нега?

Хонзоданинг эти жимиirlаб кетди. У шартта ошхонага кирди-да, ош пичоқни олиб чиқиб, ўғлининг олдида ташлади. Кейин:

— Мана шуни олгин-да, мени сўйиб ташла, — деди.

— Нега?..

— Чунки отангга айтмаган гапимни сенга айтишга мажбур қиляпсан. Сен, аслида, Абрамнинг ўғлисан!

— Нима?!

Арслоннинг кўзи олайди. Пешонасида тер пайдо бўлди.

— Отанг ландовур эди, ундан бола бўлмасди. Лекин бойлиги жудаям кўп эди. У ниманини ушласа, тиллага айланарди. Агар сен туғилмасанг, мени ҳайдаб юбормоқчи эди... Шунда Абрам пайдо бўлди. Энди нима қилишни ўзинг биласан!

— Бундан чиқди, менда ҳам яхудийнинг қони бор эканда. Бундан чиқди, мен ҳам оддий одам эмасканман-да. Зўрку?! Мен сизни сира айбламайман, қайтанга хурсандман. Агар Лида кимгадир турмушга чиқса-ю, тугса, бундан чиқди ўша бола менини бўлади. Шундайми?

— Билмайман! Юрагимни қон қилиб юбординг! Мен энди яшашни истамайман! Тўйиб кетдим ҳаммасидан! Сени ақлли, дунёни сўрайдиганлардан бўлади деб ўйлагандим. Аммо кўча боши бўлиб чиқдинг!

— Ҳе, — дея иржайди Арслон, — бунинг сира ажабланадиган жойи йўқ, чунки ҳақиқий отам кўча бошлигидан минг чандон ортиқ. Кўчанинг катталарини бошқарайпти. Қаерда ифво, гурбат, зўравонлик, одам ўлдириш бўлса, албатта, унинг иштироки бор. У худди шайтонга ўхшайди, осонлик билан одамларнинг орасини бузади. «Бирорни бирор ўлдириди», деса шунақанги хурсанд бўладики, кўриб ёқа ушлайсиз. Лекин яқинда, куни кеча менинг энг яқин

дүстимни ўлдирди. Шунчаки ўлдирмади, калласини олди! Фақатгина олса майли эди. Лекин менга танасиз бошни күрсатди. Тасавур қиляпсизми?! Мен Ўлмасга суянардим. У мен учун жонини беришга тайёр эди. Аммо Абрам ўлдирди. Кичкинагина хатоси учун ўлдирди!

— Бу ҳам сенинг фойдангта бўлса керак?! У сенга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. Агар Абрам сени ҳимоясига олмаганида, балки, ҳозир мен билан гаплашиб ўтиргмаган бўлардинг?!

— Ойи, бўлди. Тамом! Онамсиз, шунинг учун ҳам сизга кўл кўтаролмайман. Аммо менга айтганингизни бошқа ҳеч кимга айтманг. Бирор эшитмасин. Мен бош кўтаролмай қоламан. Кўчада обрўм тўклилади. Абрам эса қилган гуноҳи учун товон тўлайди. Ё ўлади, ёки бор-будуни менга топширади. Ҳозир унинг бойлиги ҳар қачонгидан ҳам кўп. Битта оёғига тушов бўлиб турган одам Фирдавс. Ундан кейин яна кимдир. Ҳазрат дейишяпти. Мен ҳазратни ҳеч қачон кўрмаганман. Абрамнинг гапига қараганда, унинг энг катта душмани, аслида, ўша эмиш. Бизнесига халақит берётганмиш.

— Қанақа бизнес? — дея пешонасини тириштириб сўради Хонзода.

— Курол сотиши керак. Бунинг учун ҳамма ёқда ур-калтак-сур-калтак бўлиши керак. Айтайлик, сиз қўшнингизни ўлдиришингиз, нариги қўшнингиз ундан наригисини отиб ташлаши керак. Ва сизлар ишлатган қуроллар Абрамники бўлиши керак. Абрамдан сотиб олган бўлишларингиз керак. Яна сиз ва бошқалар унга қарздор бўлишларингиз керак. Бу қарзнинг охири бўлмаслиги керак. Ҳаттоқи Абрам ўлиб кетса ҳам унинг номига пул тўлашингиз керак. Қаерга, қанча, бунинг фарқи йўқ. Керак бўлса, гўрига, ҳар хил тиканлар ўсиб ётган қабрига. Гўшти аллақачон ирибчириб кетган бўлади, шундай бўлса ҳам гўрни очиб, пулни тиллага айлантириб лаҳадни очиб, суюкларнинг устига ўша тиллаларни ташлашингиз керак. Нафақат ташлайсиз, кейин қўриқлаб ҳам ётасиз. Кимдан қўриқлайман, дейсизми? Бошқалардан қўриқлайсиз! Ана мени ҳам яхудийсан дедингиз, бундан чиқди, мендан ҳам эҳтиёт бўлишингиз керак. Чунки ўлгудай очофатман, ҳеч қачон тўймайман!

— Арслон, бақиришинг, бир балоларни гапиришинг мени тентак қилиб қўйди. Жон болам, раҳминг келсин.

Ҳозир ўзимнинг ўлгим келиб турибди! Илтимос, қийнама мени!

Арслон шартта ўрнидан турди-да, ташқарига чиқди ва алам билан лаблари орасига тутатқи қистириб тутатди. Тутунни ютар экан, дарвозахонада машина ичидә ўтирган Саъдуллани чақирди:

— Ҳароми, бу ёқقا кел!

Саъдулла иржайди. Илгари уни худди шундай деб кўп чақиришган ва у ҳамиша иржайған. Чунки жуссаси кичкина. Яна юраги ҳам кичкина. Демак, кимдир уни сўкса, ҳақорат қилса, дарров иржайиб-тиржайиши керак. Шундагина унга тегинишмайди. Тегинишса ҳам узоги билан юзига бир шапалоқ тушириши мумкин. Аммо шунга қарамасдан ҳақорат унинг бир жой-бир жойларига тегиб кетади.

У эшикни очди-ю, машинадан тушиб, Арслоннинг ёнига югуриб борди.

— Менга қара, ичим ёниб кетяпти! Муаммолар эзидашлади, нима қилсан бўлади? — дея сўради Арслон ундан.

— Йўли осон, биттани олиб, мен билан бирга шартта ўртасидан бўласан, ҳаммаси эсингдан чиқади-қўяди.

— Фойдаси йўқ. Баттар бўламан. Лекин гапингда жон бор. Сен шу ерда тур, мен ҳозир.

Арслон ичкарига кириб кетди ва дарров кўлида Саъдулла айтган нарса билан қайтиб чиқди.

— Сен билан бўлишмайман. Яххиси, мен ичиб ўтираман, сен қартангни суз. Қимор ўйнаймиз, мени алдашга ҳаракат қил. Кўрқма, алдаганинг учун сенга бирор нима қилмайман. Қайтанга хурсанд бўламан.

— Хўп, — деди Саъдулла ва машина томонга югуриб кетди. Бориб уловнинг кичкина юхонасидан қарталарини олди ва қайтиб келди.

Бунгача Арслон оёқларини чалиштирганча ерга ўтириб олганди. Шишани очган ва анча-мунча ичиб қўйган эди.

Саъдулла ҳам худди шундай қилиб унинг рўпарасига ўтириб олди-да, қарталарни ерга ташлай бошлади.

— Манавиниси қизил, буниси ҳам қизил, буниси эса қора, қорани топасиз, ютасиз. Фақат пулинин берасиз! — дея иржайди Саъдулла.

— Вой, қисталог-эй, — деб Арслон чүнтагидан битта «ленин калла»ни чиқарди-да, ўзи қора деб ўйлаган қартанинг устига ташлади, — мана шуниси меники. Ўн сўмим йигирма бўлади.

Саъдулла шу заҳоти устига пул тушган қартани очди. Қизил.

— Вой, онангнинг боласи, боягина қора эди-ку! Сен ит бир бало қилганга ўхшайсан. Энди майдлашмаймиз, — деди Арслон ва бу сафар бир даста пул чиқазди чүнтагидан.

— Ана, энди ҳақиқий ўйин бўлади, — дея Саъдулла кафтларини бир-бирига уриб ишқалади ва чаққонлик билан қарталарини ерга ташлай бошлади. — Бу қизил, буниси ҳам қизил, яхшилаб қаранг, кейингиси, мана, кўрсатиб ташляяпман, қора, қора!

Арслон қартани очди. Қизил! Унинг мияси қизий бошлади ва кутилмаганда хаёлига даҳшатли ўй келди. «Ҳаромиманми? Ким мени ҳароми қилган?! Биринчи навбатда ойим... Ўлдираман! Ойимни ўлдираман!..»

— Топдингиз! — дея ҳайқирганча Арслоннинг ўйини бўлди Саъдулла. — Топдингиз!

— Жуда тўғри айтдинг, мен ўзимни қийнаётган саволга жавоб топдим. Сен ёрдам бердинг! Энди манавиндан ич! — деб Арслон шишани Саъдуллага узатди.

* * *

Осоишта ўн икки кун. Дастрекки беш-олти кун қандай ўтганини Фирдавс сезмай ҳам қолди. Бироқ кейинги кунларда зерикди. Тўрт деворнинг орасида ўтиравериш тинкасини курита бошлади. Бир-икки марта ташқарига чиққанди, дарров йигитлари ёнига келишди. «Хўжайн, ҳали сизга чиқиши мумкин эмас, Абрамнинг одамлари итдай изгиб юришибди. Ҳеч қурса, бир ой хотиржам яшашга мутлақо ҳақингиз бор», дейишиди. Фирдавснинг энсаси қотди. Бироқ лом-мим демади. Уйига қайтди. Шунда ҳам Мавзуна қовоғини осилтирди. Айтди: «Софиндим. Юрагим така-пука бўлиб роса кутдим. Бошига бунаقا қилманг». Фирдавс кулади. «Одамлар ҳаттоки боячага борадиган болаларидан ҳам бунчалик хавотир олишмайди», деди. «Кошки эди, сиз ҳам бояч боласи бўлсангиз, сиз улардан ҳам баттар қаровга муҳтоҗсиз!» «Йўқ, жа, унчаликмас. Лекин маза қилдим. Чунки бирор мени бунаقا тергамаган, мендан бунчалик

хавотир олмаган-да. Тўгри, хавотир олишарди... Аммо унга эркаланиш, севиш аралашмаганди!»

Мавзуна уялди. Юзи қизарди. Бошини эгди ва бунинг эвазига Фирдавсдан бўса қабул қилди.

Бунаقا ўтириш эр кишига умуман тўгри келмаслигини Фирдавс жуда яхши билгани учун орадан яна беш кун ўткашиб, Абдували амакисини чақирди.

— Кўчада нима гап? — деда сўради.

— Айтсан, ишонмайсан, ҳамма ёқ худди сув қўйгандай жим-жит. Фақат кундузи. Лекин қуёш ботиши билан худди кўршапалакдай «кўча»дагилар потирлашиб пайдо бўлади. Оёқ босишига жой қолмади ҳисоб. Ҳамма зўравон, ҳамма «разборчи», инсоф деган нарса қоронгиликка сингиб кетгандай худди. Улар дуч келган одамни уришади. Дуч келган одамнинг чўнтағидаги бор пулини тортиб олишади. Агар пули бўлмаса, кийимини ечиб олишади...

— Сиз буларнинг ҳаммасига индамай қараб турибсизми? — деди Фирдавс унинг гапини бўлиб.

— Битта-иккитасини, ана борки, ўнтасини тўхтатармиз, лекин ҳаммасини...

— Тўхтанг, бунақаси кетмайди. Шуларга ҳам кимдир бошчилик қилаётгандир?! Йўл-йўриқ кўрсатаётгандир?!

— Балки? Чунки имкониятимиз камроқда бизнинг. Биз Абрамнинг одамлари билан оворамиз.

— Унинг ўзи кўриниш бердими?

— Йўқ. Қайсиdir инига кириб кетган. Боя айтганингдай айнан Абрамнинг ўзи сувни лойқалаётгандир?

— Тушунарли. Амаки, мен бу ерда, — деб Фирдавс се-кин эшик томонга қараб қўйди-да, гапини давом этказди, — керагидан ортиқ ўтириб қолдим. Ўзиям роса бўшащдим. Бу туришда занглаб, ҳеч вақоға ярамай қоламан. Бугуноқ кўчага чиқиб, бир айланиб келаман.

— Сен ҳақингда бир-биридан даҳшатли гаплар юрибди. Эшитишмга қараганда, Абрам бутун бошли ҳарбий бўлинмани чақиртирибди. Четдан. Баъзилари умуман рус тилини билишмайди. Ҳатто африкаликлар ҳам бор эмиш. Ёдгор кўрибди. Шундай экан, сени ҳозирги алғов-далғов замонда асрамасак, йўқотиб қўйишимиз мумкин...

— Мен қандайдир нарса эмасманки, бой бериладиган. Пешонамга нима ёзилган бўлса, ўшани кўраман. Минг

марта тақдирдан қочишига уриндим. Аммо эплолмадим. Кейин бир жойга биқиниб олганимдан кимга нима наф?

— Яна битта муаммо бор...

— Нима экан?!

— Ҳазратта ҳужум бошланибди. Ҳар қадамини пойлаб юришибди. Кеча әшитдим, масжидни қандайдир мулла-ваччалар ўраб олишибди.

Фирдавснинг бирдан кўзи каттарди. Эти жимиirlади. Абдували эса гапини давом этказди:

— Қаёқдаги бўлмагур гаплар билан сўкишибди. Бечора роса қора терга ботиб чиқиб кетганмиш. Бундан ҳам баттари ҳазратнинг бўйнига китоб сотганлиги айби қўйилаётганмиш...

— Қанақа китоб?..

— Билмайман...

— Тамом, мен ҳозироқ ҳазратнинг ёнига бораман. Дунёга келиб, ҳеч бўлмаганда биттагина савоб иш қиласай, — деб Фирдавс ўрнидан турди.

Эшикдан чиқаётганида Мавзуна унга савол назари билан қаради. Бироқ жавоб ололмади.

Ҳазрат Фирдавс келганида китоб мутолааси билан ма-шгул эди. Айни чогда ёзарди. Кўп ёзганидан бармоқлари-нинг ораси қавариб кетганди. Бироқ ўзи сезмасди. Ўқишга ва ёзишига шунчалик берилиб кетганники, бутун дунёни унутганди. Ўғли кириб бир йигит сўраётганини айтганида, «Кирсин», деди-ю, шу заҳоти яна машгулотига берилди.

Фирдавс олдин эшикни тақиллатди. Сўнгра кириб, салом берди. Ҳазрат бошини кўтариб унга қаради. Фирдавс ҳазратнинг юзидағи табассумни кўриб, әшитганларига шубҳаланди. «Мумкин эмас, одам бошида шунча ташвиши бўла туриб, бундай жилмаёлмайди. Қолаверса, унинг олдида қарийб саккизта китоб очиқ ҳолида турибди. Ўзи эса бир нарсаларни берилиб ёзяпти!»

— Халақит бермадимми? — сўради Фирдавс.

— Асло, бир қур нафас ростламоқчи бўлиб тургандим. Яхши келиб қолдингиз. Одамнинг кўнгли яхши суҳбатдошли тусаб турганида сиздай йигитнинг пайдо бўлиши айни муддао, — дея ҳазрат ўрнидан турди.

Шу ондаёқ Фирдавсни ҳазратнинг салобати босиб, ҳаяжонлана бошлади.

— Қани, ўтириңг, — деб ҳазрат күрпачадан жой күрсатди.

Озгина сўрашиш ва дуодан сўнг ҳазрат Фирдавснинг ишлари тўғрисида сўради. Фирдавс бирдан «очилди». Ўзи турмуши тўғрисида бирор нима демоқчи эмасди. Қайтана, «Эшитишинг қараганда, босган изингизни пойлаб юрганлар бор экан. Бундан бу ёғига ёнингизда бўламан», демоқчи эди. Қаёқда, ўхшамади. Ҳазрат эса унинг ҳар бир сўзига дикқат билан қулоқ солди. Ора-чора қалин қошлири чимирилар ва тобора нур сочиб турган юзини жиддийлик эгалларди.

— Фитна. Бунинг боши жуда узоқларга бориб тақалади. Халифа Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ана шундай фитналарнинг қурбони бўлган. Хўш, шундай улуғ алломага қарши фитна уюштиришга кимнинг ҳадди сифди? Яхудийларнинг Каттасининг исми Абдуллоҳ ибн Сабо. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч бир таъсир ўтказолмаган. Ўтказолмасди ҳам. Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхуларга ҳам қарши ҳеч бир иш қилолмаган. Аммо учинчи халифага нисбатан унинг фитнаси, макр-ҳийласи ўтган. Ҳозир сиз айтган Абрам ҳам ўша фитначининг авлодларидан бўлса, не ажаб?! Жуда эҳтиёткор бўлмоғингиз даркор. Улар фирибнинг одамнинг тушига ҳам кирмайдиган йўлларини топишади. Подшоларни ҳам таъсирлари остига олиш уларнинг кўлидан келади... Водийда қанча одамнинг ёстиғи куриди. Бошқа жойларда қанчадан-қанча уруш ўчоқлари очилди. Бари ўзидан-ўзи бўлди дейсизми, асло. Шайтоннинг ҳаммаси очиқ душман. Улар ўта мослашувчан бўлишади. Айтайлик, бизнинг юртда ёшаётган бўлишса, исм-шарифини бизнигида ўхшатиб қўйишади. Баъзилари бошига дўппи ҳам қўндиришадики, кўрсангиз ўзбек дейсиз, — деди ҳазрат.

— Шунчалик экан, улардан қандай қилиб ҳимояланамиз?

— Зикрни кўпайтириңг. Намозни тўхтатманг. Вақтида ўқингт. Мабодо қазолари бўлса, ўқиб олинг. Кечаси кўпроқ ўқинг. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд урушида жуда кўп жойларидан жароҳатланадилар, аммо шунга қарамасдан намозларни ўқиганлар. Ваҳоланки, Аллоҳнинг элчисига жаннат кафолати берилган. Сизга иккинчи бир

мисол, Мұхаммад Мұстафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бир марта узоқ сафардан қайтаётиб, йўлда дам олиш учун тўхтаганларида Али розияллоҳу пайғамбаримизнинг тиззалирига бошларини қўйиб, ухлаб қоладилар. Ва қуёш ботганидан кейин уйғонадилар. Ҳамда Али розияллоҳу анхудан «Аср намозини ўқидингми?» дея сўрайдилар. Амакисининг ўғли, «Сизни уйғотиб қўйишдан чўчиб ўқимадим», деб жавоб берадилар. Шунда пайғамбаримиз дуо қиладилар, қуёш изига қайтади. Али розияллоҳу анху намозларини ўқиб бўлганларидан сўнг яна ботади. Кўрдингизми намознинг аҳамиятини. Энди ўзимизга бир савол бериб кўрайлик. Нима халақит беряпти намоз ўқишига? Ўша нарса арзийдими намозни тўхтатишга? Ҳатто қуёш намоз сабаб ортига қайтган бўлса, сиз билан биз қандай бир арзирли баҳона топамизки, энг керакли амални четга суриб, ўша билан шуғуллансанак.

Фирдавс бутунлай «музлаб» қолганди. У намоз ўқиши нима эканини билади. Бироқ ҳалигача бир марта бўлсин боши саждага тегмади. Зикрни эса ёдига ҳам олгани йўқ. «Бугундан қолдирмайман! Бораман-у, ўқийман. Тўхта, қандай ўқишини билмайман-ку. Ҳазратдан сўрайман, бирорта шогирдини берсин... Лекин қандай қилиб намозни билмайман дейман», дея кўнглидан ўтказди.

— Биродар, менинг битта шогирдим вилоятдан келган, агар имкони бўлса, бирорта ижарага уй бўлса, — деди унга қараб турган ҳазрат.

У Фирдавснинг кўнглидан нима ўтаётганлигини ўқиб тургандай эди гуё. Бу Фирдавс учун айни муддао-ку. Уй? Ундан кўпи бормикин?

— Ҳозирнинг ўзидаёқ менга кўшсангиз, жойлаштираман. Бекор турган уйларимиз бор бир-иккита. Ижара ҳақининг кераги йўқ. Қайтанга, битта уй эгали бўлиб туради, — деди Фирдавс қувончдан кўзи порлаб.

— Яхши...

— Ҳазрат, мен Абрам ва унинг ҳамтовоқларидан шунчаки кутулиб кетолмайман. У менга зиён етказганидай мен ҳам унинг анча-мунча оромини буздим. Шунга...

— Оилани ҳимоя қилиш эр кишининг бурчи. Юртни ҳимоя қилиш улкан савоб иш. Шунга қараб хуласа қилинг.

— Хўп. Унда мен борай. Кўриб турибман, ишларингиз жудаям қўп.

Ҳазрат шу заҳоти дуога қўл очди. У Фирдавснинг эрта-роқ кетиши учун шундай қилмади. Балки, бирор кетишига изн сўрадими, дарров рухсат бериш керак, деган ақидасига содик қолди.

Ҳазратнинг шогирди шаҳарнинг марказидаги уйлардан бирига жойлашди. Унинг кийим-кечакларидан китоблари кўпроқ эди. Фирдавс у билан бирга бормади. Ярим йўлда машинадан тушиб қолиб, уйига равона бўлди. Мавзунага айтдики, «Энди бу уйда яшамаймиз, Моҳина, дадам билан бирга яшаймиз, ҳаммаси жонга тегди. Айтмоқчи бўлганим, кимданdir хавфсираб, яқинларимиздан узоқлашиб кун кечириш одамни қийнаб юбораркан, нарсаларингни йигиштири, уйдагилар Юнусободга кўчишибди. Аслини олганда, кўчиб юравериш уларнинг ҳам жонига тегиб кетган бўлса керак?! Яна битта янгилик, даданг билан аянг бундан бу ёғига бизга қўшни. Менимча, ҳозирги шароитимизда шундай бўлгани яхши. Ундан кейин сен иккита оиласа хизмат қиласан. Иккинчи қаватга тушасан, даданг билан аянгнинг ош-овқатини қиласан, учинчига кўтариласан, яна ош-овқат, қалай ёқдими?»

Мавзуна эрига ишониб-ишонмай термилиб турди. Бир томондан олиб қарагандга бу жудаям яхши. Лекин иккинчи томони, у худди турмушга чиқмагандай бўлиб қолади. Ўзи шундоқ ҳам тўй кўрмади. Аяси бозорма-бозор югуриб, унга сарпо-сурук қилмади, эрталаб ҳаммадан олдин уйғонган Мавзуна қайнота-қайнинглисига келин салом қилмади. Уларга чой дамлаб узатмади. Яна аяси билан дадаси қўшни. Ҳар куни уларнинг уйига киради... Келинчакнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. У оғир ютинди. Фирдавс қучганида эса йиглаб юборди...

— Ҳар доимидан ҳам ҳозир бошқача шиддаткорман. Ўз-үзидан бутун танамга қувват оқиб киряпти. Мен сенга баҳтли қиламан деб, ваъда бердимми, демак, гапимнинг устидан чиқаман. Ишқилиб, Худо мени ёлғончи қилиб қўймасин. У ёғига бошқа нарса сўрама, хўпми? Ўзинг ақллисан-ку, ўзинг фаросатлисан-ку, тўгрими?

— Лекин, — деди Мавзуна бирдан Фирдавснинг қучоғидан чиқиб, — сизни йўқотиб қўйишдан қўрқаман. Тўгрисини айтяпман сизга. Устимдан кулманг фақат...

— Жиннивой, нега йўқотар экансан? Мен йўқолиб қола-

диганлар хилидан эмасман. Энди бўлди, вақтни ўтказмайлик, эртароқ кетайлик. Вақт шунчалик зиққи...

— Душманларингиз бу ерда эканлигингизни билиб қолишдими?

— Йўқ. Мен бир одам билан учрашдим. Зўр одам. Унақаси камдан-кам учрайди. Шунинг айтганини қилишим кепрак. Лекин ҳозир кўз тегиб қолмаслиги учун унинг менга нима деганини ва мен нима иш қилмоқчилигимни айтмайман. Сен ҳам сўрамайсан, келишдикми?

Мавзуна кулди ва тезда кўз ёшини артди-да:

— Ҳозир тегади. Ҳозир сизни ағдариб ташлайди! Ҳозир ёнимдан қўмирлолмай қоласиз! — деди.

Иккиси ҳам кулишди.

Уларнинг юки бор-йўғи икки жомадон бўлди. Булар, асосан, кийим-кечаклар эди. «Қолганини ўzlари олиб бошиб беришади», деди Фирдавс.

Ҳазратнинг шогирди Абдураҳим Фирдавснинг бунчалик илмга ўчлигини, хотирасининг зўрлигини кутмаган экан. Фирдавснинг икки соат ичидаги таҳорат олишдан тортиб тўрт ракат намозни тўқис адо этганини кўриб, чапак чалиб юборди. «Агар мана шу тезликда ўрганиб борсангиз, мени ортда қолдирасиз», деди. Фирдавс ҳам ўзида йўқ хурсанд эди. «Бир йўла араб алифбосини ҳам ўргатинг, мен кўпроқ билишни хоҳлайман. Лекин ҳозир мақтовингизга лойиқ эмасман. Чунки шунча умримни бой бераб бўлганман», деди унга жавобан.

— Ҳечдан кўра, мана олдинга қадам ташладингиз. Энди бу ёғига тўхтатмасангиз, ҳали айтганимдай, унча-мунчадан ўтиб кетасиз, — дея Фирдавснинг елкасига қоқди Абдураҳим.

— Энди гап бундай, ошна, бозорга борамиз. Яхшилаб бозорлик қилиб келамиз. Кейин ўзим сизга қўлбола ош дамлаб бераман...

— Мен...

— Гапимни бўлмай туринг, менинг ошпаз, деган касбим ҳам бор. Керак бўлса, мен тайёрлаган овқатни ейман, деб қанчадан-қанча одам навбат кутиб турган. Ўзимни мақтамоқчимасман, аслида ҳам шундай. Иккинчи томони, Алишер Навоий «Тўғри йўлда, яъни Ҳақ — Аллоҳнинг йўлида сенга ҳарф ўргатса, сен унга юз тилло бериб

ҳам узолмайсан», деган экан. Қолаверса, қарасам, иккала-
миз қарийб тенгдошмиз. Ош устида бошқа масалаларни
ҳам гаплашиб оламиз, — деди Фирдавс ўжарлик билан.

Абдураҳим күнди. Чунки Фирдавснинг не чоғлик қай-
сарлигини билиб бўлган эди...

Улар бозорда юрганида иккита «кўча»нинг одам ортла-
ридан тушганлигини сезди. Уларнинг бири озгин, иккин-
чиси хўппа семиз эди. Бунақалар Фирдавс учун бир лаҳзалик.
Аммо Абдураҳимнинг кўз ўнгидаги уларнинг суробини
тўғирлаб кўёлмайди. Бироқ айни чогда уларнинг ортлари-
дан пойлаб юришига, керак бўлса, изма-из Абдураҳимга
беришган уйгача кузатишларига йўл кўёлмайди. Сабаби,
ўша-ўша.

— Сиз, — деди бозорлик қилиб бўлганларидан кейин
Фирдавс Абдураҳимга, — таксида бораверасиз, мен шун-
дай битта ишимни битираман-у, орқангиздан етиб ола-
ман.

— Майли, — деб мийигида кулди Абдураҳим.

У Фирдавснинг кутилмагандаги бундай гапни айтганидан
ҳайрон бўлганди. Лекин начора...

Абдураҳим таксига ўтириб, жўнаб кетиши билан Фир-
давс ортига бурилди. Пойлоқчиларни кўрди. Улар бирор
йигирма қадам нарида эди. Иккиси ҳам бошқа бир такси-
ни тўхтатганди. У югурди. Пойлоқчилар шошиб қолишиди.
Бирдан машинага ўтиришга ҳаракат қила бошлашди. Ўти-
ришди ҳам. Аммо такси жойидан қимиirlашга улгурмади.
Фирдавс машинанинг олдини тўсиб чиқди. Сўнг ҳайдовчи
томонга ўтиб, эшикни очди.

— Ҳа! — деди бирдан кўзлари олазарак бўлган ҳайдовчи.

— Нима гап?! Эсинг жойидами сен боланинг?!

— Менини жойида, — деб Фирдавс тезлик билан ка-
литни олиб кўйди-да, гапининг давомини айтди, — аммо
манави иккита шоввозники жойида эмас!

У орқа ўриндиқдагиларни кўрсатган эди. Бечораларнинг
ранги докадай оқарган, нима қилишларини билмай ўти-
ришарди.

— Қани тушинглар! — деди Фирдавс орқа эшикни очиб.

— Нимага? Сен кимсан? Нега биз тушарканмиз? — деди
семиз пойлоқчи.

— Нимагалигини айтаман-да, туш, тез бўл, йўқса, так-
сини ушлаб турганинг учун ҳам пул тўлайсан!

Қилтириқ пойлоқчи құлт этиб ютінди. Унинг овозини ҳайдовчи ҳам әшитиб, секин ортига ўғирилиб қаради-да:
— Ўгрими булар? — деди.

— Топдингиз, акам, топдингиз, булар ҳақиқий ўғрилар. Ўгри бўлганда ҳам унча-мунчаси эмас, пихини ёрган ашаддийларидан! Туш тез иккалант ҳам!

Аввал семиз, кейин озғин пойлоқчи машинадан тушди. Улар Фирдавсни жуда яхши танишади. У ҳақда бир-биридан ваҳимали гапларни кўпдан-кўп әшитишган. Бундан чиқди, энди осонлик билан кутулишнинг иложи қолмаган ҳисоб... Қочиш деярли имконсиз нарса. Қилтириқ нарироққача бориши мумкин. Аммо семиз икки қадам ҳам узоқлашолмайди. Ўзи ҳозирнинг ўзидаёқ ҳансирашни бошлиб юборган у.

— Агар, — деди Фирдавс уларга янада яқинроқ бориб, — сўраган нарсаларимга рост жавоб берсанглар, чин эр-как сўзим, чертмайман ҳам. Аммо алдашга уринсанглар, уйларингга соғ етиб олишларингга кафолат бермайман. Балки, кимлардир кўтариб олиб боришар, латта-путтага ўраб, уйдаям узоқ турмайсизлар ёғоч отга миндиришадида, кўплашиб кўтаришиб, энг охирги борадиган жойларингга етказиб кўйишади.

Пойлоқчиларнинг юраги адойи-тамом бўлди. Семизнинг пешонасида маржондай-маржондай тер кўриниши берди. Қилтириқни эса йўтал тутди. Бежизга эмас, у ашаддий қашанда, бир кунда уч қутини тугатмаса, ўша кун яшамаган ҳисоблайди ўзини.

— Нега орқамдан юрибсизлар?

— Йўқ, биз ўзимиз шундай бозор айланиб...

Семиз гапини охирлатмай, Фирдавс унинг осилиб турган қорнидан гижимлади:

— Огоҳлантиридим-а!

Семизнинг афти бужмайди.

— Ҳалиги ўзимиз...

Бу сафар Фирдавс оғиз очган қилтириқнинг билагидан ушлаган ва қисганди. Унинг ингичка-ингичка иккита суюги бир-бирига яқинлашди. Агар Фирдавс сиқиши давом этказса, синиши ойдай равшан бўлиб қолди.

— Бу ерда ўхшамайдиганга ўхшайди. Чунки сизлар одамлар, айниқса, хотин-халажнинг кўз ўнгига ўкириб йиф-

ламайсизлар. Эркаксизлар-да! Кимсан фалончи билан фистончи. Мана шу бозорда «иш» қиласынган. Агар ҳозир шарманда бүлсанглар, бирор сизларни бир тиийнга олмай күяди. У ёқда окахонларинг, соқقا кутиб турибди сенлардан. Йўқ десанглар, азобни давом этказаман.

Юзи қизариб-бўзарган пойлоқчиларнинг ҳар иккиси ҳам қарийб бараварига бошини қимирилатиб, Фирдавснинг гапини тасдиқлади.

— Ана сал-пал ўзларингта келдинглар. Энди айт, иккoving ҳам, ўлай агар гапларингни бошқага етказмайман. Унақа одатим йўқ.

— Эллик минг, — деди қилтириқ семиз «полвон»га қараб қўйиб, — «Ким Фирдавсни кўриб қолса, қаерга кетганини аниқ айтса, эллик минг мукофоти бор!» дейишганди.

— Оббо, хумпарлар-эй, дарров бой бўлиб қолишни хоҳлабисизлар-да. Энди ўша пулни мен бераман сизларга. Менга аниқ кимнинг оғзидан шу гап чиққанини айтасизлар.

— Ака, — деди семиз йигламоқдан бери бўлиб, — икковимизниям ўлдириб юборишади. Менинг битта болам бор. Шеригимнинг қари отаси билан онаси. Раҳм қилинг.

— Раҳм? Лекин сенлар мени ўйламадинглар-ку. Шунинам оиласи бордир, демадинглар-ку?! Пулни эшитишиларинг билан бирдан қидиришга тушдинглар.

— Биз қидирмадик. Кўриб қолдик. Кейин шайтон йўлдан урди.

Фирдавс уларни қўйиб юборди.

— Бўйти, гапларингга ишондим. Лекин айтиб қўяй, иккинчи марта осонлик билан қутулмайсанлар.

Такси кетмаганди. Ҳайдовчи ур калтак-сур калтакларни томоша қилишни хуш кўрадиганлар хилидан эди. Яна чойхонага бориб, кўрганларини оқизмай-томизмай оғайниларига сўзлаб бериш ҳам унинг жони-дили эди. Айниқса, ҳозирги даврда. Шунинг учун Фирдавснинг ҳар битта гапини эшитиб қолиш учун қулогини динг қилди. Боягина фўдайган, олдиндаги таксини кўрсатиб «Ана шу машинанинг орқасидан изма-из юрасиз», деб турган иккита «шо-ввоз»нинг бечорагина бўлиб туришганини, башараларининг буришиб-тиришганлигини хотирасига «михлаб» қўйиш учун киприк қокмай тикилди... «Томоша» у кутгандай бўлмади ва Фирдавс унинг ёнига келди-да, калитини берди.

— Мени обориб құясиз әнди.
— Бемалол, bemalol, ўзи мана шу жипириқтарнинг ту-
рқи менга ёқмаганди, қани ўтилинг, — деб ҳайдовчи ён
томонидаги эшикни очди.

Фирдавсга унинг сизлаши ёқмади. Чунки ҳайдовчининг
гаплари бирам бачканга туолдик, ҳатто газабини қўзғат-
ди.

Пойлоқчилар қутулганларига шукр қилиб, елкаларини
қисишиб, Фирдавснинг жўнаб кетишини кутишди. Машина
жойидан қўзғалганида эса ҳар иккиси баробарига чукур
нафас олди.

— Кабан, — деди қилтириқ, — сал бўлмаса, икковимиз
онамизни кўрардик. Кўрдингми кучини?!

— Қорнимнинг терисини шилиб олай, деди. Кўзимдан
ўт чақнади. Агар сен итвачча, орқасидан тушамиз, демага-
нингда шу азоб йўқ эди бизга.

— Аввал ўзинг кўрсатдинг-ку. «Ана, Фирдавс. Омадимиз
келди. Шефдан қуртдай қилиб эллик минг санаб оламиз»,
деган сенмасмидинг?

— Лекин мен изма-из юрайлик, демадим-ку?!

— Нима фарқи бор?

— Ўпка, — деб қорнини силади семиз пойлоқчи, —
юр, қутулганимизни ювамиз. Шефнинг «соқقا»сини те-
риб бўлдик. Ўзимизникини эртага йигаверамиз.

— Мен ҳам сенга шуни айтмоқчийдим...

— Ювиш шартмас, ўzlари бутунлай чўмилтириб қўйи-
шади!

Дагал овоз бирдан иккисининг ҳам юрагини ўйнатиб
юборди. Икковиям жуда секинлик билан ортига бурилди.
Шу бурилишда «Шунчаки бизга эшитилди. Бўлиши мум-
кин эмас!» деб ўйлади. Бироқ бўлиши мумкин экан. Улар-
нинг қаршисида бурни тириқ, совуқ бащарасини чўтири-
босган, иккала қошини ҳам песлик оқартирган, овози да-
галдан-дагал ҳўқиздай Фармон турарди.

— Оначаларингни мана шу ерда турганларингда кўриш-
ни хоҳлайсизларми? — деди у хунук тиржайиб.

— Шеф, биз битта одамни кўриб қолгандик. Сиз айтган
анави оти нимайди, Фирдавс, шунга ўшаркан, ўшами-
кин деб тургандик, — деди бақалоқ ҳозиржавоблик билан.

— Ў-ӯ, тилинг бор экан-ку, Фирдавснинг олдида икко-

винг ҳам соқовга ўхшаб қолғандинг-ку, дарров тилларинг чиқиб қолдими? Бўлди, тушундим, ҳечқиси йўқ. Раз соқовмисанлар, демак, мен сенларни соқовга айлантираман. Кейин қулоқларингни ҳам тешаман. Стоянкага қўяман, келган машиналардан пул олиб турасанлар. Бундан олдин орзуларингта етишишларингта ёрдам бераман. Қани олдимга туш, борадиган жойни яхши биласанлар, — деб барзанги чўнтағидан тутатқи чиқарди.

У оддий тутатқи чиқармади. «Ўрайдиган» тутатқи чиқарди ва ичидаги қуритилиб, эзилган баргларни секин ерга тўқа бошлади. Бунинг маъноси даҳшат эдики, пойлоқчилар дарров англаб етишди... Уларга сўнгти истакларини бажаришга имкон беришади. Истак ҳаммада бир хил бўлади. Яъни бир шишадан шайтон суви ва бир кўтаришда шиша бўшаши керак. Кейин эса «жаллод» ишга киришади...

* * *

Фирдавс узоқлаб кетмади. Машина қайсиdir бекатга яқинроқ келганидан кейин ҳайдовчидан уловни тўхтатишни сўради. Кейин шоша-пиша керагидан ортиқроқ пул бериб машинадан чақонлик билан тушди-да, ортига юрди. Нанафакат юрди, қарийб юкурди. Шошгани сайин унинг юрак уриши тезлашиб кетаверди. Кўнгли бир ноҳушликни сезиб турибди. Агар вақтида етиб бормаса, кимнингдир уволига қолиши мумкин. Тўғри, унинг айби бўлмайди. Аммо, барабири, хоҳла у ёғидан олиб қара, хоҳла бу ёғидан, у сабабчи. Унинг юраги шундай деб турибди.

Фирдавс ўзи tengi икки йигитга туртилиб кетди. Йигитлар рўпарасидан гаплашиб келаётганди. Масофа озгини қолганида бир-биридан озроқ узоқлашишди. Фирдавс ораларидан ўтиб кетмоқчи бўлганида эса яна яқинлашишди ва у ҳар икки йигитнинг елкасига елкаси билан урилди. Йигитлар шу заҳоти тўхташди ва кетиш асносида узр сўраған Фирдавсга:

— Ҳой, кўзми бу ё пўстакнинг тешигими?! — дея бақиришди.

Фирдавс бирдан тўхтаб ортига ўгирилди-да:

— Кечирасизлар, билмасдан урилиб кетдим, дедим-ку, — деди уларга жавобан.

— Ия, бўлдими?! Битта кечирим сўраш билан иш битиб кетаверадими?! — деб пўписа қилди улардан бири.

— Хўп, яна нима қилиб берай, елкаларингни силаб қўйами? — деди тоқатсизлангаётган Фирдавс.

— Эшитдингми?! Бизнинг елкамизни силаб қўяркан. Ундан кўра ўзининг жагини силаб қўймаймизми, ундан кейин юришни ўрганиб оларди, — деди йигитлардан бири шеригига.

Фирдавснинг қони қайнади. Илло, унинг вақти жудаям тигиз эди. Ҳар лаҳза фанимат. Агар булар билан яна бироз тортишиб турса, бошқа жойда фожия юз бериши мумкин.

У икки ҳатлашда «туртилгувчилар»нинг ёнида пайдо бўлди ва ҳар икковининг ҳам билагидан ушлаб қаттиқ қисаркан:

— Ҳақоратларингта индамадим, яна «сасиб» вақтимни оляпсизлар! Яхшиликча кетасанларми ё бошқачаси керакми?! — деди.

— Вой, вой, окажон! Биз билмабмиз, минг бор узр, ёмон оғрияпти, окажоним! — дея ўкириб юборди улардан бири.

Иккинчиси эса шунчаки тиззалаб ўтириб қолди-да, афтини буриштирганча осмонга қаради.

Фирдавс уларни қўйиб юборди ва кафтини бир-бирига уриб қоқсан киши бўлди-да, йўлида давом этди. Йигитлар эса йигламоқдан бери бўлишиб, ичидা Фирдавсни ҳақорат қилишди. Чунки овоз чиқазишга қўрқишиди. «Кўринишидан кичкина, нимжонгинага ўхшайди-ку, лекин чайирнинг чайири экан», дейишиди.

Фирдавс эса югурди. Чунки йўқотилган вақтнинг ўрнини қоплаши керак эди.

* * *

Шефнинг боши қотди. Бирори қилтириқ, иккинчиси семиз. Лекин икковининг ҳам иши «тоза». Шу пайтгача кунлик режани вақтида бажариб келган. Шундай ёрдамчиларни... «Йўқ, «ҳақ»ларини олиши керак. Бошқаларга кўрсатман. Агар биттангнинг оёғинг қийшайса, мана шуларнинг куни бошларингга тушади, дейман», дея хаёлидан ўтказаркан, бирор кузатмаётганмикин, деган ўйда икки ёни ва ортига қаради-ю, кутилмагандан кўзи Фирдавсга тушди. У шитоб билан яқинлашиб келаётганди. «Ўлдирали!» дея бирдан хаёлидан ўтказди ва қочди. Олдинда кетаётган иккита «шўртумшуқ»нинг ёнидан «учиб» ўтиб кетди. Қилтириқ билан семиз бирдан тўхтади.

— Қаерга кетди? — деди қылтириқ.

Семиз унга жавобан елкасини қисиб қўйди ва у ҳам ортига бурилди-ю, тушунди. Шу заҳоти унинг ичига шодлик кирди. Ўпкаси тўлиб, кўзига ёш қалқиди.

— Ўпка, Худо деган одам экансан, биз қутулдик, — деди ярим йиги овозда.

Фирдавс уларнинг ёнига келди. Иккисига ҳам бошдан-оёқ қараб чиқди-да:

— Сизларни дабдурустдан кўргим келиб қолди. Боя турқтароватларингга эътибор бермаган эканман. Яхшилаб қараб олай, кейинги сафар кечирмаганимда қаерларингдан бошлаб азоб беришни билишим керак, — деди.

— Фирдавс, укагинам, майли, сен нима қилсанг қила-вер, сенда инсоф борлиги кўриниб турибди. Ҳозир ростманасига қутқардинг. Агар келиб қолмаганингда Морда расвомизни чиқараарди, — дэя қылтириқ бошини қашлади.

— Ким у Морда? — деб сўради Фирдавс ўзини гўлликка солиб.

— Сен учун эллик минг бераман, деган шеф-да!

— Биламан, — деди семиз қылтириққа қараб қўйиб, — кимдир юз минг ваъда қилган. Лекин у эллик мингини ўзига олиб қолади-да, ярмини бизга беради.

— Бир тийин ҳам бермайди, мен уни жуда яхши биламан, — деди қылтириқ.

— Бўпти унда, — деб Фирдавс кўнгли хотиржам бўлганидан яна келган томонига кетаётганди, «пойлоқчилар» ортидан эргашди.

— Фирдавс! Фирдавс! — деди семиз ҳансираганча нафас оларкан. — Менинг исмим Аббос, шеригимники Шерали. Илтимос сендан, бизни ўзинг билан бирга олиб кет! Шайкаларингга қўш!

Фирдавснинг бирдан эти жимиirlади.

— Нима дединг? — деди у ортига ўтирилиб. — Шайкала-ринг дедингми?

— Ҳалиги... энди сен ҳам катта одамсан. Ҳар қалай, ёлгиз юрмайсан...

— Менинг атрофимда бирорта одамни кўряпсанми? — дэя сўради Фирдавс Аббоснинг гапини бўлиб.

— Йўқ, энди барибир-да... Эшитганмизда, лекин нима

бўлгандаям бизни ўзинг билан олиб кет. Ишни эпломаганимиз учун иккимизни ҳам ўлдириб юборишади. Шунчаки ўлдиришмайди, аввал азоблашади, кейин чавақлашади. Сўнгра Ўрикзорнинг нариги томонидаги каналга ташлаб юборишади. Бўйнимизга тош боғлашади. Шунда ҳеч қачон танамиз сув юзасига чиқмайди. Ҳеч ким бизни тополмайди. Дунё ағдар-тўнтар бўлгунича сув остида ётамиз. Раҳминг келсин, Фирдавс. Ана, шеф сени кўриши билан қуён бўлиб қолди.

— Нега менинг ёнимда қутулиб қоламиз, деб ўйляп-сизлар?

— Отам айтган, «Кимдан қўрқсанг, шунинг ёнига ютур», деб.

— Мендан эмас, шефингдан қўрқасан-ку?!

— Тўтри, лекин у ҳам сендан қўрқади-да! Унинг ёнига юурсам, мени ўлдиради. Сенинг ёнингда юрсам, қўлинин теккизолмайди.

— Хўш?!

— Бу аферистлик эмас. Жонни сақлаб қолиш учун ҳарарат. Агар бошим омон бўлса, қолгани бир гап бўлар.

Фирдавс индамади. Секин-аста кета бошлади. Пойлоқчилар ҳам унга эргашди. Бирор ўн қадамдан сўнг Фирдавс тўхтаб ортига бурилди-да:

— Нега келяпсизлар? — деб сўради.

— Шернинг орқасидан эргашяпмиз. Шер ов қиласди, биз унинг овига шерик бўламиз, чунки шоқоллармиз, — деди Аббос.

— Ҳов, шоқол, ҳозир юрма ортимдан! Қачон қаерга келишинингни кейинроқ айтаман!

— Айтгунингча бизни асфаласофилинга жўнатишади. Керакми шу сенга? Иккита тирик юрган жон сен сабаб ўлиб кетиши шартми? Унда Худонинг олдида қандай жавоб берасан?! Мен, масалан, вақти келганда ҳақимни талаб қилиб, туриб оламан. Агар шу одам ёрдам берганида, мен итдай ўлиб кетмасдим, оилам хонавайрон бўлмасди, жавоб берсин, дейман.

Фирдавс қулди:

— Бу ёги қизиқ бўлди-ку. Ҳе йўқ-бе йўқ мени айбор қилиб қўйдингми? Биринчидан, сенга ўғирлик қил деганим йўқ, кўчага чиқиб бирорнинг башарасини бузиб қўй,

демадим, қалтис йўлга бошламадим. Шунчаки ортимдан пойлаб юрганингни қўриб, ўзимни ҳимоя қилдим. Ҳўш, шунинг учун дъявогар бўляпсанми?

— Иккита бечора олдингта ёрдам сўраб келиб турибди. Сен бўлсанг, ёрдам беришни хоҳламаяпсан, тўгрими?

— Калламни қотирма, сен ногирон, бечора эмассанки ёрдам берсам. Шавлани ўзинг пиширдингми, энди ўзинг е. Агар орқамдан соядай эргашадиган бўлсанг, Морда қилмаган ишни қиласман.

— Сен инсофсиз эмассан. Қайтиб келмаганингда ҳам бўларди. Аммо бизга ёрдам бериш учун қайтдинг.

— Жонимга тегдинг-ку! Гапимни эшиш! Ҳар куни худди мана шу жойга соат ўн икки билан учнинг орасида кела-сан. Агар фикрим ўзгариб қолса, балки олиб кетарман. Унгача Мордадан қандай сақланасан, ўзинг биласан. Тамом!..

* * *

— Йў-ў-ў-қ, — дея кутилмагандага бирдан бақириб юборди Арслон, — менинг қўлим бормайди! Мен қилолмайман бу ишни!

Саъдулла ҳайрон бўлди. Айни чогда чўчиғанча унга тикилди.

— Қартани йигиштири, ўрнингдан тур! — дея Арслон Саъдулланинг ёқасидан ушлаб кўтарди. — Айт, мен ўз онамнинг қотили бўлишим мумкинми?! Шу иш менинг қўлимдан келадими?! Гапир, итнинг боласи?!

Саъдулланинг бирдан юраги ўйнади, ранги докадай оқарди. Қора одамнинг оқаргани фалати бўлар экан.

— Йў-ў-ў-қ, — деди у аранг бошини қимирлатиб.

— Мен ҳам шундай деяпман-да, лекин... Лекин бу ёғини айттолмайман!

Арслон Саъдулланинг кўйиб юбориб, пешонасига урганча йиглай бошлади.

Албатта, Хонзода ўғлининг овозини эшигтан ва бир сапчиб тушган эди. «Наҳотки ўз болам, авайлаб-асраганим, қўзимга суртиб катта қилганим мени ўлдириб юборса?! Қандоқ чидайман?! Ким ўлдирса-ўлдирсин, лекин ўз ўғлим эмас! Эй, Худо, Сенга нима ёмонлик қилгандимки, пешонамга шу тақдирни ёздинг, ахир менда гуноҳ йўқ-ку?! Мен нима қилсан ҳаммаси яхши бўлиши учун қилдим-

ку?! Энди шунинг учун кўзимнинг гавҳари, умримнинг давомчиси бўлмиш эркатоим мени азоблаб ўлдирадими?! Бундан кўра эртароқ ўзимни-ўзим ўлдирганим афзал эмасми?!» Хонзода сўнгги ўйи хаёлига келиши билан атрофига олазарак боқди. Нигоҳи билан нималарнидир қидирди. Кейин бирдан кўзига жони ширин кўриниб кетди. Оний лаҳзада ўзига-ўзи қасд қилолмаслигини тушуниб етди. Кейин бўшашганча оромкурсининг суюнчиғига орқасини тираб, кўзларини юмди ва бошини бир томонга қийшайтириди.

— Тўхта, тўхта! — дея бақираварди бу пайтда Арслон. — Мен бутунлай бошқача йўл тутаман! Саъдулла, оёғингни кўлингга ол! Югар, фақатгина ўзимга тегишли бўлган йигитларнинг ҳаммасини йигиб кел! Бундан олдин бозорга тушгин-да, анави Мордага айт, Фирдавснинг хоҳ тириги, хоҳ ўлиги учун юз эллик минг бераман. Тушундинг-а? Энди йўқол! Ярим соатда ҳамманг шу ерда бўласан! Бўлмаса, битта-битта пешонангдан отаман!

Саъдулла ичида шукр қилди ҳамда бир лаҳзада «қорасини ўчириди».

Арслон чеккани сайин жигибийронлиги ошиб кетаверди. У тинимсиз ҳовли бўйлаб юрар, чўнтағидан тўппончасини чиқариб уйга бостириб кирганча онасининг пешонасига, ҳа, ҳа, тўғри пешонасига қуролини тўғирлаб тепкини босгиси келарди. У ўн мартараб: «Йўқ, йўқ!» деганча бошини қимирлатди ва ҳар сафар шундай деганида эшик томонга нафрат билан қараб кўяверди. «Нимага қараб турибсан, агар онанг сени бошқа бир эркақдан дунёга келтирмаганида шунча кўргиликлар пешонангда йўқ эди. Айбдор у! Иккиланма! Нормурод чўлоқни эсла, қандай қилиб отиб ташлаганингни, калласини олганингни эсла! Сен уддалай оласан, сенинг қўлингдан келади! Тезроқ бўл, бирор кўриб қолмасин, шошил», дея шайтон қулогига қуярди. Арслон ҳаттоқи «Бўлди, қарорим қатъий», деб уйга кирмоқчи ҳам бўлди, аммо нимадир унинг кўксидан итарди. Нимадир тўсқинлик қилди ва у ерга ўтириб қолди-да, чўнтағидан қуролини олиб ўқдонни чиқариб ташлади. Сўнг тўппончани девор томонга ирғитиб юборди. «Менинг қўлимидан келмайди, эплолмайман. Онамнинг ўрнида мингта одам бўлсин эди, барини бирма-бир отиб ташлардим. Аммо ўз онамга нисбатан бу ишни қилолмайман! Тамом-

вассалом! Роса бўшанг, расво одам экансан, бу аҳволингда сени бирор бир тийинга олмайди, мана, ҳали замон шотирларинг ҳовлиққанча келади. Сенга паст назар билан қарашади. Агар кириб онангни бир ёқли қилиб чиқсанг, сендан Азроилдан кўрқандай кўрқиб қолишади. «Бу одамда шафқат йўқ, бу одамнинг ҳамма айтганини совимасдан бажаришимиз шарт», дейишади. Ана шунда обрўнг ошади, бор, ўқдонни олиб, тўппончага сол. Ҳали ҳам кеч эмас, — дея ўйларди Арслон. — Йўқ! Йўқ! Мен сараланганман! Сараланганлар бунаقا паст ишларни қилмайди! Улар бошқалардан икки, керак бўлса, уч бош устун, уларнинг калласи умуман бошқача ишлайди! Хўш, нима қиласман?! Биринчи навбатда, Абрамнинг ёнига бораман-да: «Тамом, орамиз очиқ, мендан оладиганингни олиб бўлдинг, мен ҳам сендан фақатгина яхшилик кўрдим, буни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман, энди йўлимиз бошқа-бошқа, мен ўзимга давлат қуриб оламан, қандай қураман, қаерда қураман, бунинг учун кимларнинг калласини олиб, кимлар билан иттифоқдош бўламан, ўзимнинг ишим», дейман. Абрам, менга бошқа буйруқ бермайсан, буйруқларингни эшитмайман ҳам. Жаҳлимни чиқарсанг, сен билан уруш қиласман. Ҳа, ҳа, уруш қиласман!»

Арслон шундай деб ўйлаши билан уни аврашдан сира чарчамайдиган шайтон рўпарасига келиб, ўтириб олдида: «Нима қиласан майда-чуйда гапларничувалаштириб. У ҳам яхдий. Сен фақатгина ота томондан яхдий бўлсанг, унинг онаси ҳам, отаси ҳам яхдий, бундан чиқди, сенниг бир деганда жойингни солади. Ундан кўра, тарс-турс отиб ташла, олам гулистон. Бир томондан, энг катта душманингдан қутуласан, иккинчи томондан, одамларининг ҳаммаси сен томонга ўтиб кетади. Ва яна Абрамнинг бор мол-мулкини ўзингники қилиб оласан. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, чет эл банкларида сақланаётган пулларини ҳам олиб қўйишинг мумкин. Бунинг йўли жудаям осон. Шартта қон топширасан, Абрамниги билан қонинг бир хил чиқади. Демак, сен унинг қонуний меросхўрисан. Агар айтганимни қиласансанг, Барак ҳамма пулни олиб қўяди. У шундай хаёлда отангни, яъни Абрамни уйида бокяпти. У, билсанг, шайтондан ҳам шайтон! Тур, энди ўтиравермасдан», — дея Арслоннинг қулогига шипшиди.

Бу сафар Арслон унинг айтганини қилди ва бориб ўқдонни жойидан олди. «Айни муддао, — деди бирдан шайтон, — энди уйга кир, онанг ана шу Абрам билан бирга расвогарчилик қилган...»

Шайтон сўзларини охирига етказишга улгурмасидан Хонзода уйдан чиқиб келди.

Арслоннинг нафрати жўш урди. У тўппончани маҳкам ушлаб, тепкининг устига бармоғини қўйди.

— Болагинам, ўзингни бунчалик қийнайверма, кир ошхонага, қайноққина шўрва бор, мурч солиб бераман, аччиққина қилиб ичиб олсанг, кайфиятинг кўтарилади. Одамларингни бошқаришинг ҳам осон бўлади, — деди онаизор.

Шу пайтгача Хонзодани ҳам шайтонлар роса ўртага олишди. «Сен никоҳсиз туғилган боладан нима умид қиляпсан? Билиб қўй, у сени, барибир, ўлдиради. Ҳозир ҳовлида шундай ниятда ўтирибди. Атай ёрдамчисига иш буюриб, уйдан кетказиб юборди. Ҳали замон киради, олдин сочингни калга олади, ундан кейин каллангни челакка тиқади. Бўғилиб ўласан. Ҳеч ким сенга ёрдам бермайди. Музлаткичда яхшигина ичимлик турибди. Бардамлик учун ярмидан кўпрогини ич. Кейин кечаги шўрвангни иситгинда, унга заҳар сол. Заҳар шкафнинг энг тепасидаги шишачада турибди. Йиги-сиги қилиб ўтиравермасдан, чақ-қон-чаққон қимирла», дея бирор юз мартача айтишди. Хонзода аввалига уларнинг гапига кулоқ солмади. Охири қўл силтади. «Эй-й, сизларнинг айтганларингча бўлсин, Абрам билан никоҳдан ўтсам, ундан яна битта бола туғиб оламан», дея кўнглидан ўтказди. Шайтонлар шу заҳоти унинг хаёлидагини маъқуллашиб, «Тўппа-тўғри», дейишиди. «Унисини Абрамнинг ўзи шундай зўр тарбиялайдики, келажакда дунёни сўрайдиган одам бўлади», дейишиди...

* * *

Сабина Селимни тополмади. Берган телефон рақамига бир неча марталаб қўнгироқ қилди. Аммо гўшакни бирор кўтартмади. «Наҳотки адамнинг гапи рост бўлса, наҳотки Селим уни ўлдиришни режалаштирган бўлса. Йў-ўқ, жа унчаликмасдир?! Селим майдалашадиган одамлар хилидан эмас-ку?! Менга нима айтган бўлса, гапида турибди. Хотинини ҳайдаб юборди. Тўғри, анча-мунча пули кетди икки-

та ўғли, битта қизига. Ҳар бири уй талаб қилди. Уйни олиш-ганидан кейин машина сўрашди ва яна пул. Лекин анави қизи жуда ёмон экан. Сал қолди сочимни битталаб юлишига. Айб менда эмас. Ўзининг отаси ҳоли-жонимга қўймади. Бориб отасининг сочини юлмайдими, мегажин... Аммо битта томони борки, мени ҳалигача ўйлантириб келяпти. У ҳам бўлса, ада�онимнинг пуллари. Селим уларнинг ҳаммасини бошқа давлатга ўтказиб юборди. Шундан бери на пул бор ва на ваъда қилинган мол... Мен учун адам икки юз минг қалин пули сўради. Бори-йўғи икки юз минг. Энди шуни деб Селим ада�онимни ўлдириб юбормас?! Уфф, миям шишиб кетди. Ҳаммаси жонимга тегди. Яхшиси, дўконга бораман. Қизлар билан чақчақлашиб, вақт ўтказман», дея кўнглидан ўтказди Сабина ҳамда шкаф жавонидан кийимларини олмоқчи бўлганида бирдан телефон асабий жиринглаб қолди. Қизнинг хаёлига шу заҳоти Селим келди ва шошганча, деярли югуриб бориб гўшакни кўтариб қулогига тутди, кейин овозини янада ингичкалаштириб:

— Алло, — деди.

— Кимсан?.. Нега бир неча марта қўнгироқ қилдинг?! — дея салом-аликсиз бир йўла дағдагага ўтди бегона одам.

— Кечирасиз, ўзингиз менга қўнгироқ қилиб турибсизку?! — деди унга жавобан Сабина туркчалаб.

— Лекин бундан аввал сиз қўнгироқ қилгансиз, рақамингиз телефон хотирасида сақланиб қолган!

— Ҳа-а, айтганча, мен Селимга қўнгироқ қилгандим. У шу рақамни берганди.

— Селим? У йўқ. Ҳали келмади. Бугун-эрта келмаса ҳам керак!

Қўнгироқ қилган одам шу заҳоти гўшакни жойига қўйди. Сабинанинг эса бошига бирор тўқмоқ билан ургандай бўлди.

— Селим йўқ, келмади... Бундан чиқди, адамнинг гапи тўғри. У кетмаган. Адамнинг жонига қасд қилиш учун... Ярамас, ит! Менга чет элга кетаман деб, ҳали бу ёқда отамини ўлдирмоқчи бўлдингми? Ўзи хотинингга бўлган муносабатингдан хулоса чиқаришим керак эди. Сен унга вафо қилмадингми, демак, менга ҳам қилмайсан. Аммо мен қўпни кўрган аёлман. Оғзимдан сувим оқиб, шалдираб

қолмайман, бошингга шундай кунларни соламанки, ўлим-ни орзу қиласан! — деди қиз ўзига-ўзи ва ҳали-ҳамон қўлида «ту-тулаб» турган телефон гўшагини столга урди.

Бечора матоҳ шу заҳоти чил-чил синди-ю, уни ўчди.

Сабинанинг эса кўзидан тирқираб ёш оқа бошлади. У ўзини оромкурсига ташлаганча бақирди:

— Бу нима кўргилик?! Нима ёмонлик қилдим сенга, Селим?! Адамнинг пул сўрагани бир гап бўларди-ку, ба-рибир, менга етишиб бўлгандинг-ку! Адам бечора вақти келиб шу пуллардан воз кечиши ҳам мумкин эди-ку?! Ҳам-масини ўзимга айтсанг, ҳал қилардим-ку, ярамас!!!

Сабина узун соchlарини фижимлади ва бошини этганча кафтлари билан юзини беркитди. Лаҳзада қўли кўз ёши билан ювилди. Аммо жувон тезда ўрнидан сапчиб турди.

— Адамнинг ўғли ўғил эмас! Ўғилликни бажаролмайди. Унинг ўрнига мен бажараман! Селим, менга етишганинг билан губурланма. Ўша етишган аёлинг сенинг бошингга етади. Мен бунга жавоб бераман! Сендақаларни ўйнатол-масам, нима қилиб юрибман?! — деди Сабина бақириб ҳамда устидаги кийимни ечди-да, боши устида тўрт-беш марта айлантириб отди. Қилмиши ўзига ёқди ва турган жойида бир сакраб қўйиб, худди эчкилардай диконгла-ганча музлаткичнинг ёнига борди.

— Тетиклик учун керак! Режам аниқ. Фақат қўлим қал-тирамаса бўлгани!

Сабина шундай деб музлаткичдан оладиганини олди. Тик турган ҳолатида идишнинг оғзидан қул-қуллатиб ичди. Кейин идишни жойига қўйиб, ҳаммомга кириб кетди. Қўшиқ айтганча, обдан чўмилди. Сўнг момиқ халатга ўралиб ҳаммомдан чиқди.

Қиз энди сочини қуритиб бўлганди, кутилмаганда Селим уйга кириб келди.

— Во-ой!!! Ўзимнинг жони-и-им!!! — дея ҳайқириб юборди Сабина ва югуриб бориб «жони»нинг бўйнига осилиб олди. Сўнг юзидан чўлпиллатиб ўпаркан:

— Қандай қилиб сени жудаям, жудаям соғинганимни билдинг?! — деди қувониб.

— Осмонга қарадим, мавжланиб турган кўм-кўк ден-гизга боқдим, юрагим така-пука бўлиб кетди. Чунки қирғоққа урилаётган тўлқинлар сенинг исмингни айтиёт-ганди.

— Тўлқинлар, сиз менинг ошиғимсиз, эй-й, осмон, сен менинг юрагимсан!

Сабина шундай дея жўшқин ҳиссиётларини ошкор этаркан, бирдан қўлларини Селимнинг бўйнидан олиб, тескари ўтирилиб олди. Селим эса уни ортидан қучиб:

— Нима бўлди менинг кабутаримга? — деди Сабинани эркалааб, ҳали намлиги тўла кетмаган соchlарини бармоқлари билан тарааркан.

— Нега алладинг?

— Алладим?! Шундай оғатижонни алдаш мумкинми?

— Мен сени соғинганимдан берган телефон рақаминга кўнғироқ қилдим. Баджаҳл, овозидан турқи совуқлиги билиниб турган бир нусха кўтарди гўшакни. Тўғрироғи, ҳеч ким кўтармади. Менинг ўзимга қайтиб чиқишид. Телефонининг хотирасида рақамим сақланиб қолган экан. Бирдан пўписага ўтиб кетди. Селим, наҳотки улардан мени ҳимоя қилолмасанг?..

— Ўзимнинг жоним, ҳар қандай эркакни аждаҳодай ямламай ютиб юбораман. Унинг муомаласи шунаقا. Турмада ўтиравериб-ўтиравериб, ҳайвонга ўхшаб қолган. Сен сира хафа бўлма.

— Ҳмм, унда менинг зерикканимни биласанми?

— Мен кўпроқ зериқдим...

— Денгиз бўйига чиқсак. Иккимиз ёлғиз қолсак, денгиз томондан эсаётган майин шамол юзимизни силаса, хира чироқ ёргугида сокин қўшиқ тинглаганча овқатлансан... Нима дейсан?

— Албатта. Айни дилимдаги гапни айтдинг. Кечки овқатни худди сен айтгандай ўтказамиз. Яхтада, денгиз ўртасида...

— Йўқ. Мен сенга денгиз томондан майин шамол эсса, дедим. Денгизнинг ўртасида, демадим.

— Бўлди, унисини ҳам тўғирлайман. Зўр жой бор...

— Унақада, — деди Сабина бирдан Селим томонга ўтирилиб, — кечгача бекор ўтирмаслик учун дўконга бораман. Мижозларим келиши керак эди. Савдо-сотиқ қиласман. Кейин дўкондан айнан мана шу учрашувимиз учун алоҳида кўйлак сотиб оламан. Албатта, у сенга ёқади.

— Ақлингга балли! Нечун сени олдинроқ учратмадим?!

— Ўзимнинг шакарим, — деганча Сабина Селимнинг бурнидан чимдиб қўйди.

«Албатта, — дея кўнглидан ўтказди сўнгра, — олдинроқ учратганингда олдинроқ ўлиб кетган бўлардинг!»

Сабина дўконга савдо-сотиқ қилиш учун бормади. Шунчаки қидирганини топишга борди. Таниши бор. Милиса исмли қиз. Ниҳоятда замонавий. Ўзининг айтишига қараганда, Германияда туғилган. Турк тилини Истанбулга келганидан сўнг қариндошлари ёрдамида ўрганган. Ниҳоятда очиқ кийинади.

— Мен сендай юролмайман, — деди бир куни унга Сабина.

— Албатта. Сен Европани билмайсан. Бунаقا юриш у ёқда жудаям оддий ҳол. Мен ҳатточи Истанбулда сиқилиб кетаман. Булар ўзларича, биз замонавий давлатмиз дейишиди-ю, мана шундай юрганингни кўришолмайди. Худди оч бўрилардай еб ташлашга тайёр эркаклари. Германияда бўлса, бу кийим билан бироннинг эътиборини тортолмайсан. Улар жудаям оддий кўз билан қарашади ва сенинг эркингни ҳурмат қилишади, — деб жавоб берди Милиса.

Сабинанинг умиди шу қиздан. У Сабинага заҳар топиб бериши керак. Сўраса, йўқ демайди. Унинг ўзи бир марта шунга яқин гапни айтган. У пайтда Сабинанинг хаёлига биронни заҳарлаш келмаганди, шу боис Милисанинг сўзла-рига эътибор бермаган эди.

Милиса «Менда заҳар бор, уни бироннинг овқати ёки ичимлигига солсанг, тил тортмай ўлади», демаган. У «Мендаги дори одамни фалаж қиласди. Ўзини унугади. Нима қилаётганини билмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсам, унинг ҳамма аъзолари ишлайди, фақат калласидан бошқа. Бунинг бошқача номи ҳам бор. Манқуртлик. Иккинчи томони, ўша манқурт кайф қиласди. Ёнаётган оловга туш десанг, тушади ва бундан лаззат олади. Ҳатточи ўнинчи ёки йигирманчи қаватдан ўзини ташлаб юборади. Токи ерга тушиб бўлакларга бўлинниб кетмагунича кайф қиласди. Шундай кайфки, уни бошқа бир нима билан алмаштириб бўлмайди», деган эди. Сабинага айнан мана шу нарса кепрак...

Милисани топиш қийин бўлди. У доим келадиган дўко-нига келмади. Ваҳоланки, сотувчи: «Албатта, ҳар куни икки

марта келади. Бекорчилиқдан чақчақлашиб ўтиради. Нега-дир йўқ», — деди. Сабина кутди. Бирор икки соат. Кейин умиди чиппакка чиқиб, энди кетишга шайланганида Милиса қорасини кўрсатди. У одатдагидай эди. Бир қарич келадиган пушти ранг сумкачасини елкасига илиб олган, иягини кўтартган ҳолда ён-атрофига умуман қарамасдан худди модель қизлардек қадам ташлаб келарди. Сабина Милисага ҳавас билан тикилди. Чунки унда ҳам шундай юришга мойиллик бор. Бироқ юролмайди. Назарида ҳамма унинг устидан куладиганга ўхшайди. Аммо «Барибир, бир кун келиб мен ҳам мана шундай барчанинг кўзини ўйнатиб юраман», дея кўнглига туғиб қўйган.

— Ўзимнинг лабида чечагим (у бундай мақтovларни Туркияга келганидан сўнг ўрганиб олган), кўзларим ниго-рон бўлди, келса юзидан тишлаб оламан, еб қўяман де-дим, — дея кучогини очди Сабина.

Милисанинг энсаси қотди. У катта-катта шаҳарларни, давлатларни кўрган, унча-мунча нарса ажаблантирмайди. Мана бунақа хушомадлар эса энсасини қотиради. Аммо иримига жилмаяди: «Ё тавба, аста-секин буларнинг гап-сўзларига, бачкана қилиқларига кўникиб қоляпман. Ишқ-илиб, кун келиб ўзим ҳам худди шундай ҳаракатларни қилмасам эди!»

Икки қиз қучоқлашиб, ўпишиб кўришди.

— Ҳар доимидан-да очилиб кетибсан, — деди Милиса Сабинага.

— Бугун жудаям бошқача кун. Албатта, сенинг шарофатинг билан. Бир лаҳза олдин мени кўрганингда абгор аҳволда эдим. Чунки ишим сенсиз битмасди. Бундай уй манзилингни ҳам бериб кетмагансан...

— Ахир мени биласан, европаликман. Манзил бериш одатимга кирмайди.

— Қаҳвахонага кирайлик...

— Шошаётганингга қараганда, жудаям зарур юмуш сени кутиб турибди.

— Ҳа...

— Учрашувми?..

— Ҳа!

— Унда юр. Бошқа нарсани айтганингда бормасдим. Чунки муҳаббатдан ўзгасини тан олмайман мен.

Улар узоққа боришмади. Дўкон расталарининг энг охирдаги қаҳвахонага киришди. Сабина қаҳва, Милиса французларниң қиммат ичимлигидан буюрди.

— Сен ўзингни доим аслзодалардай тутасан, — деди унга ҳаваси келган Сабина.

— Аслида ҳам шундай. Аммо, биринчи навбатда, маданият турди. Европа маданияти. Энди гапир-чи, менда нима ишинг бор эди?

— Анавиндан керак...

Милиса бирдан жиддий тортди:

— Нима қилмоқчисан?

— Айтдим-ку учрашувим бор деб...

— Севасанми уни?..

— Жудаям. Қайсарлик қиляпти. Ваҳоланки, менинг нималарга қодирлигимни билмайди.

— Унда икки карра билмайди. Чунки ақлу ҳуши ўзида бўлмаган одам сенинг жон куйдиришларингни қаёқдан ҳам билсин!?

— У ёғидан хавотир олма. Мутлақо кучсиз, чорасиз ва ожизлигини ҳис этганида...

— Тушунарли. Фақат бошқа ҳеч нимага ишлатмайсан. Ҳали айтганимдай, бу дорини ичган одам умуман ўзини бошқаришдан мосуво бўлади. Онг қаттиқ уйқуга кетади. Вақти-соати келмагунча уйғонмайди. Хўш, менга кафолат бера оласанми?

— Албатта!

— Бунча тез жавоб бердинг? Ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадинг-а?!

— Чунки тайёр эдим. Минг марта ўйладим. Тарозига солиб кўрдим.

— Тушундим...

Қизларнинг буюртмасини келтириб беришди. Сабина иссиқлигига ҳам қарамасдан қаҳва хўплади. Милиса эса қалин лабларини шунчаки хўллаб қўйди.

— Милиса, Европага қачон қайтасан?..

— Шу ҳафтанинг охираша ва қайтиб келиш ниятим йўқ. Сенга ростини айтсам, мени алдашибди. «Муомала, ўзаро ҳурмат, дунёқараш — умуман ҳамма-ҳамма нарсада Туркия аллақачон Европага етиб олган. Ҳатто баъзи нарсаларда ўтиб ҳам кетган», дея мени алдашган экан қариндош-

ларим. Мен жуда қаттиқ хафа бўлдим. Бу ерда сенга ўхшаган икки-учта дугонамни ҳисобга олмаганди, бирорта ҳам дўст орттиrolмадим.

— Мени ўзинг билан олиб кетмайсанми?

— Бажонидил. Лекин сенинг бу ерда севгилинг бор-ку?!
Уни ташлаб кета оласанми?

— Сен ҳам эркинликни хуш кўрасан-ку, мен ҳам худди сенинг орtingдан кетаман. Борса, ана. Бормаса, шу ерда қолаверади. Менга ҳам кўпроқ хотира ишқи ёқади. Ушалмаган орзулар... Оҳ, бошқача.

— Майли. Айтганча, сен билан узоқ валақлашишга вақтим йўқ, — деб Милиса стаканидагидан яна худди аввалгисидек ичиб қўйди-да, сумкасини кавлаштириб, Сабина сўраган дорини чиқарди. Ва юзида табассум билан: — Жудаям сенинг ўрнингда бўлиб қолишни истаяпман. Омадингни берсин, — деди.

Сабина уйига етгунича ўзида йўқ хурсанд эди. Ҳамма нарса режадагидек кетяпти. Демак, эртага у еттинчи осмонда учеб юради. Селимсиз, оиласи бағрида... Ва яна улар Европага кетишади. Сабина ҳаётини бошқатдан бошлайди. Ҳамма-ҳаммасини хавотирсиз, шошмасдан, асабийлашмасдан... Келажаги ҳақида ҳам яхшилаб ўйлаб кўради. Милиса «Европа ҳамма нарсага ҳам ажабланавермайди. Унчамунча нарсалар улар учун жудаям оддий», деганди... Аммо масаланинг иккинчи томони Сабинанинг миясига келдию, у боши берк кўчага кириб қолди. Селимнинг бойликлари нима бўлади? Кимга қолади? Биринчи хотини ва болаларигами? Нега? Нега Сабинага қолмайди? Ахир Сабина шунинг учун ўлиб-тирилмаганмиди?.. «Эҳ, бу ёгини ўйламабман-ку! Демак, яна кутиш керак. Лекин бунгача Селим дадамни ўлдириб қўйса-чи?.. Бундан чиқди, бошқача ўйлутаман. Бошқача...»

У кечки пайт дengиз бўйида — худди ўзи хоҳлаган жойда Селим билан овқатланди. Дам олди, завқланди. Айни чоғда миясини пармалаётган ўйдан ҳам кутулолмай азобланди...

Тунда эса Селимни роса авради. «Пулларингнинг бир қисмини менинг номимга ўтказиб бер, бизнес леди бўлмоқчиман. «Сабина» номли бренд яратмоқчиман. Ахир дунёдан шунчаки ўтиб кетолмайман-ку. Мени нафақат Турки-

яда, балки бутун дунёда танишларини истайман. Ўзинг айт, моделлардан қаерим кам?! Нима, уларчалик тижоратни тушунмайманми?.. Тўгри, сен ҳамма айтганларимни муҳаёй қилишинг мумкин, мен сенга ўзимга ишонгандан ҳам кўпроқ ишонаман. Аммо, барибир, ўзинг пиширган овқат манаман деган ресторонларнидан мазали бўлади. Тўгрими? Шундай экан, менга пул бер. Кўп пул бер, токи мен бирор нимани қилаётганимда қандайдир муаммолар гирдобида қолмай. Пулларингнинг ҳаммаси, албатта, қайтади. Фоизи билан... Ўзинг ишимни кўрдинг-ку. Арзимаган ҳаракат билан қанчалик кўп пул ишлаб топдим. Мен сўнгти пайтларда ўзимда туфма истеъдод борлигини ҳис этяпман. Гап-сўзларимга, режаларимга ҳатто европаликлар ҳам ҳайрон қолишяпти. Тушуняпсанми шуни!» деди.

Селим кулди. Сабинанинг сарғиштоб соchlарини силади. Юзига босиб ҳидлади ва «эриди»:

— Сен ниҳоятда шиддаткорсан. Ҳар қандай ишни жонингни бериб бажарасан. Мен баъзан “Нега шундай меҳнатсевар қиз бу ёқларда адашиб юрибди, у хоҳлаган жойини гуллатиши мумкин-ку?” деб ўйлаб қоламан. Розиман. Фақат ҳамма ишларингда шерикмиз. Биласан, мен фоизга ишламайман. Шериклик эса бошқа нарса.

— Келишдик, сен нима десанг шу. Аммо бошқа томондан қаралса, жудаям кулгили. Чунки иккимиз бир оиласиз-ку, шундай экан, топганимиз бир жойга келади.

— Кел, мусобақалашмиз, ким кўп пул топищдан!

— Келишдик!

Сабина ўзини жудаям хушчақчақ тутди. У Селимга мутлақо ишонмаётган ва: «Худди мен каби ўйин қиляпти. Худди мен каби мени «туширмоқчи». Лекин кўрамиз, кимнинг макри зўрроқ экан?» деб ўйлаётганди.

Сабина Германияга Милиса билан бирга кетолмади ва бунинг учун дугонасидан кечирим сўради. Ўзининг ўрнига эса онасини қўшиб жўнатаркан:

— Оий, Германияга борганингизнинг эртасигаёқ Швейцарияга жўнанг, бориб бирорта банкдан ҳисоб рақам очинг. Мен пулларнинг ҳаммасини ўша ҳисоб рақамга жўнатаман. Адам ҳам худди шундай қилади. Ўзим эса тахминан бир ойлардан кейин етиб бораман. Милиса пулни жудаям яхши кўради. Яна табиати енгил. Пардай енгил, салгина

Эпкин ҳам учиреб юборади. Демак, унинг гапларини жудаям қизиқдай эшитинг. Мен юборган пуллардан бериб туринг, борганимдан кейин эса қолган ишларниң ҳаммасини ўзим қиласан, — деб тайинлади.

Уларни кузатиш учун аэропортга бормади. Селимни кузатиб юрибди, деб гумон қилди. Албатта, унинг ўзи кузатмайди. Шунчаки бирорни ёллайди. Селимнинг «командаси» йўқ. Команда тўплашни истамайди у. Сабаби жудаям оддий. Мабодо тўплангандар унинг нақадар бой эканини билиб қолишиша, жонига қасд қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам «ҳожат чиқарувчи» жамоаларниң хизматларини қулај деб ҳисоблайди у. Бу бир томондан Сабина учун яхши бўлса, иккинчи томондан уни қийнайди. Чунки Сабина Селимнинг кимга буюртма берганини билмайди. Ортидан аёл киши пойлоқчилик қиласими ёки бу юмуш эркакнинг зиммасидами, хабарсиз. Шундоқ экан, ҳар босган қадамини, айтадиган сўзини обдан ўйлаши керак. Акс ҳолда ким билади Селимнинг бошида нима хаёл бор?!

Озарбайжондан келган савдогарларга отасини қўшиди. «Бакудан Москвага, у ердан Ленинградга, ундан Люксембургга, кейин Венага ва охирида Берлинга учасиз. Берлинда ойим кутиб олади битта қиз билан. Икки кун Берлинда яшаганингиздан сўнг Швейцарияга ўтиб кетасиз», дея Фаттоҳ Норқуловичга тайинлади. Падари ҳайрон бўлди. Негалигини сўраган эди, «Адажон, кейин тушунтираман, майлими? Агар мени юрагини қучоқлаб яшамасин, десангиз, айтганимни қиласиз, акс ҳолда бирорта дардни ортириб оламан. Ана ундан сўнг бир умр мени ҳам у дўхтирдан бунисига кўтариб чопасиз», деди ва кўзига ёш олди. Фаттоҳ Норқулович ноилож кўнди. Чунки биргина ишонгани шу қизи...

Сабинанинг режаси ўзининг кўнглидагидек кетаётганди. Селим пул берди. Албатта, нақд эмас. Фирма очди ва пулни шу фирманинг ҳисоб рақамига ўтказиб берди. Анча йирик миқдорда, яъни тўрт юз минг доллар. Фақат ташкил этилган фирманинг эгаси битта эди: Селим. Ички пул ўтказмаларини унинг иштирокисиз қиласа бўларди. Аммо чет элга пул жўнатиш фақат унинг рухсати билан амалга оширилиши мумкин. Сабинанинг боши қотди. Бир неча кун нима қиласини билмай юрди. Ахир унинг Истанбулда бирор

ишончли таниши йўқ. Шундоқ экан, жиддий ҳаракат қилиш имконсиз иш эди. Шунга қарамасдан, у тиним билмади. Икки гапнинг биттасида Селимни мақтайди. Селим қаерга борса, бирга боради. Ҳамсуҳбатларининг сўзларини диққат билан эшитади. Сўнгра миясида обдан «ағдар-тўнтар» қилади. Ва ҳаттоқи интернетга кириб (интернет пайдо бўлган, лекин ундан жуда оз одам фойдаланади) эшитганларини ёзди-да, шундай фикрлайдиган одамлар қанақа тоифадаги одамлар бўлиши мумкинлигини билишга уриниб кўради. «Жинни»ларнинг тахминий хуносалари унга маъқул келмайди ва яна изланишда давом этади.

Шундай кунларнинг бирида Сабина Германиядан автобус эҳтиёт қисмлари олиб келадиган фирманинг раҳбари билан танишиб қолди. Унинг исми Тургут Ўзтурк. Калбош. Қорин қўйган. Мўйлови қалин, оғзи катта. Бурни эса бошқаларникига нисбатан бироз узун. У Селимнинг кўз ўнгига Сабинага хушомад қилди. Шунга ҳадди сиғди. Сабинанинг қўлини худди замонавий эркаклардек ўпид қўйгани етмагандай рақсга ҳам таклиф қилди. Улар денгиз бўйида «Оқшом» ресторанида тамадди қилишаётганди. Одам кўп. Асосан, замонавий Истанбулнинг замонавийлари йигилганди. Сабина олдинига Селимга қаради. Селим бошини қимирлатиб «майли» ишорасини берганидан сўнг француз хонимларидай қўлини секин Тургут Ўзтуркка узатди.

Улар бўй жиҳатдан бир-бирига мос жуфтлик эмасди. Сабинанинг қўли Тургутнинг елкасига зўрга етди...

Тургутга эса шунаقا рақс тушиш ёқаркан. Атрофдаги-ларнинг ҳаммаси уларга қарашар, пиқ-пиқ кулишарди... «Розиман, — деди ичида Сабина аламдан ичи ёниб, — керак бўлса, Истанбулдагиларнинг ҳаммаси йиғилишиб кулишига ҳам розиман, аммо шунинг билан ишимни битириб оламан».

— Сиз ниҳоятда олижаноб, айни дамда бадавлат ва бошқаларни қўрқитадиган одамга ўхшайсиз, — деди қиз паст овозда.

— Нима десам экан, сиз ҳақсиз. Аслида ҳам шундай. Бизнес шуни талаб қилади ва мен талабни қондираман.

— Бундан чиқди, сиз билан иш қилиш мумкин...

— Бўлмасам-чи! Айниқса, тадбиркор аёллар билан ишлаш менинг жону дилим. Мен нафақат Туркия, балки По-

кистон, Ироқ ва Кавказга ҳам мол жўнатаман. Албатта, бошқаларнига нисбатан арzon нархда. Фойда ҳам шунга монанд. Лекин сиз менинг темир-терсакларим билан қизик-майсиз, деб ўйлайман.

— Нега энди? Автомобиль менинг жону дилим. Айниқса, сўнги русумдагилар...

— Умуман олганда, мен сизнинг қадди-қоматингиз, ширин каломингиз учун...Faқат бунга Селим қандай қарапкин?! Тўғри, иккимиз илгари олди-берди қилганмиз. Ҳозир эса у бутунлай бошқа нарсага ўтиб кетди. Мен сизга битта гапни айтсан, хафа бўлмайсизми?

— Йўқ, асло...

— Эрингиз, ҳар қалай, Селим менга сизни хотиним деб таништирди. Хуллас, эрингиз ўта маккор ва абраҳ одам. Иши-дарди бирорничув тушириш. Эшитдим, сизга фирма очиб берган эмиш. Аммо оёқ-қўлингизни боғлаб қўйибди...

— Биз сиз билан ҳамкорлик қиласиз. Ўйлайманки, у сизни чуб туширмайди. Чунки мен бизнесда ўта ҳалолман. Ҳамкорларим билан узоқ муддатли шартнома тузиш ҳаракатида бўламан. Агар хўп десангиз, қолган гапларни у шубҳага бормаслиги учун дастурхон устида ва Селимнинг ҳамроҳлигига гаплашсак...

— Албатта! — деди Тургут ва Сабинанинг нозик белини қўйиб юборди.

Селим бошида уларни кузатди. Унинг ҳам бошқалар қатори кулгиси қистади. Сўнг қадаҳдагини «майдалаш»га тушиб кетди. «Раққослар» қайтиб келишганида эса ҳайрон бўлди.

— Нега? — деди бир Сабинага, бир Тургутга қараб.

— Биз келишиб олдик, — деди Сабина жилмайиб.

— Нимани? — сўради Селим ҳайрон бўлиб.

— Ҳамкорликни, — деб қўшимча қилди Тургут, — мен сенга айтсан, Селим, омадинг чопди. Ниҳоятда гўзал бўлиши билан бирга жудаям оқила экан хотининг!

— Тақдир ином этди менга бу фариштани...

— Тушунаман, тушунаман. Хотининг фаросатли, узоқни кўра биладиган ва бунинг устига тадбиркор бўлса, ҳаётдан беармон ўтасан. Акс ҳолда миллионлаб, миллиардлаб пул топганингнинг сариқ чақалик қиймати бўлмайди. Энди

ишга ўтайлик... Сабил, семизлик ҳамиша менга панд бе-
риб келган. Хотиним ўтхўр ҳайвонга айлантириб ташла-
ган, аммо бунинг тирноқчалик фойдаси йўқ. Чунки мен
уйдан кетишим билан бошқатдан овқатланиб оламан, —
деб ҳиринглаб кулди Тургут.

— Қақимчилик одатим бор. Айниқса, эркакларни хо-
тинларига чақиши энг яхши қўрган хоббим, — дея жил-
майди Сабина.

— Ана, — дея қўлларини икки ёнига ёзди Тургут, —
эндигина биттасига ишона бошлаган эдим, дарров...

— Ҳазиллашдим, ҳазиллашдим, — дея Тургутнинг га-
пини бўлганча қиқирлаб кулди Сабина, — ахир ҳазил ҳам
керак-ку?!

— Албатта. Лекин менинг ҳам юрагим шув этиб кетди,
— деб гапга аралашди Селим.

— Энди қадрдонларим, шартномага ўтсак. Тўгрисини
айтсан, сўнгги пайтларда мижозларнинг сони шунчалик
кўпайиб кетдики, алал-оқибат улгурулмай қолдим. Чет
элдан, айниқса, иттифоқ томондан ҳамкорлик истаб ке-
левчиларнинг саноғи йўқ. Лекин менинг уларга кўнглим
бўлмай турибди. Тайёр пулни нима қиласман бирорга бе-
риб, шундай эмасми, Селим?..

— Нима дейишга ҳам ҳайронман... Аммо менинг қизи-
қишим бисёр. Бироқ бунинг ўзи камлик қиласадими, деб
ўйлайман, сабаби, мен сенинг соҳангни тушунмайман.

— Э-э, пулинг кўп бўлса, ҳаммаси ўз-ўзидан юришиб
кетаверади. Хуллас, айтмоқчи бўлганим, битта завод қур-
сак. Ҳамкорликда. Ишимиз хориждан келаётган эҳтиёт қис-
мларни териш ва тайёр маҳсулотга айлантириш.

— Биз тайёrmиз, — деди бирдан Сабина.

Селим бирдан унга қаради. Жувоннинг кўзлари «ёна-
рди».

— Агар, — деди эрининг нигоҳига эътибор бермасликка
ҳаракат қилган Сабина, — таваккал қилмасак ҳеч нима
ютолмаймиз. Латта-путталарга ўралашиб қолаверамиз,
шундай эмасми, Тургут ога?!

— Гапингизда жон бор, хоним. Аммо Селимни ҳам тўғри
тушуниш даркор.

— Хўш, қанча сармоя киритишим керак? — деди Селим
энди Тургутга юzlаниб.

— Бошланишига беш миллион доллар.

Селим мийигида кулди ҳамда қадаҳдаги суюқлиқдан бир хўплаб кўяркан:

— Менда бунча пул йўқ, — деди.

— Сен, — дея қулиб кўрсаткич бармоғини ҳавода ҳаракатлантириди Тургут, — сен маккорлигинги қўй. Албатта, бирданига бунча пулни киритмайсан, иш босқичма-босқич амалга оширилади. Агар эртанди кунингни ўиласан, пулимни қучоқлаб ётавераман токи чириб кетмагунча демасанг, қўшиласан. Йўқса, майли, мен бошқа бир ҳамкор топишим мумкин. Айтайлик, америкалик яхудийлардан.

— Яхши, фақат мен ўйлаб кўришим керак...

— Мана бу бошқа гап. Ўйлаб кўришнинг ўзи биринчи қадамни ташлаш билан тенг.

Шундан кейин улар улар обдан еб-ичиб, асосан, олдиқочдилар ҳақида гаплашишди.

Ярим тун эди, Селим билан Сабина уйига қайтди. Фалати томони, иккиси ҳам ҳеч нима ичмагандай эди. Бўлмаса, оз-мунча шиша бўшамади. Селим қандай қилиб бир тийин ҳам сарфламасдан шундай катта лойиҳага қўшилиб олиш ҳақида бош қотирган бўлса, Сабина Тургут билан алоҳида учрашувни ўйларди. Агар ўша қалбош билан гапни бир қилолса, кейинги ишлари сўзсиз хамирдан қил сугургандай осон кечади.

Қиз ниятига етди. Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтиб, Тургут билан учрашди. Мехмонхонада. Ташаббус Тургутнинг ўзидан чиқди. Олдинига у Сабинанинг ёнида Селимнинг бор-йўқлигини билишни истаб у ёқ-бу ёқдан гапирди. Сабина ёлғизлигини айтганида ресторанга чақирди. «Чақчақлашиб ўтирамиз», деди. Уларнинг гап-сўзи бирбирига мос келаверганидан кейин эса меҳмонхонада оёқларини узатиб ўтиришга келишишди.

— Мен қўлимдан келганича кўпроқ пул бераман, аммо сен пулларни Швейцария банкига ўтказасан, — деди Сабина янги ҳамкорига.

— Албатта, фақат ўз фоизимни олиб қолганимдан кейин, — дея семиз қорнини силади Тургут.

— Қанча?!

— Йигирма беш фоиз.

— Жудаям кўп эмасми?..

— Асло. Чунки менинг ҳам ўзига яраша харажатларим бор. Агар уларни чиқарип ташласам, айтарли ҳеч нима қолмайди.

— Келишдик!

Бундан роппа-роса уч кун аввал Германиядан күнгирик қылган Фаттоҳ Норкулович Сабинаға ҳисоб рақамни айтган эди. Энди бу ёғига Сабина яшин тезлигидә ҳаракат қилиши зарур. Акс ҳолда вазият бутунлай унинг зиёнита ишлаб қолади. Куни кечә Селим «Отанг билан күришмаганимизга анча бўлди. Бориб дуосини олиб келайлик», деганди. Сабина бунинг тагида бошқа бир гап борлигини аёллик сезгиси билан идрок қилди. Селим шундай дедими, бундан чиқди у Фаттоҳ Норкуловични қидириб борган, бироқ тополмаган... Энди Сабинани сикувга олади.

— Мен сенга ишондим, Тургут. Сен ҳам менга ишон. Шундай экан, сен пулларни бугун ўтказасан, эртага эса ақчаларингни оласан.

— Мен олдин сувни кўришим керак, ана ундан кейин оёқ кийимимни ечаман.

— Тургут, ихтиёrimda жудаям оз вақт бор. Биз сен билан ҳали жуда кўп учрашамиз. Ва сен учрашувларимиздан асло афсусланмайсан. Худди ҳозиргидек...

— О-о-о! Шу ёшга кириб ҳали бирор марта бунаقا бўлмаган!

— Агар мен иштирок этмасам, бунақасни бошқа кўрмайсан ҳам. Чин кўнгилдан айтяпман сенга. Мен Селимга ҳеч қачон хиёнат қилмасдим, агар унинг ўзи мени барбод қилишни режалаштирганида.

— Мен эса, — деб ўрнидан туриб ўтири Тургут, — ундан қасдимни олишни режалаштирганман. Селим бир пайтлар менинг қариндошимни хонавайрон қилган. Фақат бугина эмас, бутун оиласини йўқ қилиб юборган.

Тургут қулт этказиб ютинди-да, лаблари орасига тутатки қистириб, чақмоқ тошни ёқаркан сўзлади:

— Сени кўрганимда шундай гўзал қиз увол бўлиди, деган ўй келди хаёлимга. Ақлли экансан, вақтида қаерга тушиб қолганингни тушуниб етибсан.

Тургут ўрнидан турди-да, оғиздан тутатқини олмаган кўйи дераза ёнига бориб, ташқарига термилганча тутун ютаркан:

— Аслини олганда, миллиардер одамман. Бир миллион, икки миллионлар мен учун ҳеч нарса эмас. Уларни йўқотганимда бир тукум ҳам қилт этмади, — деди.

Тургут гўё ўзига-ўзи гапираётгандай эди. Сабинанинг эса бирдан юзи ёришди. У ҳам ўрнидан турди-да, қутидан битта тутатқи олиб, бармоқлари орасида оҳиста эза бошлади.

— Қасд олиш учун, — дея гапида давом этди Тургут, — воз кечаман ундан кўпидан ҳам.

— Тунда, ярим тунда... Мен сенга расм кўрсатаман.

Тургут Сабина томонга ўгирилди ва қисиқ кўзларини янада қисиб, жувонга бир муддат термилиб тургач:

— Мен тушунган нарсами? — деди.

— Ҳа, — жавоб берди Сабина.

Тургут оғир қадамларини бир-бир босиб, эшик ёнига борди ва кичик стол устида турган телефон гўшагини кўтариб қулогига тутди-да:

— Қанча пул бермоқчисан? — дея сўради Сабинадан.

— Тўрт юз минг доллар!

— Бунча оз??

— Ҳисоб рақамимда ҳозир шунча пул бор, холос!

— Оббо! Майли, мен сендан фоиз олмайман, — дея Тургут рақам терди ва ким биландир гаплашди. Кейин Сабинадан Швейцариядаги ҳисоб рақамини олди-да, ўшанга тўрт юз минг доллар ўтказишни тайинлади. Сўнгра гўшакни қўйиб, худди бир гектар ерни ағдарган одамдай ҳоргин юриб келиб, каравотнинг бир четига ўтириди.

— Нобуд бўлганлар синглингнинг оиласи эди. Ярамас! Аммо битта гапни айтиб қўяй, сен менинг хотиним бўлганингда ҳам хиёнат қиласдинг, мен хиёнаткорларни ёқтиримайман, гарчи у мен билан бирга бўлса ҳам!

— Боя айтдим сенга, мен қилган иш ўз-ўзидан бўлмади. Сен синглингнинг оиласини йўқ қилгани учун ўч олмоқчисан, менини ҳам худди шундай, отамдан айрилиб қолишимга бир баҳя қолди. Агар отам сергак бўлмаганида, ҳозир уни қаердан топишни билмай сарсон-саргардон юардим. Раҳмат сенга! Маълумотни ярим кечаси кут...

Сабина уйига борди. Ҳаммомга тушди. Кейин тошойна қаршисига ўтириди-да, обдан ўзига оро берди. Шунинг билан бирга Тургутнинг сўзларини хаёлидан ўтказаркан: «Сен билан менинг ишим йўқ. Сен шу ерда қоласан ва мен сени

бутунлай эсимдан чиқараман. Шунчаки йўлимда учраб қолдинг. Ҳожатим чиқди. Энди мен бутунлай бошқа томонга кетаман», дея ўйлади.

Селим ўта чарчаган аҳволда келди. Гүёки у ҳам Сабинага хиёнат қилганга ўхшарди. Келди-ю, ҳаммомга кириб кетди. Узок чўмилди. Сўнг баттар тинкаси куриб чиқди.

— Бугун, — деди Селим қадаҳга муз соларкан, — негадир роса чарчоқ босди.

— Ўзидан-ўзими? — ўсмоқчилаб сўради Сабина.

— Ҳа. Ҳолбуки, бирор ишни қойиллатганим йўқ. Офисдан ҳеч қаерга чиқмадим. Аммо негадир, азойи баданим зирқиради. Оёқларимдан жон кетди...

— Азизим, сен дам олишинг керак. Сўнгти кунларда кечаю кундуз тиним билмаяпсан. Менга сенинг пулларинг эмас, ўзинг кўпроқ кераксан. Шундоқ экан, кечки овқатга денгиз бўйига чиқамиз, иложи бўлса, бирорта моторли қайиқ олиб... Йўқ, бўлмас экан. Чунки бунинг учун сен умуман чарчамаган бўлишинг керак. Шунчаки, бирорта емакхонага борамиз.

— Кечни кутиш шартми? Ҳозир кетаверайлик, мен йигитлардан бирортасини чақираман, олиб боради.

— Лекин йигитинг ёнимизда ўтириволмасин тағин...

— Жиннимисан!?

Селим музнинг устидан суюқлик қўйди-да, сўнгра мароқ билан бир кўтаришда охиригача ичди ва оромкурсига ўтириди.

Унинг кўзи юмила бошлади. Сабина қараса аҳвол чатоқ. Ахир Селим ухламаслиги керак. Ухлаб қолса, иш чаппаси га кетади. Сабина Милисанинг «Дорини нимага қўшсанг, қўшилган нарса билан буткул аралашиб кетади. Уни ҳеч ким ажратолмайди. Ҳатто лабораторияда ҳам. Тавсиям, ўткир ичимликка аралаштири», деган гапларини эслади ва бориб сумкаласидан дорини олди...

Селимнинг кўнглида шубҳа бор эди. Шунинг учун ҳам ўзи доим яхши кўриб ичадиган ичимликни номигагина хўплаб қўйди, аммо ютмади. Кейин эса шарбат ичди. Буни қарангки, Сабина дорини шарбатга соглан эди. Шундай қилиш сўнгти лаҳзада қизнинг хаёлига келиб қолди. «Ўткир ичимликни ичмаслиги мумкин, шарбатни эса, албатта, ичади», деб ўйлади Сабина. Эҳ-ҳе, бунинг учун қанча ҳара-

кат қилди. Ахир у Селим билан ярим оролдаги энг чекка қаҳвахонага борган. Рұпарама-рұпара турған юмшоқ стулға ўтирган, официантта эри билан бирга буюртма берган ва шу бүйі бирор жойға қимирламаганди. Хаёлини бўлса, қиласидиган иши эгаллаб олган ва бунинг оқибатида бироз ранги оқарган, ўзини эса ҳаяжон босганди. Унинг шу ҳолати Селимни сергаклантириди. Демакки, у ҳали Сабинани тўлалигича хотин сифатида қабул қиласиди. Тўлалигича унга ишонмайди.

Сабина ярим соатлар кутди. Ва ниҳоят, Селимнинг қўлидаги санчқи ерга тушиб кетди. Селим эгилиб, санчқи тушган жойга қаради. Вақт жудаям оз, Сабина жуда тез ҳамда нозик ҳаракат қилиши керак эди. Қиз буни уddeлади. Агар бир лаҳзага кеч қолганида борми, ҳаммасини расво қиласиди. Керак бўлса, ўзини заҳарламоқчи бўлган бу жувонни Селим қўлидан ушлаб, дengизга олиб тушар ва бўғиб ўлдирди. Сабинанинг баҳтига бундай бўлмади. Аммо қизни баттар ҳаяжон босди.

— Тинчликми, жуда ўзгариб қолдинг? — дея сўради Селим.

— Ҳа, акам ёдимга тушди, — деб жавоб қайтарди Сабина қутилмаганди хаёлига келган гапдан хурсанд бўлиб.

— Аканг?! — дея пешонасини тириштириб сўради Селим.

— Акам... Бечора руҳий касаллар шифохонасида ётибди. Биз бу ёқда, у эса... Албатта, холам билан поччам бор. Аммо, барибир, улар бечора акамга қандай қарашади, номаълум, — деди Сабина ва кўзига ўш олди.

— Ана бор экан-ку қарайдиганлар! Қолаверса, ота-онангтирик, аканг биринчи навбатда уларнинг муаммоси. Сен аёл кишисан, аввало, ўзингни ўйлашинг керак.

Селим шундай деб қадаҳга лабини теккизиб қўйди ва айни чоғда Сабинага зимдан қаради. Сабина унга эътибор бермаётганини сезди. Сабинанинг гапига ишонгандай бўлди ва қадаҳдаги ўша ўзи яхши кўрадиган суюқлиқдан яна, фақат бу сафар жудаям озгина ҳўплади ҳамда Сабинага қаради.

— Сен менга эътибор берма. Гоҳ-гоҳида акамни ўйлаб қолганимда шундай аҳволга тушаман. Ахир у менинг жигарим ва унда умуман айб йўқ эди...

— Мен сени англадим. Аммо нега уни ҳам бу ёқقا олиб келмайсан, биргалашиб дардига шифо топармилик?..

— Эхтимол, бир кун келиб шундай ҳам қиласман...

Сабина ҳақиқатан ҳам, акасининг юз-кўзини кўз олди-га келтирди. Сингиллик меҳри жўшди. Энтиқди ва у ҳам Селим лабини теккизиб қўяётган суюқликнинг тақорири бўлмиш ўзининг қадаҳидаги ичимликдан хўплади. Ортидан шарбат ичди. Гўёки Селимга сен ҳам худди шундай қил, дегандай.

Буни қарангки, Селим ҳам шарбат ичди. Анча ичди ва бу Сабинанинг юзини ёриштириди. «Ура, — кўнглидан ўтказди Сабина, — мен ютиб чиқдим!»

— Селим, нега қадаҳни ялаб қўйяпсан? Ёки бошқа бир нимани кўнглинг тусаб қолдими? — деди қиз.

— Йўқ, нега, шуниси маъқул...

Селим бир кўтаришдаёқ қадаҳни бўшатди. Сабина эса шу заҳоти официантни чақириб, Селимнинг қадаҳини тўлдириб беришни илтимос қилди...

Селимга аста-секин дори таъсир қила бошлади. У ўзи-дан ўзи иржаяр, бурнини тортиб қўяр, кўзларини катта-лаштириб, афтини буриштирас ва шу йўсинда ёқимсиз қилиқ қиласман.

— Сен жудаям «очилиб» кетяпсан, менинг ярамасгинам, — деди Сабина ва стол устидаги саватча ичиди турган шишани кўлига олди-да, официантни ҳам чақирмасдан, ўзи Селимнинг идишини тўлдириди.

— Ич! — деди сўнгра Селимга.

Бу буйруқ синов тариқасида берилди. «Қани Милица айтган иш бўладими ё у мени алдадими?» дея хаёлидан ўтказган эди Сабина.

— Бажонидил! Сен нима десанг шу! Мен сенинг қулингман, — дея тиржайди Селим ва бир кўтаришда қадаҳни бўшатди.

— Энди чек... Чунки шундай қилгинг келяпти-ку, тўғрими? — деб сўради Сабина.

Буниси иккинчи синов.

Селим жавоб қайтармади ва қизнинг айтганини қилди. «Милица алдамабди!» дея ўйлади Сабина.

Селимнинг кўзлари галати эди. Шундай кўзларни бир пайтлар Сабина акасида кўрганди. Лекин у маҳали Сабина

акасининг нега бундай аҳволга тушганини биларди. Демак, ҳозир у шарбатга қўшган дорининг таркибида ҳам шундай нарсадан қўшимчалар бор. Балки, ундан ҳам кучлироги қўшилгандир. Чунки бу дори шу ҳолига келгунича озмунча синовдан ўтганми?

— Ўрнингдан тур, дengiz сени кутяпти! Сув остига шўнғиб, балиқ тутиб келтир! Балиқ тутмагунингча сувдан чиқма!

Сабина шундай деди-ю, ўзи титради. Агар Селим атай ўзини шундай тутаётган бўлса, демак, у ўзи учун ўзи ўлим тилаб олган бўлади.

Селим ўрнидан турди ва бошини қимирлатиб «хўп» ишорасини қилди ҳамда қаҳвахонадан чиқиб, дengиз томонга кета бошлади. Бир муддатдан сўнг қоронгиликка ўтиб, қўринмай қолди. Сўнг сувнинг шалоплагани эши-тилди. Сабина лабларини маҳкам тишлаб, кўзларини чирт юмди ва қадаҳни қўлига олиб ичимликни ичиб юборди. Чунки Сабина ҳозир ўзини қўлга олиши, ичидаги ҳаяжонини босиши керак.

Орадан бирор беш дақиқа ўтди. Денгиз томондан ҳеч қандай товуш келмади. Сабина: «Селим сув ютиб, нафаси қайтиб ўлган», деб кўнглидан ўтказди-да, ўрнидан турди...

Самолёт ҳавога кўтарилимагунча Сабинани ҳаяжон тарк этмади. Қанчалик чукур-чукур нафас олмасин, қанчалик бошқа нарсалар тўғрисида хаёл суришга уринмасин, фойдаси бўлмади. Гўёки Селим чўкиб ўлмагандай, ортидан келлаётгандай туйилаверди. «Нега бормадим? Нега унинг ўлганлигига амин бўлмадим?!» дея ўзини ўзи қийнарди қиз. Яна айтардики: «Тўғри қилдим, агар дengиз бўйига борганимда мени шу ёққа кетганимни кўрганлар мендан шубҳала-нарди. Тутиб полицияга топширишарди».

Самолёт парвоз қилганидан сўнг Сабина йиглаб юборди.

* * *

Абдураҳим уни жилмайиб кутиб олди. У етиб келиши билан ишни бошлаб юборган экан, ҳатто сабзини арчиб, тўграб қўйибди. Гуручни ивитган, гўштни ҳам қовурганди.

— Оббо, — деди буни кўрган Фирдавс, — бир марта

савоб иш қилай дегандим, шуни ҳам мендан илиб кетиб-сиз.

— Хавотир олманг, сизга ҳам қолди. Даастурхон ёзиш, устига нарсаларни қўйиш каби ишлар ҳали турибди, — дея жавоб берди Абдураҳим. — Ва яна ўқишингиз учун китобларни очиб қўйдим. Ўрганишингиз учун ҳарфларни ёздим. Ўзингиз худди шундай давом этказасиз.

— Сиз мени ҳам ўқитасиз, ҳам менга хизмат қиласизми? — деб ажабланганча сўради Фирдавс.

— Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам янги динга киргланларга кўпроқ нарса берган эканлар. Бизга шундан бери одат бўлиб қолган.

— Мен динга янги кирглан одаммасман-ку?!

— Астойдил илм ўрганишга киришдингиз, бунинг мукофотини олмогингиз даркор.

Ош ейилди. Дарс қилинди. Шундан кейингина Фирдавс уйига кетиши учун ташқарига йўл олди. Кўп узоқламади. Бирор икки бекат пиёда юраркан, бошқа дунёни кўрди. Боягина Абдураҳим билан суҳбатлашганида, китобларни ўқиганида умуман бошқа бир диёрда эди. Енгил эди. Учиш учун қанотгина етишмаганди. Кўчага чиқди-ю, гарангсиди. Ваҳоланки, ўзи ҳам худди мана шу бошдан-оёқ югар-югар, ташвиш ва шошилишлардан иборат дунёнинг вакили, довдирамаслиги, ён-атрофга олазарак бўлмаслиги керак. Аммо Фирдавс ҳозиргина бутунлай бошқа «сайёра»га бориб қайтиди...

Уйига таксида етиб олди. Беш қаватли бинонинг йўллаги бошида тутатқи донасини эзғилаб ўтирган Абдувалини кўриб ҳайрон бўлди ва аввал салом берди-да, сўнгра:

— Нега бу ерда ўтирибсиз? — дея сўради.

— Сени кутаётгандим... Биз кетиб, сен сарсон бўлиб қолмагин, дедим.

— Нега сарсон бўларканман?

— Ўйингни яшамасингдан ўзгартиридик. Бу ерни қўриқлаш муаммо экан. Ҳамма ёқни ваҳима босиб кетади. Осонгина кўзга ташланиб қоларканмиз. Шунинг учун...

— Нега унда шу ерни танладинглар? — деди шу заҳоти Фирдавс унинг гапини бўлиб, энсасини қотираркан.

Абдували елкасини қисиб қўйди.

— Унда бошланг...

Улар машинага ўтиришди. Уй масжидга яқин жойда экан. Янги қурилган. Ромларнинг бўёғи ҳали тўла қуримаган. Ҳовлида Фирдавс Мавзунани учратди. Унинг қўлида супурги бор эди. Ишига шунчалик берилибдики, Фирдавснинг келганини сезмай ҳам қолди.

— Ана энди ҳақиқий келин бўлибсиз, — дея ҳазиллашди Фирдавс.

Мавзуна чўчиб тушди ва ёқасига тупуриб қўйди-да:

— Сал-пал овоз чиқариб келмайсизми? — деб Фирдавсни койиган бўлди.

— Эй-й, тсс, эшитиб қолади, бирортаси. Ундан кейин келин тўрт кунда Фирдавсни қўлга олибди, дейишади.

— Ўн кундан ошди... Қўлга олишим учун етарлича муддат.

— Розиман. Лекин бирорвга билдирамайлик...

Фирдавс дадасининг томоқ қириб йўталишидан гапини охирига етказмай дарров жиддий тортди ҳамда дадаси томонга юзланди. Айни чоғда Мавзуна дув қизарди. Бошини эгди-да, лабини тишлади.

— Мен билмабман бу ёқقا кўчганларингизни, — деди Фирдавс ноқулайлиқдан чиқиш учун.

— Одамларингни қулоқсиз қилиб қўйгансан-да! Ичкарига кир, тўрттасининг келгани қачон эди, ҳалигача ўтирибди, — дея Достон ўғлига яқинлашиб, қучоқ очиб қўришди. Сўнгра Фирдавснинг қулоғига шивирлади:

— Бунаقا йўқ бўлиб кетишингда бизни бир ёқли қилиб қўясан.

— Яхши жойда, яхши одамлар даврасида эдим.

— Бўпти, кир.

Фирдавс кўпчиликка ўрганиб қолган. Қайтанга атрофиди одам кам бўлса қандайдир галати сезади ўзини. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Аммо улар ўзларининг ёши улуғлигига ҳам қарамай ўзгача тавозе билан Фирдавсни кутиб олиши, қўлларини боғлаб туриши, уни эзиб юборди.

— Бўлди. Бугундан бошлаб ҳаммангизни тарқатиб юбораман. Ҳамма уйига кетсин. Ҳамма ишини қилиб юраверсин. Ҳеч қанақангি тўда, ҳеч қанақангি гуруҳ йўқ! — деди Фирдавс салом-аликсиз.

Кутиб олувчилардан икки-учтасининг юзи дув этиб қизаруб, бир-бирига қараб қўйди.

— Бу нима деганинг? — дея сўради Миразиз ҳайрон бўлиб.

— Чунки сизларнинг бирортангизда ҳам инсоф йўқ. Бир ўйлаб кўринг. Қаерда одам боласи тенги болани бунаقا қилиб кутиб олади?! Ўтирган жойларингизда «Қаерларда юрибсан, нима қилиб юрибсан?! Ёмон санги бола бўлдингда?» деб койимайсизларми? Кўлингизни кўксингизга қўйиб кутиб олишингиз нимаси?

— Бўлди, бўлди, тамом. Тушундик. Узр. Бошқа такрорланмайди. Ҳамманг ўтирип жойингга, — деди Ёдгор ҳозиржавоблик билан ва ўзи биринчи бўлиб ўтириди-да, оёқларини чалиштириб, шерикларини кузатди.

Фирдавснинг йигитлари бирин-сирин ўтириди.

— Сен, — деди Ёдгор кўрсаткич бармогини Фирдавс томон тўғирлаб, — адашмасам, Достоннинг ўглисан. Шунча амакиларингнинг олдида серрайиб турмагинда битта аччиқ кўк чой олиб кел! Яна қорасидан дамлаб қўймагин. Бу ердагиларнинг барининг томи кетиб, қон босими ошадиган бўлиб қолган.

Фирдавс мийигида кулди ва ташқарига чиқиб кетди.

— Жиннимисан? — деди Абдулатиф Ёдгорга. — Фирдавс боламиз қатори бўлгани билан ҳаммамизнинг бошлиғимиз. Бошлиқ шундай кутиб олинади.

— Калламни қотирма, сен билган нарсанинг илмини мен юз йил олдин сув қилиб ичиб юборганман. Ҳалиям Фирдавснинг ақли бор. Бошқа бола бўлганида устингга чоптиради. Кейин сен билан мен, бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси ҳатто Достон ҳам Фирдавсни жудаям эрта қаритиб қўйдик. У ёш. Ўзи тенгилари қатори ўйнаб-кулиши керак.

— Тўгри, — дея орқасидаги ёстиқقا суюнди Миразиз, — бечора муаммоларга кўмилиб қолди. Балки, вақтинча ҳамма ишни бўйнимизга олиб, уни ўз ҳолига қўйишимиз керакдир?..

— Энди кеч, — деб кўрпачанинг бир четига ўтириди До-стон, — жудаям кеч. Ўқишдан ҳайдалди. Бирор жойда ишламайди. Тенгқурлари, ўртоқлари ёнига боролмайди. Хуллас, у энди ёлгиз.

— Жуда унчалик эмас, — дея орага қўшилди Музатфар

ошпаз, — ёнида келинимиз бор. У Фирдавснинг ёшлигиги ни эслатиб туради.

Ошпазнинг гапидан ҳамма норози бўлди. Аммо начора, аслида ҳам шундай-да.

— Менга қаранглар, — деди Достон хаёлига келган гапдан юзи ёришиб, — ҳар биттангда камида иккитадан ўғил бор. Ёдгорда ҳатто учта. Нега шуларнинг бирортасини Фирдавсга ўртоқ қилиб қўймайсизлар?! Сизларга, менга айттолмайдиган гапини унга айтарди. Ана уйланиши қандай бўлди?! Бола бечоранинг ўзи тикка келиб айтди. Лекин айтиб олишга қанчалик қийналган. Тўгри, ақли бор, кучи бор. Аммо бунақа нарсаларда ақл ҳам, куч ҳам роль ўйнамайди. Бунақа пайтларда сирдош дўст керак бўлади. Унга «ёрилади».

Ҳамма жим эди. Бирорнинг оғиздан гап чиқмасди. Миразиз уларнинг барини қузатаётган ва: «Тўппа-тўгри. Нега энди фақат мен билан Достоннинг фарзанди қийналиши керак?! Нега сизларнинг ўғил-қизларингиз маза қилиб юриши керак? Қани бу ерда адолат?» дея ўйларди.

— Достон, дўстим, мени ўзи анчадан бери шу масала қийнаётганди. Очигини айтадиган бўлсан, ўртанча ўғилни сира одам қилолмаяпман. Бу ёғи пешингача ухлайди. У ёги эрталабгача топиб бўлмайди. Мени биласизлар. Тўгриси, ўзингдан сира қўрқмас экансан. Лекин болангдан... Майли эди, яхши инсонлар билан юрган бўлса... Нуқул маишатпарастлик билан шуғулланиб юрган бўлса-чи? Бир куни роса «эздим». Лекин биттаям гап ололмадим. Шу болани Фирдавснинг ёнига қўймоқчи эдим. Ўзимнинг ўрнимга. Достон мен сендан умуман хафа эмасман. Аслидаям тўгри гапни айтдинг, — деб чуқур хўрсинди Ёдгор.

— Лекин сенинг бундай кетиб қолишинг ҳам бўлмайди. Ҳаммамизнинг ҳам. Нима, Фирдавснинг атрофини ҳеч нимани билмайдиганлар билан тўлдириб ташлаймизми? Болаларимизни олиб келамиз. Бир жонга — бир ўлим. Аслидаям ўзимиз шу нарсани бўйнимизга олганмиз-ку. Эртага ўлиб кетадиган бўлсак, қайсимизнинг боламиз гўримизга кириб ётади? «Ада, келинг, ҳисоб-китобни биргалашиб топширамиз», дейди. Шундоқ экан, ҳеч ким кетмайди. Аммо битта-биттадан ўғлини олиб келади. Агар Фирдавс келиб маслаҳат сўраса, қўлдан келганча ёрдамла-

шамиз. Бўлмаса, гангур-гунгур қилиб, яна уй уйимизга тарқаб кетаверамиз, — деди Абдулатиф.

— Буям узоқлашишнинг бир тури. Ҳозирча ўзимиз ҳам Фирдавснинг ёнида бўлиб турамиз, — дея гапга аралашди Миразиз.

Худди шу маҳал Фирдавс кириб келди. Унинг иккала қўлида ҳам чойнак бор эди...

Гап ўзани ўзгариб, дўқонларнинг бўшаб ётгани, ҳатто оддий қуруқ чойни ҳам топиб бўлмай қолгани ҳақида кетди.

— Амаки, — деди бир муддатдан сўнг Фирдавс Абдулатифга, — анави ишлар нима бўлди?

— Қайси? — дея пешонасини тиришитирди Абдулатиф.

— Мол билан келаётганларнинг машиналарини талаёт-ганлар-чи...

— Ҳа-а, баттар авж олган. Худди қумурсқалардай йўлтўсарлар бир гўрлардан чиқиб келишяпти. Ҳар ўн километр битта гуруҳга тегишли. Соққасини берасан, ўн километр юрасан. Яна берасан, юрасан. Бермайдиган бўлсанг, бир қадам ҳам босолмайсан. Хуллас, аҳвол чатоқ. Бир сўмга олинган нарса бозорга келгунича ўн сўмга айланади. Кўпчилик бунаقا тадбиркорликнинг боридан йўғи афзал, деб кечиб юборяпти. Шунинг учун ҳам дўконлар бўшаб ётибди-да! Агар сал эркинлик бўлса, одамлар дўконларни тўлдириб ташлашади...

— Бизники ҳолва... Россияга, Қозогистонга ўтсанг, молинг ва пулингга қўшиб терингни ҳам шилиб олишади, — дея Абдували қўлига пиёла олди.

— Ҳмм. Унда, амаки, бугундан ўша тўхтаб қолган ишни бошлаймиз.

— Тўппа-тўгри. Фақат энди амакиларинг сенинг ёнингда бўлмайди. Ҳаммаси биттадан ўғлини қўшиб қўяди. Бу ёқдаги майда-чуйдаларни, хужжат-пужжат ишларини биз бажараверамиз. Шунда сен уялмасдан, тортинмасдан, иккиланмасдан уларга топшириқ бераверасан. Барин тенгкурларинг бўлади, — деди Миразиз ва куёвига тикилди.

Фирдавс гапиришдан олдин отасининг дўстларига бирма-бир қараб чиқди.

— Сен чой дамлаб келгани кетганингда биз шундай қарорга келдик. Шундай қилсак, ҳаммамизга яхши бўлар-

кан. Бунинг устига, бу ёғига қарыб ҳам қолдик, унча-мунча юкламани күттаролмаймиз. Кейин яна битта қўшимча қилмоқчиман. Бизда ҳозирча тўртта қаҳвахона бор. Худога шукр, тўртталаси ҳам фойдага ишлайпти. Яна беш-ўнта дўкон очиб қўйсак, умуман кўчадан келадиган пулга қараб қолмасдик. Ишимиз янаем енгил тортади, — деди Музофар ошпаз.

— Унда мен билмайман. Аслини олганда, умуман кўчани йифиштириб қўймоқчийдим. Лекин қарасам, ўхшамайди... Болаларингиз масаласига келсак, ҳар қалай улар ишончили. Қолаверса, бошқа тўдалардан ажралиб бизга келиб қўшилганлар бор. Санасам, сизлардан ташқари яна қирқта одам бор экан. Яхши ишласак, ҳамма томон йўлига тушиб кетади. Яна Арслон деган аждаҳо билан унинг ҳомийси Абрам қўл қовуштириб ўтиргмагандир?! Ҳар битта босган қадамимизни ўлчаб юришгандир улар?! Шундай экан, хурматли амакилар, мен ўғилларингизни кутаман. У ёги Аллоҳга таваккал!

Улар тарқалди. Лекин ҳаммасининг боши гаранг эди. «Бундан бу ёғига нима қиласиз? » деган савол барчасини бирдай қийнаётганди.

Мавзунанинг юраги така-пука эди. Чунки у Фирдавснинг «одамлари» қандайдир ўйчан ҳолда уйдан кетишганини кўрди. Ҳаттоки дадаси ҳам қандайдир ҳардамхаёл эди. Шу боисдан ҳам тунда Фирдавсни сўроққа тутди. Фирдавс жавоб беришнинг ўрнига хотинига қараб: «Намоз ўқи. Фақат намоз ўқи. У ёгини Худонинг ўзи ўнглаб беради. Тўгри йўлни кўрсатади» — деди.

— Лекин мен ҳеч нима қилмайман-ку, — деди Мавзуна.

— Шунинг учун ҳам айтяпман. Ҳеч нарса қилмаяпсан, намоз ўқисанг, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Келишдикми? Ўзингга тааллуқли бўлмаган нарсаларни эса сўрама.

— Сизга тааллуқли бўлган нарсаларнинг бари менга ҳам тегишли...

— Тўгри. Шунинг учун ҳам намоз ўқи деяпман. Намознинг охирида дуоси бор... Сен мени дуо қилиб турсанг, ишим ўз-ўзидан яхши томонга кетаверади. Ўз-ўзидан ривожланади. Қарабсанки, ҳаётимиз ҳавас қилишга арзидиган бўлади. Келишдикми, пучуквой, — деб Фирдавс хотинининг бурнини чимдиб қўйди...

Фирдавс уйғонганида ҳали тонг отмаганди. Шунга қара-масдан, йигит шошди. Чунки вазифани улдалашга улгуринши керак. Топшириқни бажариши лозим. Йўқса, пешиндан кейин Абдураҳим билан кўришганида юзи шувут бўлади. Қизаради, бўзаради. Майли, ёш бола бўлса, билмайди. Эсимдан чиқиби, ухлаб қолибман, деб кутулади. Аммо... Хуллас, ярашмайди унга. Фирдавс таҳорат олиб, тўрт ракат намоз ўқиганидан сўнг дафтарини очди. Ва сидқидилдан топшириқни бажаришга тушди... У сураларни ёдлашга шунчалик берилиб кетдики, бомдодни ўтказиб юборишига оз қолди. Яхшиям Мавзуна уйғонгани, йўқса, у аниқ қуёш чиққанини сезмай қоларди...

Фирдавс нонуштани тугатишга ултурмасидан (дарвоҷе, анчадан бери биринчи марта улар биргаликда нонушта қилишди. Бутун оила. Тўғри, жудаям катта эмас, аммо шу катта бўлмаган оиланинг бирлашувига ҳам кераклича тўсиқлар бўлиб турганди. Мана, бугун тўсиқ бўлмади. Лекин, барибир, бу ҳам узоқ давом этмади) ҳовлини қўриқлаётган йигитлардан бири амакилар келганининг хабарини етказди. Шунинг билан бирга уларнинг ёнида ёш йигитлар ҳам борлиги қистириб ўтилди. Дарвоҷе, айтиш буткул эсдан кўтарилибди: Фирдавснинг отасидан қолган «йигит»ларининг ҳаммаси «амаки» деган лақаб олишганди.

Фирдавс апил-тапил бир бурда нонни оғзига солиб, ортидан пиёласида қолган чойни ичди-да, юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Достон ўғлининг қилиғидан ранжиди. Бироқ индамади. Начора, Фирдавснинг ҳаёти ўзи шунаقا-да.

Амакилар билан келган йигитларнинг фақат биттаси калта бўйли эди. Қолганлари бақувват, кўзлари катта, худди оталариникидай чақнаб турарди.

Бахтиёр, Самандар, Тўлқин, Мехриддин, Шокир. Фирдавс улар билан қўл бериб кўришиб бўлганидан кейин:

— Бундан бу ёғига «тижорат»ни бирга қиласиз, — деди.

— Ие, умримда бирор нима сотиб кўрмаганман. Иякка қўлни тираб турарканмизда растанинг орқасида, — дея иржайганча бошини қашлади Абдувалининг ўғли Тўлқин бошини қашлаб.

— Ўқимасак ҳам дўкончи бўлиб кетаверарканмизда, — деб унга қўшимча қилди Ёдгорнинг ўғли Бахтиёр.

— Дўкон?! Сизлар сира хавотир олманглар бу ёғига... Дипломни ўзим бераман. Чунки бундан бу ёғига мен ўқитаман. Менинг мактабимда ўқыйсизлар, — деб кулиб қўйди Фирдавс ва қайнотасига юзланиб сўради:

— Дада, Фишткўприкдаги ҳовли бўшми?

— Ҳа!..

— Бўлди. Энди мен шундай уйга кириб, кийимларимни алмаштириб чиқаман. Унгача беш дақиқа кутиб туринглар...

Фирдавс ичкарига кириб кетди ва беш дақиқа ўтмасдан қайтиб чиқди. Шунда Тўлқин билан Бахтиёрнинг юзи қизарганини кўрди. Уларнинг иккиси ҳам оталаридан шапалоқ «еганди». Албатта, одобсизликлари ва гердайганликлари учун...

Ҳовли нақ ўн икки сотих, кенг спорт зали ҳам бор эди. Фирдавс янги шерикларини шу залга киритди-да, кичик иштонигача ечинтириди. Шокир ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаганди, битта тепки билан «сийланди».

Ёшимиз қарийб тенг. Лекин фарқимиз мен шу пайтгача отам тенгилар билан ишлаганман. Улардан кўп нарсанни ўрганганман. Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Яна сизларга бошлиқман. Шундай экан, ҳар битта айтган гапимни қулоқларингни қимиirlатмасдан бажарасизлар, агар кимда-ким ортиқча гап-сўз қилса ёки буюрган нарсамни бажармаса, ўзидан кўрсин. Ҳа, яна битта нарсадан сизларни огоҳлантириб қўйай, сизлар ҳеч қаерга қочиб кутулолмайсизлар! Чунки оталаринг кетишиларингга йўл қўймайди... Ҳў-ӯш, бу гапим билан мен сизлардан ақдлиман, демоқчи эмасман. Аммо пешонамга сизларни бошқариш ёзилган экан, ўзимга сизларни мослаштириб олишим керак. Ҳозир югурамиз. Ярим соат...

Йигитлар росмана эзилишди. Чунки Мехриддиндан бошқа ҳамма кашанда эди. Ўпкаси оғизларига келиб қолди. Югуришдан кейинги турникка тортинишда, умуман, жонлари қолмади. Кейин эмаклашди. Тиззалири шилиниб кетди. Шунда ҳам Фирдавс уларга шафқат қилмади. Шунда ҳам тиндирмади. Охири ўзидан бошқа ҳамма сулайиб қолди. Жони қолмади қимиirlашга. Шундан кейингина Фирдавс машгулотни тўхтатди. Аммо шунинг билан бирга ўтқазиб ҳам қўймади. Секин зал бўйлаб юришди улар. Фирдавс-

нинг айтишига қараганда, бу ҳам дам олишнинг бир тури экан.

— Бу аҳволда бирор нимани эплашимиз жудаям қийин, — деди Фирдавс «дам олиш»дан сўнг, — энди битта чўмилиб чиқасизлар. Кийимларинг шу ерда қолади.

Улар яна Фирдавснинг айтганини қилишди. Чунки оталари шундай деб тайинлашган. «Мабодо гап қайтарсанглар, салгина норози бўлсанглар, тамом, у ёғи ихтиёр ҳам Фирдавснинг ўзида, ўлдирса ҳам розимиз», дейишган. Шу боисдан ҳам тишларини тишларига босишидди. Аммо чўмилиб чиқиб кийимларини кийганларидан сўнг Фирдавс уларнинг чўнтакларидаги тамакиларини тортиб олганида ва бирма-бир эзгилаб ташлаётганида Бахтиёр чидаб туролмай:

— Мен сени ўлдираман! — дея бақириб юборди.

У ҳамма қийноқларга чидади, газаби ниш урганида тишини-тишига босди. «Ана тугайди, мана тугайди», деди. Ниҳоят: «Энди бўлди, ташқарига чиқиб хуморимни қондираман, маза қиласман», деб турганида ярамас бутун қутини мажақлаб ташлади-я! Анави ер-манави ерда бўлсаям майли эди, бу баччагарнинг топилиши қийин. Гап пулда эмас. Унинг чўнтағи тўла пул. Бироқ сигарет деганнинг ўзи охирги пайтларда анқонинг уруғига айланган. Ана қанчадан-қанча кашанда носга ўтиб кетди. Яна паст кетаётганликларини яшириш учун носни тупуришини ҳисобга олмаса «Ўзи сигаретадан зўр экан!» деб қўйишади. Бахтиёр уларнинг устидан «Баттар бўлинглар, сал чиқим бўлса, ўзларингни йўқотиб қўяссанлар», дея ошкора кулади. Ҳозир эса унинг ўзи жудаям абгор аҳволга тушиб турибди.

Бахтиёр ўйлаб ўтирмай ўзини Фирдавснинг устига отди. Фирдавс унга тегиниб ўтирмади, шунчаки битта ҳаракат билан қочиб қолди. Бахтиёр полга гурсиллаб тушди. Агар қўлинини тираб қолмаганида, нақ башарасини уриб олган бўларди. Шу заҳоти кулги кўтарилди. Бахтиёр билан бирга эзилган, қийналганлар унинг устидан кулаётганди.

— Сенлар одам эмас экансанлар, мендан баттар аҳволга тушгандинглар-ку?! Нега ёрдам бериш ўрнига ҳамманг иржайиб-тиржаясан?! — дея ўкирди Бахтиёр ва ўрнидан туриб яна Фирдавсга ташланган эди, бу сафар рақиби унинг шунчаки ерга аганашига қўймади, балки қўлинин орқасига

қайирди. Бахтиёрнинг башараси бужмайиб, ўкириб юборди.

— Ҳой, жипириқи, агар яна мингирласанг ёки ортиқча ҳаракат қилсанг, суякларингни бурдалаб ташлайман! Ҳозирнинг ўзидан ҳеч қанақа чекиш йўқ. Уйингга борганингдаям чекмайсан. Мабодо ҳидлаб қўйсанг ҳам сезаман. Ана ундан кейин итнинг кунини бошингга соламан! Уқдингми?! — дея Фирдавс унинг кўлини баттар қайирди.

— Бўлди, бўлди, қўлим синиб кетади, ҳаммасини тушундим! Умримда оғзимга олмайман!

Бахтиёрнинг кўзидан тирқираб ёш чиқди. Бу сафар шериклари унинг устидан кулмади. Балки, бола бечорага ачишишди...

Фирдавс уни қўйиб юборди ва бошқаларга юзланиб:

— Ҳар биттанг билан мана шундай бўлади! Яна битта нарса, аслида, мен бугун сизлар билан бирга машгулот ўтказгач, қўйиб юбормоқчи эдим. Лекин энди ниятимдан қайтдим. Карантин! Уч кун!.. Овқатингни олиб келиб беришади. Ётоқ бор. Ҳеч қаерга чиқмайсизлар. Ўзларингча бир нарса-бир нарса қилмайсизлар, бу ерда сизларни кузатиб турувчилар ҳам бўлишади. Уларга тайинлаб қўяман, аямайди. Чекиш, бошқаси нарёқда турсин, мабодо сигарета сўраб илтимос қилсанглар ҳам сулайиб қолгунларингча калтаклашади.

Фирдавс бошқа гапирмади. Кетди. Илло, булар билан яна сўзлашиб ўтиришга унинг вақти йўқ эди. Режалари кўп. Уларнинг ҳаммасини адо этиш учун, эҳтимол, кун етмас. Лекин ҳаракат қилиш керак, ултуриш керак. Керак, керак, керак! Тамом-вассалом!

У йигитларидан саккизтасини йигди. Шунгаям бир соатдан кўпроқ вақт кетди. «Эҳ, — деб пешонасига урди, анави олифталар билан шуғулланаётган маҳалим ҳаммасини тўпласам бўларкан?»

Улар иккита машинада йўлга тушишди. Тўғри, гишткўприк томонга. Мол, асосан, шу томондан келади. Йўлтўсарлар ҳам шу ёқда бўлишади. Бундан чиқди, қандайдир юк машинасининг ортидан тушиш керак. Кузатиш керак. «Шлагбаунчилар» пайдо бўлиши билан уларга ҳамла қилиш лозим. У ёги бир гап бўлар.

Улар постдан бирор икки километр берироқда нақ икки

соат кутишди. Ниҳоят, машина кўринди. «КамАЗ». Фирдавс йигитларига қаради.

— Менимча, — деди Аҳрор исмли йигит (унинг Фирдавснинг «қўшини»га келиб қўшилганига уч ойча бўлган. Ёдгор қўшиб олган. Унинг айтишича, Аҳрор синчков, чаққон ва фаросатли йигит экан. Тўгри, бўйи кичкина, ўзи озғин, лекин калласи яхши ишларкан. Ўзининг тан олиб айтишига қараганда, болалигида ўғирлик билан шугулланиди ва шунинг орқасидан «ўтириб» ҳам чиқибди. Бахтига, турмадан кейин тақдир уни яхши бир одамга дучор қилибди. У ўғирликнинг нима эканини, бунинг учун икки дунёда ҳам улкан азоблар борлигини миясига қўйибди. Кейин шу одамни бозорда пичоқлашибди. Негалигини ҳеч ким билмайди. Шундай тўғрисидан келиб қорнига ханжар тиқиб ўтиб кетибди ўша ярамас. Аҳрор ана шу қотилни тошиш илинжида Фирдавснинг гуруҳига қўшилибди. Фалати томони, қотиллик «у томондан» дарров босди-босди қилинибди) — секин шу машинанинг орқасидан тушганимиз маъқул. Ана шунда тутадиганларни тутамиз.

— Фикринг ёмон эмас. Кетдик унда, — деди Фирдавс.

Йўлтўсрлар узоқ куттиришмади. Улар орқа томондан, қора «Волга»да келишди. Аввалига Фирдавс ўтирган уловни қувиб ўтишди. Сўнг бир киши машина ойнасидан қўлини чиқариб «тўхта», ишорасини қилди.

— Эҳ, — деди салондагилардан биттаси, — тўхтамасдан кетаверса, шаҳарга етиб олади-ку...

— Кўрмадингми, уларнинг қуроли бор эди. Ҳозирги сўровсиз замонда қарсллатиб отиб кетса ҳам бирор гинг демайди.

«КамАЗ» тўхтади. «Волга» ҳам. «Газ 24»дан эринибгина тушган тўрт киши олифталаниб қадам ташлаб, «КамАЗ» кабинасига яқинлашди...

Худди шу пайт «Жигули» енгил машинадан тушганларнинг ёнида чийиллатиб тормоз бериб тўхтади. Энг аввал Фирдавс отилиб тушди. Йўлтўсрлар нима бўлаётганини тушунишга улгурмасидан Фирдавс уларнинг учтасини уриб, ерга ётқизди. Тўртингчини эса бошқалар эплади.

— Кимсизлар?! Кимсизлар?! — дея бақирди ётганлардан биттаси.

Лекин унинг бақирганига бирор эътибор бермади.

Зумда құллари орқасига боғланған йўлтўсарларнинг ҳамаси яна ўзларининг машинасига тиқилди.

— Ака, — деди Фирдавс ҳали-ҳамон «КамАЗ»дан тушмай анграйиб ўтирган ҳайдовчининг ёнига бориб, — йўлингиз очиқ. bemalol кетаверинг. Бирор сизни бошقا тўхтатмайди.

«КамАЗ»чининг қўзидан ёш тирқираб чиқди.

— Раҳмат, ука, раҳмат, ука! — деганча машина моторини қайтадан ўт олдирди.

Сўроқ-саволлардан шу нарса маълум бўлдики, Арслон бу йўлтўсарлардан ҳам ҳақ олиб турар, иккита автомат, битта тўппончани ҳам айнан Арслон сотган экан. Яна улар бу йўлни икки қунда бир қўриқлашаркан. Яъни навбатманавбат. Эртага бошқалар чиқади. Улар билан булар ўзаро жанжалсиз келишиб олишган.

Фирдавс дарров ниятидан қайтди. У йўлтўсарларни ички ишлар бўлимига топширмоқчи эди. Ундай қилса, эртангиларни чўчитиб қўйиши мумкин экан... Шу боис бир қун саклашга қарор қилди.

Кейинги қундагилар ҳам қўлга тушди. Фақат унчалик ҳам осонлик билан эмас. Ораларида иккита барзангиси бор экан. Девдай. Қачонки чотлари «силангандан» кейин букилишди...

Кейин эса Арслоннинг улуш йигадиган иккита йигитини кутишди. Улар ҳар икки қунда бир келаркан. Юнусобод қўпригининг тагига. Пулларни олишаркан-да, хайр-мъзурни ҳам насия қилиб, хўмрайганча кетишаркан. Улар ҳам тутилди. Албатта, «йўлтўсарлар» ёрдамида. Бироқ Фирдавс улардан бирини қўйиб юборди. «Бориб хўжайинингга айт, пасткашлик қилмасин. Ўзини эркакман деб ҳисобласа, эркакча иш қилсин», деди...

Фирдавснинг қонунни ўқигани фойда берди. Оппоқ қоғозга йўлтўсарлар нечта машинани тўнашганини, қанча молни, пулни тортиб олишганини ва бу қайси моддага мос келишини ёзиб, машина ойнасига ёпиштириб қўйидида, йўлтўсарларни уловлари билан бирга ички ишлар бошқармаси ёнида қолдириди. Ўзи эса нарироқда телефон буткасидан навбатчига қўнғироқ қилиб, уларни огоҳлантириди.

Кейин «Фишткўпrik»даги ҳовлисига борди. Кеча ҳам

ишларини битирганидан кейин келганди. Йигитларнинг бутун аъзои баданлари қақшаб оғриётган экан. «Дод», дейишиди. «Бугун қолдиралийлик, эртага шугулланамиз», дейишиди. Аммо Фирдавс кўнмади. Олдинига уларга секин баданларини қиздириб олишларини буюрди ва шундан сўнг машгулотни бошлади. Улар ҳоргин, кечагидан анча кучсиз эди. Бироқ машгулот охирига бориб, қандайдир енгилликни ҳис этишиди. Чўмилиб чиққанларидан кейин эса янада тетиклашди.

— Балки, — деди бугун анча босилиб қолган Бахтиёр, — чекишини бирдан эмас, секин-секин ташлаганимиз маъқулдир. Ҳар қалай...

— Йиғиштир карам шўрвангни! — деди бирдан Фирдавс қатъий.

Бошқа гапирмади, кетди.

Бахтиёр яна аламини ичига ютди. Кўлини мушт қилди. «Бир кунмас-бир кун қасдимни оламан. Бугун сенга кучим етмай турибди. Лекин вақти-соати келади. Ана шунда сен билан яхшилаб ҳисоблашиб оламан. Керак бўлса, бир қутисини бир вақтда чекиб тугатасан!» дея кўнглига тугиб қўйди.

* * *

Йигитларининг келиши Арслонни ўлимдан олиб қолди. Йўқса, у онаси билан бирга ошхонага кирап, заҳар солинган аччиққина маставани ичар, кейин бўғилиб дорилфагона равона бўларди.

— Менинг ишларим кўп! Сиз билан кейинроқ овқатланаман, — деди Арслон онасига ва кўчага чиқиб кетди.

«Ҳамма ишнинг расвосини чиқардинг! Битта болага амаллаб заҳар ичиролмадинг-а! Садқаи сендақа хотин кетсин! Бундан кўра ўз-ўзингни ўлдир. Ана ўша маставани ўзинг ич, олам гулистон бўлади. Бир томондан, боланг сени ўлдиришидан қутуласан. Агар ўглинг сени ўлдириб қўйса, биласанми, нима азоблар уни кутади?!» дейишиди Хонзоданинг атрофини ўраб олган шайтонлар. Бироқ бу сафар аёл уларнинг гапига қулоқ тутмади. Балки, Абрам ёрдам бериб юборди. Чунки у қўнироқ қилиб: «Кўришайлик, сени согиндим. Сенсиз оғир карvonдайман. Тайёр бўлиб тур, йигитлар боришади», деди у.

Шугина гапга Хонзода енгил тортди. Қандайдир яшашга ишонч пайдо бўлди. Чунки у нафақат шайтонларнинг га-

пини «эшитган», балки шундай қилсам, ҳаммага яхши бўлармикин, деб ўйлаганди-да.

Арслон эса шотирлари билан тўгри Абрамнинг ёнига борди. Дарвозадан киришда йўлини тўсиб чиққан қўриқ-чиларнинг кўкрагидан итариб, четта ўтказиб борди. Абрам ҳовлида эди. Кўриб турғанди уни. Шунингдек, важоҳатидан билдики, Арслоннинг нияти яхши эмас.

Дарров телефонни олиб келишларини буюрди. Телефон қўлини чўзса, етадиган жойда эди. Шуни ҳам ўзи олмади. Олиб беришди. У Арслон яқинига келгунича рақам терди. Арслон келганида унинг юзига шунаقا нафрат билан қардики, Арслоннинг юраги ўйнади. Оёқлари титради. У гўдайиб кириб келаётганди, олдини тўсиб чиққанларни итариб юборганди. Ўшанда шерюрак эди. Мана, Абрамнинг ёнига келди-ю, қотиб қолди.

— Гапир, пандаваки! — деди унга Абрам.

Арслон эндиғина оғзини очган эди ҳамки, Абрам ўзи қўнғироқ қилган одам билан гаплаша бошлади:

— Беш юз кишини кутиб олдик. Янгисини бошлаш арафасидамиз. Икки кундан кейин пешин тугаши билан йигитлар бориб, олиб келишади. Вассалом!

Абрам шундай деб гўшакни қўйди ва яна боягидан баттар қовоғини осилтириб Арслонга қаради:

— Сендан гап сўрадим, ўлик! — деди.

— Мен ҳалиги... йигитлар билан...

— Айшу ишратга чиқмоқчимисан?..

— Йўқ! Ўзим сизнинг қўлингиз остида... Агар бирорта жиддийроқ иш бўлса, бориб бажариб келайлик, дегандим.

— Қўлингдан ҳеч нарса келмайди, сен маразнинг. Фирдавс одамларингга ҳужум қилган. Талаган. Лекин сен ит инингда майшатингни қилиб ётибсан, у ёқда нима воқеалар бўлаётгани хаёлингнинг бир чеккасига ҳам келгани йўқ! — деб Абрам бошини бошқа томонга бурди-да: — Владик! — деди газаб билан.

— Шу ердаман, хўжайин, — деди Владик қўлини кўксига қўйиб.

— Буни ертўлага тушир. Нима қилиш кераклигини ўзим айтаман.

Абрам шундай дейиши билан Арслоннинг юзидан қони

қочди. «Ертюла» нима эканини яхши билади. У ердан одам зоти энг осони майиб бўлиб чиқади.

Арслоннинг оёқлари букилди. У ўзи истамаган ҳолда тиз чўкиб:

— Устоз, маънавий падарим, шафқат қилинг! — деди.

Бўлаётган воқеани Арслоннинг йигитлари нарироқда кўриб туришганди. Уларнинг ҳам ичи шув этди. Саъдулла қандай найранг ишлатиб, вазиятдан омон-эсон чиқиб кетиш режасини туза бошлади. Қолганларининг хаёлида ҳеч вақо йўқ эди. Улар шундай, илгаридан ошқовоқ. Бирор нимани пишириб, буни ейиш керак десангиз, ейишади. Бўлмаса тураверишади, бурнимизга ёқимли ҳид уриляпти, деб.

— Бўталогим, наҳотки мендан ёмонлик кутсанг?! Ўз отангдан-а! Шунчаки миянг тозаланади-да, — дея Абрам Арслоннинг бошини силади ва ортидан юзига аямасдан шапалоқ тушириди.

Арслон бирдан ўзини ерга ташлади. Зарба... Зарба эмас бу. Шунчаки қиз боланинг уриши. Аммо Арслон спектакль кўрсатиши керак-ку. Юзига гурзи келиб тушгандай кўрса-тиши керак-ку ўзини. Аммо унинг бу маккорлиги ҳозир ўтмайди.

Абрам имлаган эди, Владик битта шериги билан Арслоннинг қўлтиғидан олди...

Абрам Баракка «Бопладимми?!» дегандай қаради ва столнинг устида турган қадаҳга кўлинни чўзди. У стакан ичидаги суюқликни имиллаб, бошқаларни зериктириб ичди. Ичганда ҳам бир хўплади, холос. Сўнг сигарани олиб, лаблари орасига қистирди-да, гугурт чақди ва оғзидан пағапага тутун чиқааркан, ҳали-ҳамон «музлаб» турган Арслоннинг йигитларини бармоги билан имлаб чақирди.

Айни дамда Абрам «Маугли»даги илон — Карни эслатиб юборди. Илон ўзининг даҳшатли сеҳр-жодуси билан маймунлар жамоасини янчиб ташлаш учун худди шундай чақирган эди. Саъдулла бош жамоа икки қадам олдинга қадам ташлади. Абрам ичадиганидан бир хўплаб қўйиб, яна чақирди. Саъдулла қулт этказиб ютинди. Худди шу пайти ертюла томондан Арслоннинг азобли инграши эшитилди.

— Тавба қилдим! — деди Саъдулла бақириб ва югуриб бориб Абрамнинг оёқлари остига ётиб олди.

Буни кўрган қолган йигитлар ҳам шундай қилишди. Ай-ниқса, Абдураҳмон билан Жавлон Абрамнинг оёқларини ўшишга-да шай эди.

Абрам аввал тутатқисини қулдонга қўйди, кейин қадаҳни қўлига олди-да, худди аввлги тахлитда ичаркан, Сальдулланинг башарасига тепди. Саъдулла думалаб кетди. Шунчаликки, одамнинг кулгиси қистайди. Абрамнинг юзида иржайиш пайдо бўлди. Агар буни Саъдулла кўрганида борми, яна бир-икки марта ўхшатиб думаларди. Лекин бечора кўрмади-да! Бироқ эшилди. Баракнинг хиринглаганини эшилди.

Бу пайтда Владик ертўладан чиқиб келганди. Абрам унга оёқлари остида ётганларни ижирганиб кўрсатди.

— Десертга булар. Олиб бор.

Владик бир имлаганди, дарвозахонада турганлар уйнинг ичкарисидагилар югуриб келишди ва бирпасда Арслонга тегишли йигитларнинг қўлларини орқасига боғлашди ҳамда бошқа дарвозахонадаги ертўлага олиб кетишиди.

Барак чапак чалиб:

— Кел, дўстим, пешонангдан бир ўпай. Қойилман сенга. Сенинг бунчалик устамонлигингни билмагандим. Ҳатто тушимга ҳам кирмаганди, — деди ва бўйини чўзиб, дўстининг бошидан ўпди.

— Уф-ф, — деди сўнгра оғзининг олдидаги ҳидни ҳай-даган бўлиб, — бир умр бошингни ювмаганмисан?

— Балки... Ҳаммомингни қизғансанг... Айтдим пулинни тўлайман деб. Лекин дўстингдан қизгандинг сувингни.

— Сен бирорвга пул берган кунинг ўзингни отиб ўлдирасан. Бошинг сасиган бўлса ҳам ҳечқиси йўқ. Ўзингта шундай юриш ярашади.

Абрам унга ижирганиб қараб қўйди.

— Хўш, сен сабилқолгур, пушти паноҳингдан бўлган болангни осонгина ўлдириб юборасанми? Ҳаттоқи қаттол Сталиннинг ҳам ўғлига ичи ачиган.

— Унинг ўғли меникига ўхшаб расво бўлмаган. Душманга қарши урушган, яралангачгина асир тушган...

— Лекин Сталин алмашса бўларди-ку?!

— Ҳмм, тўгри, генералга оддий аскарни. Қўйсанг-чи...

— Балки, ўйлаб кўтарсан. Барibir, у ўғлинг. Бир кун-

мас-бир кун ёдингга тушади ва сен қийналасан. Қийналишингни кўришни эса истамайман.

— Мен унга имконият бераман. Агар ўша имкониятдан фойдаланса фойдаланди, йўқса, ўз қўлим билан томогига тиф тортаман!

— Мана буниси бошқа гап. Қани ол, энди!

Абрам Хонзода билан учрашувга бормади. Борса, албатта, Арслон тўғрисида гап бўлади. Абрам яшириб ўтирумайди. Борини шартта айтади-кўяди. Ана ундан кейин Хонзода изиллаб йиглашга тушади... Шунинг йигисини кўриш шартми?

Барак беш юз киши тўғрисида эндиғина оғиз очганди, Абрам башарасини буриштириб қўлини силтади.

— Бизга ҳам, — деди сўнгра бир нуқтага термилиб, — сўнгги имконият берилган. Сорос мактаб очмоқчи. Шуни ташкиллаштиришимиз керак. Иккинчидан, ҳазрат масаласини бир ёқли қўлмасак, бойлигимизга ҳам қараб ўтирумасдан ўзимизни қайтиб келмасга жўнатишади. Дарвоқе, сен буни ўз каналларинг орқали биласан.

— Йўқ, бехабарман! Ундан кейин мен ўйинлар ичидаги йўқман. Мен аллақачон бор-будимни ўзимизнинг севимли банкларимизга ўтказиб бўлганман. Шу ёқда туриб нефть билан шугулланишни режалаштирганман.

Абрам Баракнинг гапларига хохолаб кулди. Шунда ертюла томондан Арслоннинг инграгани эшитилиб, унинг юзи бирдан жиддий тортди.

— Владик! — деда қичқирди бор овозда.

Владик энди Арслоннинг йигитлари билан шугулланмоқчи бўлиб, енгини шимарганди, шефнинг товушини эшитиши билан ялт этиб, зина томонга қаради ва бирпастда Абрамнинг ёнида пайдо бўлди.

— Сен овсарга неча марта ишни хом қўлма деганман?!

— деди Абрам қаҳр билан. — Анавининг унини ўчир, латта-патта тиқ оғзига!

— Менимча, — деди Барак Владикнинг ортидан кузатиб қоларкан, — сен дўхтирга учрашишинг керак. Ахир қийналяпсан ва нега яшаётганлигингни унутяпсан...

— Хўп, хўп. Ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб юрибман. Кейин манави зормандадан ҳам охирги пайтлари кўп ичиб қўйяпман, — деда Абрам қадаҳни кўрсатди.

— Бу жудаям тоза. Сен билан мен қаёқдаги лойқаларини оғзимизга ҳам олмаймиз. Айтганча, Фирдавс ҳақида гапир-гандинг. Наҳотки у шунчалик айёр бўлса, наҳотки шу биргина боланинг эпини қилолмасанг?!

— Йўқ, у айёр эмас. Ана шу айёр эмаслиги учун қўлга тушмаяпти. Балки, яна ақлли бўлгани учун ва яна битта сабаб бор. Фирдавснинг отаси кўчабоши бўлган бир пайлар. Демак, унинг қонида бор. Шунинг учун ҳам йигитча ҳозир ҳар қандай қопқонга осонлик билан чап бериб кетяпти. Мен Арслоннинг ўрнида унинг бўлишини жудаям истардим. Агар Арслоннинг имконияти Фирдавсда бўлганида борми, биз аллақачон ҳамма ёқни қўлга олган бўлардик.

— Унинг ожиз жойини топиш шунчалик қийинми?

— Билмадим... Ҳар қалай, ҳозиргача, биз имконсиз бўлиб турибмиз!

Абрам шундай деб бир нуқтага термилиб қолди. Барак гапирди, аммо у Баракнинг бирорта ҳам гапини эшитмади. Гўё гунг эди. Сўнг столни муштлади-да, ўрнидан туриб кетди.

— Тинчликми? — дея унинг юзига хавотир билан қарди Барак.

Абрам ертўла томонга шошди. Аммо пастга тушмади. Зина ёнига бориб Владикни чақириди.

Владик бу сафар ҳам югуриб чиқди-да, шефнинг оғзига термилди.

— Йигитларингдан тўрттасини олгинда, бориб Фирдавсни топ, эртага пешин ўтиши билан шахсан ўзим музокарага чақираман уни. Сиргалидан ўтгандаги чакалакзор ичкарисидаги ёлғизоёқ кўчада. Истаганча одамини олиб борсин. Ҳеч қанақа қурол ишлатилмайди. Бирор бировнинг ёқасидан олмайди. Мана шунинг хабарини етказ. Агар ўзини тополмасанг, яқинларидан биронтасига айт. Биз тинчлик битимини тузамиз.

— Тинчлик? — дея ҳайрон бўлиб Абрамнинг юзига қарди Владик.

— Ақлинг етмаганига аралашма! Айтганимни қил. Энди жўна!

Абрам Баракнинг ёнига қайтиб келди. Лекин ўтиrmади.

Қадаҳни олди ва унга лабини теккизди. Икки қултумгина ичимлик ичди-да:

— Менимча, орқанг ботиб кетган бўлса керак! Бундан ҳам баттари, уйингдан бунчалик кўп фойдаланаётганлигимни ҳисоблолмай гарангсан. Аммо сен бу уйни икки ҳафта бурун сотиб юборгансан...

— Мен сени ҳозир!.. — деб ўрнидан туриб кетди Барак.

— Бўлди, бўлди, аммо рост гапни айтдим. Хавотир олма, мен ҳам ҳаммасини ҳисоблаб боряпман. Бир тийинингга ҳам хиёнат қилмайман, энди юр мен билан.

Улар ертўлага тушишди. Арслоннинг аҳволи ачинарли эди. Қўлларини икки ёнига ёзиб осишибди. Яна бути ҳам айрилиб кетиш арафасида турибди. Абрам иржайди.

— Менинг эркатойимни бунчалик қилишади, деб ўйла-маган эканман, — деди ҳамда Арслоннинг оғзига тиқилган латтани тортиб олди.

— Мендан нима гуноҳ ўтди, хўжайин?! — деди Арслон кўзидан ёш оқизиб.

— Эҳ, эҳ, эҳ! Шунча тарбиям қаёққа қараб кетяпти?! Биринчи гуноҳинг — шер бўлдинг. Иккинчи гуноҳинг — қуён бўлдинг, учинчиси — бечора! Яна санайми?!

— Абрам сенга ота ўрнида ота! Балки, ҳақиқий ота десанг ҳам адашмайсан, — дея гап қўшди Барак.

— Ҳа, — деди бирдан Арслон, — мен ҳам шундай деб ҳисоблайман. Шунинг учун...

— Сенга имконият... Мен сени яхудийлар қаторига қўшганман. Бу жудаям катта нарса. Баъзида яхудийлигинг кўриниб қолади. Аммо шундай пайтлар бўладики, шунчаки мен сени ўлдириб ташлагим келади, — деб Абрам Баракка юзланди, — хўш, азобдан қутқарамизми?

— Албатта!

Улар арқонларни ечишди. Арслоннинг оёқлари, елкала-ри енгил тортгандай бўлди ва шу пайтгача оғриб азоб берган жойларини силади.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Барак унинг елкасига қоқиб, — сен Абрамга набира ато этишга ярайсан. Айтганча, Лидага хабар бердик. Фақат угина сенинг авлодингни давом этка-зишга лойик. Қани энди ташқарига юр...

Бироз шайтон сувидан сўнг Арслоннинг оғриқлари пасайди.

— Эртага, — деди Абрам столни чертиб Арслонни бир мүддат күзатганидан сўнг, — сени учрашув кутяпти. Фирдавс билан... Уч юз фоиз қуролланган ҳолда бўласан. Ҳеч қанақа гап-сўз бўлмайди. У келиши билан шотирларинг билан бирга ўққа тутасан. Токи бирорта ҳам тирик зоф қолмасин. Ҳаттоқи улар миниб келган машиналарни ҳам илмаетишик қилиб ташлайсизлар. Кейин ёқиб юборасизлар!

Арслоннинг юзи ёришди. Иржайди...

— Менинг ишим! Мен зериккан эдим. Сизга худди шу гапни айтгани келгандим!..

— Ҳовлиқма, нима мақсадда келганингни жуда яхши биламан. Агар яна қовун туширсанг, кечирмайман. Кўрсичонга айланиб, ернинг тагига кирсанг ҳам топаман. Соғ қўймайман, бола. Тушундингми?!

— Ҳа, — дея бошини қимиirlатди Арслон.

«Нима мақсадда келганимни билади? Ким айтди бунга? Онамми? Йўқ. У қаерга кетаётганимни, ким билан учрашишим кераклигидан бехабар эди-ку?! Ёки атрофимдагиларнинг бирортаси гулладими? Йўқ! Ҳеч кимга ҳеч нарса... Саъдула-чи? Ўшандан бир гап қочганга ўхшайди?!» дея ўйлади.

У ўйлаганини сиртига чиқармади. Бунинг ўрнига яна манави сўхтаси совуқ, оталикка даъво қилаётган каззобдан қандай кутулиш, ундан ўчини олиш тўғрисида бош қотирди. Фирдавс?.. У Абрам каби унга зиён етказмади. Икки марта дуч келишди. Бир марта ёқасидан олди, тамом-вассалом. Бошқа пайт ўзи билан ўзи овора. Қайтанга, ўзи унга зиён етказиши билан банд. Ахир қурбақани боссанг ҳам вақ дейди-да. Нима, Фирдавс ундан шунча расворгарчилликларни кўрса ҳам индамай юраверсинми? Йўқ, у ҳам қимиirlайди. Пайт пойлайди ва биринчи имкон пайдо бўлиши билан шартта «узиб» олади. Ҳа, шундай ҳам қиляпти.

«Бўпти, бораман, Фирдавс билан йигитларини ўққа тураман. Ҳаммасини ўлдираман. Кейин ўзимникиларни қолдириб, тўғри келаман-да, ҳеч қанақа гап-сўзсиз Абрамнинг одамларини, ўзини, манави шалпангқулоқ, чўчқабашара дўстини ҳам пақиллатиб отиб ташлайман. Гапириб ўтирумайман. Телефонда гаплашгани икки пул. Бир бошга бир ўлим», деган ўй ўтди Арслоннинг хаёлидан.

— Ҳа-а, ўйланиб қолдинг? — дея сўради ундан кўзини узмай ўтирган Абрам.

— Устоз, сиз менинг маънавий отамсиз. Менга битта нарсани тушунтириб беринг. Нега сира ишим олдинга силжимаяпти? Хабарингиз бор, ичкиликтин ташладим, чекишга яқин йўламай қўйдим. Маишат деса, юзимни бурадиган бўлдим. Аммо, барибир, омадим келмаяпти. Йўқ жойдан қовун туширяпман, худди бугунгидай...

Барак Арслоннинг гапларига қулди ва Абрамга қани нима деб жавоб берасан, дегандай юзланди.

— Сен билагинг ёки бефаросатлилигинг билан эмас, ақлинг билан ишла. Ақлинг билан қадам бос. Дарвоҳе, ҳеч китоб ўқиганмисан? — деди Абрам.

— Йўқ. Китобни кўришим билан бошим оғрийди. Ўзи зўрга мактабни битирганман!

— Кўриниб турибди. Лекин мен ўқиган китобларимни ҳисоблаб чиқсан, мингдан ошади. Мана, кўрдингми фарқимизни? Энди бор! Ишга киришишга тайёргарлик кўр. Менинг туфлим йиртилиб қолган, тикиб олишим керак. Ахир мен машҳур этикдўзман. Эҳ-ҳе, вақтида казо-казолар оёқ кийимларини кўтариб келишарди. Нозик қизларнинг туфлиларини айтмайсанми?.. Бўлди, гап кўпайиб кетди. Бор, бор, тезроқ кўзимдан йўқол...

Арслон оғриниб ўрнидан турди.

Унинг омон қолиши шерикларига ҳам таъсир ўтказди. Уларни ҳам қийноқдан озод этишди.

— Эсингдами? — деди Барак Арслон кетганидан сўнг.

— Нима? — дея унга юзланди Абрам.

— Ёшлигинда кетворган қизлар оёқ кийимларини олиб келишса, улар кетиши билан роса ҳидлардинг. Ҳайронман, сасиган оёқ ҳидининг нимасини ёқтирадинг?!

Абрам башарасини буриштириди:

— Сени ўлдиришим керак, чунки жудаем кўп сирларимни биласан...

Барак бирдан қаҳқаҳа отиб кулиб юборди. Шу заҳоти унинг иккала юзи ҳам қизарди ва бир қўли билан оғзини ёпди-да, бошини қимирлатиб «Ҳа, ҳа» ишорасини қилди.

* * *

Учрашув хабарини олганидан сўнг Фирдавс тўғри қай-notасининг ёнига борди ва уни биринчи марта намоз ўқиётган ҳолида кўрди. Қайнонаси айтмаганди. «Дадангиз уйда, киринг», деганди. Бундан чиқди, аёли ҳам Миразизнинг

намоз ўқиётганидан бехабар. Фирдавс эшикдан кирди-ю, қайнотасини кўриши билан кўзлари чараклади. Бир муддат қотиб қолди, кейин ортига қайтмоқчи бўлди. «Йўқ», деди ўзига-ўзи ва шартта оstonага ўтириб олди.

Миразиз салом берганидан сўнг кафтларини очиб дуо қилди. Сўнг кафтларини юзига суртди ва ўрнидан туриб ортига бурилиб жилмайди.

— Ассалому алайкум, — деди шу заҳоти Фирдавс.

Миразиз алик олганидан сўнг:

— Айтмасдан келибсан, — дея куёви билан кўришиш учун қўлини чўзди.

— Вақт тифизроқ эди. Кейин кимданdir айтиб юборадиган гап эмасди. Шунинг учун тўғри келавердим. Аям ҳам намоз ўқиётганингизни айтмади.

— Сен ҳам бирорвга гапириб юрма. Ўзи шундай, ҳеч кимга қўрсатмасдан ўқиб юргандим. Хўп, тинчликми? Мавзуна яхшими?

— Яхши. Уйда ўтирибди. Лекин ўзимда бир иш чиқиб қолди. Шунга сизнинг ёнингизга маслаҳатга келгандим.

— Бемалол... Айтганча, шогирдларинг қандай?

— Уларни сўраманг, роса бўшашиб экан. Ҳозир мени кўришга кўзлари, отишга ўқлари йўқ.

— Шундай бўлишини олдиндан билардим. Лекин кейин ҳаммаси раҳмат айтади!

— Арслон хабар жўнатибди. Мен бир-икки марта унинг «думи»ни босгандим. Дарров типирчилаб қолганга ўхшайди. Энди учрашувга таклиф қилибди. У билан илгари ҳам Сирғалидан ўтгандан кейинги ўрмонда кўришгандик, эсингизда бўлса. Яна ўша ерга чақирибди. «Ишонсанг, ёлғиз, ишонмасанг, ҳамма одамларингни йиғиб бор. Сен билан тинчгина келишиб олмоқчиман», дебди.

— Ундан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Аммо калласини ишлатиб бирор нимани эплашига ҳам кўзим етмайди. Чунки довдир. Зуваласи бемаза. Аммо унинг ортида турган одам ўта туллак. Ҳамма бузгунчиликларни ўша урчитади, ўғит беради, тагига сув қуяди, керак бўлса, шоҳ-шаббалирини обдан артади. Сўнг мевасини олиб, Арслонга ўхшаган лақмаларнинг қўлига тутқазади-да, «Буни ҳаммага едир!» дейди. Қарабсанки, ҳали у кўчада, ҳали бунисида ёнгин чиққан, сув тошган, қаттиқ бўрон туриб, уйлар-

нинг томини кўчириб кетган, одамлар эса қип-ялангоч қаерга беркинишини, қочишини билмайди... Хўш, нима қиламиз дейсан-да?! Олдинги усулни қўллаймиз. Ҳозир биласан, замон остин-устун бўлиб кетди. Бунаقا пайтда оқ билан қорани ажратиб бўлмайди. Шундай экан, Арслоннинг учрашувдан муддаоси нима эканлигига ақлим етмай турибди, — деди Миразиз ва күёвининг елкасидан тутиб ташқарига бошлади.

Улар айвонга чиққанидан кейин Миразиз хотинини чақириб:

— Шундай меҳмон келади-ю, ҳеч нима қилмай қаёқларда юрибсан?! — дея койиган бўлди.

— Нега энди ҳеч нарса қилмас экаман? Овқатни бошлаб юбордим, ошнинг гўштини қовуриб, зирвагини тайёрла-япман, — дея қошини учириб қўйди Рухшона.

— Вақтим зикроқ, шунга овора бўлмасангиз, — деб баҳона қилди Фирдавс.

— Беш дақиқа... Хоним, боринг-да, ўша қовураётган гўштингизга пиёз аралаштиринг. Дарров тайёр бўлади. Кейин олиб келасиз...

— Унда Арслон билан кўришаман. Яна шу усулни қўллаймиз. Ўтган сафар осонроқ кутулганди. Агар бунисида ҳадидан ошса...

— Ўзи у билан тўқнаш келдингми шу кунларда?

— Йўқ. Лекин унинг одамлари билан озгина «ҳисоб-китоб» қилишимга тўғри келди. Бундан сизнинг хабарингиз бор.

— Яхши қилдинг-ку-я, лекин манави ёқдаги юлдузлиларнинг ҳам ғаши келгани аниқ. Улар «Фирдавс деганларинг ҳали кўчада тартиб ўрнатадиган бўлиб қолибдими?» деган бўлиши ва сенинг ўзингга қопқон қўйиши эҳтимоли бор. Шунинг учун эҳтиёткорликни икки ҳисса оширмасанг бўлмайди.

— Хавотир олманг. Ҳеч қачон битта машинада ўн дақиқадан ортиқ ўтирмајман. Бир жойда овқатланмаяпман. Яна яшаш жойимният кунига ўзгартиришни ният қилиб қўйганман. Ҳозирча бирор бешта уй бор. Агар яна шунча уй сотиб олсам, роса лўли бўламан-да, — деб жилмайди Фирдавс.

— Лўли бўлсанг ҳам, бошқа бўлсанг ҳам жонинг омон

бўлсин. Қолгани йўл-йўлакай тўғирланиб кетилаверади... Мен ўзимизниклар билан бирга тонг саҳардан ўша ёққа бориб тураман. Сен ёшлар билан бирга бор. Анави янги қўшилганлар ҳам сен билан бирга борсин, қўзлари ўрганиди. Ундан кейин кимлигингни ҳам билиб қўйишсан. Эшитдим, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаётганлари ҳам бор экан.

— Яхши бўлиб қолди у ҳам. Фақат бошида сал эркаланди-да, — деб кулди Фирдавс.

— Сен кетганингдан кейин мен болаларга «Энди бу ёғига чидайсизлар, Фирдавс ёғлиққина нон бериб сийламайди, фарзандларингни обдан элақдан ўтказади», дедим. Уларнинг ҳаммаси рози бўлишиди. «Суяги бизники, гўшти Фирдавсники», дейишиди. Бу ёғи ўлдириб қўймасанг бўлгани.

Рухшона лаганда қовурилган гўшт олиб келди. Қайнотакуёвнинг бирдан иштаҳаси очилди ва иккови ҳам «ҳаракат»ни бошлаб юборишиди.

Фирдавс уйига қайтганида кун кеч бўлиб қолган эди. «Вақтдан унумли фойдалана олмадим. Дарсга боришим керак эди. Яна ўзим ёлғиз қолиб, спорт билан шугулланишни режалаштиргандим. Анави дордан қочганларни «одам» қилишга уринаётганимда анча-мунча бўшашганимни, баъзи ҳаракатларим суст чиқаётганини сездим. Агар авҳол шу тариқа давом этадиган бўлса, яқинда танбалдан фарқим қолмайди. Менинг ўзимни «одам» қилишга тўғри келиб қолади», — дея пешонасига бир-икки муштлади йигит. Аммо Мавзунани кўрганида мана шу ўйларини бир муддатга унутди. Чунки назарида хотини доимгидан-да очилиб кетганга ўхшарди. Эътибор берди. Қошлари терилибди. Лаб бўёгининг ҳам аллақандай ўзига жудаям мос келадиганидан суртибди. Қадам босишлари нозли. У отаси билан кўришганида, бир муддат суҳбатлашганида Мавзунадаги ўзгаришни сезмаганди. Илло эътибор бермади. Ёш келинчак ҳам эътиборни тортадиган бирор нима қилмаганди. Қандай қилсан, қайнотаси ўтирибди, унинг кўз олдида нозли-нозли қадам ташласинми? Хуллас, ётоқقا кирганидан кейингина Мавзунада ўзгариш борлигини илгади Фирдавс.

— Кундан-кунга очилиб кетяпсан, бу аҳволда мен уйдан чиқмай қўяман... Йўқ, яхиси, сени ўраб ташлайман...

Паранжи ёпинтириб қўяман. Фақат кўзинг кўринади... Тўхта, кўзинг ҳам кўринмайди, — деди Фирдавс Мавзу-нага қараб.

Келинчак эрининг гапларига қиқирлаб кулди ва:

— Қоп кийдириб қўйинг, шунда ҳаммаси жой-жойида бўлади. Лекин қопнинг каттарогини топинг... Кейин ўзингиз ҳам охирги пайтларда анча ўзгариб қолдингиз, илгаригидай гаплашмайсиз, ўзингизни олиб қочаётганга ўхшайсиз. Шунга мабодо мен эътиборсиз бўлиб қолдимми, деган ўйда сал-пал ҳаракат қилдим, — деди ярим жиддий оҳангда.

— Ҳозир сени еб қўяман! Еб қўяман, тамом-вассалом!..

* * *

Абрамнинг ҳар босган қадами фитна билан тўлиб-тошганди. Дарвоқе, шайтонларнинг у билан умуман иши йўқ. Қаерга боради, ким билан гаплашади, нимани ўйлайди-ю, нима хатти-ҳаракатга қўл уради, ўзи билади. Чунки у биронга фириб беришда, биронни хонавайрон қилишда, биронни йўлдан оздиришда шайтонни ортда қолдирганига анча бўлган. Унинг ўй-хаёли шу: қандай қилсам, ағанаб тушади, нима қилсам, ўкириб йиглайди, дод-фарёд билан оёқларимнинг остига ўзини ташлайди.

Ҳозир ҳам Арслонни жўнатиб юбориши билан машиналарнинг ҳамма ойнасига қора парда тутиш кераклиги ёдига тушди. Ахир Арслон унақа-мунақа эмас, ақл ва кучга тўла душман билан қарама-қарши бўлади. Бунақа пайтда фитна ишлатмасанг, албатта, маглуб бўласан... Машиналарнинг ойналарини қорайтириш ёки парда тутиб қўйиш керакки, қуроллар кўринмасин.

Абрам дарров ёнига Владикни чақириб:

— Бор, анави овсаннинг ортидан қувиб, етиб ол, — деди.

— Овсан? Ким у? — дея пешонасини тириштириди Владик.

— Онанг! Сенинг ўзинг! Нега менга савол берасан, ифлос?! — деб кутилмагандга бақириб юборди Абрам.

— Ҳой, ўзингни бос, бола бечорада нима айб? Ўзинг ҳали ичингдагини айтмасдан туриб, буни сўкиб ташлашинг нимаси? Ҳатто ёнингда ўтириб, мен сенинг ичингда нима бўлаётганини билмайман-ку! — деди Барак қовоги-ни осилтириб.

— Имм! — деб бошини сарак-сарак қилди Абрам. — Нима қилай, ақлим шунчалик тез ишляяптики, буни айтишга тилим улгурмаяпти... Хуллас, Арслоннинг ортидан қувиб боргин-да, унга машиналарининг ҳамма ойналарини қорайтириш кераклигини айт! Менимча, қорайтириб берадиган устахоналар бўлса керак. Бўлмаса, парда тутсин! Жўна энди!

Владик «Хўп бўлади», деб қўлини кўксига қўйди-да, ортига бурилиб югуриб кетди. Бекорга югурмади. Кўрқанидан югурди. У Абрамнинг шу бир бақиришининг ўзида сал бўлмаса, иштонини хўллаб қўяёзганди.

Арслон уйига кирмоқчи, шу ерда йигитларининг ҳаммасини тўплаб, обдан уларга «панд-насиҳат» қилмоқчи эди. «Бориб Фирдавсни одамлари билан бирга асфалософинга жўнатамиз-у, бирдан иккинчи ишни бажарамиз. Токи сошиб қолмайлик. Нима иш эканини эса биринчисини бажаришимиз билан айтаман. Агар шу иккита ишни қойиллатсак, ҳар биттантагта биттадан машина совға қиласман!» демоқчи эди...

Владик машинасининг олдида тўхтаганида Арслоннинг тепа сочи тикка бўлди.

— Жонимга тегиб кетдинг, ифлос! — дея бақирди йигитларининг ёнида ва чўнтағидан тўппончасини чиқариб, уни қайтадан ўқлаб, энди уловдан тушмоқчи бўлганида Владикнинг ўзи ҳаллослаганча етиб келди ва очиқ деразадан бошини ичкарига киргазиб, ҳансираганча Абрамнинг кейинги буйргуини айтди...

Владик ҳали нафасини ростлашга улгурмаганди. Энди битта шишанинг оғзини очиб, «chanqoқ босди»нинг икки қултумгинасини ичган эди ҳамки, тағин Абрам чақириб қолди.

— Сен ҳам йигитларингнинг ҳаммасини қуроллантири! Кўча-кўйда юрганларининг барини йиг. Арслоннинг ортидан борасан, агар у сусткашлиқ қилса, биринчи бўлиб «томоша»ни бошлайсан-да, орtingга қайтасан, бир дақиқа ҳам туриб қолма. Тўполон бошлангандаёқ, ортга қайт. Яна битта вазифанг бор сенинг — нима бўлса бўлсин, лекин Арслоннинг бошидан бир тола ҳам сочи тўкилмасин, қолганлар билан ишинг бўлмасин! — деди Абрам.

Абрам ўзининг энг катта ва асосий ишини ҳал қилиш

учун ўрнидан турди ва хос соқчиларидан бирини ёнига чақирди. У қылтириқ, кал, кўзлари пиёладай келадиган, қошини пес босган йигит эди. Фалати томони, у қанчалик чўмилмасин, атир сепмасин, барибир, баданидан сасиган ҳид келиб турарди. «Сени онанг ҳожатхонада туққан», дерди Абрам унга доим. Ҳозир ҳам шу гапини айтишни унумади.

— Тўппа-тўгри! — дея иржайди хос соқчи.

— Ашқол-дашқолларнинг барини йифинглар, ярим соатдан кейин Ялангочга кўчамиз. Адашмасам, у ерда ҳам иккита уйимиз бор, — деди Абрам юмшоқлик билан.

— Худди шундай. Сиз умуман адашмайсиз, адашишиниз мумкин эмас.

— Тўхта! — деди бирдан жиддий тортган Барак. У кўзи ни бироз юмганча Абрамдан қандай қилиб пулини ундиришни ўйлаётганди. Ўртоғининг гапини эшитганида эса юрагига кўркув кирди. — Сен индамасдан кетаверасанми? Менинг пулларимни бермай, а?!

— Ҳмм, — дея унга қараб тиржайди Абрам, — эсимдан чиқишига оз қолибди. Айтганча, уйни неча пулга сотгандинг?

— Нимайди?..

— Керакда...

— Ишинг бўлмасин! Ижара ҳақини тўла!

— Иккаламиз ҳам тўлаймиз. Биринчидан, менинг ичимликларимдан неча шиша ичдинг?

— Ўзинг қўйиб берганингни...

— Ҳа-а, сен, — дея Абрам кўрсаткич бармоғини ҳавода қимирлатди, — барибир, яхудийлигингга борасан-да! Аммо мен ҳаммасини ҳисоблаб юрибман. Иккаламизнинг орамизда ўтган кунлар мобайнида нақ икки яшик кетди. Бу дегани бир яшигининг пулини мен тўлайман, иккинчисини сен. Ҳўш, қанча овқат единг?..

— Паст кетма, Абрам, ахир сен миллиардерсан!

— Тўппа-тўгри, сен ҳам кам эмассан, пулларингнинг барини бир ерга йигса, бир неча юз миллион бўлади. Ҳўш, айт-чи, ўшандан озгинасини ишлатсанг, камбағал бўлиб қоласанми?..

— Барибир, сен қарздорсан, чунки мен сени энг оғир пайтда бу ерга олиб келдим. Бошпана бердим. Қолаверса,

ертўлада қанча ишларни амалга оширдинг, тўкилган қонларнинг бари менинг тушимга киради. Қўрқаман. Ана шу қўркувнинг баҳоси жудаям қиммат!

— Уфф! Тўгрисини айтсам, сен билан майдалашиб ўтиришга сира вақтим йўқ. Аслида, роса савдолашишим керак эди. Майли, дўстим, кўнглинг чўкмасин, — деб Абрам чўнтағидан битта юз сўмлик чиқариб, Баракнинг олдига ташлади.

— Суяк?! Қандай ҳаддинг сиғди, ярамас?!

— Еб тур, ҳозир пулим йўқ... Лекин сенга яхши битта таклифим бор.

— Нима экан? Фақат олдиндан тўлайсан.

— Пулини ўйлама. Ҳазратни гумдон қилиш керак. Шундай жиддий иш турганида сен пулдан гапирасан. Бундай дейишга озгина уялсанг бўларди.

Барак кулди ва ўрнидан туриб, кафтларини бир-бирига уриб ишқалади:

— Эҳ, ярамас, туллак, сен менга ақл ўргатмоқчи бўляпсанми?

— Йўқ. Иблиснинг ақли меникidan кўп...

— Аммо сендан камбағал. Ҳозир сен айтган иш бизнинг умумий бош оғригимиз. Бўпти, сен кўчавер-чи, мен бирор режа тузиб қўярман. Тўгрироғи, худуд учун масъул бўлган одамга қўнғироқ қиласман.

— Фойдаси йўқ... У менга «Бугуноқ сиёсий ишларни бошланглар», деди. Ҳазрат китоб олиб келганини ва сотганини яхшилаб қулогимга қўйди.

— У сотибдими? — деди кўзлари чақчайган Барак.

— Сотмаган бўлса, сотганга айлантиришнинг қийин жойи борми? Туҳмат қиласми. Ифво қиласми, қарабсанки, керакли одамларнинг ўзлари у билан шугулланишга мажбур бўлишади. Ахир йўлимиз очилиши керак-ку! Ундан кейин бундай оғир масалани сен билан мен қилмасак, Арслонга ўхшаганлар қовун тушириб қўйишади.

Шу куни Абрам айғоқчиларини бозорларга жўнатди. Улар миш-миш тарқатиши билан шугулланишди. Нима эмиш: «Бир самолёт нодир, одам зотини камолатга элтувчи китобларни ҳазрат қимматга сатаётганмиш. Аслида, текинга тарқатилиши керак экан. Чунки бой давлатнинг бойлари текинга беришган экан. Савоб учун. Аммо ҳазрат, шундай

кўзга кўринган, минглаб илмли шогирдлари бор одам бу китобларни сотибди-я! Бу нима бедодлик?! Ҳазратки шундай қилган экан, бошқалардан нима умид? Катталаrimиз қаерга қарашяпти? Наҳотки улар бундай қаллобликдан бехабар бўлишса?.. Бунинг олдини олиш керак! Жиноятчилар қонун олдида жавоб бериши керак!»

— Одамларнинг ҳаммаси гўл, нима десанг, ишониб кетаверишади. Биз битта гапни тарқатган бўлсак, улар яна қўшиб-чатиб игнадай нарсани туяга айлантириб юборишиди. Бозорни бир айланиб чиқиб, дам олиш учун ўтирсам, биттаси келибди олдимга. «Эшитдингизми, биродар, ҳазрат самолёт сотиб олганмиш, Швейцариядан уй қуриш учун ер олганмиш. Айтишларича, энг қиммат тумандан, ҳамма ёғи арча билан ўралган, жуда бир сокин жой эмиш. Яна уйининг шундоққина биқинидан дарё оқиб ўтармиш», дейди. Тўгриси, Абрам устоз, мен қотиб қолдим. Ҳайратдан ёқа ушладим. Одамларни шунчалик ижодкор деб сира ўйламагандим! — деди миш-миш тарқатувчиларнинг бири Абрамга.

Абрам иржайди. Бир муддат шу тахлит ўтирганидан сўнг столни муштлади ва қаҳқаҳа отиб қулиб юборди.

— Бу аҳволда ҳазратни агдаришимиз кутганимиздан ҳам осон, тез бўларкан! Сен бориб йигитларга учраш, улар сени хушхабаринг учун обдан сийлашади. Кейин Кўзибошни ёнимга чақириб юбор.

— Кўзибош ким эканини билмас эканман, — деди мишмишли қўйдирилган калладай тиржайиб.

— Николай, Николай унинг исми.

— Хўп...

Абрам ҳаммомни ихтиёр этганди. Кўйлиқ массивида янги курилган ҳаммомни. Уни яқинда Андрей Пак дегани қурибди. Икки марта беш йилдан қамоқда ўтириб чиққан, ўгри бола. «Энди бундан бу ёғига тоза ишлайман», дебди. Лекин Абрамга етиб келган хабарга қараганда, нақ ўнта «нозик билак»ни сақлар экан. Ва яна барра ит гўштидан бор экан. Кабоб тайёрлаб беришаркан ундан. Айтишларича, шамоллаган одам бир марта тўйиб еса, отдай бўлиб кетармиш. Кейин ичкиликнинг ҳам саноги йўқ эканки, қайсинисидан истасанг, дарров топиб беришаркан. Ана сизга тозалиг-у, мана сизга тозалик.

— Қаланги-қасанғилар күпайиб кетибди. Шунинг учун қўриқчиларни кўпайтиргилар. Мен борганимда ҳаммомда хизматчилардан бошқа зог ҳам бўлмасин. Агар биронтасига кўзим тушиб қолса, ҳаммангнинг терингни шилиб оламан! — деб амр қилди Абрам.

* * *

Миразиз Фирдавс кетганидан кейин ҳаммага қўнғироқ қилиб чиқди. «Қаҳвахонада йигилайлик, гап бор. Жудаям зарур. Бирорга айтманглар!» деди. Ва ўзи ҳам қўнғироқ қилиб бўлиши билан кийимларини алмаштириб, Рухшонанинг сўроқ-саволларини ҳам жавобсиз қолдириб, кўчага йўл олди.

У безовта эди. Юраги гупиллаб уради. Агар эртароқ ҳаракат қилмаса, бирор фалокат бўладиганга ўхшарди. Шу боис ҳаммадан олдин ўзларига тегишли қаҳвахонага етиб борса-да, бир жойда ўтиромади. Янги дамлатган чойидан бир ҳўплам ҳам ичмади. Турди, ўтирди, ташқарига чиқди, яна қайтиб келди. Норози бўлиб тўнгиллади. Соатига бирор йигирма мартача қараб қўйди. Ниҳоят, кутилган одамларнинг ҳаммаси бирин-кетин етиб келишди.

— Бунча имиллайсанлар? Менинг сабр-косам тўлиб, сал қолса, инфаркт бўлаёздим. Одам бунаقا бўлмайди-да, энди, айтилдими, дарров оёгини қўлига олиб югуради. Бунағанги имиллашда Азроил ҳам жонларингни олишга эринади, — деди Миразиз уларга.

Келганларнинг бари ҳайрон эди. «Нима осмон узилиб ерга тушдимики, типиричилайсан?» дейишиди.

— Агар шундай бўлганида майли эди. Сизлар аввал ўтиргилар, гаплашиб оламиз.

Миразиз қақраб кетган томогини бир пиёла чой билан ҳўллаб қўйди. Сўнгра Арслоннинг таклифи ҳақида гапирди.

— Шунга шунчами? — деди Абдулатиф унинг сўзларига парво қилмай тутатқи қистириаркан лаблари орасига.

— Нега бунчалик хотиржамсан?! — деди жаҳли чиқа бошлаган Миразиз.

— Ўтган сафар кўрганмиз Арслоннинг кучини. Бу сафар ҳам худди шундай бўлади. Энди сал бундайроқ ёки ундейроқ кечиши мумкин учрашув. Умуман олганда, ҳаммаси Фирдавснинг қандай йўл тутишига боғлиқ...

— Йўқ, — деди Миразиз унинг гапини бўлиб, — буниси бошқача бўладиганга ўхшаяпти. Ҳар қалай, орадан оз муддат ўтган бўлса ҳам давр ўзгарди. Шунга биз эртага саҳарлабдан ўша жойга борамиз, машиналарни Сиргалида қолдирамиз. У ёққа олиб борсак, Арслоннинг одамлари-нинг кўнглига шубҳа оралаб қолиши мумкин. Шунинг учун эртароқ бориб, яшириниб ётамиз. Уйларингдан егуликларингни олинглар-да, бомдоддан кейин дарров мана шу ерга келинглар. Биргалашиб кетамиз. Айтганча, қурол олиш эсларингдан чиқмасин. Биз ҳар нимага тайёр туришимиз керак. Менимча, Фирдавс, барibir, бўш қўл билан бора-ди.

— Келишдик. Мен ҳатто уйга ҳам бормаслигим мумкин. Чунки бугун футбол бор. «Спартак» билан «Реал» ўйнайди. Диванга ётволиб, қаҳва ичиб томоша қиласман. Агар хоҳловчилар бўлса, марҳамат. Ҳаммага диван етади. Мабодо ухлаб қолсак, телевизорни ўчирадиганлар ҳам бор, — деб кулди Ёдгор.

Унинг гапи икки кишига маъқул келди. Қолганлар уй-уйига кетишиди...

* * *

Ҳаво бироз салқин, этни жунжиктирувчи енгил шамол ҳам бор эди. Фирдавс эса енги калта кўйлак кийганди. У ўзини-ўзи қучганча у ёқдан бу-ёққа бориб келар ва тез-тез Арслон келиши мумкин бўлган томонга қараб қўярди. «Кеч келишингни билардим. Ҳозир кимнингдир қучогида маза қилиб ухлаётган бўлсанг керак. Ҳойнаҳой, мен билан кўришишингни ҳам унутгансан. Майли, бироз кутаман. Мен ваъда бердимми, устидан чиқишга одатланганман... Лекин шу соатини ҳам аниқ-тиниқ белгилаб олиш керак экан, бекордан-бекорга вақт сафрлашнинг нима кераги бор?!» дея кўнглидан ўтказди ва бўйини чўзиб қараган эди, катта тезликда келаётган нақ бешта машинага кўзи тушди. Буларда бор-йўғи иккита машина. Биттаси «Москвич», иккинчиси «Жигули». Камтаргинаю, лекин хоҳлаган жойингга олиб бориб қўяди. Яна ҳеч кимнинг эътиборини тортмайди...

Яқинлашашётган уловларнинг учтаси қоп-қора, иккита-си оқ «Волга» эди. Ваҳимали. Гёёки етиб келиши билан ҳамма ёқни остин-устун қиласиган шашти бор. Аслида ҳам

шундай. Машинада ўтирганларнинг бари аллақачон автоматларининг затворини тортиб қўйишган, манзилга етishi билан сакраб тушиб, тепкиларни босишга тайёр эди...

— Келишяпти, тушинглар! — деди Фирдавс йигитларига.

Иккита машинанинг эшиклари қарийб бир вақтда очилди. Спорт услубида кийинган, бир-иккитаси сақич чайнаган йигитлар дарров бир қатор бўлиб туриб олишди.

— Эҳ-ҳе, хўжайин, булар молбоқарларини ҳам олиб келишяптими? Икки оғиз гапга бешта ваҳимали «Волга»ни овора қилиш шартмиди?! — деди Бахтиёр.

У ҳаммадан кўп гўдайган эди. Сабаби, оддий. Мураббий шунчалик устаки, бир деганда беш-олтитасини ер тишлатади. Қолаверса, мана, ўзлари ҳам тўрт-беш кундан бери сигарета чекишмайди. Билакларига куч эниб қолган. Ахир улар ҳам ўзларининг нимага қодир эканлигини бир кўрсатиб қўйишлари керак-ку?! Бақувватлашгунича тилидан фойдаланишарди ва отасига суюнишарди. Кимсан отаси фалончи-фистончи тўда боши билан бирга юради. Керак бўлса, пистончининг ўнг қўли. Пистончи ҳамма маслаҳатларни ундан олади. Мана, энди ўзлари шу тўданинг аъзосига айланишди. Тўрт кун бўлса ҳам шугулланишди. Дастреблабки кундаги чарчоқлар кетиб мускуллари анча-мунча юкламани бемалол қўтарадиган бўлди. Кўчада бекордан-бекорга бирорнинг бурнини қонатиб бўлмайди. Қолаверса, бунга Фирдавснинг ўзи ҳам йўл бермайди. У: «Агар бирортанг ўзингдан бундайроқ одамни хафа қиласдиган бўлсанг, терингни шилиб, суюкларингни мажаҳлаб ташлайман!» деб айтган. Ҳозир эса бутунлай бошқача ҳолат. Икки тўда бир-бири билан жиққамушт бўладиган. Бунақа пайтда душманинг обдан абжagini чиқарсанг, сенга раҳмат айтишади. Елкангга қоқиб қўйишади.

— Ҳаромдан йифилган «соқقا»ни ҳеч курса бензинга сарфлаш керак-ку. Бўлмаса, санайвериш тинкаларини қуритиб юборади, — дея бурнини тортиб қўйди Самандар ва чайнаётган сақичини туфлади.

Фирдавс унга норози қиёфада қаради. Бироқ лом-мим демади.

— Эътибор бердингларми? — деди Шокир ўрмон то-

монга қараб. — Негадир қүшлар сайрамай қўйди, келгани мизда ҳамма ёқни вағур-вугур босиб ётганди.

«Катта нохушлиқдан далолат. Бу учрашув яхшилик билан тугамайдиганга ўхшайди», дея кўнглидан ўтказди Фирдавс ва Тўлқинга юзланиб:

— Сен ҳар эҳтимолга қарши бардачоқдаги тўппончани ол. «Мактабда, бошлангич ҳарбий тайёргарликда ҳаммадан зўр эдим. Кўзимни юмиб пашшанинг оёғини нишонга олардим», дегандинг. Энди зарур бўлиб қолса, санъатинингни кўрсатасан-да! — деди.

Яқинлашаётган «Волга»лар шағал йўлга ўтиши билан орқаларидан чанг-тўзон кўтарилиди.

— Орқадагилар ўлди. Бирортаси йўлдан чиқиб кетмаса яхши эди, — деди Мехриддин.

— Қайтанга яхши, биттага камаяди...

— Йўқ, ҳаммаси етиб келсин. Ҳаммасини кўрайлик. Яна эрта бир кун «Шунақа-шунақа битта машина фалокатга учрагани учун асабийлашдик, шунинг учун ютқаздик», деб баҳона қилиб юришмасин, — дея Бахтиёрга эътиroz билдириди Мехриддин.

Машиналарнинг бирортаси ҳам йўлдан чиқиб кетмади. Улар бирор икки юз қадамча нарида бирин-кетин тўхтади. Бир муддат турди. Сўнг бараварига «Волга»ларнинг тўрттала эшиги ҳам очилди. Фирдавснинг йигитлари ўз-ўзидан ортларига тисарилишиди. Ҳозиргача улар шер эди. Ҳозиргача биттаси битта ортиқча гап айтса, тамом, тепкилаб ташлашга тайёр эди. Аммо машинадан тушганлар улар ўйлаганчалик кичкина, озгин эмас, бунинг устига, қўлларида куроллари ҳам бор эди.

Орадан бир лаҳза ҳам ўтмади. Арслоннинг шотирлари бараварига тепкиларни босишиди. Автоматлар тариллашга тушди. Фирдавс зўрга:

— Орқага, машиналарнинг ортига ўтиб, ерга ётинглар! — дея бақиришга улгурди ва ўзини ерга ташлади.

Уларнинг бахтига, Арслоннинг йигитлари курол ишлатишга нўноқ, билганлари автоматни рақиб томонга тўгрилаш ва тепкини босишдан иборат эди. Аммо, барибир, ҳисобсиз ўқларнинг турли томонга униши самара бермасдан қолмасди.

Фирдавс ётган жойга ўнлаб темир парчалари келиб тушди.

Ерни «қўзғаб» чанг-тўзон кўтарди. Битта ўқ Фирдавснинг елкасини тешиб ўтган бўлса, яна биттаси оёғига тегди. Бу ёғи «Москвич» билан «Жигули»нинг ойналари чил-чил синди. Филдираклари бўшаб қолди. Эшикларида ўнлаб тешикчалар пайдо бўлди...

Миразиз бошлиқ «биринчи бўлинма», аслида, Фирдавснинг орқа томонида туришганди. Уларнинг тахминича, Арслон йигитлари билан бирга шу ерда жойлашиши керак эди. Қараашса, олдин Фирдавс келди. Демак, вазият ўзгарди. Улар чакалакзор оралаб юриб, Фирдавсга кўринмасдан уни айланиб ўтишди. Ҳозир эса Арслонга қарашли «бригада»нинг орқа томонида туришарди. Улар машиналар тўхтаси билан қуролларини ўқлашган ва урушга (росмана уруш) тайёр эди. Бироқ улар ҳам Арслоннинг шотирлари бирдан қуролларини ишлатади, деб ўйлашмаганди. Шу боисдан салгина кечроқ «ишга» киришишиди.

Арслон машинадан тушмаганди. Юраги дов бермаганди. Ҳаммасидан ҳам Фирдавс гарчи узоқдан бўлса-да, кўришдан чўчиди. Энди айтиб бўлмайди. Мабодо Фирдавс ҳам йигитларини худди у каби қуроллантирган бўлса, аҳвол чатоқ. Вазият бутунлай бошқа томонга ўзариши ва ҳатто-ки уни яралашлари мумкин. Бунақа пайтда энг яхшиси, четроқда, бирорга кўринмайгина томоша қилган маъкулроқ.

Арслон ўтирган машинанинг ойнаси кутилмаганда чил-чил синди. Ўқ бутунлай бошқа томондан отилган эди. Ва яна унинг йигитларидан биттасини кимдир нишонга олди. У Абдураҳмон эди. Ҳа, ҳа, ўша сариқ. Ўша қўл теккан жойдан пул ундиришни, одамларни чув туширишни хуш кўрадиган, манфаати учун ҳар қандай пасткашликни бажонидил бажрадиган Абдураҳмон. У шумлик қилиб бошқалардан орқароқда туриб олганди. Буни қарангки, ўқ айнан унинг бошига тегди. У юзтубан йиқилди. Сўнг Жавлон «хамир» ағнади...

— Бизга бошқа томондан хужум қилишяпти! Ҳайда! Ҳайда машинани! — дея қичқирди Арслон ҳайдовчига.

«Волга» бир депсинди. Чийиллаб жойида айланиб олди. Сўнг олдинга сапчиди.

Арслоннинг жуфтакни ростлаб қолганини йигитларининг қарийб ҳаммаси кўрди. Демак, бу ёғи энди чатоқ. Қочиш керак!

Улар бараварига ўқ узишни тўхтатишида, ўзларини ўрмон ичкарисига уришди. Шунда ҳам иккитаси оёғидан яраланди. Аммо ҳар иккиси ҳам ётиб ё ўтириб қолмади. Оғриқ жонларидан ўтиб кетган эса-да, яралангтан оёқларини судраб қоча бошлишди.

Қочоқлар бирор юз қадамдан сўнг дарёга дуч келишди. Сув жудаям оз эди. Бор-йўғи тиззагача келади. Дарёни кебиб ўтиб кетишиди.

«Ийитлар» ўғилларининг ёнига югуришди. Ахир уларнинг жонлари томоқларига келиб қолган эди. Ахир уларнинг жигаргўшаларини кўз ўнгиларида ўққа тутишиди. Ким қолди, ким ўлди, билишмайди...

— Тирикмисизлар?! Ҳаммаси тугади! Тугади ҳаммаси! — қичқирди Ёдгор кўзидан дув-дув ёш оқизиб...

Яралангланлар уч киши эди. Фирдавсдан ташқари Тўлқиннинг биқинига ўқ теккан, Бахтиёрнинг эса чаккасини темир парчаси «силаб» ўтганди.

Оталар омон қолган болалари билан бирга яралангланнинг ҳаммасини кўтаришиб «Волга»лар томон югуришди ва жароҳатланганларни машиналарга ортишиди.

Миразиз бир неча марта пешонасига муштлаб:

— Болам! Болам! Отангта ўхшаб ўлиб кетма! — дея ҳай-қирди.

Чунки Фирдавснинг кўзи юмуқ, оғир-оғир нафас олар эди.

* * *

Владик Арслоннинг машинаси катта тезликда ўтиб кетганини кўриши билан аҳвол чатоқлигини тушунди. «Эҳ, расво, шунча имконияти бўла туриб, яна «ўтириб» қўйганга ўхшайди. Тиш-тирногигача куролланган эди-я. Вой, ярама-а-а-с! Вой, абраҳ-ҳ-ҳ!!! Шунчалик ҳам расвосанми? Сени шеф нима қилиб ёнида олиб юрибди? Нима қилиб сенга шунча нарсани ишониб топшириб қўйибди?! Эссиз, майли, нима ҳам дердим, бу ёғига ўзинг жавоб берасан! Абрамнинг ўғли бўлсанг ўзингга... Бу ёғи зинодан бўлган, барибир, қўкармас экан. Кўкарса ҳам мева бермас экан. Меваси бўлса-да, таъми бўлмас экан! Бу сен учун дарс, хурматли Владик», дея кўнглидан ўтказди у ва ҳайдовчига эринчоқлик билан қаарarkan:

— Кетдик. Бизга иш қолмаган кўринади. Бориб дамилизни олиб ётамиз, — деди.

— Шеф, — деди ҳайдовчи, — битта яхши жой бор. Чирчиқда. Шунақанги қийворишган-ки, даҳшат! Импорт омборининг эгасиники.

— Импорт омбори қолибдими? — дея норози қиёфада унга қаради Владик.

— Илгари бўлганда... Ҳозир ҳам бор-у, лекин бўй-бўй. Хуллас, у ёқ-бу ёғини қўйиб боргин-да, майшат қил. Тамом-вассалом.

— Бўлмайди, вақт йўқ! Кўрдингми, Арслоннинг қуён бўлганини? Энди шу қуённи сўйиш сен билан менга топширилади. Ана ундан сўнг биргаликда қуён шўрва ичамиз. Ҳайда машинани! Абрам ўзини куттирганларнинг калласини олади. Тез бўл, Арслоннинг ортидан етиб борайлик!

* * *

Арслон Баракнинг уйига етгунича Худо деб борди. «Ўзинг паноҳингда асра! Энди тамом, ҳаммаси тамом, мени Абрам янчиди ташлайди!» деб ўйлади. Лекин бориб қарасаки, на Абрам ва на Барак бор. Иккиси ҳам шотирлари билан бирга кетибди. Биттагина қоровул қолдиришибди. Қорувунинг ҳеч вақодан хабари йўқ. Унга бирор «Бир жойга кетяпман», демаган. «Шу ерда ўтири, уйга ҳеч кимни киритма», дейишган.

— Бундан чиқди, — дея бақирди Арслон, — улар ҳаммасини олдиндан билишган, ҳатто мени ўлиб кетади, деб ўйлашган! Ниятни қаранг. Йўқ, бунисига мен чидолмайман. Топаман у ҳаромхўрларни. Бўлди, ўйин тугади. Бутундан ҳаммасига нуқта қўйилди!..

У шундай деб энди машинага ўтираётганида Владик етиб келди. У машинадан сакраб тушди-ю, югуриб келиб Арслоннинг ёқасидан оларкан, ичкарига судради-да:

— Ҳароми, шалтогингни ким тозалайди энди?! Ифлос, шунча имкониятни ҳавога совурдинг! — дея бўкирди.

— Қўйвор, мараз! Сенлар айтай мендан қутулиш учун шу томошани уюштиргинглар! Фирдавс мени ўраб олишини билгансизлар! Била туриб «Ўлиб кетсин», деб оловнинг домига ташлагансизлар! — деб Владикдан ҳам ошириб бақирган Арслон ёқасидаги қўлларни силтаб ташлади.

— Нима дединг?! — деди кўзлари чақчайган Владик.

— Эшитмадингми, ифлос! Қулоғинг карми?! Нега мени ўлимга жўнатдинглар, гапир?!

— Ким сени ўлимга жүннатибди?! Ўлимга жүннатадиган бўлсак, қўлингга шунча қурол берармидик?!

— Берардинглар. Керак бўлса, танк берардинглар! Лекин нима фарқи бор, а?! Нима фарқи бор деяпман сенга, танкнинг ичида ўлдингми ёки биттаси оч биқинингга ханжар тиққанидан ўлдингми? Сен яхудиймисан?! Мен ҳам яхудийман! Тушундингми?!

Владик унинг гапларига ҳиринглаб кулди-да, машинаси томонга кетди. Чўнтағида қуролини шартта чиқариб, Арслоннинг пешонасидан отиб ташлаш унинг учун арзимаган иш. Аммо қўрқади. Абрамдан қўрқади. Чунки Абрам унга бу ҳуқуқни бермаган...

— Бўпти, қандай хоҳлассанг шундай тушун. Сўроқ-саволга мен тутмайман. У ёқда эса роса сиқиб сувингни ичишади, шунга тайёр тур. Энди қуролни қайтар, — деди Владик паст овозда.

— Қурол? Уни ҳам эгасига қайтараман, бориб шуни айтиб қўй!

Владик кетди. Чунки у ич-ичидан Арслоннинг ўзгара бошлаганини сезган эди. Агар яна озгина муддат у билан ади-бади айтишадиган бўлса, Арслон Фирдавснинг ўрнига уни отиб ташлаши ҳеч гап эмасди.

Арслон Владикнинг ортидан обдан сўқди ва у ҳам машинасига ўтириди. Бир хаёл ҳайдовчига тўғри уйга ҳайда, демоқчи бўлди-ю, аммо дарров фикрини ўзгартириб:

— Чойхонага борамиз. Мен ўзимга келиб олай, кейин бирор нима ўйлаб топарман, — деди.

Албатта, чойхонада майшат қиласиган вақт эмас. Бироқ чойхонада фақат ишрат қилинмайди. У ерда ёлғиз қолиб бош қотириш, ўпкани босиб олиш ҳам мумкин.

Кимлардир чойхонага буюртма қилган экан, ўшаларнинг ошидан роса бир лаганини Арслон олди. Чойхоначининг қўлига нақд юз сўм тутқазиб: «Мана шуни олгин-да, уларга бошқатдан тайёрлаб бер, ортиқча гапирма, асабим таранг, бирор нима қилиб қўйишим мумкин!» деди.

Шу бўйи кечгача ўтириди. Қорни ҳам роса тўйди. Олдинига маст бўлди. Кейин ухлаб қолди. Оғзи ачишиб уйғонди. Қараса, ҳайдовчиси обдан хурракни отяпти. Уни тепиб уйготиб: «Бор, бизникилардан қайсинисини топсанг, бу ёқقا олиб кел, йигитларни тўплайлик», деди.

Ҳайдовчи норози бўлиб бир нималарни тўнгиллаб гапирган бўлди-ю, аммо Арслоннинг ёнидаги қуролга қўзи тушиши билан кетди.

Ҳайдовчи биргина Саъдуллани топибди. Уни ҳам бозордан. Гўшт растасининг орқа томонидаги кичкина хоначадан. Ўзи тополмасди, Морда топиб берибди. Чунки унинг ўзи яширган экан-да! Бечоранинг ранг-қути ўчиб кетган, бир аҳволда ўтирган экан. Ҳа, ҳар қандай шароитдан ҳам осонлик билан, силлиққина чиқиб кетаман, деб ўйлаб юрган Саъдулла ҳам вақти келса, сичқоннинг инига ҳам сигиб кетаркан.

— Пушти паноҳим, менинг ёлғизгина суянганим! — деди Саъдулла Арслонни кўрган заҳоти. — Бахтимга бор экансиз, омон экансиз. Мен адойи-тамом бўлгандим. Дунё қўзимга қоронги бўлиб кетганди. Сиз ҳақингизда эшитишм билан қайтадан туғилгандай бўлдим!

— Бўлди, бас. Яна ким омон қолди? — дея деворга суянди Арслон.

— Абдураҳмон туллак ва Жавлон хамирдан бошқа ҳамма тирик. Анави икковини ким отганини эса ҳеч ким кўрмади. Бизни ёмон қопқонга туширишди, хўжайн...

— Бунисини ўзим ҳам биламан. Қани бошқалар?

— Ҳамма дуч келган томонга қочди. Бирори уйидан, бошқаси вокзалдан яширинишга жой топган бўлса керак...

— Қуролларни нима қилдинглар?

— Мен яшириб кўйдим. Бошқалар сувга улоқтириб юборишиди.

— Ни-ма?! Сувга?! Эй-й, ... Онангни эмгурларнинг пуллари куймаган-да! Ифлос, қурол у ёқда турсин ҳар битта отилган ўқ учун мен отнинг калласидек пул тўлайман!..

— Хўжайн, жойини биламиз-ку, сувдан олиб чиқиб, артиб-суртсак бип-бинойидек бўлади. Топиб келамиз, хўжайн!

— Кутиб ўтирадими топиб келишингни... Бугун ҳеч қаерга чиқмаймиз. У ёққа ҳозир бориш хавфли. Айтганча, Фирдавснинг одамларидан бирортаси ўлдими, ишқилиб?

— Билмадим?! Ўлгандир, битта эмас, бир нечтаси ўлган бўлиши керак. Кўрдингиз-ку, уларни нима аҳволга солганимизни. Агар орқамиздан ҳужум қилишмаганида бирортасини ҳам соғ қўймасдик. Энди нима қиласиз, хўжайн?

— Эндими? Энди буюртмачини тинчитамиз. Фирдавс билан тил бириктирамиз-да, Абрамни йўқ қиласиз. Чунки Абрам бизни билиб туриб ўтга ташлади.

* * *

Абрам еб-ичишни боғлади. Аммо ундан нарига ўтишга унинг кучи етмади. Биринчидан, жисмонан «пишган» бўлса, иккинчидан, ичаверганидан ҳамма аъзосининг роса тинкасини қуритиб қўйганди. Лекин унинг шайтонлиги ҳали-ҳамон энг юқори нуктада ишлаб турарди.

Владик унинг хонасига кирганида, Абрам шифтга қарангча ёнидаги қизнинг сап-сариқ сочини ўйнаб ётарди.

— Ҳмм, нима гап? — деди у шкаф ойнаси орқали Владикни қўриб.

— Рухсат сўрагани келгандим, — дея жавоб берди қизга зидан кўз ташлаган Владик.

— Рухсат? Ҳа-а-а!!! Эссиз, барибир, одам бўлмас эканда.

— Тўгри айтдингиз... У бизни айбдор қиляпти. Фирдавс ҳамма томонидан ўраб олган экан. Териб ташлабди. Билишмича, ўзидан бошқа ҳаммаси ер тишлаган. Ҳа, ҳайдовчиси ҳам тирик қолган.

— Нима, мен унинг оғзига чайнаб солиб қўйган бўлсан, ютишнинг ҳам эпини қилолмайдими? Ютиш шунчалик ҳам оғирми? Йў-ў-қ, бўлди! Сен умумийга кириб тур, ҳозир чиқаман. Барак шу ёқда, мендан пул ундириш учун турибди. Бор, бор, тезроқ, — дея Абрам оғринганча ўрнидан туриб ўтирида, секин ўгирилиб сариқ сочлига қаради:

— Олинка! Менинг кийимларимни кийдириб қўй-чи.

— Албатта...

Қиз унинг шу эркаллашидан ҳам қўрққан эди. Буларнинг эркаллашига ишонч йўқ. Силаб-сийпаб ўлдириб қўйиши ҳам мумкин. Чунки Абрамнинг қандай одамлигини Олья яхши билади-да.

Абрам чўмилиш у ёқда турсин, ҳатто қўлини ҳам чаймасдан, елкасига халатини ташлаб Баракнинг ёнига борди-да, оёқларини «чайла» қилиб ўтириди. Сўнг Барак томонга юzlаниб:

— Қачон мен сарф-харажатдан қутуламан?! Айт, қачон! Доим отнинг калласидан ҳам катта пул сарфлайман-у,

эвазига ҳеч нима олмайман. Ахир шу ҳам адолатданми, дүстим? — деди.

— Йўқ. Чунки сен эркатойнинг эркатойликларига доим кўз юмиб келгансан. Шунинг учун ҳам ҳақ тўляяпсан. Осиёликка айланиб қолгансан. Тамом-вассалом. Аммо бундай қилиш ярамаслигини мендан яхшироқ биласан.

— Мен бир қарорга келиб бўлгандим. У тасдиқланиши керак эди. Мана, тасдиқланди ҳам. Владик, қўлингдан келса керак... Умуман олганда, қийинчилик туғдирмайди, — деб Абрам Баракка юзланди-да, — менинг қайғумга шеприк бўл. Ёлгизгинам эди, жоий жаннатдан бўлсин, қуй, — деди.

Барак қўлларини икки томонга ёзиб:

— Ҳар битта яхудий, агарчи унинг ярми яхудий бўлса ҳам биз учун азиз ва мукаррамдир. Йўқотиш улкан фожия. Бунинг ўрнига дунёнинг ярмини даф қилсак-да кам. Шундай экан, менинг қадрдоним, сенинг ғаминг менини ҳамдир, — деди ва идишларни тўлдирди.

Учаласи чўқиширмасдан биттада кўтаришди ва идишдагини охиригача ичишди. Шундан кейин Абрам юмшоқ оромкурсига ўтирас экан, кафти билан юзини беркитиб, Владикка:

— Бор, Азроил, бор, энди ишингни бажариб кел, — деди.

Сўнг хизматчиларидан бирига телефон келтиришни буюрди.

Кўнгироқ қилди. Ноль иккига (ўша пайти ноль икки эди, олдига ҳали бир қўйилмаганди).

— Мен қайси ҳурматли билан гаплашяпман? — деди ва жавоб олиши билан гапини давом этказди. — Ҳурматли навбатчи, жудаям беътиборсиз, ишларингизда умуман сифат қолмади. Камина истеъфодаги милиция полковниги, Виктор Сергеевич Андропов бўламан. Бугун Сиргалидан ўтгандаги ўрмонда Фирдавс отлиқ бир каллакесар отишма уюштирган, бир қанча одамни ўлдирган. Ва осонлик билан воқеа жойидан тойиб бўлган. Нима? Фирдавс ким? Оҳ, менинг овсаргина ҳамкасбим, Фирдавс деган боланинг исм-шарифи аллақачон хужжатларингизга киритиб қўйилган. Мендан сўрайсанми шуниям. Қаердан қўнгироқ қиляпман? Бунисини энди онангдан сўрайсан!

Абрам гўшакни жойга қўйди ва хизматчига кўчага чиқиб бирорта телефон буткасидан яна қўнгироқ қилиб қўйишни тайинлади.

— Кетасанми? Жанозани ўтказиб ана ундан кейин...

Барак гапини охирига етказмасдан Абрамга термилди.

— Жаноза бир соатлик иш. Умуман олганда, биз сен билан бирга ўтказиб бўлдик. Самолёт Москвага учиши кепрак, тўгрими? Ана ундан Франкфуртга, сўнгра Майамига йўл оламиз. Оҳ, қанчалик машаққат. Аммо сен қоласан, шекилли??!

— Ха, менинг бу ерда яна қиласиган ишларим бор. Пулларнинг ҳаммасини Америкадаги ўзимизниларнинг банкига ўтказиб қўйсанг бўлаверади.

Абрам унинг гапига кулди. Сўнг қадаҳини тўлдирад экан:

— Қизиқсан-а, Америкада яхудийницидан бошقا банк ҳам борми? — деди.

— Тўгри! Майли, хато мендан ўтди. Лекин бу савдомизга умуман халақит бермайди.

— Тўппа-тўгри.

* * *

— Акагинам, ҳаяжон, кўркув, шубҳа-гумонларнинг ҳаммаси бир бўлиб мени адо қилаёзи. Шунга озгина-озгина олиб тетиклашайлик. Кейин мен сиз айтгандай йигитларнинг ҳаммасини йигиб келаман. Қаерга яширинишмасин, барибир, топаман уларни. Кейин биргалашиб бориб, ўша ярамас яхудийнинг жойини соламиз. Ўзи сизнинг орқангиздан кунини кўряпти у. Ҳа-а, агар сиз бўлмаганингиздан бир кун ҳам яшолмасди. Яна гўдайишига бало борми? — деди Саъдулла ва дастурхон ўртасида турган, аллақачон яримлаб қолган бўйни узунни қўлига олди-да, олдин ўзининг идишини, кейин Арслонникини тўлдиради.

Улар тўқиширишмади. Бир кўтаришда ҳаммасини тугашибди-қўйишиди. Кейин тагин биттадан ичилди. Худди шу пайт эшикдан ҳайдовчи кириб келди. Унинг рангида-ранг қолмаган, ранги докадай оппоқ, кўзлари чақчайган, бир кўли билан биқинини маҳкам чанглаб олган эди.

— Нима гап?! — деди бирдан капалаги учган Арслон.

Ҳайдовчи жавоб бермади. Беролмади. Шундоққина ёнига шилқ этиб қулади ва унинг ортидан Владик кириб келди. Унинг қўлида қонга бўялган пичоқ бор эди.

— Иблиснинг боласи! — деди қаҳр отига минган Арслон ва косани қўлига олди-ю, Владикка қаратат отди.

Воқеа шунчалик тез содир бўлдики, Владик чап беришга улгуролмай қолди. Натижада коса унинг бошига тегди ва қайтиб тушганидан сўнг чил-чил синди. Арслон бирдан ёнидан тўппончасини чиқариб, тезда отишга тайёрлади ва милини Владикка тўғрилаб тепкини босди. «Қарс-қарс» деган иккита овоз деворларга урилиб, акс садо берди. Бу икки овоздан бирини Арслоннинг қуроли берган бўлса, иккинчисини Владикнинг тўппончаси чиқарганди. Бундан келиб чиқадики, Арслон биринчи бўлиб тепкини босган ва Владикнинг нақ юрагини нишонга олган, Владик эса йиқилаётуб қуролини ишга согланди. Унинг ҳам ўқи бекорга кетмади. Арслоннинг боши тешилди. Иккисининг ҳам кўзи қарийб бараварига чақчайди.

— Вой! Вой! Вой, ўлдим! — деди қичқирган Саъдулла олдинига худди қўли билан бекитса, омон қоладигандай калласини яширди.

Ўқ бошқа отилмади. Саъдулла секин бармоқлари орасидан қаради. Иккала зўравон ҳам алчайиб ётибди.

— Қоч, Саъдулла, жонингни сақла, Саъдулла! — деди у ўзига-ўзи ва ташқарига югурди.

Албатта, Владик бир ўзи келмаганди. Яна тўртта шериги бор эди. Улар ҳовлида қолишганди. «Яхудийни яхудий ўлдирсин, сенлар шу ерда туринглар», деб Владикнинг ўзи уларни ташқарида қолдирганди. У «Арслон ҳеч вақоға улгурмайди. Ҳатто киприк қоқишининг эпини қиломай қолади», деб ўйлаган эди. Афсус, бундай бўлмади.

Владикнинг шотирлари токи Саъдулла ичкаридан югуриб чиқмагунича қимирламай, ўқ овози эшитилган томонга қараб туришди. Саъдулла кўриниш берганидан кейин эса югуришди. Саъдуллага индашмади. Бундан фойдаланган «тулки» ошхонага кириб кетди ва унинг шу ёққа кирганини бирор кўрмади.

Владикнинг жасадини кўтариб чиқишиди. Машинага ортишди ва жўнаб кетишиди. Ичкарида эса яна мурда қолди. Уни роппа-роса йигирма дақиқадан кейин етиб келган «Тез ёрдам» машинасидагилар замбилга солиб, устига оппоқ чойшаб ташланган ҳолда олиб чиқишиди...

Абрамнинг эти музлади ва қўли қалтираганча телефон гўшагини кўтарди-да, Хонзодага қўнгироқ қилди.

Хонзоданинг қўлидан гўшак тушиб кетди. У секин ги-
ламнинг устига ўтирида, оёқларини олдинга чўзди. Ран-
ги оқарди. Лабида табассум пайдо бўлди. “Ана сенга, мана
сенга! Болангни ўзинг ўлдиришингнинг ҳожати йўқ. Ана,
ўлдиришибди. Менимча, осонгина ўлдиришган бўлса ке-
рак. Кимнидир жонидан тўйдирган ва ўша кимдир шартта
бўйнига пичоқ тортиб юборган. Ўлиши керак эди-да у...
Лекин нимага ўлади? Нимага?” Унинг кўзидан дувиллаб
ёш оқа бошлади, лабларидаги кулги ўрнини қайғу эгаллаб
олди. “Ҳамма яшаяпти, у тенгилар ўйнаб куляяпти. Аммо
унинг биттагина ўзи ўлиб қолди. Биттагина болам ўлиб
қолди! Мен ўзим ўлдирмоқчийдим, лекин ўлдиришимга
беришмади”.

Унинг боши айланди. Кўзлари тинди. Битта жисм икки-
та кўрина бошлади. Кейин деразадан кимдир ошиб туша-
ётгандай туйилиб кетди. Йўқ, йўқ, қоп-қора плаш кийган,
юзига алламбало ниқоб таққан, аммо ўша ниқоби қоп-
қора бирор ошиб ўтди. Ошиб ўтди-ю, иржайди. Иржайиши
жудаям ғалати, юзини ниқоб билан беркитиб олган-у,
негадир оғзи кўриниб турибди. Ўша оғиз иржайяпти.

— Ҳой ўгри, менда ҳеч бало қолмади! Ҳа, ишонавер
гапимга. Пулларим жуда кўп эди. Лекин эрим олиб кетиб
қолди. Мен сенга айтсан, иккита эрим бор. Мен иккита эр
кўрган хотинлардан бўламан. Биринчи эрим ҳалимдайгина
эди. Аммо обрўйи жудаям баланд эди. Одамлар у кишига
хушомад қилишарди. Қоплаб пул олиб келишарди. Кўй-
кўзи, эчки-улоқларнинг, эҳҳе, қанчасини сўйиб келти-
ришган. Биз қўйишга жой тополмай қолардик-да, қўшни-
ларга тарқатиб юборардик. Аммо у эрим ўлиб қолди. Мен
сенга айтай, ҳой босқинчи, у ўз ажали билан ўлди. Аммо
Арслон унинг боласи эмасди. У Абрамнинг боласи эди. Уни
ўлдириб кетишибди. Арслон ҳам бой эди. Санагани пул эди.
Бироқ, қара, кўролмайдиганлар кўп экан. Ҳоли-жонига
қўйишмади. Шартта ўлдириб қўйишди. Тўгри, менинг ўзим
уни ўлдирмоқчийдим. Ҳа, ўлдирмоқчийдим, овқатига за-
ҳар солиб қўйгандим... Ичмади. Ҳимм, шундай бўлди. Нега
ўлдирмоқчилигимни билмоқчимисан? Марҳамат, менинг
ҳеч кимдан яширадиган сирим йўқ. Агар уни ўлдирсам,
Абрам менинг қорнимга яна битта болани солиб қўярди.
Кейин у бола туғилиши билан тарбияларди. Қарабсанки,

ўша бола бутун дунёни бошқаради. Агар акаси бор бўлса, халақит беради-да. Тўғрими? Тўғрими? Халақит беради... Ҳозир Абрам мени ташлаб кетмоқчи. Биламан, ёшгинаси-ни топиб олган-да. Энди ўшасини...

Хонзода қараса, деразадан ошиб ўтган нусха унга яқинлашяпти.

— Тўхта, тўхта, сен мени ўлдирма. Мен ҳали яшашим керак. Кел, яхшиси, Арслонни биргалиқда қўмиб олайлик! Вой, Арслони-и-и-иммм!!! Арслонимдан айрилиб қолдиммм!!!

У шундай деб бақирганча ўзини орқасига ташлаб юборди. Гилам юмшоқ эди. Шунга қарамай, боши турсиллаб тушди ва Хонзода типирчилай бошлади. Айни чоғда ўғлининг исмини айтиб бақираради.

Абрам ҳаммасини эшитди. Чунки Хонзода секин гапирмади. Бор овозда гапирди. “Жинни бўлиб қолди. Начора, уни даволатишга мажбурман”, дея кўнглидан ўтказди ва гўшакни қўйди-да, бир лаҳза пешонасини силаганидан сўнг, жиннихонага қўнгироқ қилиб, Хонзоданинг уй манзилини берди. “Тезроқ боринглар, йўқса, у ўзини бир нима қилиб қўяди”, — дея кўшиб қўиди.

Ўзининг ҳам кўзидан ёш оққан экан, чўнтагидан дастр-ўмолини чиқариб, кўзига босди. Сўнг оғринганча ўрнидан турган эди ҳамки, Барак кириб келди. У Абрам Хонзодага қўнгироқ қилаётганида ташқарига чиқиб кетган эди. Бошқа хонадан “бошқа томонга” қўнгироқ қилди. Воқеаларни ипидан игнасигача тушунтириди. Кейин буйруқ олди. “Хўп бўлади”, деди қўлини кўксига кўйиб, сўнг қайтиб келди.

— Нарсаларингни йиғишитир, Москвага чақиришяпти сени. Эртага саҳарда кенгаш. Тайёргарлик кўришинг керак экан. Тўгри аэропортга борасан. Самолёт кутиб турибди. У икки дақиқадан кейин учиши керак эди. Аммо сени деб бир соатга кечиктирилди. Жўна тезроқ! — деди Абрамга.

“Ўлдиришади. Бошқа гап йўқ. Аммо қийнаб ўлдиришадими ёки дори-пори бериб, осонгина нариги дунёга жўнатиб юборишадими, менга қоронги... Умримнинг охирини осойишталиқда ўтказмоқчийдим. Афсус, ундаи бўлмас экан”, дея кўнглидан ўтказди Абрам ва Баракка синовчан нигоҳ ташларкан:

— Тавротни ўқигансан-а? — деди.

— Бироқ сенинг Москвага кетишингга Тавротнинг нима алоқаси бор? — деде елкасини қисди Барак.

— Биз жуҳудлар Яхё алайҳиссаломнинг ўн иккита ўғлидан тарқаганмиз. Ўн икки уругмиз. Эсингда бўлса, Мусо алайҳиссалом асоси билан тошга урганида, ундан ўн иккита булоқ отилиб чиққан. Ҳар битта уруг учун алоҳида булоқ. Бундан келиб чиққадики, битта уругнинг одами иккинчи уругнинг булоғидан сув ичишга ҳаққи йўқ...

— Абрам, ўзингни қўлга ол. Мен сендан ижара ҳақини сўрамаяпман. Катталар олдида нақадар ожизман. Шу боисдан ҳам қарзимдан воз кечдим. Бунинг менга қанчалик оғирлигини сенга айтмасам ҳам бўлади. Ахир биз сен билан бирга бировларнинг йиртилган оёқ кийимларини тикиб бойлик орттирганлардан ҳисобланамиз.

— Ҳа, тушуниб турибман. Аммо, билсанг, менга ҳозир ҳеч ниманинг аҳамияти қолмаяпти. Ҳаттоки жонимдан ортиқ яхши кўрадиган пулларнинг ҳам, — деб Абрам ўрнидан турди ва оғир-оғир қадам босганча хонанинг орқа томонидаги шкаф тортмасини қалити билан очди ва бир даста пул олди-да, келтириб Баракнинг қўлига тутқазди.

— Сен билан мен олий ирқ вакилларимиз. Танланганларданмиз. Бу ерда нақд ўн минг...

— Лекин...

— Англадим, — деде бирдан дўстининг гапини бўлди Абрам ва яна қайтиб шкафнинг ёнига борди-да, олдинги-сидан ҳам кўпроқ пул олиб келди, — кўзинг қувнасин, дўстим, кўзинг. Биламан, сен менинг ҳисоб рақамларимдаги пуллар қайғусидасан. Меросхўрим ўлди. Бундан чиқди, пулларимнинг ҳаммаси банкирларга қолаяпти. Худди сен билан менга ўхшаган жуҳуд банкирларнинг қўлларида. Оҳ, улар ҳар иккимиздан-да ақлли жуҳудлар эканликларини ҳозиргина ҳис этиб турибман. Аммо мен сени яхши кўришим ва бор-будимни сенга қолдиришим ҳам мумкин.

— Аниқ биламан, ҳеч қачон бундай қилмайсан. Мен туллакман, сен эса мендан-да ўтган кazzобсан, — деб Барак стулга ўтириди-да, бир варақ қогозни қўлига олди, — мана шунга марҳамат қилиб, Нью-Йорқдаги банкда сақлаётган пулларингни менинг ҳисобимга ўtkазиб қўйсанг, ишонч билан уларни бошқаришга ваъда бераман.

— Оҳ, оҳ, менинг қадрдонгинам, менинг дилимдаги

куртак очилишига қанчалик күмак бериб юбординг-а. Албатта, албатта, мен ўзим шуни истаб турмаганмидим, — деб Абрам шоша-пиша унинг қўлидаги қофозни олди-да, унга биринчи ҳарфни ёзаркан, дарров бошини кўтарди. — Агар ақлим ноқислик қилмаса, Конго давлат банкида пулларинг бор. Бор эди, тўгри, мениничилик эмас. Аммо ҳарна, биласан, бу ёқда бевам қолаяпти. Шу ортимдан қарғаб юрмасин, кел, ўшани унинг номига ўтказиб қўямиз. Биласан, у ўта саводсиз, барибир, ўзинг бошқарасан. Фақат сендан илтимосим, ойига унинг номига тўрт-беш сўм жўнатиб турсант. Унинг ҳам ёши анчага бориб қолди, барибир, йигирма йилдан нарига ўтолмайди. Шундай экан, пуллар шундоқ ҳам ўзингда қолади, — деб Абрам дўстининг қўлига ҳам оппоқ қоғоз тутқазиб қўйди.

Иккита тилхат ёзилди. Аммо ҳар иккиси ҳам шундай ёзилдики, ундан бирор нимани англаб олишга камида бошқа бир жуҳудга Энштейннинг калласи керак бўлади...

Барак Абрамга паспорт тутқазди. У Олғирбоев Ўтбосар исмли одамники эди. Расм эса Абрамники.

— Олмаотага борасан. Поездда. У ердан сени Уйгурисトンга ўтказиб юборишади. Омадингни берсин, — деб Барак Абрамни маҳкам қучоқлади...

Абрам аэропортга борди. Ҳатто самолётга ҳам чиқди. Бироқ шу заҳоти ортига қайтди. Эшикни эндиғина ёпмоқчи бўлишганида шундай қилди. Стюардесса чирқиради. “Эшик ёпилади”, деди. Лекин Абрам қулоқ соладиган аҳволда эмасди. Бунинг устига, зинани ҳам ола бошлашган экан. У вақтида сакраб қолди. Бир лаҳзага кечикканида борми, нақ калласи зинанинг энг тепасига илиниб қолиб, бўйни юлиниб кетиши ҳеч гап эмасди. “Шундай вазиятдан чиқиб кетдимми, демак, омон қоламан, демак, ҳали узоқ яшайман”, дея кўнглидан ўтказишига улгурди у. Бироқ...

У вокзалда эди. Олмаотага эмас, Самарқандга кетишга чоғланганди. Паспорт. Умуман бошқа. Наримон Ҳидоятулин. Миллати татар. Қозонда туғилган. Ҳозир ҳам шу ёқда рўйхатда туради. Ленин кўчаси йигирма саккизинчи уй, еттинчи хонадонда. Бу паспортни у, ҳар эҳтимолга қарши, бундан роппа-роса тўрт йил бурун тайёрлатиб қўйган эди. Бундан ташқари, унда яна учта паспорт бор. Биттасида у арман, иккинчисида грузин, учинчисида хохол. Исми-

шарифлари ҳам шунга монанд. У Самарқандга поездда борди. Кейин енгил машинага ўтиради-да, Тожикистонга ўтиб кетади. Кейин бир юмалаб арманга айланади-да, Ереванга учеб кетади. Ундан сўнг Литва. Литвада яшайди. Бирор икки ой. У ёги ё Португалия, ёки Люксембург. Охирги манзили эса Австралия бўлади...

Абрам вокзалда туролмади. Назаридা, ҳамма унга эътибор билан қараётгандай эди. Шу боис вокзалдан чиқиб кўприк томон юрди. Кўприкнинг устида поезд келишини кутмоқчи бўлди. Аммо кунинг битган бўлса, ажалдан қутулишнинг сира иложи йўқ экан. У кўприк устида бир муддат чекиб турганидан кейин темир тўсиқقا суюнди. Тўсиқ аллақачон чириб битган экан. Зўрга турган экан. Кулашига салгина ёрдам керак бўлиб турган экан. Ва ўша ёрдамни Абрам бериб юборди ва ўзи ҳам тўсиқقا қўшилиб темир ўйлга калласи билан шўнгиди...

Унинг бўйин суюклари қарсилаб синиб кетганини бирор эшитмади. Чунки тепловоз яқинлашиб қолганди... Тепловоз нафақат яқинлашди, балки Абрамнинг калласини танасидан жудо қилиб ўтиб кетди...

* * *

Миразиз ҳаммадан олдин касалхонага етиб борди. Ўпкасини қўлтиқлаганча бош шифокорнинг хонасига кирди.

— Баҳодир Неъматович! — деди ҳансираб. — Биродарим, бошимга ташвиш тушиб қолди. Ўглим, кўёвим яранланган, ҳозир олиб келишади, операция қилиш керак!

— Бўлди, дўстим! — деди Миразизнинг оқарип кетган юзини кўриб, юраги ўйнаган Баҳодир Неъматович. — Сиз ҳеч нимадан хавотир олманг.

У тезда телефон гўшагини кўтарди ва буйруқ берди.

— Зудлик билан жонлантириш бўлимини тайёрланглар, оғир касални олиб келишяпти!

Гўшакни қўйган Баҳодир Неъматович Миразизга юзланди.

— Сизнинг ёрдамингиз кўп бўлган менга. Болам туҳмат билан қамалаётганида сиз олиб қолгансиз. Энди навбат меники. Аввало, Худо, кейин мен. Бор билимимни ишга соламан. Сув ичиб бироз ўзингизга келиб олинг, — дея бош шифокор эшик томонга кета бошлади.

— Баҳодир Неъматович, яраланганлар учта. Кейин ҳеч ким ҳеч қаерга қўнғироқ қиласин...

Врач унинг гапларини эшитмади ё ўзини эшитмаганга олди. Юришдан тўхтамасдан хонани тарк этди.

— Эй, Оллоҳим, жонини олма. Унинг ҳали қиладиган ишлари кўп. Ҳали унинг одамларга ёрдами кўп тегади. Ялиниб-ёлвориб сўрайман, жонини олма! — дея нола қилди Миразиз ва ташқарига югурди...

Улар касалхонани тўла қўршаб олишди. Ҳар битта одам, айниқса, эркак кишининг кимлигини, нима мақсадда келганлигини суриштиришар ва шундан кейингина ичкарига киритишарди. Абдували эса маълумот берувчи хотиннинг ёнига ўтириб олганди. Чунки унинг олдида телефон бор. Исталган дақиқада милицияга қўнғироқ қилиб юбориши мумкин эди...

Операция нақ бир соат давом этди. Анави иккисиники осон эди, лекин уни оддий врачлар ўн беш дақиқа дегандা тутатишди. Аммо Фирдавсни шахсан Баҳодир Неъматовичнинг ўзи операция қилди. Худога ялинди, ёлворди. “Шарманда қилма. Юзимни ёруғ қилгин”, деди. Зикрни тўхтатмади ва шу билан бирга, бор истеъдодини ишга солди. Ниҳоят, операция якунланди. Фирдавс бир маромда нафас ола бошлади.

У жонлантириш бўлимидан чиқди ва биринчи бўлиб Миразизга дуч келди.

— Табриклайман. Худо дегани бор экан. Жони омон. Ҳавф ортда қолди. Энди бу ёғига, Худо хоҳласа, тузалиб кетади, — деди.

Миразиз кўзидан дув-дув ёш оқизаркан, уни қучоқлади.

— Раҳмат, дўстим, яхши кунларингизда хизмат қилай. Кутулиб бўлмайдиган қарзга ботдим. Юрагим тамом бўлаётди. Қизимга нима деб жавоб беришни билолмай эсим кетди. Энди мана бу, — деб дўхтиргинг халати чўнтағига пул солаётганида, Баҳодир Неъматович силтаб ташлади.

— Нима қилганингиз бу? Сиздай одам-а! Менинг боламни пора эвазига қамоқдан олиб қолганмидингиз? Дунёда фақатгина сиз бундай нарсадан ҳазар қиласиз деб ўйлаб юргандим! — деди.

— Мени кечиринг, ақлимни йўқотиб қўйдим. Бунақан-

ги маҳал одам ҳар нимага қўл уриб юборганини ўзи сез-маскан! Унда мен битта семиз қўй сўяман, Фирдавснинг омон қолгани шарофатига қурбонлик қиласман! — деда Миразиз шоша-пиша пулни ўзининг чўнтағига тиқди.

— Бу бошқа гап. Лекин ҳозирмас. Соғайиб чиқсин, кейин...

— Баҳодир ака, сизга бир гапни айтай. Энди бунисига мени уришмайсиз, шароит шунаقا. Фирдавс оддий бир жойда жароҳат олмаганлигини ҳам ўзингиз билган бўлсангиз керак. Шунга кўра, касалхонада қолдиролмайман. Ишончли ҳамшираларингиздан бир-иккисини беринг, дори-дармон ёзид берсангиз, ёрдам қилишади.

— Жойидан қўмирлатиб бўлмайди.

— Бошқа илож йўқ.

— Лекин...

— Тушунаман.

— Майли, мени ишдан ҳайдаб юборишса, олиб бориб қамашса ҳам розиман. Ўзим бирга кетаман. Битта ҳамшира оламиз, шунинг ўзи етади.

— Сизни хатарга қўймайман.

— Бундай ўйлаб қарасангиз, аллақачон хатардаман. Юристсиз, буни ўзингиз яхши биласиз. Мен тез ёрдам машинасига айтаман, айтилган жойга олиб боради...

Иккита тез ёрдам машинасига касаллар ортилди ва биттасига Баҳодир Неъматович, иккинчисига унинг қизи Нодира чиқди. У ҳамшира эди.

Касаллар Ҳасанбойдаги Абдувалининг уйига олиб борилди. Абдували у ерда яшамайди. Шунчаки сотиб олган. Бир йил олдин. Уйнинг курилганига бор-йўғи уч йил бўлган. Ҳамма шароити бор эди...

Шу куни кечқурун Баҳодир Неъматович касалхонага келтирилди. Унинг кўзи кўкарған, бўйнига тиф билан жароҳат етказилган эди.

Касалхонани мелиса босган эди. Бош врач: “Мени мажбурлашди”, деди. “Ким эканликларини танимадим”, деди. “Иккинчи томондан, касални даволашим шарт эди, ким бўлишидан қатъи назар”, деб туриб олди. Манзилни айтмади. “Кўзимни боғлаб олиб боришиди”, деди... Нодира эса ҳеч кимнинг эътиборига тушмаган экан, у ҳақда бирор нима сўрамади.

Гарчи Баҳодир Неъматович Ҳасанбойдаги манзилни айтганида ҳам, у ердан ҳозир бирорни топиб бўлмайди. Мирализ бош врачга йўл-йўриқ кўрсатиб, жўнатиб юборганидан кейин секин бошқа машина чақириб, манзилни ўзgartирганди...

Роппа-роса бир ҳафтадан кейин Фирдавс кўзини очди. Шунча кун унинг тепасида турган Мавзунанинг рангида ранг қолмаганди. У озиб-тўзиб кетганди. “Агар Фирдавс акам соғаймаса, мен ҳам ўламан”, деганди. Йўқ, баҳти бор экан, Фирдавс ўлмади. Қайтага, кўзини очганидан кейин соғайиши тезлашди. Аммо бу пайтда кўчада даҳшатли хабарлар пайдо бўлган эди. Кўчага янги зўравон бўлиб чиққанлардан биттаси қиморда кимнидир обдан туширибди. Табиийки, ютқазган одам бор-будини берса ҳам, қарздан қутуломаган. Бундан жаҳли чиққан зўравон уни “Роҳат”нинг нариёғига ўтказиб ёқиб юборибди. Лекин бечоранинг куни бор экан. Ўлмабди. Келиб ҳаммасини милицияга айтиб берибди. Зўравон ушланган. Сўнг, гап-сўзларга қараганда, у отувга ҳукм қилинармиш. Кейин иккита гуруҳ бир-бiri билан “ҳисоб-китоб” қилгани чиққанида, уларни маҳсус ўраб олишибди-да, битта қолдирмай қириб ташлашибди. Яна Янгийўл ўрмонида отишма уюштирганлар ҳам қидирилмоқда экан. Дарвоҷе, Арслоннинг ўлдириб кетилганини хабари ҳам етиб келди.

— Ҳозир шу пайтгача кўзга кўринмай юрганлар очиқча чиққан пайти. Улар ҳукумат учун кураш олиб боришаётпти. Бунаقا пайтда ҳўлу қуруқ баравар ёнади, секин чеккага чиқиб туриш керак. Бунинг устига, дараҳт борми, бекат борми, столба борми, ҳамма ҳаммасига сенинг расминг илиб ташланган. Қидирудасан. “Ўта ваҳшний қотил” деб ёзib қўйишибди. Демак, остона ҳатлаб чиқишинг ҳам хавфли. Юқоридан буйруқ бўлибди. “Ўлдирсанглар ҳам топинглар!” деган. Яна бошинг учун яхшигина суммадаги мукофот пули эълон қилинган. Хавфли, нафақат шаҳарда қолишинг, балки мамлакатда юришинг ҳам ўта хавфли. Сен тўгри иш қилгансан, фалончи, аслида, айбор деб қараб ўтиришмайди. Олиб бориб тиқишилади. Кейин гарчи бўйиннингга олмасанг ҳам, ҳукм ўқиб юбораверишади. Анави жаҳл отига минган маҳал ҳукм битта бўлади... Ҳозир чиқиб кетиш учун имконият бор. Яна бир муддатдан кейин қийин

бўлади. Буни мен сенга ҳам қайнота, ҳам дўст сифатида айтаяпман, — деди Мираизиз.

У гапираётган маҳал Достон ҳам бор эди. У бир оғиз ҳам гап қўшмади. Демак, иккиси олдиндан келишиб олишган.

— Қаерга кетаман? — деб сўради Фирдавс шифтга тикилганча.

— Швецияга. Менинг эски бир танишим тўрт йил олдин кетганди. Битта фирмада ишлаётган экан. “Ёмонмас”, дейди. У билан гаплашдим. “Келсин, бирор чора топармиз”, дейди.

— Мавзуна-чи?

— Қизиқмисан? Албатта, ёнингда Мавзуна бўлади-да! Қолаверса, Моҳина, Достон, мен, қайнонанг — ҳаммажаммамиз кетамиз.

— Қолганлар-чи?

— Улар ҳозирча Қозогистонда яшаб туришади. Кейинчалик, балки, чақириб олармиз. Тинчгина яшаймиз.

— Келишдик.

Орадан роппа-роса ўн кун ўтганидан сўнг, Фирдавс сафарга ярайдиган бўлиб қолгач, улар йўлга тушишли.

* * *

Сабинанинг кейинги тақдири осон кечмади. Аввало, у ишонгани, суюнгани — Милиса қамалиб қолди. Уни дориларини сотаётган пайти қўлга олишди. Қонун жудаям қаттиқ эди. Таниш-билишчилик, пора деган нарса иш бермасди. Шу боис у нақ ўн икки йилга кесилиб кетди. Сабинанинг чиройига эса бу ерда бирор эътибор бермади. Тўғрироги, битта-иккитаси шилқимлик қилди. Аммо улар Сабинага маъқул тушмади. Камбағаллар. Туркиядан келган гастербайтерлар. Уларнинг мақсадлари битта, ишлари битгунича. Ундан кейин қораларини ўчириб кетишади. Шунда Сабинанинг хаёлига бирдан модель бўлиш истаги келиб қолди. Ва у оёгини қўлига олиб агентликларга борди. Буни қарангки, ёши ўтиб қолибди. Ўзи эътибор бермаган экан, танасининг баъзи-баъзи жойларида сўлиш аломатлари пайдо бўлибди. У қўрқиб кетди. “Наҳотки ҳаммаси тамом бўлган бўлса?” деб ижара уйига келса, отаси Фаттоҳ Норқулович жон таслим қилибди. Инфаркт. Кеча-ю кундуз ичклийдан бош кўтармаслиги унинг умрига зомин бўлибди... Уни қўмиш жудаям оғир кечди. У ёқдан рухсатнома ол, бу ёқдан

рухсатнома ол. Қабристондан жой сотиб ол. Ҳамма-ҳаммаси Сабинанинг тинка-мадорини қуритди. У, сал бўлмаса, отасини пеҷда кўйдиришларига рози бўлаёзди. Яхшики, онаси қаршилик кўрсатди. “Бечоранинг сўнгги кунлари итницидай ўтди. Энди, ҳеч қурса, тупроқнинг остида ётсин”, деди кўзидан ёшини оқизиб...

Орадан олти ой ўтиб, Сабинани яра-чақа босиб кетди. Қандайдир янги касаллик экан, даво топилиши қийин кечди. Яхшики, немис дўхтирларининг инсофи бор экан. Дарров бутун дунёдан шифосини қидиришга тушиб кетишиди. Ва топишди. Жанубий Африка Республикасида бир пайтлар шунаقا касаллик тарқалган экан. Тезда касаллик бартараф этилгач, у ҳақда маълумот тарқалмай қолган экан.

Сабина катта пул эвазига согайишга согайди-ю, бироқ юзида, кўкракларининг устида яра излари қолиб кетди...

Икки йилдан кейин пулнинг туби қўриниб қолди. Агар шу тарзда ётиб ейилса, ижара ҳақини ҳам тўлашнинг имкони қолмайди. Шу боис Сабина астойдил иш қидирди. Қанақа бўлишидан қатъи назар. Ва узоқ сарсонгарчиллардан сўнг қариялар уйидан иш топди. Фаррошлиқ. Босида қўниколмай юрди. Аммо кейинчалик биргина шу иши билан овунадиган одат чиқарди.

Орадан уч йилу саккиз ой ўтга, онаси Роза ҳам жон таслим қилди. Сабина ҳориб-толиб ишдан қайтиб келса, полда қимирламай ётибди. Оғзининг бир чеккасидан қон оққан...

У қариялар уйида яшайдиган бўлди. Ариза ёзди: “Ҳамма иш ҳақим шу ерда қолдирилсан, вақти келиб қариганимда, ҳеч нимага ярамай қолганимда, менга ўлгунимча қарай-сизлар”, деб...

* * *

Фирдавснинг иккала курсдоши ҳам ўқишини давом эттируди. Қолдирилган дарслари учун пора беришди. Аввалига “бўлди, ҳайдаласан” деб турган домлалари дарров ўзгарди. “Майли”, дейишди. “Агар бундан кейин яна шунаقا дарс қолдирадиган бўлсаларинг, бир кун ҳам ўқимайсанлар”, дейишди. Ахир уларга пул ҳаво билан сувдай зарур эди-да. Чунки бир пайтлар улар ҳам студент бўлишган, озми-кўпми дарс қолдиришган, имтиҳонлардан ўтолмаган пайтлари бўлишган ва пул бериш, яъни пора эвазига ҳаммасини жой-

жойига қўйишган. Кейин ўқитувчи бўлиб қолиши учун пул беришган. Сўнгра қарашса, қуруқ ўқитувчилик билан иш битмайди. Қандайдир илмий унвон олиш зарур. Дарров аспирантурага киришган. Албатта, тўппа-тўғри топдингиз, сарф-харажат қилинмаса, бирор аспирантурага олармиди? Ана ундан кейин илмий ишни ёқлаш бор. Эҳхе, бунинг харажатини, мен сизга айтсам, қўрқиб кетасиз... Шундай экан, домла қурғур ҳам қилган харажатларининг ҳаммасини чиқариб олиши керакми? Керак. Нима, Асқар билан Жамшиднинг миясида ҳеч вақо бўлмаса, диплом бериб бўлмайдими? Бўлади. Вақти-соати келиб, иккови ҳам зўр мутахассис бўлиб кетишади... Аслида ҳам, шундай. Уларнинг ҳар икковининг отаси чўнтакларини яна бир мартадан бўшатганларидан сўнг алам устида обдан сўкишган. Ўшанда иккаласи ҳам қасам ичган. “Омон-эсон битириб, бир жойга прокурор бўлиб олайлик, сарфлаган пулларимизни юз баробар қилиб қайтарамиз. Шундай соқقا қиласликки, ҳамма ҳурмат қилсан”, дея ният қилишган... Ҳа, Жамшид ўзининг касофати орқасидан Фирдавснинг ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетганини ора-чора эслаб турарди. “Ишқилиб, бир куни рўпара келиб қолмайин”, дерди. Буни қарангки, уларнинг йўллари бошқа тўқнаш келмади...

Жамшид ўқиши битирганидан сўнг йўлланма билан тўғри вазирликка ишга борди. Оддий ходим сифатида. Хушомаднинг зўрлиги, хўжайинга қилган совға-саломлари ортидан амали бир-икки йилда анчагина ошди. Бироқ у пора олишга шунчалик берилиб кетдики, охири шимининг орқа томонида оёқ кийимнинг изи қолиб, ишдан ҳайдалди. Асқар унга нисбатан узоқроқ ишлади. Аммо соққабозлиги боис, эндиғина капитан бўлганида, думини туғишиди...

* * *

Сабинага уйланиш иштиёқида бўлган Лазиз қайта ўнгланмади. Чунки у ичмаса туролмайдиган аҳволга келиб қолган эди. Олдинига уйидаги бор нарсаларни сотди. Кейин уйнинг ўзини ҳам пуллаб ичib юборди. Ва қиши келгучида кўча-кўйда ётиб юрди. Бир куни уни бекатда совуқдан тарашадай қотиб ўлиб қолган ҳолда топишиди.

* * *

Нормат чўлоқнинг ўлдирилиши Норбой чўпонга омад

олиб келди. Чунки қўйларнинг ҳаммаси унга қолган эдида. Шунга қарамасдан, бирор сўраб келиб қолармикан деган ўйда икки йилча қўйларни боқиб юрди. Кейин ҳаммасини сотиб юборди. Бошлаб, беш ўнтадан. Кейин мижоз чиқиб қолганди, арzon баҳога барини пуллади-да, ота юрти Чироқчига кетди. Машина сотиб олди. Уй-жой қилди. Яна ййланди.

* * *

Швеция. Одамлари содда, ишонувчан, кўзбўямачила, порахўрлар, қаллоблар жудаям оз. Борлариям бир пайтлар бошқа жойлардан келиб қолишган. Агар виждонинг тоза бўлса, бирорни алдамайдиган ҳалол одам бўлсанг, бемалол бу давлатда яшаб кетасан... Фирдавс билан бирга боргандар “шаҳарда яшамаймиз”, дейишди. “Шаҳар тўйдидириб юборди”, дейишди. “Чеккароқ бир жойга борамиз”, дейишди. Ва Йоханссон деган одамнинг маслаҳати билан мамлакатнинг энг шимолий ҳудудларидан бири ҳисобланмиш Юккасъярви деган жойига кетишиди. Шу ерда Торнео дарёси ҳам бор экан. Аввалига туристлар учун қурилган меҳмонхонада яшашди. Кейинроқ Йоханссон ёрдамида ҳар бир оила ўзига кичкина-кичкина уй қуриб олди. Фирдавс эса Йоханссон билан бирга қаҳвахона очди... Ёдгор ва Абдували оиласи билан балиқчилик қилишни маъқул топди. Чунки балиқчиликдан яхшигина даромад қилса бўларкан. Швед Йоханссоннинг гапига қараганда, норвегияликлар айнан мана шу дарёда тутилган балиқларни хуш кўришаркан. Балиқ жудаям кўп эди. Аммо уни тутадиган, сотадиган одам йўқ эди. Уларнинг ишлари дарров яхши бўлиб кетди.

— Эҳ, бундай одамга ўхшаб ишлаб, одамга ўхшаб уйингга келсанг бўларкан-ку! Ўлай агар, фалон нима бўлибди, пистонни нима қиламиз, деб хаёлимнинг бир чеккасига ҳам келтирганим йўқ, — деди бир куни Фирдавснинг қаҳвахонасига келган Ёдгор.

— Кўз тегмасин, амаки, фақат битта илтимос, қовун тушириб қўйманглар, солиқларни вақтида тўланглар. Кейин бизнинг ишимизга ҳам омад тиланглар. Шундай кунлар бўляптики, бирорта одам ҳам қаҳвахонага кирмайди. Ўзи жуда галати иш қилдим-да. Ҳеч ким йўқ жойда қаҳвахона очишга бало бормиди? Йоханссон ҳализамон туристлар қўпаяди, дейди-ю, лекин шу ерларга, манави қор босган

адирларга биروف келишини одам тасаввур қилолмайди, — дея қулди **Фирдавс**.

— Хавотир олма. Ҳеч ўхшамаса, битта қайиқ сотиб ола-сан-да, бизга қўшилиб балиқ овлайсан, — деб унинг қўнглини кўтарган бўлди **Ёдгор**.

Аммо Фирдавснинг иши аста-секин уларницидан ҳам яхши бўлиб кетди. Чунки у Европа ошпазлигига Осиёни-кини омухта қилиш имконини топа олди. Қолаверса, Му-заффар ошпазнинг ҳам жуда кўп ёрдами тегди. Улар тайёр-лаган таомни еганлар ҳайрон бўлишарди. “Бунақангি таъ-мни ҳеч қаерда татиб қўрмаганмиз”, дейишар ва қайта-қайта буюртма беришарди. Албатта, улар ичкиликсиз би-пор нима ейишмасди. Аммо Фирдавс: “Ичкиликка умуман аралашмайман, ҳатто қўлимга ҳам ушламайман”, деганди Йоханссонга. Шунга биноан Йоханссон ўзининг хотини-ни барга қўйди...

Моҳина билан Шерзоднинг тўйи шу ерда бўлиб ўтди.

Мавзуна эса орадан роппа-роса бир йил ўтиб эгизак фарзандни дунёга келтирди.

Шу куни Достон қасамини бузиб Йоханссоннинг бари-га кириб қўйди.

— Мен ютугуликни тақдир бузилгани учун ютдим! Бун-дан бу ёғига авлодларимиздан бирортаси жонини ҳовуч-лаб яшамайди! — дея ҳайқирди у.

(Тугади)



Адабий-бадиий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

БУРГУТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ

Саргузашт-детектив роман

(Олтинчи китоб)

Мұхаррір Суннатулло Саимназаров

Дизайнер Ақбар Исмоилов

Техник мұхаррір Юлдуз Исоқова

Мусақчы Нодира Қурбонбоева

Сахифаловчы Зокиржон Алибеков

Босишга 25.03.2020 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма табоги 16,0.

Шартли босма табоги 10,48.

Адади 3000. ...сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.